

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ИЛҲОМЖОН УМАРОВ

“МАЛИКА АЙЁР” ДОСТОНИ ЛЕКСИКАСИ

(этимологик, функционал-семантик ва стилистик таҳлил)



Тошкент – 2019

УЎК 811.512.133'42

КБК 81.2 Ў36-5

У 47

Умаров, Илҳомжон.

“Малика айёр” достони лексикаси [Матн]: / И.Умаров. – Тошкент: Muharrir nashriyoti. 2019. – 160 б.

ISBN 978-9943-5658-3-8

Монографияда машҳур халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғли куйлаган “Малика айёр” достони лексикаси этимологик, функционал-семантик ва стилистик жиҳатидан таҳлил қилинган.

Ушбу монография олий ўқув юртлирининг филология факультети профессор-ўқитувчилари, магистрант-талабалари, катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчиларига мўлжалланган.

УЎК 811.512.133'42

КБК 81.2 Ў36-5

Монографияни Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти Илмий Кенгаши нашрга тавсия этган (2019 йил 2 апрел, 5-сонли йиғилиш қарори)

Масъул муҳаррир:

Г.Жуманазарова,

филология фанлари доктори

Такризчилар:

С.А.Каримов,

филология фанлари доктори, профессор

А.Пардаев,

филология фанлари доктори

ISBN 978-9943-5658-3-8

© И.Умаров,
© «Muharrir nashriyoti»,
Тошкент, 2019/

КИРИШ

Мамлакатимизда миллий истиқлол туфайли асрлар оша буюк аждодларимиз томонидан яратилган, ғоят улкан, кенг қамровли, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш баробарида уларни яна халқнинг ўзига етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бахши-шоирлардан ёзиб олинган халқ достонларини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш, уларнинг лисоний хусусиятларини илмнинг сўнгги ютуқлари асосида тадқиқ қилиш ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигидаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Халқ достонлари тилини ўрганиш ўта мураккаб жараён бўлиб, улардаги айрим маҳаллий шевага хос бўлган луғавий бирликлар, кесатиш ва қочирим сўзлар, шунингдек, ўхшатиш, сифатлаш, эпитет каби лингвомаданий бирликлар, усуллар адабий тил меъёрларига унчалик ҳам мос тушавермайди. Масалан, айрим ўринларда қўлланилган кинояли сўзлар ёки лингвомаданий бирликлар муайян достоннинг ички сюжетини яққол очишда асосий воситалардан бири сифатида роль ўйнайди. Аммо уларни тўғри маънода қўллаш бахши-шоирнинг ижро услубини бузиб юборишга олиб келиши мумкин. Кузатишларимиз мана шундай йўл тутишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатди.

Ўзбек тилшунослигида халқ достонларининг лисоний хусусиятларини илмий жиҳатдан ўрганиш, хусусан, муайян бахшининг бирор достонни куйлаш жараёнида тилимиз бойлигидан қай даражада фойдалана олишдаги маҳорати, она тилимизнинг сайқал топиши ёки бойишидаги хизматларини асослаб берадиган, умуман, уларни ҳар томонлама, кенг қамровда илмий жиҳатдан ёритиб беришга бағишланган илмий тадқиқотларни бармоқ билан санаса бўлади. Бу ўринда Ш.Шоабдурахмонов, Р.Расулов, С.Турсунов, З.Холмонова, А.Раҳимов, Ж.Холмуродова, А.Холиқов, Г.Жуманазарова ва бошқаларнинг муайян бир достоннинг лексик, лингвопоэтик, функционал-услубий

хусусиятларига бағишланган илмий тадқиқотларини¹ далил сифатида келтириш мумкин. Достончилик мактабларига мансуб муайян бахши-шоирнинг эпик репертуаридаги халқ достонлари тилига бағишланган, жумладан, Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилига бағишланган фундаментал тадқиқотлар яратилди². Булардан ташқари, Ф.Хаитова, М.Жуманиёзова, Х.Абдурахмонов, М.Садриддиноваларнинг ишлари³ халқ қўшиқлари, мақол ва маталларининг лисоний хусусиятларига бағишланган бўлса, Х.Донёров, Н.Махмудов, А.Ишаев, Б.Тўйчибоев, Д.Абдурахмонов, Х.Бектемиров, Д.Ўраева, О.Ўринова, Г.Равшанова, Ш.Чориева, А.Эшмуродов, Н.Хожимусаева, Х.Суюнов ва бошқаларнинг қатор мақолалари ва мо-

¹ Шоабдурахмонов Ш. О художественных средствах языка поэмы «Равшан»: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. - Ташкент, 1949; Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане «Алпамыш»: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. - Ташкент, 1981. - 23 с.; Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. - Ташкент, 1990; Холмонова З. «Шайбонийхон» достони лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): Филол. фанлари номз. ... дисс. Автореф. Т., 1998; Рахимов А.С. Ўзбек халқ достонлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида): Филол. фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. - Самарканд, 2002; Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм достонлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. Тошкент, 2000; Ҳолиқов А.А. «Тўрўғлининг туғилиши» достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. - Тошкент, 2009; Жуманазарова Г.У. «Ширин билан Шакар» достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. - Тошкент, 2008.

² Қаранг: Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлар тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Докторлик диссертацияси - Тошкент, 2017; Шу муаллиф: Халқ достонларидаги ўхшатишнинг лингвопоэтик имкониятлари. Тафаккур нашриёти, Тошкент - 2011; Шу муаллиф: Халқ достонларида сажъ ва тақдорнинг лингвопоэтик имкониятлари, Тафаккур нашриёти, -Тошкент, 2011; Шу муаллиф: Фозил шоир достонлари тилининг лексик-стилистик қатламлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, - Тошкент, 2012.

³ Хаитова Ф.Б. Никоҳ тўйи қўшиқларининг лисоний талкини: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. - Тошкент, 1998. - 24 б.; Жуманиёзова М.Х. Харазм халқ қўшиқлари лексикаси: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. -Тошкент, 1999. - 24 б.; Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1964; Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1985.

нографик тадқиқотлари⁴ ҳам халқ дostonлари тилига бағишланганлигини кузатамиз.

Сўнгги даврларда халқ бахши-шоирларининг эпик репертуаридаги индивидуал услубини аниқлашни кўзда тутадиган, ҳофизасидаги сўзларнинг бойлигини ва миқдорини аниқлаб, умумлаштириб берадиган статистик ва лингвопоэтик тадқиқотлар яратила бошланди. Бу борада Г.Жуманазарова, Д.Ўринбоева, Н.Хожимусаева ва бошқаларнинг⁵ халқ дostonлари лексикографик ман-

⁴ Дониёров Х. Қипчоқ шевалярини ўрганишда халқ дostonларининг роли // Ўзбек халқ ижоди. – Т.: Фан, 1967.-Б.162-166; Маҳмудов Н. Ўзбекнинг ўлмас сўзи // Тилимизнинг тилла сандиғи – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2012. 88-96-б.; “Алпомиш” дostonи лингвопоэтикасига чизгилар // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари, №4.-Т. 2010, 12-18-бетлар.; Ишаев А. Халқ дostonлари лексикасидан // Ўзбек халқ ижоди. Т.: Фан, 1967.-Б.167-177.б. Ишаев А. Дostonлар тилининг баъзи бир хусусиятлари // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликда ўрни. – Т.: 1971.-Б. 173-179.; Тўйчибоев Б. “Алпомиш” ва халқ тили.-Т.: Адабиёт ва санъат, 2001.-160 б.; Абдурахмонов Д., Бектемиров Х. Ўзбек халқ дostonлари ономастикаси // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1964.-Б. 186-191.б.; Ўраева Д. “Авазхон” дostonининг лексик қатламини ўрганиш // Адабий таълим ва ёшлар тарбияси, 3-китоб. – Т., 2010. – 45-46-бетлар; Ўринова О., Равшанова Г. “Алпомиш” дostonида ўхшатиш конструкциялари // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари, №. – Т.: 2010, 73-76-бетлар.; Ўринова О., Ш.Чориева. “Алпомиш” дostonида эпитетлик конструкциялар. Юкоридаги тўплам. – 76-77-бетлар; Эшмуродов А. “Холдорхон” дostonи матнида товуш тушиш ҳодисаси. // Стилистика ва прагматика. – 2-Қисм. – Самарқанд, 2010. 101-103-бетлар; яна шу муаллиф: “Холдорхон” дostonида стилистик формулаларнинг қўлланилиши // Иқтидор.№. Т.: Фан. 2012. – 58-61-бетлар; Хожимусаева Н. “Орзигул” дostonида ўхшатишлар // Стилистика ва прагматика. 2-қисм. – Самарқанд, 2010. 137-140-бетлар; Суёнов Х. “Алпомиш” дostonини ўрганишда компьютер технологиясидан фойдаланиш. – Адабий таълим ва ёшлар тарбияси, 3-китоб. – Т., 50-52-бетлар.

⁵ Жуманазарова Г.У. Ўзбек халқ дostonлари матнининг лингвостатистик таҳлили, Тафаккур нашриёти, Тошкент, 2011.; “Ширин билан Шакар” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2009. - 337 б.; “Малика айёр” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2009. - 491 б.; “Рустамхон” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). –Жиззах: Сангзор, 2009. - 327 б.; “Балогардон” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). –Жиззах: Сангзор, 2010. - 329 б.; “Баҳром ва Гуландом” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2010. - 307 б.; “Зевархон” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2010. - 296 б.; “Лайли ва Мажнун” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор,

баларига бағишланган тадқиқот-луғатларини қайд этиш ўринли.

Тилшунослигимизда муайян бахши-шоирнинг сўз бойлигини белгилашдаги ўрни билан боғлиқ илмий-назарий масалалар ханузгача махсус ўрганилган эмас. Жумладан, Фозил Йўлдош ўғлининг эпик репертуаридан муносиб ўрин олган “Малика айёр” достони ҳам бундан мустасно эмас.

Ушбу монографияда қўйилган асосий мақсад “Малика айёр” достони лексикасини функционал-семантик ва стилистик жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат. Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилди:

- достондаги сўзларни мавзусига кўра гуруҳларга ажратиш ва уларнинг лексик-семантик табиатини очиб бериш;
- достондаги ижтимоий-сиёсий лексиканинг функционал-семантик таҳлилини амалга ошириш;
- достондаги антропонимлар ва топонимларни тарихий-этимологик жиҳатдан таҳлил қилиш;
- достондаги маъмурий-ҳудудий бўлиниш ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни ифодаловчи лексемаларнинг лисоний табиатини тадқиқ қилиш;
- достондаги зоонимларнинг этимологик, функционал ва семантик тадқиқини амалга ошириш;
- достондаги мавҳум маъноли лексик бирликларнинг лисоний хусусиятларини ёритиб бериш;
- достонда қўлланилган кўп маъноли сўзларнинг семантик, лексик-грамматик ва генеологик тадқиқини тавсифлаш;
- достон матнидаги паремиологик бирликлар ва уларнинг услубий хусусиятларини ёритиш.

Айни таъкидланган масалаларга дахлдор фикр-

2011. - 254 б.; “Нурали” достонининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2011. - 275 б.; “Фарход ва Ширин” достонининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2011. - 263 б.; O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlari tilining chastatali lug‘ati. – Toshkent, 2006. – 244 б.; O‘rinboyeva D., Umurzoqov U. O‘zbek xalq dostonlari tilining alfavitchastatali lug‘ati. – Toshkent, 2006. – 395 б.; Yo‘ldoshev B., O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlarining chastatali izohli fraziologik lug‘ati. – Toshkent; O‘ME, 2008. 98 б.; Хожимусаева Н. “Орзигул” достони тилининг луғати (сўзлик, алфавитли луғат, частатили луғат, терс луғат). – Т.: Фан ва технологиялар, 2012. – 387-б.

мулоҳазаларни баён этишда Фозил Йўлдош ўғли куйлаган 1988 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган “Малика айёр” достони матни асос қилиб олинди ва таҳлил жараёнида берилган матндан сўнг қавс белгиси ичида муайян қисқартма (М.а.) шаклидан фойдаланилди ва матн саҳифаси берилди. Бундан ташқари, мазкур монографияда муайян фикр-мулоҳазаларни баён этишда бир қатор луғатларга мурожаат қилинди, улар матнда қуйидаги қисқартмалар тарзида берилди:

ДТС – Древнетюрксий словарь. – Л., 1969. С.396.

ДЛТ – Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотут турк. I–III жилдлар. – Т: 1960–1963.

ЭСТЯ – Севартян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. М.: 1974.

АРС – Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Изд. Русский язык. М.: 1976.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. – Т.1. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. – 679 б.; Т.2. – 2006. – 671 б.; Т.3. – 2007. – 662 б. Т.4. – 2008. – 606 б.; Т.5. – 2008 – 591 б.; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. – М.: Рус тили, 1980.

ЎТЭЛ – Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. – 600; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўзлар ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2003. – 598 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати III (форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). Тошкент: Университет, 2009. – 282 б.

ЎзбМЭ – Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўн икки жилдлик. – Т.: ЎзбМЭ, 2000–2006.

ЎХМ – Ўзбек халқ мақоллари. II жилдлик, I жилд, Тошкент: Фан, 1984, 320 б; II жилд, Тошкент: Фан, 1985, – 340 б.

ЎХМИЛ – Ш.Шомақсудов, Ш. Шораҳмедов Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати, Тошкент: 1990, – 560 б.

АНАТИЛ – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, I–V. – Тошкент: Фан, 1983–1985. I – 1983, 646 б; II – 1983, 642 б; III – 1984, 622 б; IV – 1985, – 636 б.

Монографиядаги фикр-мулоҳазалар ва илмий кузатишларни баён қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари, ҳукуматимизнинг дастурий меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, умумжаҳон тилшунослигида ва хусусан, ўзбек лингвофольклористикасида эришилган илмий-назарий қарашларга бевосита таянилди. Достон матнини таҳлил қилишда тарихий-этимологик, семантик-стилистик, статистик ҳамда компонент-таҳлил усуллардан фойдаланилди.

I БОБ. ДОСТОН ЛЕКСИКАСИДАГИ ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

1.1. Достон лексикасида туркий қатламнинг қўлланилиши

Турк тилшунослигига оид илмий тадқиқотларда, хусусан, И.А.Батманов, В.М.Насилов, А.А.Ражабов, М.Маматқулов, А.С.Аманжолов ва бошқаларнинг ишларида⁶ қадимги туркий тил даврининг фонетик, лексик, грамматик тараққиётининг лисоний хусусиятлари пухта ўрганилган. Қадимги туркий тилга хос хусусиятларнинг ҳозирги туркий тилда кузатилиши ҳам муайян даражада тадқиқ этилганлиги⁷ илмий жамоатчиликка маълум. Фақат буларгина эмас. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламларини ўрганган олим Э.Бегматовнинг қайд этишича, “Қадимги туркий луғат”га киритилган 2 ярим мингдан ортиқ лексемалар бугунги кундаги тилимизда фаол қўлланади ва улар йигирмага яқин лексик-семантик гуруҳга бўлинади⁸. Ҳатто бу лексемаларнинг катта миқдори қадимги туркий тилда қўлланилганлиги ҳам аниқланган. Бу ўринда илмий адабиётлардаги маълумотларни Алишер Навоий даври ва асарларига нисбатан солиштирилса, улар мантиқий жиҳатдан тўғри ва асосли экани аён

⁶ Батманов И.А. Язык енисейских памятников древнетюркский письменности. – Фрунзе, 1959; Насилов В.М. Язык орхона-енисейских памятников. – М., 1960; Ражабов А.А. Язык орхона-енисейских памятников древнетюркской письменности. Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Баку, 1967; Маматқулов М. Аналитический способ словообразования в языке древнетюркских памятников. Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1973; Аманжолов А.С. Материалы исследования по древнетюркской письменности. Автореф. ... дисс. док. филол. наук. – Алма-Ата, 1975.

⁷ Аширалиев К. Древнетюркские элементы в современных тюркских языках. На материале орхона-енисейских памятников. Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Фрунзе, 1969; Базарова Д.Х., Шарипова К.А. Развитие лексика тюркских языков Средней Азии и Казахстана. Ташкент: Фан, 1990.

⁸ Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркских письменности VII века. – Алма-Ата, 1971.

бўлади. Хусусан, XV асрнинг ёзма ёдгорликларида қадимги туркий тилга мансуб лексемаларнинг қўлланганлиги⁹ Навоий асарларида 1400 га яқин қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек тилида муайян даражада истеъмолда бўлгани каби, бу қатламдаги лексемаларнинг қўпчилиги ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам мавжуд. Бу, ўз навбатида, ёзма асарларда, қолаверса, достонлар тилида ҳам ўз ифодасини тўлиқ топганига ҳеч бир шубҳа йўқ.

Халқ достонлари тилига бағишланган тадқиқотларда¹⁰ туркий қатламга хос лексемаларнинг лексик, семантик ва услубий жиҳатлари бир мунча ёритилган бўлса-да, биз тадқиқ этган “Малика айёр” достони мисолида бу муаммо ҳалигача ўрганилмаган.

Халқ достонлари тилидаги туркий қатламга хос лексика ижодкор-бахшининг бадиий маҳорати, эпик қаҳрамонлар фикри, тасаввури, дунёқараши, қизиқишлари, орзу-армонларини ифодалашга ҳизмат қилган. Айниқса, бу борадаги кузатишларимизнинг тасдиқлашича, “Малика айёр” достони тилидаги мазкур қатлам бадиий жозибадорлиги, маъно бўёқдорлиги, услубий имкониятлари билан тўлиқ намоён бўлганки, буни халқ бахшисининг сўз қўллаш маҳоратида кузатамиз. Таъкидлаш жоизки, достондаги лексеманинг ифода семаларини оғзаки бадиий услубда муайян мақсадга мувофиқ акс эттириш халқ бахшисининг эпик тафаккури даражаси, достон куйлаш иқтидори, қолаверса, фантастик бадиий маҳорати билан белгиланади.

“Малика айёр” достони матнида қадимги туркий тил даврида кенг истеъмолда бўлган кўпгина умумтуркий лексемалар қўлланилгани аниқланди. Биз қуйида уларнинг айрим намуналари ҳақида қисқача тўхталиш билан чегараланамиз.

Нуфузли луғатларда (ДТС, 620; ЎТЭЛ, 381) қайд этилишича, қадимги туркий тилдаги “чўзмоқ, тортмоқ”, “сўсткашлик қилмоқ” маъноларида қўлланган *uzamoq* феълига *-t* орт-

⁹ Дадабоев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Ташкент: Наука, 1990. – С. 89-90.

¹⁰ Жумаев А. XV аср ўзбек номаларида қадимги туркий сўзларнинг қўлланилиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1991. №5. –Б. 47-49.

тирма нисбат қўшимчаси қўшилиши билан “*uzatmoq*” сўзи ҳосил қилинган. Алишер Навоий тарихий асарлари матнида ушбу ясама сўз ўз маъносини бироз кенгайтириб, уч хил маънода: 1) “чўзмоқ, йўналтирмоқ”; 2) “қизни узатмоқ”, турмушга бермоқ; 3) “жўнатмоқ, кузатмоқ” каби маъноларида қўллангани аниқланган¹¹. Ушбу лексеманинг саккиз маънода қўлланганлиги ЎТИЛ (IV, 261) да қайд этилган. Биз ўрганган дoston матнида ушбу лексема фақат икки маънода қўлланганлиги аниқланди: 1. “Бирор томонга йўналтирмоқ, чўзмоқ” (қўлни, бўйинни) маъносида: ...*Аввал сени ўзим ўлдириб, сўнгра ёлғиз ўзим борайин деб қўлини олмос-пўлатига узатиб, қилични қўлига ола берди* (27); *Олмадан емоқчи бўлиб қўл узатди, олма дариллаб осмонга чиқиб кетди* (47); *Остидаги Бўзтулпор // Йўлда бўйин узатди* (126). 2. “Турмушга чиқармоқ, етказиб бермоқ” маъносида: *Сизлар кебсиз паризодни узатиб, // Жой ораста, манзил жойлар тузатдик* (183) каби.

Қадимги туркий обидаларида (ДТС, 201) “*ичмоқ*” лексемаси фаол қўллангани қайд этилган. Алишер Навоий асарларида ушбу лексема уч хил маънода: 1) “ичмоқ, нўш айламоқ”; 2) “ваъда бермоқ, қасам ичмоқ”; 3) “вафот этмоқ” маъноларида қўллангани аниқланган. Ушбу лексема ЎТИЛда (II, 251-252) асосан икки хил: 1) “суюқликни ҳўплаб ёки симириб ичмоқ, тановул қилмоқ”; 2) “спиртли ичимлик истеъмол қилмоқ” каби маъноларда қўлланилиши кўрсатилган. “Малика айёр” достонида эса “сув ичишга хоҳиш билдирмоқ, сувни истеъмол қилишга тайёр турмоқ” маъноларида қўлланганини кузатдик: *Мавж урган дарёни беклар кўради // Ташина эдик – деди шунда бу беклар, // Вақти хуш бўб шоду хуррам бўлади, // Ичмакка Авазхон кўнгул қилади* (70); *Авазхон билан Шозаргар мешинг оғзини очиб, ичмоқчи бўлиб туриб эди* (168).

“Қадимги туркий луғат”да (80) *balalamoq* феъли “қуш ва паррандаларнинг бола очиб кўпайиши” маъносида қўлланган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон”ида *bala* сўзи “қуш боласи”ни англатгани таъкидланган. Навоий асарла-

¹¹ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси, – Т., “Фан”, 2016, т 51-бет.

ри тилида эса ушбу феъл лексема нафақат қуш, балки бошқа ҳайвонларнинг кўпайишига нисбатан ҳам қўлланилгани аниқланган¹². *Болаламоқ* лексемаси бошқа туркий сўзлар қаторида ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам фаол учрайди. ЎТИЛда (I, 307) бу сўзнинг икки хил маъноси: 1) “ўзидан насл қолдирмоқ; бола туғиб ёки очиб кўпаймоқ; урчимоқ”; 2) кўчма маънода “кўпаймоқ, урчимоқ” тарзида қўллангани изоҳланган. “Малика айёр” достонида эса фақатгина бир ўринда ушбу лексема қуш (булбул)нинг “бола очиб кўпайиши” маъносида ишлатилгани кузатилди: *Тўти, майна сайраб ётган, // Булбуллар болалаб ётган (170)* каби.

Достон матнида ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланадиган туркий сўзлар миқдори кўпчиликни ташкил этади. Булар: ҳаракат-ҳолатни билдирувчи (*бермоқ, демоқ, кетмоқ, отланмоқ* ва ҳ.к.); белги-хусусиятни билдирувчи (*оқ, кўк, қора, яшил, ёмон* ва бошқалар); нарс-буюм номлари (*ипак, шойи, эгар, узанги* каби); айрим шахс отлари (*элчи, мерган* каби); ҳайвон номлари (*ит, илон, кийик, от, товус* ва бошқалар); олмошлар: *мен, сен, биз, сиз, улар, ҳаммаси, бари* каби; иборалар: *кўзи ёрмоқ, бўйин товламоқ, тил теккизм*оқ ва ҳ.к.; ёрдамчи сўзлар: *учун*; тўлиқсиз феъллар: *эди* ва бошқалар шулар жумласидандир.

“Бошқармоқ, ниҳоясига етказмоқ” маъносида қўлланадиган битказмоқ лексемаси “Малика айёр”да бир ўринда қўлланган: *Ғариб эдим, ҳожатимни битказган, // Ёмон кунда золимлардан қутқазган (195)*. Бу лексема қадимги туркий тилда “туғамоқ”, “тамом бўлмоқ” маъносида қўлланадиган *bit* (ДТС, 132) феълига асосан бир бўғинли феълларга қўшилиувчи *-каг* орттирма даража қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилингани илмий адабиётларда қайд этилган¹³.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги туркий қатламга мансуб *ясамоқ* феъли қўлланиши жиҳатдан жуда фаол. Бу сўзнинг Навоий асарлари тилида бир неча маъноларда қўллангани

¹² Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, – 51-бет.

¹³ Abdurahmonov G., Shukurov Sh., Mahmudov Q. O'zbek tilining tarixiy grammatikasi. –Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. Бет 2008. –В.272.

кузатилган (АНАТИЛ, IV, 596). Ушбу лексема улуғ шоир бобомизнинг тарихий асарлари матнида саккиз маънода ишлатилгани аниқланган¹⁴, ЎТИЛда эса етти маънода қўллангани изоҳланган (V, 121). Биз ўрганган “Малика айёр” достонида ушбу лексема қуйидаги маъноларда қўллангани аниқланди: 1. Иш-фаолият, ўйин ва шу кабига оид нарса (буюм) тайёрламок, ишламок маъносида: *Шозаргар айтди: – Эй Авазжон, қозонни ос, тиллани эрит, сенга шер ясаб берайин (95); Шунда Шозаргар шер ясамоққа иш бошлади, Авазнинг кўнглини хушлади (95).* 2. Ҳосил қилмок (кўриниш, шакл ва шу каби ҳақида) маъносида: *Шозаргар шерни шундай ясаб созлади, ичидан мурват билан очадиган қилиб боплаб ясади (95);бир яхши ажойиб шерни ясабди, айтган билан таърифга тўғри келмайди (97).* 3. “Тайёрламок, безатмок” маъносида: *«Шерни шер суратли қилиб усталик билан ясабди. Бир миниб кўрайик», – деб минди (97); Ғамдан озод бўлинг энди, қаландар, // Юринг, шер ясаган, устаи Заргар (98).*

Нуфузли луғатларда туркий қатламга хос эл сўзининг ҳозирги ўзбек адабий тилида уч маънода қўлланилиши қайд этилган (ЎТИЛ, 5, 29). Ушбу сўзнинг Навоий асарларида “аскар, лашкар” маъносида қўлланилиши ҳам таъкидланган (АНАТИЛ, III, 562). Биз ўрганган дoston матнида эл сўзининг қуйидаги маъноларда қўлланилгани аниқланди: 1. “Бир жойнинг одамлари, аҳолиси, халқи; умуман, кўпчилик одам, халойик, ҳамма” маъноларида: *...Мени гиламга солинглар, бардор-бардор қилиб, Гўрўғлининг тахтига миндиринглар, Туркман элининг дов-жанжалини сўрайин, Гўрўғлидан келган бало бўлса кўрайин (11); Зангор элдан олдинг Орзигул ёрни, // Заррин элдан олдинг Машироқо ёрни, // Исфиҳондан олдинг ой Интизорни, // Арзирумдан олдинг Далли зулфдорни (14).* 2. “Бир юртга, қабилага мансуб одамлар; миллат, халқ” маъносида: *Чамбил элда Аваз ўғлон туради, // Ҳарна қилса, қисматдагин кўради (21); Бориб кўрай элда тенгу тўшимни, // Журинг оға, Чамбил элга жўнайик (32).* 3. “Юрт, диёр, мамлакат” маъносида: *Ғиротни ўйнатиб элдан чиқибсан, // Баҳодирлик дағдағасин қилибсан (36); Чамбил элда мен ҳам бекман, тўраман, // Қилич ўрсам, дарров бошинг оламан (38).* Дoston матнида эл лексемасининг синоними сифатида элат

¹⁴ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба 55

сўзи ҳам қўлланганлик ҳолати кузатилди ва юқоридаги маъноларни ифодалаши аниқланди: *Унда обод эди ўсган элатим, // Остимда бўлмади менинг Ғиротим (178); Ҳар қайсиларимиз ўз юртларнимизга, ўз элатларимизга кетадиган йўлга келдик, отдан тушинглар, – деди (195) каби.*

Туркий қатламга мансуб йўл лексемаси “одамлар, жониворлар ва бошқа нарсалар қатнови натижасида ер сатҳида из босилиб ҳосил бўлган узун, давомли қисм, қатнов қисми” маъносини ифодалаши ЎТИЛ (2, 276)да қайд этилган. Ушбу лексик бирлик қадимги туркий тилда “йўл”; “чора, усул”; “тириклик йўли” (ДТС, 270; Девон, 1, 197), шунингдек, эски ўзбек адабий тилида ҳам юқоридаги маънолардан ташқари “мазҳаб, эътиқод, ҳаётда тутган йўл” маъноларини англатгани аниқланган (АНАТИЛ, II, 82). Алишер Навоий тарихий асарларида ушбу лексеманинг “йўл”; “чора, усул”; “мазҳаб, эътиқод, ҳаётда тутган йўл”; “кема қатнови учун махсус белгилаб қўйилган йўналиш” каби маъноларни ифодалаши кузатилган¹⁵. Шунингдек, ҳозирги ўзбек адабий тилида бу лексеманинг ўн олти маънода қўлланилиши қайд этилган (ЎТИЛ, 2, 276–278). Биз ўрганган дoston матнида ушбу лексик бирлик қуйидаги маъноларда қўллангани аниқланди: 1. “Йўналишдаги ҳаракат жараёни, йўлда давом этаётган юриш” маъносида: *Кўринг Гўрўғли мардди, минди бедов отди, қистаб йўл тортди. Зебит чўлда Шакарқўлга етди (8); Ҳов йигитлар, бир наъра шер бормисан? Аваз йўл билан кетди, сизлар тиклаб йўл тортсанглар, олдидан ўтсанглар, Аваздан илгари Полопон тоғига ўтсанглар (17).* 2. “Босиб ўтиладиган оралик, масофа” маъносида: *Қистаб юрсанг, олтмиш йиллик йўли бор, // Маликада майлинг бўлса, сўраб бор (10); Чув, деб Ғирқўкка қамчи чатди // Мерганларни қувиб чўлда йўл тортди (21).* 3. Умуман, “эпик қаҳрамон қатнови учун махсус белгиланган жой, йўналиш” маъносида: *Шунда Гўрўғли Ғиротнинг бошини буриб, Чамбилга қараб йўлга кириб, кўзини ёшлаб, ўзини отнинг ёлига ташлаб, бу сўзни айтиб бора берди (10).* 4. “Юриш, қатнов йўналиши” маъносида: *Авазхон йўли билан кетди, бу икки мерган йўлнинг тўтасини олиб, Авазнинг олдини тўсиб, қистаб йўл тортди (17).* 5. “Муайян муддатли йўналиш, қатнов қисм” маъносида: *Чам-*

¹⁵ Абдувалиева Д. Таъкидланган манба, 57, 6.

билдан чиқиб, уч кеча-кундуз йўл юриб, Полопонига етди (18); Учови қирқ кеча-қирқ кундуз йўл юрди (37). 6. “Бирор жой, маконга саёҳат ёки бошқа мақсадда қилинадиган юриш; сафар” маъносида: Авазхон: – Ундай бўлса, йўл бошланглар, – деди // – Сиз турганда бизларга йўл бошламоқлик нечук, – деди (20); Бу сўзларни айтиб, нарироқ бориб қараса, олдидан йигирма тўрт шаҳарга борадиган кўп йўл чиқди. Бу йўлларнинг у ёғига, бу ёғига қаради. Қараса, бир йўлда байроқ-байроқ кўп лашкар келаётир – сони йўқ (28). 7 “Муайян юриш, қатнов йўналишининг белгиланган чизиғи, муайян қисми” маъносида: Авазхон бу чорраҳа йўлда уруш бўларини билиб, Ғиротнинг айил-пуштанини маҳкам тортиб, совут, қалқонини жомилиб, отига миниб урушга тайёр бўлиб, лашкарга қараб, бу сўзни айтиб, юзланиб бора берди (28) каби.

“Қўлга киритмоқ” маъносини ифодаловчи олмоқ лексемаси туркий қатламда фаол қўллангани нуфузли луғатларда қайд этилган. Хусусан, ушбу лексеманинг қадимги туркий тилда ўн маънода (ДТС, 32), Алишер Навоий асарлари тилида тўрт маънода¹⁶, ҳозирги ўзбек адабий тилида эса йигирма бир маънода қўллангани аниқланган (ЎТИЛ, 3, 115-117). Биз тадқиқ қилган дoston матнида олмоқ сўзи қуйидаги маъноларни ифодалаши аниқланди: 1. “Қўлга киритмоқ; эга бўлмоқ” маъносида: Шакарқўлидан сўна-суқсурни олсам, сўна-суқсурни олиб келиб қирқ йигитга чулон берсам, – деди (7). 2. “Қўлга киритмоқ; ғалаба қозонмоқ; устунлик қилмоқ” маъносида: Хоннинг назаркарда Ғироти Соқининг белбоғидан тишлади, олиб ерга бир урди (8); Гул Эрамдан олдинг ой Хиромонни, // Зангор элдан олдинг Орзигул ёрни, // Заррин элдан олдинг Машириқо ёрни, // Исфиҳондан олдинг ой Интизорни, // Арзирумдан олдинг Далли зулфдорни (14). 3. “Илтимос қилмоқ, буйруқ бермоқ”, “ният қилмоқ ёки режа тузмоқ” маъноларида: Бу хизматга бел боғлама, Авазжон, // Айтган сўзим ол энди бўз ўғлон (13); Торкистондан Малика парини олиб қолсанглар. Гўрўғли Малика билан овора бўлиб қолар; шунда юртни ўз қўлимизга олсак (17). 4. “Пайдо қилмоқ, ҳосил этмоқ, йиғмоқ” маъносида: Шунда Асад мерган: – Ундай бўлса отмоқ

¹⁶ Абдувалиева Д. Кўрсатилган асар, 56-б.

фақирнинг танида, – деб қўлига ёйни олди (18); Жамоллари ойу кўпдан ғолибди(р), // Кўрганларнинг бежой ақлин олибди (24). 5. “Тутмоқ, қўлга олмоқ” маъносида: Шундай қараса, ёйни қўлига олган. Авазхоннинг ҳа, демоққа ҳолати қолмади (200); Қарамай баланд-пастига, // Олмос олганди дастига (29) каби.

1.2. Форсча-тожикча ўзлашмаларнинг дostonда қўлланилиши

Она тилимизнинг луғат таркибига жиддий эътибор берилса, уларда анчагина форс-тожикча сўзлар мавжудлиги ва миқдор жиҳатидан туркий сўзлардан кейинги ўринда тургани кузатилади. Бунинг ўзига хос тарихий-лисоний омиллари мавжуд: туркий ва форс-тожик тилларининг бир-бирига таъсири, уларнинг бирдан иккинчисига айрим ҳаётий сўз ва ибораларнинг ўтиб ўзлашишига сабаб бўлди¹⁷. Форс-тожикча лексик бирликлар нафақат ўзбек адабий тилидагина эмас, балки унинг лаҳжаларига ҳам кириб келган. Шу боисдан тилшунос олимлар шевалар таркибидаги форс-тожикча лексик қатламни ўрганишга ҳам эътибор беришган¹⁸. Халқ дostonлари лексикасининг форс-тожикча қатлами ҳақида муайян фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса-да¹⁹, лекин “Малика айёр” дostonи лексикасидаги ўзлашган қатлам, хусусан, форсча-тожикча ўзлашмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилмаган. Айни ҳолни ҳисобга олиб, дostonдаги форс-тожикча ўзлашмаларни тарихий тадриж

¹⁷ Боровков А. К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков // Ученые записки ин-та Востоковедения.-М.:1952.; Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форс ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. Туркча (ўзбекча) форсча (тожикча) тил алоқалари. – Тошкент: Фан, 1968.-Б.78; Гулямов Х. Узбекиско-таджикские языковые связи. – Ташкент: Фан, 1983; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Тошкент, 1985. – 200 – б.; Abbosali Vafoiy, Sherali Avezmetov. O‘zbek tiliga o‘zlashgan forsha so‘zlar. –Tehron-Toshkent: “Ал-Худо” халқаро нашриёт, Мовароуннахр нашриёти, 2005.- Б.216-217.

¹⁸ Шералиев Э. Лексика узбекских говоров северо-восточного Таджикистана: АҚД - , 1974. – 19-с.; Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири.-Т., 1974.

¹⁹ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент, 2012. - Б. 72-74.

жихатидан қўлланиш даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўргандик:

а) қадимги туркий тил ва эски туркий тилда фаол қўлланган форсча-тожикча лексемалар. Бундай сўзларнинг айрим намуналари тадқиқ қилинган дoston лексикасида ҳам қўллангани аниқланди. Масалан, гавҳар ўзлашмасини олайлик. Бу лексема “тарашлаб сайқал берилган олмос; умуман қимматбаҳо тошларнинг умумий номи; жавҳар” маъносини англатгани (ЎТИЛ, 1, 473), эски туркий тилда *gavhar*, *gevhar*, *guh̄ar* каби фонетик шаклларда фаол қўллангани аниқланган (ДТС, 195). Алишер Навоий асарлари лексикасида бу сўз “гавҳар, дур, қимматбаҳо тош” маъносида (АНАТИЛ, I, 386) ишлатилгани ҳам қайд этилган. Дoston тилида *гавҳар* лексемаси айни маънода қўлланган: «*Бу ой билан офтобга муҳтож бўлмайик*», – деб яхши олмослардан, дур, гавҳарлардан ой, офтоб қилиб, майда, ўткир қимматбаҳо тошлардан юлдузлар қилиб қўйган эди (86); *Зулфига боғлабди баҳосиз гавҳар*, // *Малойик суратли, гул юзли дилбар* (102). Дostonда *гавҳар* лексемаси кўчма маънода, яъни: “қимматли, бебаҳо, нодир нарса, жавҳар, насл” маъносида ҳам қўллангани кузатилди: *Бино бўлдинг қайси гавҳардонадан*, // *Сендай ўғлон бино бўлмас энадан* (155). Шунингдек, қадимги туркий тилда фаол истеъмолда бўлган *пайғамбар*, *чарх*, *фиғон*, *паришон* каби йигирмадан ортиқ лексемалар дoston матнида қўлланган. Бу сўзларнинг семантик таҳлилига назар солсак, асосан шахс, нарса-буюм, белги-хусусиятни ва мавҳум маънони ифодаловчи форсча-тожикча ўзлашмалардан иборатлигини, эски ўзбек адабий тилига хос маъноларда қўлланганини кузатамиз.

Шахс маъносини ифодаловчи лексемалардан бири *пайғамбар* ўзлашмаси бўлиб, у “хабар берувчи, олдиндан хабар келтирувчи” маъносини ифодалаши аниқланган (ЎТИЛ, 3, 205). Аслида, бу лексема “хабар” маъносини англатадиган *раууот* отига “келтирмоқ” маъносидаги *burdan* феълнинг *bar* ҳозирги замон асосини қўшиб ҳосил қилинган. Бу от таркибидаги *о(а)* товуши форсча-тожикчада *а* товушига алмаштирилган (ЎТЭЛ, III, 252). Бу лексеманинг “Худонинг

хоҳиш-иродасини бандаларига етказувчи илоҳий вакили, наби, расул” (ЎТИЛ, 3, 205) маъносида Алишер Навоий тарихий асарлари тилида ҳам фаол қўлланишда бўлгани кузатилган²⁰. Тадқиқ қилинган дostonда ҳам *пайғамбар* лексемаси фаол қўлланган, матннинг айрим намуналарида *пайғамбарлик* мақоми (даражаси)га эришган наби, расуллар ва уларга дахлдор дин, шунингдек, муқаддас диний масканлар номлари қайд этилган: *Барчанинг отаси ҳазрати Одам*, // *Пайғамбарлик анга бўлди мусаллам* // *Иброҳим, Исмоил, Макка муаззам*, // *Динларнинг чироғи Имоми Аъзам*, // *Муҳаммадга уммат, Ҳаққа мусаллам*, // *Ташиналарни сероб айлар кўп бўлди*. // *Рухинг бино бўлди оламдан бурун*, // *Аршу курси, ловҳи қаламдан бурун* (71); *Самарқанднинг чорбоғи дерлар* – // *Шоҳизинда, эр Дониёл пайғамбар* (72).

Мавҳум маъно ифода этувчи *фиғон* ўзлашмаси тилимизга форс тилидан кириб келган лексема бўлиб, унинг “бақирик, дод-вой; фарёд, йиғи” маъносини ифодалаши аниқланган (ЎТИЛ, 4, 351). Dostonда бу лексема “қаттиқ хафа бўлиш, қайғуриш, алам чекиш туфайли юз берадиган йиғи-сиғи; нола, фарёд” маъноларида қўлланган: *Кеча-кундуз доду фиғон этарман*, // *Қиличимга қирмиз қонлар қотарман* (80); *Сен кетган сўнг тинмай фиғон қилармиз*, // *Ажал етса, биз ҳам бир кун ўлармиз* (121); *Авазжондан жавоб сўранг, Шодмонжон*, // *Кеча-кундуз Ҳаққа фиғон этайик* (45). *Фиғон* сўзига маънодош бўлган *нола* ўзлашмаси ҳам дoston матнида анча кенг қўлланган. Бу лексема кўпинча “ғам-алам, ҳасрат ифодаловчи аянчли овоз; афғон, фиғон, фарёд”, шунингдек, баъзи ҳолларда “ёлвориш, ўтиниш, илтижо ифодаловчи овоз, мунгли товуш” маъноларида қўлланганлиги кузатилди: *Нолиш билан титрар ер билан осмон*, // *Пари энам бўлса қилар юз фиғон* (89); *Қулоқ сол, эшитгин айтган нолага*, // *Шоқаландар дейди мени, садаға* (63); *Ота, эшит менинг айтган ноламни*, // *Тўкарман кўзимдан қонли жоламни* (15).

Белги-хусусият маъносидаги *паришон* ўзлашмаси ҳам тилимизга форс тилидан кириб келган ва “сочилган, тўкилган, тартибсиз; хаёли қочган, хафа; уялиб қолган; безовталан-

²⁰ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, 69. – бет.

ган” маъноларини ифодалаши аниқланган (ЎТИЛ, 3, 223). Бу ўзлашманинг Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасида “пароканда, тартибсиз, хаёли паришон холда” каби маъноларни ифодалашга хизмат қилгани, шунингдек, ушбу сўз туркийча қилмоқ феъли билан бирикиб, “адаштирмоқ, нотўғри хулосага келмоқ” маъносини ифодалагани кузатилган²¹. *Паришон* лексемасининг дoston матнида “фикр-хаёли бир ерга тўпланмаган, диққат эътибори бўлинган, сочилган, тарқоқ, тартибсиз” маъноларида қўлланганини кузатамиз: *Бу сўзни айтиб, мазаси қочиб, хаёли учиб, ақли паришон бўлиб: «Бу қандай, кўрганим тушимми, ўнгимми», – деб кўзи бўзариб, наишаси учиб, кўзини ёшлаб, ўзини ерга ташлаб: «Эй яратган Худойим, мени доғи ҳижронга ташладинг», – деб яна йиқилиб, юзтубан бўлиб, бошини ерга солиб қолди(160) каби;*

б) ҳозирги ўзбек адабий тилида ва дoston матнида қўлланган форсча-тожикча ўзлашмалар. Бундай сўзларнинг қўлланиш даражасини ўрганганимизда, уларнинг мавқеи жуда катта эканини, кундалик ҳаётнинг кенг қамровли жабҳаларида ишлатилганини кузатамиз. Хусусан, ҳозирги ўзбек адабий тили ва шевалари учун умумий бўлган, лекин дostonда фаол қўлланилган форс-тожикча сўзларнинг ўрни алоҳида. Улар: *шаҳар, фарзанд, бефарзанд, ҳам, ҳеч, гап, бурро, подшо, анжом, тоза, зоғ, ҳамма, жаҳон, жон, худо, даркор, шодмон, абгор, ночор, зинҳор, заҳар, банда, зўровон, боғ, боғбон, гул, дум, пар, парвоз, жонивор, душман, хазон, дарвоза, нола, жувонмарг, нобуд, соз, армон, дилбар, камхоб, меҳрибон, пойтахт, моҳ, хонадон, фиғон, дор, дармон, шарманда, гуноҳкор, тахт, тож, сабил, карвон, саросима, маст, паймона, вайрон, пиёда, кирдикор, раҳбар, гажакдор, фарёд, навжувон, чархи, ношод, пир, эшон, ништар, барбод, пешво, гўшт, осмон, мард, гадо, банди, бенаво, муштипар, сарсон, хуррам, жигар, шердил, қаландар, дод, аждаҳор, хуштор, хафа, парво, меҳмон, хуш, нишон, шўр, дев, пари, булбул, тўти, баҳор, жодугар, паризод, нозик, жанзод, зулф, беҳишт, харидор, озод, моҳ, дарбанд, дийда, жувон, жонон, лашкар, ҳамроҳ, сардор, дарбадар, забун, жудҳ, мозор,*

²¹ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, 71 – бет.

лоф, найза, таркаш, овоза, полвон, чаман, калла, бадбахт, бўстон, достон ва бошқалар.

Тилимизга форс-тожик тилидан кириб келган бундай ўзлашмаларнинг семантик жиҳатини кўздан кечирганимизда, семантик таркибида бирор ўзгариш содир бўлмаган ўзлашмалар (*гуноҳкор, созанда, гумон, новвот* каби йигирмадан ортиқ) достон лексикасида анча фаол қўлланганини аниқладик. Қуйида уларнинг лексик-семантик табиати ҳақида қисқача тўхталамиз. Тилимизга форс тилидан кириб келган ва “гуноҳ қилувчи, айбдор” маъносини (ЎТИЛ, 1, 525) ифодаловчи *гуноҳкор* лексемаси достонда хилма-хил семантик маъноларда қўлланганини кузатдик: а) “одобахлоқ доирасидан ташқари, ножўя иш қилган шахс” маъносида: *Кўнглин изза қилдинг шоҳнинг қизини, // Ўлдирарман гуноҳкорнинг ўзини* (86); *Бул тоғанг бўлмасин яна гуноҳкор, // Отангга айтмагин, Аваз зўрабор* (40). б) “жиноят қилган, жиноятчи” маъносида: *Гуноҳкор бандангман, Раҳмон, бўл рози, // Ташналарни сероб қилар кун бўлди* (71); *Маликанинг шерин нобуд қилибсан, // Қаландарлар, гуноҳкор бўб қолибсан* (86).

“Қурувчи, яратувчи; чолғучи” маъноларини ифодаладиган *созанда* лексемаси тилимизга форс тилидан ўзлашиб кирганлиги аниқланган (ЎТИЛ, 3, 544). У ўзлашма ҳам тадқиқ қилинган достонда қўлланган ва “муסיқа асбобларидан бирида машқ қилувчи муסיқачи; машшоқ, навозанда” маъносини ифодалаб келган: *...гужумнинг соясига жинқарча, мусича, муроталибача – жаъми қушлар йиғилиб, ўртада бир лайлакни созанда қилиб, айттириб ўтирибди* (7); *Неча қизлар ўйин бошлаб, // Созандалар созин ушлаб* (104).

“Фикр, фараз; шубҳа” маъноларидаги *гумон* ўзлашмаси достонда “бирор нарсанинг ҳаққонийлигига, тўғрилигига ишонмаслик; шубҳа” маъносини (ЎТИЛ, 1, 524) ифодалашда қўлланган: *Гўрўғли ўғлиман, отим Авазхон, // Чангалимдан қутулмоғинг кўп гумон* (25); *Кетмади бошимдан бир зарра туман, // Қайтиб элни кўрмак бизларга гумон* (44). Булардан ташқари, *гумон* ўзлашмасининг қилмоқ феъли билан бирикиб келиши натижасида “шубҳа қилмоқ, шубҳаланмоқ ёки тахмин қилмоқ, ...деб ўйламоқ” маъноларида ҳам

қўллангани кузатилди: *Мен, сен ҳаяллаб кетганда, сени улар еб ётган экан, деб гумон қилиб турган эдим (40); Сенга дучор бўлган одам ўлади, // Халойиқлар сендан гумон қилади (92); Сиру ҳолинг хабар бергин, қаландар, // Сендан гумон қилар барча одамлар (92).*

“Кристалл шаклли қанд, шакар” маъносидаги *нов-вот* ўзлашмаси ҳозирги ўзбек адабий тилида ва достонда қўлланган. “Шакар қиёмидан махсус тайёрланадиган ялтироқ кристалл қаттиқ оқ ёки сарғиш ширинлик” маъносидаги (ЎТИЛ, 3, 46) бу ўзлашма тилимизга форс тилидан кириб келган ва Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасида²² ҳам қўлланган. Бу от асли “ўсимлик, ўт” маъносини англатадиган тожикча *nabat* оти бўлиб, “оч сариқ ранг” кўчма маъносини ҳам англатади. Ана шу кўчма маъно асосида “шакар қиёмидан махсус тайёрланадиган ялтироқ кристалл шаклдаги қаттиқ ширинлик” маъносини англатадиган *nabat* оти юзага келган²³. Ўзбек сўзлашув тилида бу от таркибидаги *a* товуши *o* товушига, *b* товуши *v* товушларига алмаштирилган; ана шундай сўзлашув тили шакли адабий тил шакли деб белгиланган (ЎТЭЛ, III, 155). Биз ўрганган достон матнида ҳам *новвот* лексемаси айни маъноларда қўлланганлиги кузатилди: *Гулқиз ойим билан Авазжон бир ерда ўтириб, ҳамма қизлар-парилар, бу икки жононга хизматкор бўлиб, олдиларига дастурхон ташлаб, Авазнинг кўнглини хушлаб, писта, руста, қанд, новвот аралашиди, бунинг устига олиб келди қовурма гўштиди, Гулқиз билан шундай қилиб ўтиришди (54).*

в) ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган, лекин достон матнида жуда фаол қўлланган форсча-тожикча ўзлашмалар (*шоҳ, сардор, лашкар, кўшк, канизак, найза, сипоҳи-аскар, муҳрдор кабилар*). Масалан, *каниз* (*канизак*) лексемасини олайлик. Форс тилидан ўзлашган *каниз* лексемаси “чўри; хизматчи, оқсоч хотин” маъноларини ифодалаши тилшуносликда аниқланган: Биз ўрганган достон матнида бу истилоҳ “тутқин аёл, чўри, хизматчи аёл” маъноларида қўллангани аниқланди: *Биз бўламиз Маликанинг канизи, // Кел-*

²² Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, 72 - бет

²³ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, 72 - бет

син деб чорлайди бувишим сизни (98); *Маҳтал қилманг канизларни, // Қўймай об кетамиз сизни* (98); Достон матнида бу лексема “хон, амир ва бошқа амалдорлар ёки маликалар саройидаги хизматчи аёл” (ЎТИЛ, 3, 314) маъноларини ҳам ифодалаган: *Малика шердан тушиб, қаландарлардан ҳол-аҳвол сўраб, ўзининг кўшикига чиқиб кетмоқчи бўлиб, шунда канизларидан Хадича деган канизига буюрди: «Бориб менинг дўстим – Тиллақизни айтиб кел, ўз қизлари билан бирга келсин* (104); *Хадича каниз «хўп» деб Маликадан жавоб олиб, Тиллақизга қараб жўнаб кетди* (104) каби. Достон матнида каниз сўзининг маънодоши (синоними) сифатида форс тилидан ўзлашган канизак лексемаси фаол қўлланган ва “ёш чўри, ёш оқсоч” (ЎТИЛ, 2, 314) маъноларида қўллангани кузатилди: *Гулзамондан Гулқиз ойим бу сўзни эшитиб, ўрнидан тургани малол келиб, канизакларига қараб, бир сўз деб турибди* (49); *Қани бизни мазах қилиб, // Канизакка кулганингиз* (129) каби.

Форс тилидан ўзлашган *сардор* лексемаси “бош қўмондон, саркарда” (ЎТИЛ, 3, 448) маъноларида қўлланилиши аниқланган. “Малика айёр” достонида бу лексема “умуман, қўмондон, бошлиқ” маъносида қўлланган: *Гулқизой париға мақтаб, қизларнинг катта сардори Гулзамон Гулқизга қараб, бир сўз деди* (189); *Аваз жўнагандан сўнг, Аҳмад сардор, йигитларини йиғиб, маслаҳат қилиб айтди...* (16); *Сардор лексемаси “йўл-йўриқ кўрсатувчи; маслаҳатгўй”* (ЎТИЛ, 3, 448) маъноларини ҳам ифодалаган: *Сардор беклар қилди элда маслаҳат, // Қўлингдан кетмасин Чамбилдай элат* (11); *Соқининг сардори эр Саъди Воққос, // Отингдан айланай ё Ғовси Ғиёс, // Ҳақнинг хазначиси Хизир Илёс* (71); *Арза обкеб берди парийи сардор, // Арзанинг сўзидан бўлдинг гуноҳкор* (87) каби.

Форсча-тожикча *лашкар* лексемаси “қўшин, армия” маъносини ифодалагани маълум ҳодиса. Биз ўрганган достон матнида муайян эпик давлатнинг ёки душманнинг қуроли кучлари, унинг бирор қисми маъносида қўлланган: *Иккови бирга-бирга тоғнинг бошига чиқиб қараса, тоғнинг у тарафида душманнинг кўп лашкари бор. Буни булар кўрди* (33). Шунингдек, достонда *лашкар* келмоқ бирикмаси “қўшин билан ҳужумга келмоқ” маъносида қўлланган: *Тоғнинг нарёғига*

лашкар келибди // Кун туман, илғовли кунлар бўлибди (32). Достон матнида лашкар истилоҳи англатган маъносига дахлдор бўлган лашкарбоши лексемаси “қўшин ёки унинг бирор қисмининг қўмондони, ҳарбий бошлиқ, саркарда” маъносида қўллангани аниқланди: *Келаётган лашкарбошлар ҳам Авазни кўрди. Ораси яқин қолган экан, бири-бирига ўраб турди. Аваз: «Бу лашкар қандай лашкар экан», – деди. Бу лашкарлар Арботиндан келаётган эди (27) Лашкарбошилари айтди: «Гўрўғли битта ё иккита бўлиб юрар эмиш, деб эшитар эдик. Бу – тайин Гўрўғлига ўхшайди, – деб лашкар туриб қолди, «келаётган одам Гўрўғли бўлмаса, фил минган полвондан бу ёққа омон ўтмас эди...».* (27).

Достон лексикасидаги форсча-тожикча ўзлашмаларнинг тахлили ҳақида мулоҳазалар билдирар эканмиз, бу ўринда яна бир муҳим масалага, яъни форс-тожик тилига хос морфологик бирликлар ёрдамида ҳосил бўлган ўзлашмалар ва уларнинг семантик табиатига қисқача тўхталишни лозим топдик. Достон лексикасида форс-тожик тилига хос морфологик бирликлар ёрдамида ҳосил қилинган бир қанча содда ясама ёки қўшма сўзлар қўлланган бўлиб, асосга қўшилган ҳар бир қўшимча ёки сўз унга қўшилиб, сўзнинг хилма-хил маъноларини ҳосил қилишга хизмат қилган. Хусусан, достон матнида қўлланган беадаблик, беадад, беажал, беамр, бевақт, бегумон, бежой (шв. бежай), бенаво, бесоқол, бесойиб каби ўндан ортиқ ўзлашмалар форс-тожик тилига хос инкорни, йўқликни, бўлишсизликни ифодалофчи бе-олд қўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинган бўлиб, бу аффикс шахсга оид ҳарактер-хусусияти, ҳолатнинг мавжудлиги (ЎТИЛ, 5, 574) маъносини ифодалаган. Матндаги мисолларга эътиборни қаратамиз: *Шунчалик шаъну шавкатга беадаблик қилиб мунчалик сўзни гапиради (88); Қаландарлар қилди савашди, // Беадад кесди-ку тоғда бошди (147); Шоҳнинг ғзаби келса қаландар, // Беажал ўласан, келган меҳмонлар (87); Худодан беамр ишлар бўлами, // Ажали етмай, бунда чибин ўлами?! (90); Қодир Оллоҳ, сен биласан ҳолимни, // Доно эгам, бевақт берма ўлимни (177); Авазни Чамбилдан олиб келаман, // Бу сўзларни сенга айтдим бегумон (23); Жамоллари ойу кўпдан*

ғолибди(р), // Кўрганларнинг бежой ақлин олибди (24); Сизни кўриб бежай хуштар бўлибди, // Девларнинг чанггига тушиб қолибди (188); Мини чикмабман-ку юртимдан тулпор, // Ишқингда бўлибман бенаво, қаландар (118); Бесоқол боламизнинг ҳоли қандай бўлди, – деб ўзининг манзили-макониға борди (162); Ташна бўлиб қолдим мунда мунғойиб, // Мурдам мунда бўлмасин-да бесойиб (67).

Шунингдек, дoston матнида инкорни, йўқликни, бўлишсизликни ифодалофчи бе- олд кўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинган бир қатор сўзлар (масалан, бетоқат, бежавотир, беқарор, беҳад, беҳуда, беҳузур, беҳуш, безга кабилар) ҳам шахсга оид характер-хусусияти, ҳолатнинг мавжудлигини билдириб келган: Шозаргар бетоқат бўлиб, шахзодадан бу сўзларни сўраганига, у бачча ҳам Шозаргарга қараб, бир сўз деб турибди (156); Қайтиб шу ерга келганда Авазни ўртага олайик, бошини юлайик, бежавотир маликани Чамбилга олиб борайик (35); Буни Гўрўғли султон кўриб, ошиқи беқарор бўлиб, ул паризодга қараб: – Асли жойинг, мамлакатинг қаерда? – деб сўраб турибди (8); Беҳад дунё инъом берар, // Неча қизлар хизмат қилар (99); Беҳуда қилмагин отга зулмди, // Кўролмайсан бориб Чамбил элингди (199); Менинг элу-халқим, қовмуқариндошим, отам-энам эсимга тушиб, кўнглим беҳузур бўлиб отдан йиқилдим, – деди (159); Дийдагирён бўлиб бағрим эзилди, // Нима учун беҳуш бўлиб йиқилдинг (159); Излаб чиқдим Малика паризотимди, // Безга қилганман ўсган юртимди (63) каби.

Шунингдек, дoston матнида норози, ношод, номард, ноилож каби сўзлари ҳам но- олд кўшимчаси билан ясалиб, белги-хусусият ифодаловчи асосга қўшилиб, асосдан англашилган белги, хусусият, ҳолатга эга эмаслик маъносини (ЎТИЛ, 5, 586) ифодалаган: Мен сизларни норози қилолмадим, тегмайман десам, сизлар хафа бўладиган бўлдинглар (195); Ёқамни чок этиб, йиғларман фарёд, // Йиқилсин, бузилсин ул чархи ношод (130); Бизлар бир юртнинг жумарди, // Қирмаганлар номард бўлсин (141); Авазхон Маликани олиб келаман, деб қасам ичиб қўйганини кўриб ноилож жавоб бериб қўйган эди (204) каби.

“Бахти кулмаган, турмушдан ёлчимаган; бахтсиз, бах-

ти қора, бебахт” маъноларини билдирувчи *бадбахт* қўшма сўз форс-тожик тилига хос “ёмон, ярамас” маъносидаги *бад* сўзи ёрдамида ҳосил қилинган бўлиб, салбий хусусиятни билдиради. Бу сўз “ярамас, аблах, шафқатсиз” маъносидаги ҳақорат, қарғишни ифодалайди: *Қаландарга бадбахт қўлин узатди // Қаландар узалиб белидан тутди (138) каби.*

Форс-тожик тилига хос *сер, хуш* компонентлари ҳам янги сўз ҳосил қилишда анча сермахсул²⁴. Тилшунослигимизда сўз олдидан келувчи *сар* компенентининг турли қўшимчалар ва сўзлар билан бирикиб, 120 тадан ортиқ сўз ҳосил қилиши аниқланган. Йигирма ҳолатда шу компонент сўз охирида, ўртасида келиб, янги сўз ҳосил қилиши кузатилган²⁵. Тадқиқ олиб борган дoston матнида “бошлиқ, етакчи; йўлбошчи” маъносидаги *сардор*; “боши айланган, қаерга боришини билмаган, сарсон, овора, ҳайрон” маъносидаги *саргардон* каби ўзлашмалар ҳам қўлланган: *Маст бўлиб боради амалдор беклар, // Барининг сардори Шоҳиқаландар (192); Одамсиз манзилда сенга нима бор, // Бундайин саргардон бўлманг, Қаландар (153) каби.*

“Ёқимли, яхши, ажойиб, шод, қувноқ” маъноси (ЎТИЛ, 4, 430)даги форсча хуш сўзи отларга қўшилиб, “яхши, ёқимли” маъносидаги белги-хусусиятни ифодаловчи қўшма сўзлар ҳосил қилинган (*хуштор, хушвахт, хушдори* каби): *Бу ишлардан Шозаргарнинг хабари йўқ, лекин Шоқаландар бу боладан унинг Маликага хушторлигини эшитган эди (160); Авазхонни косагул қилиб юраман, // Авазхоннинг хушдори ўзим бўламан (23) каби.*

Хуллас, тадқиқ этилган дoston лексикасидаги форс-тожикча ўзлашмалар асос эътиборига кўра ҳаётий ҳодиса, шахс, нарса-буюм, белги-хусусиятни ва шунингдек, мавҳум маъно берувчи тушунчаларни ифодаловчи мустақил сўзлар саналади. Бундай ўзлашмалар кундалик турмуш учун ниҳоятда зарурий ва серистеъмол сўзлар сифатида тилимизнинг луғат таркибига кириб кетган.

²⁴ Гулямов Х. Узбекиско-таджикские языковые связи. — Ташкент: Фан, 1983. — С.9-80-125; Бафоев Б. Алишер Навоий лирикасида “сар” сўзи орқали ясалган қўшма отлар // Адабий мерос. №1. — Тошкент: Фан, 1968. — 184.

²⁵ Гулямов Х. Узбекиско-таджикские языковые связи. — Ташкент: Фан, 1983. — С.9.

1.3. Достонда арабча ўзлашмаларнинг қўлланиши

Арабча сўзларнинг туркий тиллардаги ўрни, уларнинг ўзбек адабий тилига ўзлашиш омиллари тилшунослиқда муайян даражада ўрганилган ва тадқиқотларда ёритилган²⁶. Халқ достонлари матнида қўлланган арабча ўзлашмалар ҳақида ҳам йўл-йўлакай фикрлар билдирилган²⁷, айтиш мумкин ҳаттоки алоҳида муайян бир достон тили мисолида ўрганилмаган. “Малика айёр” достони матнида юз йигирмадан ортиқ арабча ўзлашмалар қўлланганлиги аниқланди. Масалан: *азиз, зиёрат, фойда, дуо, одам, маъқул, маслаҳат, мазах, замон, савлат, сайр, халқ, яқин, ғайрат, ғам, савдо, мағрур, давлат, жабр, раҳм, сир, хабар, зулм, заъфарон, шукур, мулк, ҳасрат, изза, ахир, сиёсат, қиёмат, қисмат, ханжар, жафо, фасл, ақл, комил, қудрат, муқаррар, омон, балки, ҳолат, имон, овқат, макон, боло, ҳазар, улфат, ҳақ, тоқат, ҳийла, айвон, кофир, меҳнат, авлод, ҳусн, либос, фурсат, иззат, аскар, таъриф, Оллоҳ, ҳайвон, аслаҳа, ҳалок, қасд, албатта, асло, тасалли, ғубор, аввал, хаёл, интизор, фалак, ваъда, савол, санам, лекин, сандиқ, насл, жавоб, рухсат, қавм, адаб, ажал, аза, азоб, дин, дунё, либос, азиз, таълим, зурриёд, сандиқ, мурод, авлод, ақл, азим, маслаҳат, вафо, жаббор, саломат* каби.

Араб тилидан ўзлашган сўзларни достон матнидаги англатган лексик маъноларига кўра муайян гуруҳларга ажратиш ўрганиш, қўлланилишининг тарихий тадрижига эъти-

²⁶ Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи масалаларига доир // Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. – Т., 1949, №1.-Б. 89-93; Камолов Ф. Ўзбек тили лексикаси. – Тошкент, 1953; Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форс ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. Туркча (ўзбекча) форсча (тожикча) тил алоқалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б.78; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Тошкент, 1985.-200.б; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (Арабча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). –Тошкент: Университет, 2003; Ҳасанова Д. Арабча луғавий ўзлашмаларнинг ўзбек тили номинатив ва дериватив тизимдаги ўрни. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Тожибоева М. Алишер Навоийнинг “Илк девон”идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талкини. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф.-Тошкент, 2011.

²⁷ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвopoэтикаси. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – 74-81. б.

бор қилиш, матндаги семантик маъноларни этимологик ва лексик-семантик таҳлил қилиш кутилмаган натижалар беришига, янги-янги хулосалар чиқаришга замин тайёрлаши табиий. Айни ҳолни ҳисобга олиб, айрим араб тилидан кириб келган ўзлашмалар ҳақида қисқача тўхталамиз.

Араб тилидан ўзлашган *тақдир* лексемаси “ҳисоблаб чиқариш, ҳажмини белгилаш, эътироф этиш; фараз, эҳтимол; баҳолаш, қиймат” маъноларини ифодалаши тилшуносликда аниқланган (ЎТИЛ, 4, 35). Бу лексема биз ўрганган дoston матнида қуйидаги маъноларда қўлланганлиги кузатилди: 1) “олдиндан белгилаб қўйилган, пешонага битилган кўргилик, қисмат” маъносида: *Қаландарлар унга ҳамроҳ бўлади, // Ҳарна бўлса тақдиридан кўради (69); Тақдири илоҳи шул экан. Мен сизларни норози қилолмадим, тегмайман десам, сизлар хафа бўладиган бўлдинглар (195); 2) тақдир бўлиб: “тақдир юз бериб, насиб этиб, пешонада ёзилгани бўлиб”* маъносида: *Кир, нима тақдир бўлса кўрайик, – деб Авазжонни шернинг ичига киргизиб, мурватларни ҳам маҳкамлаб, беркитиб, созлаб, шерни тезлаб, мухтасар қилиб қўйди (95); 3) “насиб қилмоқ, насиб этмоқ, буюрмоқ”* маъносида: «*Худо тақдир қилса бир кун, // Биз қиламиз бунинг тўйин» (117); 4) “ўз қисматига, кўргуликларига худонинг иродаси, хохиши деб, рози бўлмоқ”: Худонинг тақдирига тан бердим, – деб шул оқшоми билан сўзлашиб, ўйнашиб, кулишиб, сўрашиб, бошдан ўтганларни гаплашибгина ётди. Эрта-мертан тонг отди, қирқин қизлар йиғилиб етди (117); 5) “умуман кўникмоқ; чидамоқ”* маъносида: *Тақдирим тортибди Хурум элига, // Дучор бўлдим Заргарбекнинг қўлига (122); Тақдири давронлар ётди, // Мендай ойим Чамбил кетди (170) каби.*

Араб тилидан ўзлашган қаландар лексемаси “дунё ташвишларидан кечиб, дайдиб юрувчи дарвеш” (ЎТИЛ, 5, 225) маъноларини ифодалаши тилшуносликда аниқланган. “Малика айёр” дostonида бу лексема қуйидаги маъноларда қўлланган: а) “мусулмон динини тарғиб қилиб дарбадар кезувчи, таркидунё қилган, сўфий” маъносида: *Қаландар уйқудан туриб, паризоднинг жағиға бир уриб, олма қилиб, телпагининг таркига солиб, кади-мудбақ сўталарини олиб, Оллоҳ, билоллоҳ деб йўлга*

кириб жўнай берди (60); Бу сўзни қаландар Авазга айтиб туриб эди, яна бир қаландар «олло бир, Оллоҳ», деб дарвозанинг эшигидан кириб кела берди (62); б) қаландар кўчма маъносида: – “дунёдан воз кечган, таркидунё қилган киши; зоҳид”: Авазжон қаландарнинг қадди-қоматига шундай қараса, бошдан-оёғи бирдай қаландар, ҳар яғрини қирдай қаландар, бошида кулоҳ, қўлида сўта (62); Қаландар парининг тиззасига бошини қўйиб, жамолига тамоша қилиб, ухлаб қолди. У паризод Қаландарнинг бошини ерга олиб қўйди (60) каби.

Араб тилидан ўзлашган ханжар лексемаси “икки тамонлама тиғли қурол, дудама” (ЎТИЛ, 4, 383) ёки “кескир пўлат қурол” маъносида қўлланганлиги аниқланди: Ана энди, қаландарлардан эшитинг. Қаландарлар шунда, уруш асбобларини, кескир ханжарларини олиб, Авазжонга айтди: – Эй болам, бизлар яна бир ерга борамиз, шунда борганда, уруш бўлиб қолса ҳам ажаб эмас(137); Мен кўрдим, пастки таблада девларнинг от-анжоми, кескир пўлат ханжарлари турган экан, шулардан бировини сайлаб, яхши тулпордан миниб ол (157). Достон матнида дастага ўрнатилган ясси ва узун тиғли қуроллар сифатида пўлат ханжар, олмос ханжар номлари ҳам учрайди: Эй Шозаргар, сиз кетар бўлсангиз, мен ҳам кетаман, сиздан айрилмайман. От учун, яроқ-асбоб, пўлат ханжар учун хафа бўлманг, ҳар нима десангиз, Тиллақизингиздан топилади, – деди (119); Шундай қараса, Боймоқ девнинг хазинахонасида бир олмос ханжар турибди, жуда ўхшатган, ёмон кунда керак бўлар деган, йиғиб қўйган ханжари, уни ҳам олиб, ўзининг белига маҳкам осиб олди (158); Ханжар истилоҳининг достон матнида “ёрдан узоқлик, айрилиқ, соғинчлик” каби кўчма маъноларда қўлланганлигини кузатамиз: Ёр ханжари ўртаб менинг бағримни, // Беш юз йиллик йўлдан пою пиёда (65); Жафо тиғи бу кун жондан ўтади, // Айролиқ ханжари бағрин йиртади (96) каби.

Араб тилидан ўзлашган давлат лексемаси достон матнида “мамлакат, ўз элига, ҳалқига эга бўлган подшо, хон” (ЎТИЛ, 1, 537) маъносида қўлланилган: Бу давлатни менга берганди раҳмон, // Ул мени буюрган Гўрўғли султон (37); Бу сўзга, давлатли хоним, қулоқ, сол, // Магар душман келса, бўлади поймол (48); Шундайин давлатли хон бунда келибди, // Билмам сизга ё

харидор бўлибди (49). Давлат лексемаси арабча “бойлик” маъносида, хусусан, “мол-дунё, мол-мулк” маъноларида фаол қўлланганлиги ҳам кузатилди: Ушбу дамнинг дамларини дам дема, // Шукур қилгин, давлатингни кам дема (36); Бир мулку давлатли қиларман, // Етмиш йил зўлоҳда ётдим (112). Баъзи ҳолларда дoston матнидаги маъноларнинг мутлоқ тескари-си, яъни “катта бойлик, мол-мулк”ни йўқотмоқ маъносида ҳам қўлланган: Бошдан тожи, қўлдан бериб давлатди, // Бир одамман қурдинг сен ҳам суҳбатди (54); Тойрилди бошингдан тожу давлатинг, // Ажал етди, балки тўлди муҳлатинг (55) каби. Достонда матнида аркони давлат бирикмаси “давлатнинг улуғлари, давлатнинг таянчлари” (ЎТИЛ, 1, 537) маъносида қўлланганлиги кузатилди: Икковинг ҳам бир ёр учун йўлларда кўп сарсон бўлиб, шунча подшоҳлик шавкатидан, аркони давлатдан кечиб, яёв мундай қаландар бўлиб юрмоқ не даркор (65); Давлат қўнса, гар чибиннинг бошига, // Семурғ қушлар салом берар қошига (66); Шунда икки қаландар Боймоқ девнинг манзилини, аркон-давлатини, кўшқу айвонларини, ҳамма қулфли жойларини ахтариб кўрди (152); Ана шундай қилиб, Гўрўғли шоду хуррам бўлиб пойтахтга чиқиб, аркони давлат билан ўйнаб-кулиб, дунёда яшаб юра берди (207). Давлат лексемаси достонда “катта миқдордаги бойлик, бахт, омад” каби кўчма маъноларда ҳам қўлланилганлиги аниқланди: Жияним, нимага индамай қолдингиз? Боймоқ дев деганга номи пастроқ учрадими? Боймоқ дев тоғангизнинг давлати катта; Боймоқ девнинг етмиш минг кўкқашқа девдан жилловдори бор (58); Бошдан тожи, қўлдан бермай давлатни, // Қирқ кун берсин яна бизга овқатни (94); Бошида бор экан жиға давлати, // Урушли кун Рустамча бор ғайрати (139); Маликани олиб давлатли беклар, // Қаватида Авазбекдай зўрабор (203). Булардан ташқари, дoston лексикасида давлатли шунқор бирикмаси ҳам фаол қўлланилганлиги кузатилди: Неча сўз айтарман мендай гажакдор, // Қўнглингни бўлмагин, давлатли шунқор (188); Ғиротни ўйнатиб давлатли шунқор, // Бекларнинг олдида бўлгандир сардор (193); Бу сўзларни айтиб давлатли шунқор, // Чилтон берган бунда айёр либосин (201) каби.

Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган маслаҳат лексемаси дoston тилида хилма-хил лексик-семантик маъноларда

қўлланганлиги кузатилди: а) эпик қаҳрамонларнинг “бирор ишни қандай қилиши, ёки умуман нима қилиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ тарзидаги фикр, мулоҳазаси” (ЎТИЛ, 2, 551) каби маъноларида: *Мана бу Қизилқумни, омон бўлсак бориб кўрамиз, – деб икки қаландар, Авазхон учови чинорнинг олдида кўп сўзларни гаплашиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб: – Эй болам, гапдан нима чиқади, йўл юрмоқ аълороқ. Энди йўл юрайик, – деди (66); Энди бу қизлар билан бирга бораёик, ҳар нима бўлса, кўрайик; бизларнинг ишимиз Малика билан бўлади», – деб икковлари бир-бирлари билан маслаҳатлашиб ўринларидан туриб, қирқин қизлар билан бирга жўнай бердилар (100); б) “Тавсия, таклиф тарзидаги гап” (ЎТИЛ, 2, 550) маъносида: *Эндиги маслаҳат: дори-дармон қилаёик, Авазни тузатиб олайик. Аваз ўзи учун хизмат қилиб Торкистонга борар, Малика парини олар, бизлар шаҳарларни томоша қилаёик кўрганимиз қолади (35); в) “Кенгаш фикр алмашиш” маъносида: Жаҳонни, ажойиб-ғаройибларни кўрдик», – деди. Энди йўл юрмоқчи бўлиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб, Авазхон, Шодмон мерган, Асад мерган учови отланиб, икки қаландар яёв, телпаги қаққайиб бу икки жобоклик одам бўлиб, Қизилқумга тушиб жўнай бердилар (66); г) “маслаҳат қилмоқ, маслаҳатни бир жойга қўймоқ” каби маъноларда: *Аваз жўнагандан сўнг, Аҳмад сардор, йигитларини йиғиб, маслаҳат қилиб айтди: – Гўрўғли отини Авазга берди: остига мингандир Ғиротни, ҳар ерга борса топади муродни. Шу баччағарнинг бор ғайрати; бир кунлари Маликани олиб келар, кейин номи бекликка уят бўлар (16); д) шунингдек, “ўзаро ёки бирор киши билан маслаҳат қилмоқ, кенгашмоқ” маъноларида ҳам қўлланганлиги кузатилди: *Бир хилини кийиб олди. Ҳеч бир еридан камсиз бўлди: «Энди маслаҳат Шоқаландарда, мин деса, минамиз, тур, деса, турамиз, ҳар нима буюрса қиламиз», – деб турибди (158) каби.****

Тилимизда “осмон, осмон гумбази” (ЎТИЛ, 4, 321) маъноларини ифодалайдиган арабча фалак лексемаси дostonда қуйидаги маъноларида қўлланганлиги аниқланди: а) “ердан юқорига қараганда гумбаз, қубба шаклида бўлиб кўринадиган фазо бўшлиғи, осмон гумбази; осмон, кўк” каби маъноларда: *Бу сўзни Малика Гўрўғлига айтиб, бир ағанаб туриб, каптар либосини кийиб фалакка парвоз қилиб, учиб жўнай берди. Кўшк-айвонлари ҳам фалакка равоқ-қўрғонлари билан кўчиб жўнай*

берди (9); Сен булардан хабардор бўл, Шозаргар, // Фалакда учади, жодугар девлар (162); Қаландар бу суякларни оралаб дар ҳайрон бўлиб юриб эди, фалакдан бир дев учиб қуюлиб келаётир, етмиш минг кўкқашқа девдан жоловдори бор, тиззаларида бир бинойи – яхши бесоқол баччаси ҳам бор (72); б) кўчма маънода, яъни “тақдир, қисмат, кўргулик” маъносида: Хазон бўлиб боғда гуллар сўлади, // Шум фалак бошига савдо солади (20); Фалак уриб қолди бизди, // Кўролмаймиз улу қизди (45); в) хафа фалак: “тақдир ва қисматдан зорланиш, афсусланиш” маъносида: Илоҳим раҳм айласин қонли ёшимга, // Хафа фалак оғу қўшиди ошима (68); Хафа фалак солди зулм, // Обод бўлгай ўсган элим (9); Фалак титрар Авазнинг нолишига, // Кўзлар ғубор бўлар оққан ёшига (31) каби. Тилимиздаги “бахтсизлик, мусибат; бало, офат” маъноларини ифодаладиган арабча шум лексемаси фалак истилоҳи билан бирикканда, яъни шумфалак истилоҳи “бахтсизликка ёки ҳалокат келтирувчи, бахтсизликка дучор қилувчи” маъносида қўлланганлиги кузатилди: Шум фалак бошига савдо солибди, // Отнинг изи қизил қонга тўлибди, // Ё ярадор ёки Аваз ўлибди (34); Хазон бўлиб боғда гуллар сўлади, // Шум фалак бошига савдо солади (20) каби.

Хуллас, ҳозирги ўзбек адабий тили шевалари учун умумий бўлган арабий ўзлашмалар ёзма манбалар орқали кириб келган арабча сўзларга, қолаверса, форс-тожикча сўзларга нисбатан жуда кам миқдорни ташкил қилади. Бундай лингвистик ҳолат ўзбек шевалари лексикасида ҳам, тадқиқ қилинган дoston лексикасида ҳам кузатилди.

II БОБ. ДОСТОН ЛЕКСИКАСИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

2.1. Достондаги сўзларнинг мавзуий гуруҳлари ва уларнинг лексик-семантик табиати

Дунё халқлари тилшунослигида тилнинг луғат бойлигини ташкил этувчи сўзларни мавзуий гуруҳлар асосида тасниф қилиш, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам сўзларни тематик (мавзуий) қаторларга кўра тасниф қилиб ўрганиш тажрибаси аллақачонлар исботланган. Э.Бегматовнинг таъкидлашича, «тематик гуруҳлар» атамаси икки тушунчани англатади: сўзларни тасниф қилишнинг лингвистик методларидан бирини ва ушбу методда тасниф қилинган тил материалининг лексик гуруҳларини. Тематик гуруҳлар аввало, илмий метод (лингвистик усул)дир. Бу усул ёрдамида белгиланувчи лексик гуруҳларни тил материали беради. Сўзларни гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилиш тилнинг халқ ҳаёти билан боғлиқ хусусиятларини ҳам намоён қилишга имкон беради. Бу жиҳатдан тематик тасниф методи лингвосоциологик қимматга эга. Тематик тасниф маълум лексик қатламларга ёки конкрет услубларга оид сўзларни гуруҳлаш учун, муайян диалект ва шевалар лексикасини ёки тилнинг маълум социал тармоқларига оид сўзларни гуруҳлаш учун, баъзи ҳолларда алоҳида ёзувчиларнинг луғавий бойлигини намоён этиш учун ҳам қўлланилади»²⁸.

“Малика айёр” достони лексикаси ўзига хос хилма-хил мавзуий гуруҳларни ташкил этиб, улар, ўз навбатида, бир неча семантик гуруҳ ва гуруҳчалардан иборат. Достон лексикасида қўлланган барча сўзлар, асосан, номинатив-тавсифий вазифани бажаришга хизмат қилган. Достонда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, эпик қаҳрамонларнинг турли хил ҳаракатлари, бир-бирига муносабатлари, ўзаро суҳбатлари, уларнинг муайян эпик маконларда фавқулоддаги тасвирини ифодаловчи лексик бирликларнинг деярли кўпчилиги ўз

²⁸ Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 121.

маъносида, айрим ҳолларда кўчма маънода қўлланган. Лисоний бирликнинг матндаги бадий-услубий қўлланиши дoston тили, унинг эпик тасвирига юксак даражада бадийлик бағишлаган. Биз дostonда фаол қўлланган лисоний бирликларни турли мавзуий гуруҳларга бўлиб, алоҳида-алоҳида тасниф қилиш орқали улардаги лексик-семантик хусусиятларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишни лозим топдик. Чунки бундай йўл, бир томондан, дostonда қўлланган сўзлар мажмуи ҳақида, иккинчи томондан, уларнинг таркибий жиҳати, матндаги лексик-семантик хусусиятлари бўйича муайян илмий хулосалар чиқаришга имконият яратади.

Дoston лексикаси бўйича кузатишларимизнинг тасдиқлашича, нарса ва ҳодисалар номига мансуб сўзларнинг қўлланилиши даражаси энг юқори, улар миқдоран кўпчиликини ташкил этади ва биринчи ўринда туради; иккинчи ўринни эса иш-ҳаракатни англатувчи сўзлар гуруҳига тегишли бирликлар эгаллайди. Фикримизча, мантиқ нуқтаи назаридан ҳам шундай бўлиши лозим. Чунки мазкур дoston матнида қўлланган тил бирликларининг аксарияти нарса-ҳодисалар ва эпик қаҳрамонларнинг номини билдиради, улар ўз навбатида бир-бири билан ўзаро муносабатга киришиб, предикативликини шакллантирувчи, иш-ҳаракатни англатувчи сўзларга боғланиб, гапни ташкил этишда фаол иштирок этади. Дoston лексикасида нисбатан кейинги ўринларни нарса-ҳодисаларнинг (кенг маънода) белгисини билдирувчи ва аниқлаб келувчи сўзлар, ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сўзлар; шахс, нарса-ҳодиса ва ҳаракатнинг миқдорини аниқлаб келувчи сўзлар эгаллайди. Ундан кейинги ўринларни ёрдамчи сўзлар, шунингдек, нарса, шахс, белги ва ҳаракатга ишора қилувчи, кўрсатувчи сўзлар эгаллайди; дostonда ундов ва тақлид сўзлар; шунингдек, кўмакчи ва боғловчи вазифасида қўлланадиган сўзлар эса жуда кам миқдорни ташкил этади. Шу фикр-мулоҳазаларга асосланиб, дoston лексикасидаги сўзларни қўлланиш даражасига кўра қуйидаги мавзуий гуруҳларга ажратдик, уларнинг ҳар бирини матндан олинган мисоллар асосида лексик-семантик жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қилдик:

I. Нарса-ҳодисаларнинг номларини ифодаловчи сўзлар. Бу гуруҳдаги сўзлар дostonда қўлланилиш даражасига кўра энг фаол, миқдор жиҳатдан кўпчилигини ташкил этади ва ўз навбатида, бир неча белги-хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. “От (ном) сўзнинг лексик маъно ташувчи қисми предметлик маъносини ифодалайди. Бундай маъноли лексема предметни ҳам, предмет деб тасаввур қилинувчи мавҳум тушунчани, воқеа-ҳодисани, белгини ҳам англатади”²⁹. От сўз туркумига хосайни лисоний хусусиятларни ҳисобга олиб, дoston лексикасидаги сўзларни ишимизда «наrsa-ҳодисаларнинг номларини ифодаловчи сўзлар» деб номладик ва уларни лексик-семантик жиҳатидан қуйидаги тартибда таснифладик.

1. *Инсон танаси аъзоси номлари.* Ўзбек тилшунослигида халқ дostonларининг лингвопоэтикасини ўрганган олима Г.Жуманазарованинг қайд этишича, бадиий асарлар сингари ҳар қандай халқ дostonларининг ҳам асосий мақсади инсон ҳаёти ва фаолиятини тасвирлашдан иборат. Инсон тарихан физик-анатомик (нутқ аппарати ёрдамида сўзлаши), руҳий-психологик олами (онг, ақл-фаросат, сезги, идрок, ўй-хаёл, тасаввур, тафаккур, хотира, ирода, темперамент, эрк, нутқ, ёқимли-ёқимсиз ҳис туйғуларига эга бўлиш), тарихий (муайян даврга хослик), географик (маълум бир ҳудудларда яшганлик), ижтимоий алоқалар (инсоннинг инсонларга бўлган муносабати) каби қатор мураккаб тузилишлардан иборат хусусиятларга эга. Шу боисдан ҳар бир инсон кундалик ҳаётида у ёки бу фаолияти давомида, муайян хатти-ҳаракатлари жараёнида ўзининг тана аъзоларидан бирор мақсадда фойдаланиши табиий. Масалан, ўзаро мулоқот жараёнида ёнидаги шеригига рад жавоб бериш учун қўлини тез-тез силтайди ёки калласини у ён-бу ёнга қимирлатади; қошини ҳаракатга келтиради ёки лабини дўрдайтиради; кечирим сўраш учун бошини эгиб туради ёки қўлини кўксига қўйиб ҳаракат қилади; бирор нотинч хабарни эшитганида юраги дукуллайди ёки қалтирайди; пешонасини тириштиради ёки кўзи

²⁹ Ўзбек тили грамматикаси (Морфология). I том. – Тошкент: Фан. 1975. – Б.124.

пирпираб ёшланади; қошини чимиради ёки афтини буриштиради; хурсандчиликни эшитганида фавқулодда кулади ёки қаттиқ қарсақ чалиб юборади, баъзан қорнини селкилатиб ўйнаб кетади, аччиғи келганда оёғи билан бирор нарса-ни тепади ёки қўли билан синдиради ва ҳ.к.³⁰. Бинобарин, бу ўринда кундалик ҳаётдаги каби халқ достонларининг мумтоз намуналаридан бири “Малика айёр”да эпик қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, унинг муайян образи яратилар экан, сўз заргари учун достон ижросида инсоннинг тана аъзоларидан бири тасвир объекти бўлганлигини инобатга олиб, уларни қуйидаги икки ички гуруҳга бўлиб тасниф қилдик:

а) *эпик қаҳрамон танаси ташқи аъзолари номлари*. “Одам, ҳайвон, қуш ва умуман, жонли организмлар гавдасининг таяниб туриши ва юриши ёки ўрмалаши учун хизмат қиладиган аъзо маъносида”ги *ауақ* // *ауау* сўзи қадимги туркий тилда ҳам (ДТС, 27), эски ўзбек адабий тилида ҳам (АНАТИЛ, 1, 46) фаол қўлланиши аниқланган. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *оёқ* сўзининг бир неча шаклдош вариантлари ҳам достонда фаол қўлланган: ... *олдидан бир газадан лоп этиб бир одам чиқиб қолди. Қаради: бир филни минган, икки оёғи чим ерни омочдай тилган* (21); *Оёқларин бир-бир босиб, // Пастки кўшиқига жўнади* (21).

Қадимги туркий тилда ишлатилган *egin* сўзи “елка” маъносида (ДТС, 166), Навоий асарларида “бўйин, тан, кишининг гавдаси” ҳамда “елка, кифт” маъноларида қўлланган (АНАТИЛ, 568). Ушбу сўзнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида 1. “орқанинг елка ва бўйин орасидаги устки қисм”, 2. “киши танасининг кийим кийиладиган устки қисми”, 3. “енгил кийим-бош” маъноларида қўлланганлиги аниқланган (ЎТИЛ, 5, 20). Биз ўрганган достон матнида ушбу сўз икки (кийим-кечакнинг уст қисми ва овқат емоқ) маъноларида қўлланган: *Нозик тилман сўзлар бошлаб, // – Келаётир ойимчалар, // Ярашиққа енгни тишлаб, // Саф-саф турган санам қизлар* (117); *Ҳаяллатмай, дарров кесинг бошини, // Ўртага олиб енг бунинг гўшини* (38).

³⁰ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). – ДД., – Тошкент, 2017. – Б.27-28.

Ўз қатламга тегишли “гавданинг кўкрак қафаси билан бўкса ўртасидаги энг хипча қисми маъносидаги” (ЎТИЛ, 1, 218) *bel* сўзи қадимги туркий тилда ҳам (ДТС, 93), эски ўзбек тилида ҳам (АНАТИЛ, 1, 262) омоним сифатида фаол ишлатилганлиги аниқланган. “Малика айёр” дostonи матнида бел сўзининг 20 га яқин шаклдош вариантлари қўлланилган: *Ўйнар остида Бўз оти, // Белда кескир пўлати (126); Белида ярқиллар кескир пўлати, // Не жойларда билмам ўсган элати (49); Остимда юз алвон ўйнайди отим, // Белимда ярқиллар кескир пўлатим (36)*. Дoston матнида бел сўзи туркийча боғла феъли билан боғланиб “бирор ишга астойдил киришмоқ, жазм қилмоқ” кўчма маъносида ёки унинг мутлоқ тескараси, акси маъносида қўлланган: *Аваз ўғлон Чамбилдан баҳодирлик номини қилиб, бу Торкистон шахрига бормоққа бел боғлаб, баҳодирман деган Аваз, бугунги кунда қаландарларнинг қўлида олма бўлиб, бедов отлари тўрғай бўлиб жулбираб қола берди... (68); Майдон бўлса сотар эрдинг ширин жон // Олмосингдан қуяр эрдинг қирмиз қон // Бу хизматга бел боғлама, Авазжон (12)*. “Тананинг бўйиндан юқори қисми” маъносидаги *бош* лексемаси қадимги туркий тилда *bas* фонетик вариантыда кўп маъноли сўз сифатида истеъмолда бўлган (ДТС, 86). Ушбу сўз эски ўзбек адабий тилида ҳам (АНАТИЛ, 1, 319), ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам (ЎТИЛ, 1, 332) ўзининг кўп маънолилиқ хусусиятини сақлаган бўлиб, дoston матнида икки хил вариантда (*бош ва калла*) қўлланган: *Душманлар кесмасин тандан бошимни, // Сулатмасин гавда билан лошимни (32); Айиқдай бўп чинқириб, // Қаландарни яна кўриб, // Ўлдик, деб ярадор девлар, // Калласин ерга солиб (150)*.

“Ўхидлаш, ўхид билиш аъзоси; шу аъзонинг ташқи қисми” маъносидаги (ЎТИЛ, 1, 38) *бурун*, *бурни* лексемаси қадимги туркий тилда ҳам (ДТС, 126), эски ўзбек тилида ҳам (АНАТИЛ, 1, 337) шаклдошлиқ (*burun* “аввал, илгарги”) хусусиятига эга сўз сифатида дoston матнида қўлланган: *Рухинг бино бўлди оламдан бурун, // Аршу курси, ловҳи қаламдан бурун (71); Қаради: бир филни минган, икки оёғи чим ерни омондай тилган, соқол мурти ўсиб кетган, аймашиб келиб, оғзи-бурнини босиб кетган (21)*.

Дostonда *бўйин*, *кўз*, *бўғин*, *кўкрак*, *манглай*, *қўл*, *бурун*, *оғиз*, *қорин*, *тирноқ*, *жағ* каби соф туркийча лексемалар ҳам

қўлланган: *Бир токнинг нарти келиб, Авазнинг бўйнидан уриб қолди. Авазхон токка ўралиб, бўйни бўғилиб ўлаёзиб қолди (47); Бу девларни кўриб, мерганларнинг ранги-туси учиб, қони қочиб, кўзи олайиб, бўғини қалтираб, мазаси кетиб қолди (47); Йиғлаб-йиғлаб сувсизликдан иложини тополмай, қандай қиларини билмай, кўкрагини нам ерга бериб ётди (70); Юқоридан келиб Авазнинг манглайига қўйиб юборди. Авазнинг манглайи ёрилиб қолди (47); Девларнинг қўлида ғариб, мунғойиб, // Энам, синглим йиғлар сочини ёйиб (156); Шунда сен улай-булай де, ўзимни ўлдираман, деб жўртага бир пичоқни олиб қорнингга урмоқчи бўл (76); Мен айтурман бир бошидан, // Қонлар оқиб тирноғиндан (160); Шунда бир дев боланинг жағиға урди... (76);*

б) эпик қаҳрамон танаси ички аъзолари номлари: (тиш, тил, танглай, юрак, суяк, жигар-бағир каби). Тишим тушиб, оёқ гўрга етганда // Ахтараман Маликадай парини (62); Тиллари танглайга борди-да, қотди // Сувсизликдан оша жабрлар ўтди (66); Бораётир Тиллақизи, // Баданлари пириллаб, // Ўзин босиб тўхтатолмай, // Юраклари зириллаб (127); ...хирмон бўлиб турган суякнинг олдига бориб, суякка қараб зарб қилди: «Ёрил!» – деди. Суяклар ўртасидан ёрилди (74); Жигар-бағрим кабоб этиб, // Юрган кунлар эсга тушиб (120).

2. Қавм-қариндошлик, яқинлик тушунчаси номлари. Қариндошлик атамалари лексиканинг энг қадимги қатламларга мансублиги, бундай атамаларнинг лексик-семантик гуруҳлари ҳар бир тилнинг луғат бойлигига кирганлиги ва уларнинг 98 % ини қадимги туркий тил даврида қўлланган атамалар ташкил этиши тилшуносликда исботланган³¹. Халқ достонлари матнида қўлланган қавм-қариндошлик, яқинлик тушунчаси номлари Г.Жуманазарованинг ишида³² бир мунча ўрганилган бўлса-

³¹ Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. – Т.: Фан, 1966. – 150 б.; Покровская Л.А. Термины родства тюрских языках // Историческое развитие тюрских языков. – М., 1961. С. 11; Холманова З. Бобурнома лексикаси. – Т.: Фан, 2007. – Б. 76.; Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – 82-84 б.

³² Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – Б. 20.

да, “Малика айёр” достони мисолида тадқиқ этилмаган. Шу боис мазкур номлар ҳақида қисқача тўхталамиз.

“Фарзанди ёки фарзандлари бўлган хотин (ўз туққан фарзандларига нисбатан) маъноси”даги *эпа* (ЎТИЛ, 3, 125) сўзи қадимий туркий тилда *ана* (ДТС, 43) фонетик вариантыда, “фарзандли, бола-чақали эр киши (ўз болаларига нисбатан)” маъносидаги *эта* (ЎТИЛ, 3, 151) сўзи қадимги туркий тилда *ата* (ДТС, 65) фонетик вариантыда фаол қўлланишда бўлгани аниқланган. Ушбу лексемалар ҳозирги ўзбек адабий тилдагидек, “Малика айёр” достони матнида ҳам *ота*, *эна* шаклида, баъзан жуфт (ота-энанг каби) ҳолда қўлланган: *Шу хизматга, ота, ўзим бормасам, // Отажоним, ўғлим деганинг бекор* (12); *Ота-энанг юришингдан беҳабар, // Элу халқинг сендай бекка интизор* (158); *Мен шу девларнинг қўлидан сени қутқараман, ота-энангга, қавму қариндошингга омон-эсон етқарман* (76).

“Опанинг эри (опанинг ука ва сингилга нисбатан) эканлик мақоми” маъносидаги *почча* сўзининг кипчоқ шева-сига мансуб *езна*, *жезда*, *жезна* каби синонимик варианты ҳам қўлланган: *Бу сўзни одамхўр езнам билмасин, // Қўнглига оғир олиб қолмасин, // Қора кунни биздай шўрга солмасин, // Қаҳр айлаб одамхўр жезнам келмасин* (36). “Битта ота-онадан дунёга келган бола, ўғил, қиз ёки ака-ука, опа-сингил (ота-онага нисбатан)” маъносидаги форс-тожикча *фарзанд* ўзлашмиси, туркийча *ўғлон*, *болам*, *ўғил-қиз*, *бола-чақа* каби лексемалари ҳам дoston матнида қўлланган: *Ғазотга минади бекнинг фарзанди, // Юз алвон ўйнайди бекнинг Ғироти* (14); *Шодмон ака, эшит айтган сўзимди, // Саломат кўрайин ўғил-қизимди* (44); *Жавоб тиланг бирга-бирга қайтайик, // Бола-чақа қолмасин-да қон йиғлаб* (45); *Ёш ўғлоннинг билмагани билдиринг, // Урмай, сўкмай шодиёна кулдиринг* (37); *Чам-билбелда Юнус, Мисқол опам бор, // Юнус пари, Мисқол опам омонми?* (38). Шунингдек, “онанинг туғишган синглиси ёки опаси” маъносидаги *хола* ёки аксинча, “онанинг туғишган акаси ёки укаси” маъносидаги *тоға*, “отанинг туғишган опаси ёки синглиси” маъносидаги *амма*, “опа ёки сингилнинг фарзанди” маъносидаги *жиян* каби қавм-қариндошлик,

бир-бирига яқинлик тушунчаларини ифодаловчи лексемалар дoston матнида фаол қўлланган: ...менинг туғишгангина аммамнинг ўғли бўласиз экан (53); Сен эшитгин тоғаларинг сўзини, // Бизлар кўрдик бек езнамнинг ўзини (39); Мен гапнинг ростини сўрайин, қўрқманглар, бу келган жондор жиянимиз бўлар экан, – деб Авазжонга қараб, бир сўз дегани (37).

“Жинсий жихатдан эркак тоифасига зид, фарзанд кўриш, эмизиш қобилиятига эга бўлган одам; аёл”, “бирор эркак никоҳидаги аёл” маъносини (ЎТИЛ, 4, 415) ифодаловчи хотин лексемаси, шунингдек, “аканинг хотини” маъносидаги янга, чеча лексемалари ҳам дoston матнида учрайди: Ундан кейин, иккаламизнинг умримиз бу юришга ўтмай, бир хотин оламиз деб, йўлда сарсон ўтиб кетар экан (14); «Йўли бўлган йигитнинг янгаси олдидан чиқади», дегандай бу санамлар бизларнинг олдимиздан чиқиб қолди (182). Шунингдек, дoston матнида “бобо, ота-боболар, аждод” маъносидаги авлод, исми-зот, насл каби лексемалар ҳам қўлланган: Бу сўзима хабар бергин авлодингни, Менга билдир сен ҳам исми-зотингни? (92); Бу дев ҳайбатлидир, оша зўрабор, // Одам насли бўлолмайди баробар (74); Авазхон кулчани тўрт синдирум қилиб: – Олинг бобо, – деди (61).

Ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тилидаги қавм-қариндошликни ифодаловчи сўзлар гуруҳининг тузилиш хусусияти, хусусан, аффиксация усули орқали ясалишига доир муайян изланишлар ҳанузгача олиб борилмаган. Аслида бундай сўзларда бир ўзакдан тузилган сўзлар қатори қавм-қариндошлик номлари ҳам учрайди. Дoston тилида фаол қўлланилган ота, ака, ука, она, тоға, жиян, келин каби туб ўзакдан тузилган қавм-қариндошлик номлари сирасига аслида бирдан ортиқ морфемадан тузилиб, бир туб ўзак ҳисобланадиган сўзлар ҳам киради. Масалан, келин сўзи келмоқ маъносидаги феълдан олинган бўлиб, -ин морфемаси билан бирга бир ўзак саналади: Меҳмон бўлингиз бир кеча, // Хизмат қилар қиз-келинча (183). Оғайни сўзи эса аслида “оға ва уни” маъносини ифодалаб, жуфт ҳолда оға-уни (ака-ука сифатида) икки қаҳрамон номи саналади. Дoston матнида бу лексема икки қаҳрамон шахси эмас, бир эпик қаҳрамон шахси маъ-

носида дўст, биродар лексемалари орқали қўлланган: «Бориб менинг дўстим – Тиллақизни айтиб кел, ўз қизлари билан бирга келсин. Дўстим мендан ўпкалаб юрмасин, у ҳам бизнинг устала-римизга тилла шер ясашиб олсин. Дўстим билан икковимиз сайри боғларда шерларни миниб, бирга-бирга юрамиз» (103); *Узоқ йўлга ҳамроҳ бўлган биродар, // Ҳамдам бўлган меҳрибоним, ҳўш энди (189) каби.*

3. *Махсус ўрин-жой номлари.* Достондаги бундай сўзлар икки гуруҳга ажратилиб ўрганилди: инсон томонидан бунёд этилган муайян макон ва ўрин-жой тушунчаларини ифодаловчи сўзлар достонда кўплаб учрайди: *майхона, меҳмонхона, уй, хазинахона, табла (отлар турадиган оғилхона, отхона), қалъа, обхона, жевахона, сардабо, тўпхона* каби: Бу сўзни айтиб кўнглини хушлаб, майхонага эргаштириб бошлаб олиб борди (41). Девлар Аваздан миннатдор бўлиб, меҳмонхонага киргизиб, меҳмонларнинг остига тўшак ташлаб ўтирғизди, кўп сийлади (41); «Дев тоғаларинг бор, шу дев тоғаларингнинг уйига борсанг, тоғаларинг бирга бориб, сенга йўл кўрсатиб, Маликани топиб беради» – деб эди(58); *Ҳамма ернинг эшиги очиқ, хазинахоналар ҳам очиқ, ичидаги яхши олмос ханжарлар йўқ (162); Жуда катта чинор. Унинг ён ёғини қўрғон қилиб, девор қилиб қўйибди (59); Табладаги тулпор отларни кўрди (154); Излаб энди шаҳзодасин // Кўрди-ку қўрғон-қалъасин (151) каби.* Достоннинг эпик қаҳрамонлари нутқида *обхона, жевахона, сардабо, тўпхона* каби турли хил жой номлари кетма-кет тарзда саналган: *Чамбил шундай Чамбил: олтмиш обхонали, етмиш жевахонали, саксон сардаболи, тўқсон тўпхонали Чамбил (6).* Мазкур матндаги жой номларининг луғатлардаги изоҳларига эътиборни қаратамиз, *обхона* форсча сўз, ўзлашган қатламга мансуб ва сувли, нам жой, алоҳида зах ва қоронғи хона, зиндон (ЎТИЛ, 3, 77); *жевахона* қурол-аслаҳахона ёки эгар-жабдуқлар сақланадиган махсус жой, отлар турадиган уй; *отхона* (ЎТИЛ, 2, 80) эканлиги қайд этилган. Ўзбек тилига форс тилидан ўзлашган *сардабо* «сув танқис ҳудудларда уни тўплаш ва сақлаш учун деворлари цилиндрсимон, юқори қисми аъло сифатли пишиқ ғишт ва ганчдан гумбаз шаклида махсус қурилган, атрофида сув ки-

радиган тешиклари бўлган ҳовуз» (ЎТИЛ, 3, 448) маъносини, шунингдек, *тўпхона* тарихий лексема сифатида «Ўрта Осиё хонликларида: тўплар, қурол-аслаҳалар сақланадиган жой; арсенал» (ЎТИЛ, 4, 243) маъноларини ифодалашга хизмат қилади. Кўрамизки, «Малика айёр» достони матнида *обхона*, *жевахона*, *сардоба* ва *тўпхона* сўзлари турли хил махсус ўрин жой номлари, хусусан, *олтмишта обхона* (алоҳида зах ва қоронғи жой, зиндон), *етмишта жевихона* (эгар-жабдуқлар сақланадиган жой), *саксонта сардоба* (сув сақланадиган жой), *тўқсонта тўпхона* (қурол-аслаҳа сақланадиган жой) маъноларида қўлланилган ва эпик қаҳрамон нутқида тилга олинган.

4. *Фасл ва вақтга оид тушунчалар номлари*. Достонда “сутканинг қоронғу тушганидан тонг отгунча ўтадиган қисми; тун” маъносидаги туркийча кеча сўзининг қўлланиш частотаси анча кенг (баъзан кеча шаклида, баъзан кеча-кундуз шаклида учрайди): *Ҳаммаси қолди беҳабар, // Кеча-кундуз биз йиғлармиз (120); Ошиқ фаҳми оқшом кеча, // Ҳолин билмаган бир неча (180); Бирор кеча меҳмон бўлсин парилар, // Биз билан йўл бошланг, турган қаландар (183).*

Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган, эскирган сўзлар қатламига мансуб *сафар* лексемаси «қамария йил ҳисобида 29 кундан иборат иккинчи ойнинг арабча номи» (ЎТИЛ, 3, 461)ни ифодалайди. «Малика айёр» достонидаги Соқибулбул нутқида бу лексема такрор-такрор қўлланган: – *Э, Гўрўғлибек, бу ойни нима ой дейди, сафар ойи дейди. Сафар ойида ўн саккиз пайғамбар сафар қилди. ... Шундай азизлар сафар ойида сафар қилиб, омон келган эмас; шундай одамлар омон келмаганда сенинг (ҳаддингми) бу сафар ойида сафар қилиб омон келмак? – деди (6) каби*. Достонда *қиш*, *баҳор*, *савр* каби фаслга оид тушунча номлари ҳам фаол қўлланган: *Қишман ёз ўртаси ҳишшай саврди(р) (14); Яна баҳор бўлса очилар гуллар (169)*. Шунингдек, *кун*, *ҳафта*, *ой*, *йил* каби вақтга оид тушунчалар номлари дoston матнида фаол қўлланган: *Гулни кўрса саҳар сайрар булбуллар (169); Орадан ҳафта-ўн кун ўтди (10); Ўн олти ойда келар менинг муҳлатим // Ўн олти ойда йўл-йўлима дарлагин, // Ҳар маҳал ваъдадан тобил, // Майдонли кун*

пўлат добил (29); Гўрўғли: – Ҳов Авазжон, Малика айёр пари менга: «Қистаб борсанг, олтмиш йилда борасан», деб эди. Сен олтмиш йилда борсанг, олтмиш йилда келсанг, орадан юз йигирма йил ўтар экан, узоқ йўл эмасми, бориб олтмиш йил шу юртга турсанг, орадан юз саксон йил ўтади (14).

5. Овчилик билан боғлиқ тушунчалар номлари: (ов, шикор каби). (41); Остимга миндирсанг қиз белли тулпор // Шикор қип отлансам кўп узоқ йўллар (11).

6. Металл ва маъдан номлари. “Менделеев даврий системасининг” биринчи гуруҳига мансуб кимёвий элемент, оқ-кўкиш рангли ялтироқ, асл металл” маъносидаги туркийча *kütüs* (кумуш) (ЎТИЛ, 2, 427) сўзи дoston матнида қарчиғай сўзи билан бирга қўлланган: Кумушдандир қарчиғайнинг жиғаси (153). Шунингдек, дoston лексикасида қимматбаҳо маъдан номлари сифатида олтин, гавҳар, олмос, дур, пўлат каби қатор сўзлари ҳам учрайди: Олтиндандир кировканинг ёқаси (153); ...ноз билан бир-бирига боққан, кулган, ўйнаган, қилиғи кўрганга ёққан, ярашиққа бўйнига гавҳар таққан, ўйнаган қизлар бирови бировидан чаққон, бир-бирига қарашган... (190); Аваз илон тилли олмос пўлатини шириллатиб ғилофдан суғуриб олди (27); «Бу ой билан офтобга муҳтож бўлмайик», – деб яхши олмослардан, дур, гавҳарлардан ой, офтоб қилиб, майда, ўткир қимматбаҳо тошлардан юлдузлар қилиб қўйган эди (86).

7. Қабила ва элат номлари (этнонимлар): ўзбек, туркман, найман, қипчоқ каби: Ўзбекистон элга кетгандир хабар, // Катта-кичик йиғилгандир ўзбеклар (205); Туркман элининг дов-жанжали кўпайиб кетди (10); Шодмони найманнинг ботири эди. Асади қипчоқнинг ботири эди (17).

8. От ва унинг асбоб-аслаҳалари билан боғлиқ тушунчалар номлари. Дostonда эпик қаҳрамоннинг ҳамроҳи сифатида унинг мақсад-вазифаларини амалга оширишда ёрдам берадиган от номларидан Ғиркўк, Ғирот сўзлари фаол қўлланган: ... – Соқижон, Ғиркўк отни абзаллаб, чоқлаб олиб кел, – деди. Ғиротни минсам (6); Ғиротиға қамчи уриб, // Жилов тортиб юриш қилди (165); Ғиркўкдайин бул жонивор, // Ғазот қилиб бўйнин чўзар, // Ғирот билан Шоқаландар, // Девга қараб

қўлин ёзар (165). Достон матнида отнинг кўпгина асбоб-аслаҳалари номлари учрайди. Масалан, “эгар ёки тўқим тагидан қўйиладиган қалин парча” маъносидаги *терлик*, “жазликнинг остига қўйиладиган от абзали” маъносидаги *беллик*, “эгарнинг от қорнидан айлантириб ўтқизиб боғлаб қўйиладиган тасмаси, қоринбоғ” маъносидаги *айил*, “эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлантириб боғланадиган тўқали қайиш” маъносидаги *пуштон* каби сўзлар шулар жумласидандир: *Бисмилло деб солди отнинг белига, // Кимхоби майиндан бўлган терликни (13); Чиргининг устида қўйди белликни // Боз устидан ташлаб жаҳалдирикни (13); Ҳаммалари отларидан тушиб, кўнгиллари хуш бўлиб, отларнинг айил-пушталарини бўшашиб қўйдилар (195).*

“Эгарнинг икки томонига қайиш билан боғлаб, осиб қўйиладиган, отга миниш учун хизмат қиладиган от абзали” маъносидаги *узанги*, “эгар силжимаслиги учун отнинг думи остидан айлантириб эгарга бириктириладиган, кўпинча турли безаклар қадалган қайиш” маъносидаги *қуюшқон*, “отуловни эгарлаш ёки аравага қўшиш учун зарур асбоблар» маъносидаги *абзал* каби отнинг асбоб-аслаҳалари номлари ҳам достон матнида учраган: *Асад мерган қўрққанидан қурғур ўзини тўхтатолмади, тушаётиб бир оёғи узангида қолди (41); Сағрисиға ташлаб карки қуюшқон, // Ҳар қуббаси келган катта таркашдан (14); Абзаллаб чақлади Соқидай ўғлон, // Абзалининг бари ола қайишдан (14).* Шунингдек, отнинг асбоб-аслаҳаларидан эгар, “терлик” маъносидаги *чирги*, айрим ўринларда отнинг тана аъзоларидан “қўлтиғ” маъносидаги *парқин* каби сўзлар ҳам достон матнида учраган: *...Ғиротнинг жиловини Соқибулбул ушлаб, Ғиротни эгарлаб, чоқлаб, олиб келиб Гўрўғлига тўғри қилди (7); ... Бисмилло деб солди отнинг белига, // Зарлигу зарбобдан бўлган чиргини (13), Бисмилло, деб тортди отнинг белидан, // Ўн саккиз қуббали Чағатой пуштан (14); Кўринг энди Ғирқўк отни, // Парқинидан кўпик сочиб, // Устидаги хон қаландар, // Уруш қилди жондан кечиб (146).*

9. Фитоним (*мева ва экин маҳсулотлари, ўсимлик ва ҳ.к дарахт*) номлари. “Умуман зийнат учун экиладиган ёки таби-

ий ўзи ўсадиган гулли ўсимликлар, чечаклар” маъносидаги форсча-тожикча *gül* – гул сўзи дostonда 53 марта қўлланган: *Боғбон бўлса боғнинг гули терилди, // Ярашиққа от кокили ўрилди* (45). Гул лексемасининг dostonдаги шаклдошлари хилма-хил (*гул-гул, гулга, гулдай, гулдайин, гулдек* каби). Биз ўрганаётган dostonда “жанубий тоғларда ўсадиган паст бўйли дарахт” маъносидаги *писта*, “кунгурадoр, япалоқ баргли, ёғочи қаттиқ дарахт” маъносидаги *заранг*, шунингдек, *олма, кади, гул, узум* каби мева ва экин маҳсулотлари, ўсимлик ва дарахт номлари ҳам учрайди: *Ичкари кирса, олмалар пишиб ётар, тагига тушиб ётар; гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чақ-чақ учириб ўтирибди* (7); *Кади-мудбақ, сўталарни дарахтга илди* (60); *Қаландарлар кўнгли хушдир, // Париларман ўтиришиди, Шу замонда кўп таомлар, // Пистаруста ҳам қандолат, // Усти-устига аралашди* (101); *Тоғларда бордир заранги...*(17); *Бундан ўтди, бир боққа етди. Хусайни узумлар, қора узумлар пишиб шалвираб турибди* (47).

10. Диний эътиқод ва ислом дини билан боғлиқ тушунча номлари. Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган *ғазот* лексемаси «дин йўлида қилинадиган уруш, жанг; мусулмонларнинг муқаддас уруши» (ЎТИЛ, 5, 428) маъноларини ифодалайди. Фозил шоир дostonи тилида ҳам *ғазот* лексемаси “уруш-жангга кирмоқ, ғазот-уруш қилмоқ” маъноларида қўлланган: *Ғазотга минади бекнинг фарзанди* (14). *Ғазот* лексемасига маъно жиҳатдан яқин ва унинг синоними сифатида *ғози* ва *шаҳид* каби сўзлари ҳам дostonлар тилида учрайди. Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган *шаҳид* лексемаси «урушда дин ёки мазҳаб йўлида ва б. айрим (ҳадисларда белгиланган) ҳолатларда ҳалок бўлган шахс» (ЎТИЛ, 4, 561) маъноларини ифодалайди. «Малика айёр» дostonида ҳам *шаҳид* лексемаси айни шу маънода қўлланган: *Ўлсангиз шаҳид, ўлдирсанг ғози // Бу ишларни қилган бекнинг ёлғизи* (6). Ушбу матндаги *ғози* лексемаси ҳам босқинчи, истило қилувчи «ғазотда, муқаддас урушда қатнашувчи, ўз эътиқоди йўлида жанг қилувчи» (ЎТИЛ, 5, 453) маъносида қўлланган.

Ўзбек тилига форс тилидан ўзлашган *чилтон* лексемаси «ғайритабиий кучга эга бўлган, кўзга кўринмайдиган, бир-бири

билан ажралмайдиган афсонавий қирқ рух» (ЎТИЛ, 4, 485) маъносини ифодалайди. Достон матнида бу лексема ғайритабиий кучга эга бўлган, авлиёсифат, кароматгўй эпик қаҳрамонларга нисбатан қўлланган: *Чамбил элида Гўрўғли зўрабор, ... чилтонларнинг бири Соқибулбул деган сайиси бор* (6). Тадқиқ жараёнида достон қаҳрамонлари нутқида фаол қўлланган жаннат, жаҳаннам, дўзах каби диний тушунчаларни англатувчи сўзлар ҳам матнда метафорик маънони ифодалайди. Бу ўринда биргина «жаҳаннам» сўзига дахлдор семантик маъноларни кўздан кечирамиз. Араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган бу сўз дўзах сўзига маънодош бўлиб, у диний маънода “гуноҳқорларнинг руҳи нариги дунёда доимий азобда яшайдиган жой; «дўзах»; шунингдек, «чидаб бўлмайдиган шароит, азоб, оғир муҳит» (ЎТИЛ, 2, 77) каби кўчма маъноларни ифодалайди. Тадқиқ жараёнида достоннинг қаҳрамонлари нутқида «жаҳаннам» сўзи метафорик маънода қўлланганда унинг лексик маъно қурилишига кирувчи семаларнинг фаоллашуви натижасида бир қатор кўчма маънолар ҳосил қилганлигини кузатдик: а) “даҳшатли қийноқ” семаси: *Қириб-жўйиб кўп девларни, // Жаҳаннамга сола берди* (146); *Тириклай жаҳаннам кетиб бораман, // Дардли қул дардимни кимга ёраман* (175); *Ғарибликда хабар олса бобожон, // Тириклай жаҳаннам кетиб бораман* (176) каби. б) “кучли олов” семаси: *Авазхон ўз жонини бу оловдан қутултирадиганга ўхшамай қолди, ҳоли танг бўлди, тириклай жаҳаннамга кетадигандай бўлди* (М.а.:175) каби. Таъкидлаганимиздек, «дўзах» сўзининг маъноси билан «жаҳаннам» сўзининг маъноси ўртасида муайян алоқадорлик бўлса-да, тилимизга араб тилидан ўзлашган бу сўз «кишини ортиқ азоб-уқубат ва мушкул аҳволга солувчи шароит, муҳит, ҳолат» (ЎТИЛ, 1, 672) каби кўчма маъноларини ифодалайди. Яна шу луғатда форсча «дўзах» сўзининг «дўзах азобига маҳкум, лойик; дўзахга тушган, лаънати» маъноларини англатиши, шунингдек, бу сўз кўчма маънода сўкиш, қарғиш ифодаси сифатида «ёмон, бадфеъл кишига нисбатан қўлланилиши» (ЎТИЛ, 1, 672) қайд қилинган. Таҳлилга жалб этилган достон матнида ҳам «дўзах» сўзи қўлланган: *Дўзахининг бир белгиси – феъли тор // Бу шаҳардан энди кетмаклик даркор* (95) ушбу

матнда метафорик ишлатилган «дўзахи» сўзининг ёмон сема-си фаоллашган.

Энди “жаннат” сўзининг метафорик маънода қўлланишини кузатамиз. ЎТИЛда бу сўзнинг “беҳишт, бўстон, сердарахт боғ” маъноларига алоқадорлиги, “ҳамма нарсa муҳайё бўлган, обод, роҳатбахш, хушманзара жой” (II, 72) каби кўчма маъноларини ифодалаши қайд этилган. Шунингдек, ЎТИЛда “жаннат” (синоними: *беҳишт*) ва “дўзах” (синоними: жаҳаннам) сўзлари антоним эканлиги ҳақидаги маълумот ҳам берилган (ЎТИЛ, 2, 71). “Малика айёр” дostonи матнида “жаннат” сўзи ҳам худди *дўзах*, *жаҳаннам* сўзлари сингари қўлланганида, унинг лексик маъно қурилишига кирувчи маълум бир семаларнинг фаоллашуви натижасида турфа хил кўчма маънолар ҳосил қилган. Тадқиқ жараёнида “жаннат” сўзи маъно қурилишига кирувчи семаларнинг матнда фаоллашганини бир неча матнларда кузатдик. Бу ўринда биргина мисол келтирамиз: “Искаб кўрсам, магар, жаннат гулисан, // Хабар бергин, қайси элдан келасан?” (52). Ушбу матнда метафорик маънода қўлланган *жаннат* сўзининг бўстон, хушманзара жой семаси, *гулисан* сўзининг эса фарзанд семаси фаоллашгани кўзга ташланиб турибди.

11. *Астропонимлар (осмон жисмлари) номлари*: (офтоб, ой, юлдуз каби): Тилимиздаги форс тилидан ўзлашган ва “қуёш, қуёш нури” маъносини (ЎТИЛ, 3, 159) ифодалайдиган *офтоб* истилоҳи, “Қуёшдан нур олиб, ёғду сочувчи самовий жисм. Ернинг табиий йўлдоши” (ЎТИЛ, 3, 98) ҳисобланган *ой* лексемаси, шунингдек, “қизиган газ (плазма)лардан таркиб топган, табиатига кўра қуёшга ўхшайдиган, кечаси нур сочувчи нуқта бўлиб кўринадиган осмон жисми (ЎТИЛ, 5, 81) саналган *юлдуз* каби астрономларнинг номлари ҳам дoston лексикасида учраган: Бу қоронғилик дунёга ёруғ дунёнинг кўпи билан ойининг шуъласи урмас эди. «Бу ой билан *офтобга* муҳтож бўлмайик», – деб яхши олмослардан, дур, гавҳарлардан ой, *офтоб* қилиб, майда, ўткир қимматбаҳо тошлардан *юлдузлар* қилиб қўйган эди (86).

12. *Таом ва озиқ-овқат маҳсулоти номлари*. “Ўрик ёки писта мағзи солиб тайёрланган парварда” маъносидаги *руста*,

“ун ва қиёмдан ўртасига мағиз ёки қовурилган нўхот солиб тайёрланган ширинлик” маъносидаги қандолат каби лексемалар дostonда қўлланган: *Писта-руста ҳам қандолат, // Усти-устига аралашиди (101)*. ЎТИЛда чулон сўзи тугун оши атамасини ифодаловчи лексема эканлиги қайд этилган (4, 515). «Малика айёр» дostonи тилида чулон сўзи овқатнинг бир тури маъносида қўлланган: *Келиб қирқ йигитга чулон берайин, // Соқижон, танингдан бошинг юлайин (7)*. Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган *таътил* лексемаси «овқат, егулик; нонушта, овқатланиш» (ЎТИЛ, 4, 32) маъноларини ифодалайди. Дoston тилида ҳам *таътил* лексемаси айнан шу маънода қўлланган: *Уларни Чамбил элда Асад, Шодмон шер дейди, ҳар қайсиси таътилига тўқсон девни ер дейди (40)* каби.

Шунингдек, *овқат*, *нон*, *шарбат*, *қанд*, *шароб*, *писта*, *ош*, *чулон*, *таътил*, *новот* ва бошқа лексемалар ҳам дoston матнида қўлланган. Булар овқатлардан *еб*, *қорни тўйиб*, *қовзаниб олди*, *сувдан ичди (155)*; Аваз Қаландарга айтди: – *Бобо, сиз гадоёй экансиз, парча-пурча нонингиз борми, деб сўраётиман, – деди (61)*; Ҳамма келган қизларни мунаққаш яхши кўшқларга бошлаб, *остига яхши либос-тўшаклардан ташлаб*, *жой тайин қилиб*, *ўтқизиб*, *зиёфат устига зиёфат*, *қанд устига шарбат*, *ширин устига шароб*, *таом устига таомлардан торта берди (185)*; Гулқиз ойим билан Авазжон бир ерда ўтириб, *ҳамма қизлар-парилар*, *бу икки жононга хизматкор бўлиб*, *олдиларига дастурхон ташлаб*, *Авазнинг кўнглини хушлаб*, *писта*, *руста*, *қанд*, *новот аралашиди*, *бунинг устига олиб келди қовурма гўштди*, *Гулқиз билан шундай қилиб ўтиришиди (54)*; Шоқаландарга айтди: – *Сен қўйни сўй, ошни дамла, ошни еяйик бу суҳбатни охир қилайик*, *қорнимизни тўйғизайик (95)*.

13. *Маиший ҳаёт* билан боғлиқ нарсa номлари. “Яшаш учун мўлжалланган бино” маъноси (ЎТИЛ, 4, 271) туркийча *йу* – *уй*, “турли буюмларни, бисотларни солиб қўйишга мўлжалланган, очилиб-ёпиладиган, қопқоқли, қулфкалитли, яшил шаклдаги уй-рўзғор буюми” маъносидаги (ЎТИЛ, 3, 439) арабча *sanduiq* – *сандиқ*, “ёқиш учун ишлатиладиган ёғоч, тахта, поя, шоҳ ва шу кабилар” маъносидаги туркийча *otun* – ўтин сўзлари дoston матнида маиший ҳаёт

билан боғлиқ нарса номлари сифатида қўлланган: – Авазжон, энди сизни мен сандиққа солиб қўяйин, – деб сандиққа солиб қўйди. Аваз ҳайрон бўлиб сандиққа кириб ётди (54). Боймоқ девнинг ўтин териб юрган, ов овлаб юрган девларидан биронтаси кўриб қолса, қўлимизни боғлаб, сийнамизни доғлаб, банди қилиб, арбанглатиб, ҳайдаб олиб кетиб қолади (59). Шунингдек, чодир, қозон, пичоқ, тўшак, бозор, зиёфат, олов, омоч, ошпаз каби маиший ҳаёт билан боғлиқ сўзлар ҳам дoston матнида учрайди: Чодир-чаман, либослар // Қолди шундайин тўшалиб (29); Шозаргар айтди: – Эй Авазжон, қозонни ос, тиллани эрит сенга шер ясаб берайин (95); Учови бирга-бирга пастки томдан чиқиб, қўрғоннинг шосупасига бориб, яхши либос тўшаклардан чиқариб солди (154); Шунда бу бола қўлига бир пичоқни олди (76); Зиёфатга қўйни сўйди, мажлис бўлди (76); Гулзамон деган ошпаз канизи бор эди (48); Ана шунда Заргарбек билан Авазжон, Малика, Тиллақиз, Маҳмуд йўлда кетиб бораётди эдилар, бир олов қизил, яшил бўлиб ёниб, бир боши ерда, бир боши осмонда ёниб, куйдириб кетадигандай бўлиб, буларнинг гир тевараги – тўрт тарафига ёйилиб олди (175).

14. Кийим-кечак, безак ва мато номлари. “Сиртқи кийим, пўстин, чопон” маъносидаги тўн, “кийим” маъносидаги либос, адрас-кимхоб, “бош кийим; қалпоқ, телпак” маъносидаги кулоҳ каби лексемалари дoston матнида кийим-кечак номлари сифатида қўлланган: Бу сўзни Малика Гўрўғлига айтиб, бир ағанаб туриб, каптар либосини кийиб фалакка парвоз қилиб, учиб жўнай берди (9); Кийган тўни ҳарир-ҳалил, // Ўғли қурбон қилди Ҳалил (160); Давлатимдан адрас-кимхоб кийдим-да. // Ҳақдан келган ишга бўйин қўйдим-да (168); Кулоҳ кийиб, сен бўлибсан Қаландар // Ер остида экан ёрнинг макони (78).

Баъзи шеваларда, айниқса, фольклор асарларида фаол қўлланадиган банот лексемаси духоба лексемаси ўрнида, «духоба – орқаи ип, юзи текис ва қалин ипак туклар билан қопланган мато; бахмал, бархит» (ЎТИЛ, 1, 161; 670) маъносида қўлланади. Банот лексемасининг бундай маънолари дoston тилида ҳам учрайди: Жоним Ғирот, молим Ғирот, // Еминг кишмиш, тўрванг банот (10). Дostonда безак ва мато

номлари ҳам учрайди: *Кийганим ипакдан, олтиндан ёқа // Кўрган бўлар жамолимдан садаға (123);*

15. Табиат ҳодисалари номлари: (ёмғир, қор, шамол, яшин каби). *Қор, ёмғирлар учқунлаб, шобири келди (54); Бетларга эпкин шамол келади. // Бир манзилга етгандай бўб қаради (81); Гўёки осмондан яшин тушгандай бўлди (108).*

16. Мусиқага оид тушунчалар ва мусиқий асбоблар номлари: карнай, созанда, соз ва бошқалар: *Шоҳлар чиқса тортар нуқра карнайни, // Тузайди унга муносиб жойни (206); Созандалар созин ушлаб, // Гажакдорлар ўйнашади (104).*

17. Эпик қаҳрамоннинг бир-бирига муносабатини билдирувчи сўзлар: (меҳмон, улфат, ҳамроҳ, дўст, душман ва бошқалар). *Асли-наслинг хабар бергин, меҳмонлар // Не иш учун мунда меҳмон келдинглар? (92); Шоқаландар эди ҳамроҳ, улфатим, // Қаландарман бирга эди Ғиротим (177); Дўстим мендан ўпкалаб юрмасин, у ҳам бизнинг усталаримизга тилла шер ясатиб олсин (104); Ер остида душман тани чирисин // Қўйгин, ота, бундай юзуги қурсин! (110).*

II. Ҳаракат-ҳодисани ифодаловчи сўзлар. «Грамматикада ҳаракат тушунчаси жуда кенг бўлиб, у ухламоқ, ётмоқ, завқланмоқ, қаҳрланмоқ каби феъллар билдирадиган психик ўзгаришларни, гулламоқ, ўсмоқ каби феъллар билдирадиган биологик жараёнларни ва шу каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Булардан ҳар бирининг ўзига хос хусусий томонлари бўлиши билан бирга, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган томони ҳам бор, яъни буларнинг ҳаммаси замон билан боғлиқ ҳолда юз берувчи ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун бу ҳаракат-ҳодисаларни билдирувчи сўзларнинг ҳаммаси «нима қилмоқ»? сўроғига жавоб бўлади. Уларни алоҳида гуруҳга киритиш ва «феъл» деб аташда ҳам ҳудди ана шу умумий хусусияти асосга олинади»³³. Ҳаракат-ҳодисаларни англатувчи сўзларнинг табиати, матнда бажариб келган номинатив-тавсифий ва бадий услубий вазифаси, қўлланиш даражаси ва меъёри, лексик-семантик жиҳатидан гуруҳланиши ғоят мураккаб бўлганлиги учун тилшунослик-

³³ Ўзбек тили грамматикаси (Морфология). I-том. Тошкент: Фан. 1975. – Б.365.

да бу масала атрофлича ўрганилган³⁴, халқ дostonлари хусусан, “Ширин билан Шакар” дostonи тили бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилган³⁵, лекин биз тадқиқ қилган дoston тили мисолида ҳанузгача бирор фикр айтилмаган.

Дoston тилида қўлланган ҳаракат-ҳодисаларни англатувчи сўзлар миқдор жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилади, уларнинг ҳар бири матн таркибида турли қўшимча маъноларни ифодалайди, шунинг учун ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Бундай сўзларни маъно ва вазифаларига кўра қуйидаги лексик-семантик гуруҳларга бўлиб изоҳлашни маъқул топдик:

1. *Ҳаракатнинг бошланганлик маъносини ифодаловчи сўзлар* (бошламоқ, келмоқ, кетмоқ ва уларнинг дostonда қўлланган турли шакллари). Бундай сўзлардан бошламоқ (бошла кўмакчи феъли) билан боғлиқ дostonда кенг қўлланган *бошлади, бошлайлик (борайик)* сўзлари ҳаракатнинг бошланиши, умуман, ҳаракатни бажаришга киришиш маъносини билдиради, аммо улар ҳаракатнинг бошлангандан сўнг давом этганлигини матн таркибида акс эттирмайди. Энг муҳими, бундай сўзлар ҳаракатнинг бошланиш маъносига бирорта қўшимча маъно ҳам ифодаламайди: Малика бўлса, Худо подшодир, ҳозиргисини кўраберинг, – деб Авазнинг қўлидан ушлаб, юқори кўшкига йўл бошлади (53).

Дostonда келмоқ ва кетмоқ кўмакчи феъллари билан боғлиқ *келди, келибди, кетди, кетибди, кетамиз, шунингдек, жўнади, жўнабди* каби сўзлари эса матн таркибида ҳаракатнинг бошланганлик ва юзага келганлик маъносини ифодалашга хизмат қилади: *Кўп қизларман Малика айёр //*

³⁴ Қаранг: Кучкартаев И. Семантика глаголов речи в узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ...канд.филолог наук. – Т., 1978; Содикова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (семантик аспектда): Филолог. фанлари д-ри... дисс.автореф...-Т., 1991; Мухаммедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филолог.фанлари д-ри... дисс.автореф...-Т., 2007; Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. – Т., 2005.; Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б.90-91.

³⁵ Жуманазарова Г.У. «Ширин билан Шакар» дostonининг луғавий ва лингвopoстик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианты асосида). : Филолог. фанлари номзоди ... дисс...-Т., 2008. – 229 б.

Келди сайри боққа етишиб (103); Бу сўзларни айтиб Боймоқ дев // Етмиш минг лашкари билан, жўнади (143); Бекорга кўтарилиб, отини терлатиб, бир ўзи шумпайиб келибди (10).

2. Ҳаракатнинг бажарилиш жараёни маъносини ифодаловчи сўзлар (ётмоқ, турмоқ, юрмоқ, ўтирмоқ, бормоқ, келмоқ, бермоқ кабилар ва уларнинг дostonдаги турли хил шакллари). Бундай сўзлардан ётмоқ, турмоқ, ўтирмоқ, юрмоқ каби сўзлар бошқалар (масалан, бормоқ, келмоқ, бермоқ)дан қўлланишида биров фарқланади. Матн таркибида бундай сўзларнинг дostonда қўлланган шакллари бажарувчининг ҳаракат-ҳолат жараёнида мавжуд бўлиши жараёни маъносини билдиради, уларда ҳаракатнинг бошланиш ёки тугаш жараёнларига бажарувчининг муносабати ифодаланмайди: *Энди борар бўлсанг, кўнглингни хушла, отингни бир тошга бойлаб ташла, бизлар анови тепани бетга олиб, орқа сиртида қоровуллик қилиб турамиз (46); Мунда келган сўнг лашкарларимнинг барисини шу девлар еб қўйди, лекин мени ўлдиргани кўзи қиймади, орадан етти йил ўтди, мен ҳозир ўн тўртга кирдим, етти йилдан бери девларнинг қўлида косагули бўлиб юрибман (74).*

Бормоқ, келмоқ сўзлари бажарувчининг ҳаракат-ҳолатни бажариш жараёнида мавжуд бўлиши маъносини англатиши билан бирга шу ҳаракат-ҳолатнинг бошланиш ва тугашига муносабатини ҳам ифодалайди, яъни булар ҳаракатнинг йўналиш бошланган ва йўналиш қаратилган томонларга давом этувчи ҳаракат эканлигини билдиради: Ғариб бўлиб бунда йиғлаб турганмиз // Учов эдик икков бўлиб борамиз (96); Неча қизлар куйиб-пишиб // Йўлларда терлаб боради (103); Не бир девлар парвоз қилиб келади // Шамшир пўлат билан уни уради (174).

Баъзан, *бермоқ* сўзининг ўзаги – *бер* кўмакчи феъли равишдошнинг *-а,-й* аффикси билан ясалган шаклига бирикканда, дoston матнида бажарувчининг бирор ҳаракатни бажариш жараёнида бўлиши маъносини (давомлилиқ маъносини) билдиради. Бундай ҳолларда *бермоқ* сўзи бажарувчининг ҳаракатни бажариш жараёнида бўлиши маъноси билан биргаликда унинг (бажарувчининг) шу ҳаракатдан

(ниятдан) қайтмаслиги ва тўхтамаслиги каби маъноларини ҳам ифодалайди. Буни дostonдаги мерганларнинг Шоқаландарга қарата айтган нутқида кузатамиз: *Авазхонни бунда нобуд қиламиз // Душман кўрсак, жазосини берамиз!* (200); ёки Авазхоннинг Арботин бозига нисбатан айтган қуйидаги сўзда ҳам айнан ана шу ҳаракат-ҳолат такрорланади; бажарувчининг ниятидан қайтмаслик ва тўхтамаслик маънолари ифодаланади: *Ҳасан бобо хизматиға бораман, // Шоҳнинг юз бешга кирган қизини, // Ҳасан Қўлбар бобомга обкеб бераман, // Чамбилбелдан шу хизматға бораман* (24).

3. Ҳаракатнинг бажарилишига яқинлашиш жараёни маъносини ифодаловчи сўзлар (қол кўмакчи феъли ва унинг дostonда қўлланган ҳар хил шакллари). Бундай сўзлар ҳар қандай феъллар билан эмас, балки бирор ҳаракатнинг якунини, унинг тугаш жараёнини билдирувчи сўзлар билан бириккандагина матн таркибида ҳаракатнинг бажарилишига яқинлашганлик маъносини ифодалаши мумкин. Буни Авазхоннинг Кашмир манзилидаги Бағотга етган жойдаги айтган нутқидан олинган қуйидаги биргина мисолда ҳам кузатамиз: *Баҳодирлик даъво қилиб юрардим, // Душманларга шўр ғавғолар солардим, // Бунда келиб ғариб бўлиб қолибман, // Қандай айёр манзилига етишдим* (47). Кўрамызки, бу матнда бошқа сўзлар билдирган ҳаракатнинг бажарилишига яқин жараёнда эканлигини ифодалашда қолмоқ, сўзидан олдин тугалланганлик маъносини ифодаловчи бўлмоқ, билмоқ сўzlари ҳам қўлланган. Бундай лисоний ҳолатлар дoston матнида анчагина учрайди.

4. Ҳаракатнинг тўлиқ бажарилиш жараёни маъносини ифодаловчи сўзлар (бўлмоқ, битмоқ, чиқмоқ, етмоқ, ўтмоқ, олмоқ, қўймоқ, кетмоқ, юбормоқ, солмоқ, тушмоқ кабилар ва уларнинг дostonдаги хилма хил шакллари). Бундай сўзлар ичидаги бўлмоқ феълининг дostonдаги – бўлди шакли энг кўп қўлланган: *Авазхонга девлар бўлди хизматкор // Фалакда булутман бўлди баробар* (42); *Чаккасиға бир урди, бир барзанги пайдо бўлди* (61); *Тиллақиз ҳам ўзининг керакли анжом-асбобларини, яхши кийимлари кийиб чоқ, бўлди* (118).

Бўлмоқ сўзининг асл ўзаги – бўл равишдошнинг –и(б)

қўшимчаси орқали ясалган бўлиб, бўлибди, бўлдим шакллари ҳам дostonда иш-ҳаракатнинг тўла-тўқис бажарилиш маъноларини ифодалашга хизмат қилган: *Шунда Шозаргар айтди: – Эй пари, Тиллақиз, бизлар бир неча киши бўлиб келган эдик (119); Шоқаландар буни эшитиб, кўп вақти хуш бўлибди (190); Неча вақт мен ҳам қолдим хор-зор, // Етти йил девларга бўлдим хизматкор (194).*

Ўтмоқ феълининг ўтди, ўтибди каби шакллари дostonда иш-ҳаракатнинг тугалланганлик, тўла-тўқис бажарилганлик маъноларини ифодаласа, *етмоқ* сўзининг *етди, етибди* каби шакллари эса асосан кетма-кет юз берадиган ҳаракатни билдирувчи сўзлар билан бирикади ва ҳаракатнинг тўлиқ даражада содир бўлиши маъносини ифодалашга хизмат қилади: *Полопон тоғидан ўтди. // Шуйтиб қилди ғайратди (203); Кўринг Гўрўғли мардди, минди бедов отди, қистаб йўл тортиди. Зебит чўлда Шакарқўлга етди(7).*

Дostonдаги *кетмоқ, юбормоқ* сўзлари ва дostonдаги шаклларининг тўлиқ бажарилиш маъносида қўлланиши даражаси бирмунча чегараланган. *Ташламоқ* сўзи эса *кетмоқ, юбормоқ* сўзларига яқин туради. *Солмоқ, сўрамоқ* сўзлари эса ўз маъносини маълум даражада сақлайди ва ҳаракат йўналган томонларнинг (объект) шу ҳаракатга тўлиқ даражада жалб қилинганлигини билдиради: *Паризод, энамни мендан сўрадинг // Шул энамнинг сен нимаси бўласан? (38).*

5. *Ҳаракатнинг бажарилиш даражаси маъноларини ифодаловчи сўзлар* (қолмоқ, кетмоқ, юбормоқ, ташламоқ, ўлмоқ каби сўзлар ва уларнинг дostonдаги ҳар хил шакллари). Бундай сўзлар ичидаги *кетмоқ, юбормоқ, ташламоқ, ўлмоқ* каби ва шунга ўхшаш бир қатор сўзларнинг дostonдаги шакллари ҳаракат ва ҳодисанинг қай даражада (масалан, паст, ўртача ёки юқори) эканлик маъносини ифодалашга хизмат қилади. Намуна сифатида берилган қуйидаги мисолларни қиёслайлик: *Қизилқумда жуда чанқаб, сувсаб, ҳолатдан кетибди (168); Бундай ўтди, Бадбахт чўлга етди. Ўлик деган боғдай бўлиб қийраб ётибди. – Буни ҳам мен ўлдирдим. Шу ерда ярадор бўлган эдим, – деди (168); Авазхон ўрнидан туриб барзангини чопиб ташлади (61).*

Қилмоқ, қолмоқ сўзларининг дostonда қўлланган қилибди, қолибди шакллари баъзан матн таркибида ҳаракатнинг тўлиқ бажаришга етмаганлик маъносини ифодалайди: *Қизинг бизни оша мажнун қилибди, // Хун бермоққа қаландарлар қолибди (88).*

6. Ҳаракатнинг бажарилиши ва юзага келиши маъносини, ҳаракатнинг бир марталигини ёки ундан ортиқлигини (такрорийлигини) ифодаловчи сўзлар (олмоқ, қолмоқ, қўймоқ каби сўзлари ва уларнинг дostonда қўлланган шакллари). Дoston матни таркибида бундай сўзларнинг қўлланишини ва англатган маъноларини кузатганимизда, уларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўраимиз: масалан, олмоқ, қолмоқ, қўймоқ, қилмоқ сўзларининг дostonдаги шакллари ҳаракатнинг бажарилиши ва ҳолатнинг юзага келиши маъносини ифодаласа, уларнинг ичидаги яна олмоқ, қўймоқ, қилмоқ сўзларининг шакллари юқоридагидан ташқари, ҳаракатнинг бир марталиқ ёки бирдан ортиқ (баъзан такрорий) бажарилишини билдиради: *Гузар солиб манзилима борибсан // Косагули бир боламини олибсан (169); Отим Гулқизойим деб хабар қилибди, // Ота-энаси беҳабар қолибди, // Сизни кўриб бежай хуштар бўлибди, // Девларнинг чанггига тушиб қолибди, // Ишқингиз ўн тўрт йил хафа қилибди, // Девларнинг қўлидан жудо қилибди, // Сизни об бораман деб ваъда қилибди (188).* Келтирилган матнлардан шу нарса аёнки, уларда ҳаракатнинг бир лаҳзада (сезиларли вақт ичида) содир бўлишини англатувчи бир туркум феъллар қўлланган. Бу сўзлар қисқа фурсатда содир бўлиши мумкин бўлган ҳаракатнинг жуда тез, кўз очиб юмгунча бўлиб ўтиши маъносини билдиришга хизмат қилган.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ҳаракат бир ёки бир неча субъект томонидан бажарилади ёки амалга оширилади³⁶. Ана шу нуқтаи назардан дoston сюжети билан боғлиқ эпик қаҳрамонлар фаолияти, уларнинг хилма-хил хатти-ҳаракатлари ўрганилганда, қуйидаги уч хил ҳолатларни кузатамиз:

³⁶ Ўзбек тили грамматикаси (Морфология). I том. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.410-416.

7. Иш-ҳаракатнинг бажарилишида бирдан ортиқ эпик қаҳрамонларнинг иштирок этиши, умуман, ҳаракатни бирга бажариш, у ёки бу ҳаракатни бажаришда бирга иштирок этиш маъноларини билдирувчи сўзлар. Бундай сўзлар дostonда фаол қўлланган, улар миқдор жиҳатдан жуда кўпчилики ташкил қилади. Бу ўринда айрим мисолларни келтириш билан чегараланамиз: *Бунда девлар кўп йиғлашди // Бир нечасин ақли шошди (144); Сони минган беклар дарёдай тошди // Бир кунлари Эрам боққа етишди (13).*

8. Dostonда ўзарo, кетма-кет бажарилган ҳаракатни билдирувчи сўзлар ҳам борки, улар, умуман, кўплик маъносини, ҳаракатни бирдан ортиқ эпик қаҳрамонлар томонидан бажарилишини ифодалашга хизмат қилган. Бундай сўзлар dostonдаги эпик воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш жараёнида кўпроқ қўлланади. Намуна сифатида қуйидаги мисолни келтириш билан чегараланамиз: *Сони минган беклар дарёдай тошди, // Бир кунлари Эрам боққа етишди, // Эрам боғда девлар билан савашди, // Девларни исломнинг динига қўшди // Ўн ярим лак девга зўрлик етқариб, // Шовруб шоҳнинг барно қизин ол қочди (13).*

Dostonда фақат бир нафар эпик қаҳрамон томонидан ҳаракатнинг бажарилишини ифодаловчи сўзлар ҳам жуда кўп қўлланган. Биз бу ўринда биргина мисолни келтириш билан ва dostonдаги ҳаракат-ҳолатни англатувчи сўзларнинг матн таркибидаги табиати, ифодалаган маънолари ва уларнинг лексик-семантик гуруҳланиши билан боғлиқ бўлган кузатишларимизни якунлаймиз: *Чамбилнинг элида даврон сурибди, // Ғиркўк отни бир кун отам минибди, // Шакарқўлга бир кун овга борибди, // Овда юриб паризодни кўрибди, // Сиру ҳолин отам шундай сўрабди, // Торкистон деб анга хабар берибди, // Малика эканин аниқ билибди, // Пари билан неча вағда қилибди, // Ул сабабдан шунга кўнгил берибди (63).*

“Малика айёр” матнидаги қўлланган ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи сўзларнинг ҳаммаси ўз қатламга тегишли туб ва ички имкониятлар асосида ясалган ясама сўзлардир. Қуйида ана шундай лисоний сўзларни мавзуий гуруҳларга тасниф этамиз:

а) Жисмоний фаолият билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи сўзлар (осмоқ, турмоқ, сўймоқ, бошламоқ, уришмоқ, кирмоқ, дамламоқ, урмоқ, уришмоқ, сепмоқ ва ҳоказо). Авазхон қозонни осиб, тиллани эритиб турди, Шоқаландар қўйни сўйиб, ошни дамлаб, бу ҳам тайёрлаб қўйди. Шунда Шозаргар шер ясамоққа иш бошлади, Авазнинг кўнглини хушлади (95); Фаррошлар йўлларни шунурди, мешикоплар йўлга сувларни сепди (102); Отасининг аччиғи келиб, қизига қараб, койиди, урушди (111).

б) Нутқий фаолият билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи сўзлар (демоқ, айтмоқ, гаплашмоқ, жавоб бермоқ, сўзламоқ кабилар). Авазхон учови чинорнинг олдида кўп сўзларни гаплашиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб: – Эй болам, гапдан нима чиқади, йўл юрмоқ аълороқ. Энди йўл юрайик, – деди (66); Ана шунда паризодлар бу сўзларни бир-бировига сўйлай берди (91); Юзук қўлида туриб айтди: «Бошдан бошга биз бунга лоплойик» (111); Жавоб бердим от қўйинг, Шоқаландар // Девларни аяманг, ўлдирунг, Заргар (133).

в) Ақлий фаолият билан боғлиқ ҳаракатни ифодаловчи лексемалар (билмоқ, англамоқ, ақли шошмоқ, ақли тошмоқ каби). Бу девларнинг ақли тошди, // Ўликка кўз қамашди (143); Авазхон майдонда танҳо савашиди, // Ғайри душманнинг ақли шошди (30); Сўраганинг билдим энди, Шозаргар, // Сенам бизни жуда аҳмоқ биласан (154); Тиллақиздайин гажакдор // Англади Малика айёр (181).

г) Ҳолатни ифодаловчи сўзлар (кулиб турмоқ, кулмоқ, титрамоқ, хурсанд бўлмоқ, хафа бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ каби). Авазхон: «Мен ёш боламан. Бу сўзларингизни билмайманда», – деб кулимсиб турди (57); Халойиқни кўриб Шоқаландар // Тилсимот дуони ўқиб боякбор // Ҳар тарафга энди назар солади, // Уч юз киши шунда тош бўб қолади // Бу сирларни шунда кўрган жаллодлар, // Қосимшоҳга энди хабар беради (91); Бу ўйиндан хурсанд бўлиб // Гулқиз ойнинг ишин кўриб (185); ... ота-энасини бу орда кўра олмай, улардан розичилик сўрай олмай, хафа бўлиб, бир сўз айтаётибди (190); Хайбатимдан титраб кетса фаранги, // Тошкентнинг элида эр бобо Зангги (170).

III. Белги-хусусиятни англатувчи сўзлар. Ўзбек тилшунослигида шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика муайян тадқиқотларда ўз ифодасини топган³⁷. Биз ўрганган достон матнидаги бундай сўзлар бирор предмет, воқеа-ҳодиса ва ҳолатнинг белги хусусиятларини, эпик қаҳрамоннинг феъл-атвори, характерини ифодалашга хизмат қилади.

Бу борадаги таҳлилларимизнинг тасдиқлашича, достон лексикасида қўлланган белги-хусусият англатувчи сўзларнинг асосий қисми эпик қаҳрамонларнинг у ёки бу характер-хусусиятларини, хусусан, ижобий ёки салбий сифатларини кўпроқ ифодалашга хизмат қилган. Қолганлари эса айрим эпик макон, ўрин-жойлар, ҳашаматли бинолар, турли-туман буюмлар, қурол ва аслаҳалар, кийимлар ва бошқаларнинг белгисини аниқлашга, у ёки бу предмет хоссасини кўрсатиб беришга қаратилган. Қуйида бундай сўзларнинг кичик мавзу гуруҳини келтирамиз ва матн таркибидан танлаб олинган айрим мисоллар орқали изоҳлаймиз:

1. *Эпик қаҳрамон феъл-атвори, характер-хусусиятига хос ижобий сифатларини ифодаловчи сўзлар.* Биз ўрганаётган достон матнида *мард, полвон, яхши, лочин, шунқор, вафоли, мағрур* ва бошқа сўзлар фаол қўлланган: *Қай шаҳарда, қандай одам ўғлисан, // Хабар бер, мард ўғлон, қайдан бўласан? (155); Ерга уриб қўшади ҳар бир сўзига, // Полвон Аваз гапирма, деб, қўй, деди (207) Бундай яхши шарофатли одамлар излаганда топилмайди, – деди (97); Бир лочин боқишли Жаброил барлим, // Бир лочин боқишлим, қайдан бўласан, // Қайси элдан, қайси юртдан келасан, // Қандай сипоҳнинг, қандай бекнинг ўғлисан? (52); Кўнглингни бўлмагин, Аваздай шунқор // Томоша қил, кўргин ажойиб шаҳар (85); Хизмат қилган меҳрибонлар, ҳўш энди // Вафоли канизлар, қолинг, ҳўш энди (123); Ёрим бор деб мағрур бўлиб юрасан (61).*

2. *Эпик қаҳрамон феъл-атвори, характер-хусусиятига хос салбий сифатларини билдирувчи сўзлар* (жаллод, кашмир, жо-

³⁷ Дадабоев Ҳ. “Бобурнома”даги ахлоқ-атвор лексикаси хусусида // Филология. №6. Самарқанд, 2004. – Б.3-7; Холманова З. “Бобурнома” лексикаси. – Т.: Фан, 2007; Абдужабборов Ф. “Қутадғу билиг”да шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика: Филолог.фанлари номзоди ... дисс.... автореф.-Т., 2011; Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б.91-92.

дугар, бадбахт, айёр, жувонмарг, шунғут ва бошқалар). Бундай сўзлар кўпинча эпик қаҳрамонларнинг ижобий характер-хусусиятларини ифодаловчи сўзларга антоним сифатида қўлланади, яъни, достон тилида, матн таркибида бундай сўзлар эпик қаҳрамоннинг ёқимсиз ва ярамас характер хусусиятларини ифодалашга хизмат қилади: *Оҳ уриб тўқарман кўздан ёшингни // Жаллод чарлаб торттирарман гўшингни (87); Каширмисан ёки ўзинг жодугар // Сиру ҳолинг хабар бергин, қаландар (92); Хабар боргин қай шаҳарга борасан, // Ёлғон айтма, сен бадбахт, ўласан (22); Подшобачча, сен ҳам ўлдинг хору зор // Айёرنинг қўлига бўлдиқ гирифторм (137); Нега ҳам бир шунғут бўлдинг, жувонмарг // Ҳаёлинга неча гаплар келарми... (111).*

Тадқиқ этилган достонда халқ бахчисининг эпик қаҳрамонларга хос ижобий ёки салбий хусусиятлар, уларнинг гап сўзларини, ўй-ниятини ёки тана аъзоларидан бирини сифатлаш орқали берилганлиги ҳам кузатилади. Достонда бундай сифатлар матн таркибида эпик қаҳрамон билан боғланган ҳолда ёки ўзи алоҳида келган ҳолда қўлланганлиги ҳам кўзга ташланади.

3. Эпик қаҳрамон қиёфаси ёки бирор аъзоларини сифатловчи сўзлар. Достон матнида гул юзли, нозик бел, жоду кўз, сипойи кўз, қомати шамшод, полвон ва бошқа сўзлар қаҳрамон қиёфаси ёки бирор аъзоларини сифатлаш учун қўлланган: *Малойик сувратли, гул юзли дилбар // Сенинг ишқинг мени қилди дарбадар (171); Ақлингни олар жоду кўзи // Сизга теккан шоҳнинг қизи (181); Аваз сандиқдан чиқиб, сипойи кўз билан, ҳайбатли сифат билан девларга қаради (56); Паризодлар ўйнаб турар // Нозик беллари буралиб (185); Хайф, навжувонлар – қомати шамшод // Бўлган ўхшар мерганларга қиёмат (130); Дуо қилди Аваз полвон аждаҳор (132); Мунов ерга борсаларингиз, қочиб юрган, учиб юрган оқсоқ-тўқсоқ девлар кўп, шулардан ушлаб олиб босиб еб кета берасизлар, – деди (42)*

4. Шахс ёки нарсанинг ҳажм-ўлчов белсини, масофа ва миқдорни ифодаловчи сўзлар (азим, катта, узун, ўрта, яқин, олис ва бошқалар). Бундай сўзлар достондаги бирор предметнинг ҳажми, ўлчови, миқдори каби белгиларини ифода

этади. Масалан: *Оғзи катта қора милтиқ // Отилди майдон ичинда (28); Сермаса қирқ газ узун бўладиган кескир ханжарлар олиб келиб, Шозаргарга берди (119); Шунда Тиллақизнинг кўп каниз-жўраларидан биров Оққиз насяси йўқ, нақд қиз, танбал эмас соғ қиз, узун эмас ўрта бўйли чоғ қиз... (120); Манзиллар яқин қолди (194); Авазхон отасини бу аҳволда кўриб, олисдан ҳолу аҳвол сўраб бир сўз деб турибди... (10); Қирқ зинапоя пастга тушиб кетди, бир катта – мисли шаҳри азимдай ерга борди (72).*

5. Эпик қаҳрамон отини сифатловчи сўзлар (саман, бедов, ола чипор ва бошқалар). *Бедов отга қамчи чотди // Урган қамчи симдай ботди (16).*

6. Ҳар хил қурол-аслаҳаларни сифатловчи сўзлар (яшин, кескир ва бошқалар). Бундай сўзлар дoston матнида бирор предметнинг ёки эпик қаҳрамонларнинг уруш қурол-аслаҳаларининг оғир ёки енгиллик, шунингдек, ўткирлик белгисини ифодалашга хизмат қилади. Масалан: *...шиқирлатиб сари ёйни тортди, ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб оқиб кетди... (7); Шундай бўлар сипоҳининг одати // Қўлида ярқиллар кескир пўлати (20).*

7. Ранг-тусни, қиёфани сифатловчи ёки шакл-кўринишни ифодаловчи сўзлар (қора, оқ, яшил, кўк ва бошқалар). Бундай сўзлар орқали бирор предмет ёки эпик қаҳрамонларнинг турли-туман қиёфалари, шакл-кўринишлари, ички ва ташқи ҳолатларининг белгилари ифодаланади: *...ирқи олмадай пишган, қора зулфи оч белига тушган, кўрганнинг ақли шошган, жамолига ою кунлар талашган ажаб бир паризод (8); Шозаргар шундай бурилиб қаради // Келаётган Оқ девшоҳни кўради (109); Меш ёрилиб, қизил, яшил бўлиб ўтдай ёниб, бир тўп яшин бўлиб, ёниб чирқираб, осмонга чиқиб кетди (168); Устимдаги яшил-кўкдир // Нечов изимда интиқдир (170).*

8. Ҳар хил буюмларни сифатловчи сўзлар (тилла, мармар, олтин, кумуш ва бошқалар). Масалан: *...ҳамма асбобларни маҳкам тортиб, тилладан бўлган асбобларидан устига ёпиб, бўйнига тилла умилдирикларни осиб, анжом-асбобларини бир-бирига муносиб қилиб, яшии тилла ўтқизган юганларни бошига уриб, созлаб қангтариб, ташқарига табладан олиб чиқиб, девнинг*

кўшиқсининг олдидаги мармар тошдан бўлган якка михга бойлаб қўйди (158); *Олтин коса, гулгун шароб // Ичилди майдон ичинда* (29); *Кумушдандир қарчиғайнинг жиғаси // Олтиндандир киров-канинг ёқаси* (152).

Хуллас, “Малика айёр” достонида фаол қўлланган белги-хусусиятни англатувчи сўзлар бир томондан, эпик қаҳрамонларнинг ижобий-салбий характер-хусусиятларини, ташқи ва ички қиёфасини, шакл-қўринишини, унга тегишли нарса-буюм, кийим-кечак ва шу кабиларнинг муайян белгисини аниқлаб келишга хизмат қилган, номинатив-тавсифий ва бадиий-услубий вазифа бажарган. Иккинчи томондан, достоннинг бадиияти ва лингвопоэтик жиҳатини юксак даражада таъминланишини, бир қатор поэтик-анъанавий ифода тасвир усуллариининг яратилишига сабабчи бўлган.

IV. Иш-ҳаракат ва ҳолат белгисини ифодаловчи сўзлар. Достон тилида фаол қўлланган иш-ҳаракат ва ҳолат, баъзан предмет белгисини англатувчи сўзларни ўзлари боғланган феълларни аниқлаб келиши нуктаи назаридан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. *Ҳаракатнинг пайтини билдирувчи сўзлар* (тонг, аввалги, чошгоҳ, эрта, саҳар, бугун, кеча, кеча-кундуз, оқшом ва бошқалар). Бундай сўзлар достондаги эпик қаҳрамонларнинг бирор ҳаракати ёки ҳолатининг юзага келган вақтини, муддатини билдиради. Баъзан феъл бўлмаган сўзларга тааллуқли бўлганда ҳам воқеа-ҳодисанинг содир бўлиш пайтини кўрсатишга хизмат қилади: *Тонг отгунча хизматингда турармиз // Бирор кеча сизни меҳмон қилармиз* (183); *Боймоқ дев аввалги урушининг қўрқинчилигидан қўрқиб, Шоқаландарнинг урушига тоқат қилолмай бир ёққа қочиб кетган эди* (161); *Эрта билан тонг отди. Кўп чошгоҳ ҳаддига етди* (42); *Яна баҳор бўлса очилар гуллар // Гулни кўрса саҳар сайрар булбуллар* (169); *Кеча кўрганимизда учов эдингизлар, бугун нимага икков бўлиб қолибсизлар?» деса, жавоб беролмай қолмайик* (95); *Мерганлар қилди ғайратни // Йўл тортди уч кеча-кундуз* (17); *Шу кўргиликда шу оқшом булар девларнинг майхонасида ётди* (42).

2. *Ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдирувчи сўзлар*

(ичкари, пайт, яқин, нари, олдинда, орқа, у ёқ, бу ёқ, унда, бунда каби). Бундай сўзлар дostonда эпик қаҳрамонлар билан боғлиқ бирор ҳаракатнинг юзага чиқиш ўрнини, йўналишини ифодалашга хизмат қилади. *Гулгун нари шундай қаради, Шакарбекнинг орқасида маймундай чўнқайиб бир кампир мингашиб келаётир (75); Ўткизиб шундайин кунни // Шакар унда бек бўп турди (109); Қиличдан қонлар қуйган // Кўп душманни бунда йиққан (108).*

3. *Ҳаракатнинг бажарилиш тарзини билдирувчи сўзлар* (тез, бирдан, аста, зўр ва бошқалар). Бундай сўзлар дostonдаги эпик қаҳрамонларнинг бирор хатти-ҳаракатининг миқдорий сифатини, аниқроғи, бажарилиш даражасини ифодалашга хизмат қилади. Масалан: *Тезлик билан тўшак ташлаб // Қаландарлар ақлин олди (100); Гўрўғли бўламан, қаёққа қочиб қутуласизлар», – деб отларига дам бериб, икки мерган бирдан душманнинг устига қараб от қўйди (34); Авазхонни авайлаб, аста-аста суяб олиб Хулкар тоғининг юқори баланд чўққисига олиб чиқди (31); Остида ўйнайди бекнинг Ғироти, // Мерганларга зўр айлади, Авазжон (46).*

Кўринадики, бундай тартибдаги сўзлар дostonда асосан, тасвирланаётган иш-ҳаракатнинг юзага келиш пайтини, ўрнини ва қай тарзда бажарилишини аниқлаб келади, шу билан бирга сюжет воқеаларидаги эпик тасвирнинг тўлақонли бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

V. Миқдор ва санок тушунчаларини ифодаловчи сўзлар. Стилистикага бағишланган айрим ишларда соннинг қўлланиши, асосан, меъёр нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Хусусан, “у ёки бу сонга қайси қўшимчанинг қўшилиши меъёрий ҳол, қайси бирининг қўшилиши меъёрдан чекиниш ҳисобланади. Бирдан ортиқ аниқликни билдирувчи сонлар нарсанинг сон саноғини аниқлаб келганда нарса ва ҳодисаларнинг номлари -лар қўшимчасини олмаслиги, бир сонининг айрим ўринларда миқдор маъносини ифодаламаслиги ҳақидаги мулоҳазалар билан чекланган”³⁸. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки,

³⁸ Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.113-115.

миқдор ва ҳажм тушунчалар номларини ифодаловчи сўзлар нутқда номинатив-тавсифий вазифа бажаради, нарса-ҳодисаларнинг миқдорини билдириб, гапда аниқловчи бўлиб келади.

Достон матнида туркийча *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг* каби санок миқдори маъносидаги, *иккинчи, учинчи, тўртинчи* каби миқдорнинг тартибини билдирувчи, *икков, учов, бешов* каби миқдорни жамлаш маъносидаги сўзлар қўлланилган. Шунингдек, достон сўз бойлигида *яшар, қарич, ақча, дирҳам* каби ўлчов сўзлари ҳам ишлатилган.

Фозил Йўлдош куйланган мазкур достоннинг анъанавий муқаддимасидаёқ миқдор ва ҳажм тушунчаларига оид кўплаб сўзларни учратамиз. Масалан: *Чамбил шундай Чамбил: олтмиш обхонали, етмиш жевахонали, саксон сардаболи, тўқсон тўпхонали Чамбил. Чамбил элида Ғўрўғли зўрабор, қирқ олти сардор, тўрт ярим лак бедовсувор, чилтонларнинг бири Соқибулбул деган сайиси бор* (6).

Бир сони кўплаб адабиётларда айтилганидек, биз тадқиқ қилган достон матнида аниқ миқдорни билдириш учун ҳам, номаълум нарсани ифодалаш учун ҳам ишлатилган: *Қаради: бир филни минган, икки оёғи чим ерни омочдай тилган, соқол мурти ўсиб кетган, аймашиб келиб, оғзи-бурнини босиб кетган* (21); *Аваз бу ўйни ўйлаб, отланиб, Дарбанд тоғининг бошига чиқиб қаради, Бадбахт чўлда бир нарса, Авазнинг кўзига ғивирлаб кўрина берди* (21).

Қирқ сони эса достонда миқдорни кўрсатиш учун қўлланган: *Кераклиларингизни айтингизлар, – деди. Унда Шо-заргар: «Шоқаландар айтса озроқ айтиб қўяди, мен кўпроқ айтайин, – деб, – қирқ ботмон тилла беринг, қирқ ботмон гуруч билан қирқта яхши катта қўй, бир қанча қанд билан чой, шаҳрингизнинг яхши еридан - саройидан жой беринг. Бизлар шу тилла шерни ясаганимизча еб ётамиз, овқат қиламиз», – деди* (94).

Достонда таъсирчанликни ошириш учун муболағали миқдорлар ҳам қўлланган: *Малика пари ҳам кўшкисидан беш*

юз парилари билан пастга тушиб, қаландарларнинг қилган ишига ҳайрон қолди (97); Савашли кун юз мингига баробар // Ғайратимдан бўзлаб кетар душманлар (36); Урушга кирганда, лак-лак лашкарлар билан ҳар қайсилари баробар урушар эди, ҳийлайи ҳийлагар бўлиб қолган эди (33).

Бундан ташқари, достонда қирқ бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, ўн тўрт, тўқсон, юз каби сонлар ҳам қўлланганки, улар миқдор ва ҳажм тушунчаларининг номи билан биргаликда бошқа сўзлар билан ўзаро муносабатга киришиб, кутилмаган тарзда енгил юмор пайдо қилади, тингловчининг завқини кўзғайди. Натижада, ижрочи ва тингловчи мулоқотида кўтаринки кайфиятни юзага келтиришдаги муҳим омиллар сифатида хизмат қилади: Соқи боёқиш ўрнидан тўққиз юмалаб турди (7); Олиб келсам Чамбилнинг Авазини, // Шоҳим берар юз бешга кирган қизини (23).

Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган ботмон лексемаси «турли мезонга, салмоққа эга бўлган (икки пуддан ўн бир пудгача) оғирлик ўлчов бирлиги» (ЎТИЛ, 1, 328) маъносини ифодалайди. Достоннинг эпик қаҳрамони нутқида бу лексема ҳам айнан шу маънода қўлланган: Яна тўққиз ботмондан бўлган калтаги бор эди (26). Ўзбек тилига форс тилидан ўзлашган лак лексемаси ўлчов, миқдор бирлиги сифатида “юз минг” (ЎТИЛ, 2, 485) маъносида қўлланилади. Достон матнида ҳам лак лексемаси шу маънода қўлланилган: Икки юз лак девга зўрлик еткизиб // Олиб кетди Шовруб шоҳнинг қизини (39). Достон матнида лак лексемаси баъзан жуфт (лак-лак) тарзида, “юз мингларча, беадад, кўп, сон-саноксиз, беҳисоб” (ЎТИЛ, 2, 485) маъносида қўлланилган. Урушга кирганда, лак-лак лашкарлар билан ҳар қайсилари баробар урушар эди, ҳийлайи ҳийлагар бўлиб қолган эди (33). Шунингдек, достон лексикасида таноб, яшар, қарич каби ўндан ортиқ ўлчов сўзлари қўлланган: Остидаги бедов оти // Йўлларнинг танобин тортди (203); Шу мен етти яшарлигимда Маликани оламан деб келиб эдим (76); Бедов отлари ҳам сувсизликдан кўп ҳориб-чарчаб, тили оғзидан бир қарич чўзилиб, бу бедов отларнинг ҳам юрагга ҳолати қолмай, булар ҳам таппа тушиб ётди (70).

VI. Ишора билдирувчи сўзлар. Бу гуруҳдаги сўзларнинг асосини ва миқдор жиҳатдан кўпчилигини олмошлар ташкил этади. Уларда нафақат от, сифат, сон, балки феъл, равиш, тақлидий сўз, ҳатто матнни алмаштира олиш, уларга ишора этиш хусусияти жуда кучли³⁹. “Малика айёр” матнида мен эпик қаҳрамонни ифода этувчи ишора билдирувчи сўзлар фаол қўлланилган. Шунингдек, *бари* каби жамлаш; *ким?* *нечов?* каби нарсас-буюм, белги ёки миқдор ҳақидаги сўрок; *бу, ана* каби кўрсатиш; *ҳеч нима, ҳеч ким, ҳеч қайси* каби инкор; *ўзи* каби эпик қаҳрамонни таъкидлаб кўрсатиш маъносидаги ишора билдирувчи сўзлар ҳам кенг қўлланилган. Достон матнидаги ишора билдирувчи сўзлар, асосан, ўз қатламга мансублиги билан характерлидир.

“Малика айёр” достони лексикасида бундай сўзларнинг ўз ўрни ва мавқеи алоҳида эканлигини ҳисобга олиб, ишора билдирувчи сўзларнинг энг фаол қўлланган тури - олмошларнинг достон матнида қўлланиш даражаси, лексик-семантик табиати ва ўзига хос лисоний хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталамиз.

1. *Кишилиқ олмошлари (мен, сен, у, сизлар, улар, биз кабилар ва уларнинг достондаги шакллари).* Бундай олмошлар достон лексик қатламида эпик қаҳрамон ёки унинг бирор фаолияти билан боғлиқ муайян ҳолатини ифодалаши билан бирга баъзан кўрсатиш маъносини ҳам билдириб келиши мумкин. Шунга кўра, бундай олмошларни шартли равишда бўлса-да, иккига бўлиш мумкин: соф кишилиқ олмошлари ва кишилиқ-кўрсатиш олмошлари. Соф кишилиқ олмошлари фақат эпик қаҳрамонни кўрсатади, улар достон матнида сўзловчи ва тингловчинини ифодаловчи олмошлар саналади: *Мен ҳам Арботинга излаб бораман // Қўлингдан ҳар нима келса, кўраман (23); Сен биз билан урушадиганга ўхшайсан. Иккови шу майдонда урушмоқчи бўлиб турибди (26); Сизлар шу ерда отларни ушлаб турунглар. Бу бир боққа ўхшайди, мен бориб бу боғотни кўриб келайин, қандай жой экан, билиб келайин (46); Агар билсанг, мени бугун йўлга сол*

³⁹ Неъматов Х., Ғуломов А., Маҳмудов Н., Қодиров Н., Абдураимова М. Она тили // Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси. 1-махсус сон. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.62.

// Тараадум айлабон йўл бошла, дилбар (53); Шоқаландар айтди: – Сенинг отангинг чилтонлар тарбия қилган оти бор, ҳар ерга борсанг, учар қушдай, қамчи урсанг, учар қушдан ўтади (65). Достон матнида қўлланган кишилиқ-кўрсатиш олмошлари мазмун ва моҳиятига кўра кишилиқ (эпик қаҳрамон) билан бир қаторда кўрсатиш олмоши вазифасини ҳам бажаради, матн таркибида от ўрнида қўлланади: *Шерни ўлдирган ушбу қаландар // Унинг учун мен бўламан хизматкор // Улар ҳам «нима гап бўлар экан», деб узоқдан буларга қараб ўтириб эди (138)*. Достон матнидаги кишилиқ олмошларининг қўлланишида айрим ўзига хос ва бир-бирини такрорламайдиган лексик-семантик хусусиятлар мавжуд. Масалан, кишилиқ олмошлари достон сюжети билан боғлиқ эпик воқеалардаги қаҳрамонларни ифодалаганда, ўз маъносидан ташқари кўчган ҳолда қўлланилиши ҳам мумкин ёки иш ҳаракатнинг бажарилиши жараёнига ҳам кўчиши мумкин. Ёки достондаги қўлланган кишилиқ олмошларида яна шундай бир лисоний ҳолат кузатилади: кўпликни ифодаловчи олмошлар бирлик маъносида қўлланиши ёки аксинча ҳам бўлиши мумкин. Намуна сифатида келтирилган қуйидаги мисоллардаги маънолар буни тасдиқлайди: *Ҳар ерда қўл берар сендайин шоҳлар // Сендай шоҳлар бўлар менга жиловдор (92); Сенсан менинг Аваз қўзим // Сарғайгандир гулдай юзинг // Сен ҳам айрилмагин мендан // Мен ҳам айрилмайин сендан // Баҳорда очилган гулим // Сенсан менинг жону дилим (68)*.

2. Кўрсатиш олмошлари (ушбу, бу, ул, ана шу, бул, шул ва бошқалар). Бундай олмошлар достоннинг лексик қатламида бирор эпик қаҳрамон, предмет ёки белгини кўрсатиш, таъкидлаш учун ишлатилади, матн таркибида от, сифат ва равишларнинг ўрнида қўлланиши кузатилади. Масалан, от ўрнида қўлланувчи олмошлар отлар каби эпик қаҳрамон ёки предметларни уларга ишора қилиш – кўрсатиш орқали ифодалайди. Достонда эпик қаҳрамонларга нисбатан қўлланадиган *бу, шу* олмошлари кўпинча кўплик аффикси – *лар* билан қўлланиб, ё кўпликни, ё ҳурмат маъносидаги бирликни ифодалайди. Бирлик маъносидаги эпик қаҳрамонларга нисбатан қўлланган кўрсатиш олмошлари ўша қаҳрамонга менсимай қараш, ҳурматсизликни билдириш каби муноса-

батларини ифодалаш учун хизмат қилади: *Ўлдирар буларнинг қўлидан келами // Мард киши номард қўлида ўлами (90); Авазжон, сен шуларни ўлдирган бўлсанг, дуруст бўлиб қолган экансан (36)*. Достонда сифат ўрнида қўлланувчи олмошлар матн таркибида бирор предметнинг белгисини ифодаласа, равиш характеридаги олмошлар эса ҳаракатнинг белгисини билдиради: *Бу сўзни айтиб Аваз ўғлон йиғлади // Қаландар бурилиб шундай қаради // Бу сўзни айтиб Шоқаландар келади: Заргар сизман бирга-бирга бўлайик (68); Шул замон энига қоқиб ташлади // Чинорнинг остига об кеб муштлади (60)*.

Достонда қўлланган кўрсатиш олмошлари маъносига кўра икки хил: конкрет маънони билдирувчи ва конкрет бўлмаган маънони ифодаловчи кўрсатиш олмошлари. *Конкрет маънони билдирувчи кўрсатиш олмошлари* эпик қаҳрамонга ёки унинг шерикларига олдиндан маълум бўлган бирор предмет ёки воқеани (иш-ҳаракат) кўрсатиш учун қўлланади. Бундай олмошлар (масалан, шу олмоши орқали) достонда иштирок этувчиларга предметни, баъзан аввалроқ содир бўлган воқеани билдиради. *Конкрет бўлмаган маънони англатувчи олмошлар* эса достон сюжети тавсифида ноаниқ предмет, нотаниш шахс ёки воқеаларни кўрсатиш учун ишлатилади. Намуна сифатида берилган қуйидаги мисоллар бу борадаги кузатишларимизни тасдиқлайди: *Бундай ўтди, Бадбахт чўлга етди. Ўлик деган боғдай бўлиб қийраб ётибди. – Буни ҳам мен ўлдирдим. Шу ерда ярадор бўлган эдим, – деди (36); Мерганлар шу ерда панароқ ерни олиб туриб қолди (46)*. Худди шундай лисоний ҳолатни матн таркибидаги – у, бу олмошларининг қўлланишида ҳам кузатамиз. Масалан, бу олмоши достон қаҳрамонларига аввалдан маълум бўлмай, ахборот бериш ёки сўзлаш жараёнидагина маълум бўлган, сўзловчи яқинидаги предмет ёки эпик қаҳрамонларнинг бирини кўрсатишга хизмат қилади. У олмоши эса сўзлаш жараёнида маълум бўлган, лекин сўзлаш-ахборот бериш вақтида мавжуд бўлмаган, сўзловчидан узоқроқдаги предметни ёки олдинроқ содир бўлган воқеани ифодалайди. Лекин бундай олмошларнинг шевалардаги – бул, шул, ул шакли достон матнида ҳам, шу достон қўйланган қипчоқ шевасида ҳам, Фозил шоир яшаган ҳудуд аҳолисининг оғзаки сўзлашув нутқида

ҳам кенг ва фаол қўлланади. Буни дoston матнидан намуна сифатида келтирилган қуйидаги мисолларда ҳам кўраимиз: *Кўриб қолдим ул икки ўйнашингни // Иккови бирикиб кесар бошингни* (60); *Ҳар шаҳарман шул шаҳарни кўрганмиз // Жаҳонни сайл этиб бунда келганмиз* (96); *Кўрган эмас ҳеч бир киши // Шу дунёда бул бувишди* (101).

3. *Сўроқ олмошлари* (на, не, нечун, неча, нега, нима, қандай, қандайин кабилар ва уларнинг дostonдаги шакллари). Дostonда қўлланган сўроқ олмошлари эпик қаҳрамонга, унинг бирор фаолиятига, мақсадига, сюжет билан бевосита алоқадор бирор предметга, белгига, вақтга, эпик ўрин ва маконга муносабатни ифодалашга хизмат қиладики, биз бу ўринда ана шу хусусиятларга қисқача изоҳ беришни ва айни пайтда, матн таркибида қай ҳолатда қўлланишини кўздан кечириб чиқишни маъқул кўрдик:

а) *ким?* сўроқ олмоши эпик қаҳрамонлардан бирига нисбатан сўроқни ифодаласа, *нима?* олмоши дoston сюжети билан бирор предмет белгисининг қандайлигини аниқлаш учун қўлланади: *Бу манзилни юриб, хоним, қарадик, // Ким бўлади бу манзилнинг сойиби?* (152); *Одамзодсиз манзилда нима қиласан // Бу ерда сен кимни излаб юрасан?* (152).

Дostonда *нима* сўзи баъзан – не шаклида ёлғиз ҳолда келиб предметга нисбатан қўлланадиган *нима?* сўроқ олмоши ўрнида ишлатилган, баъзи ўринларда ҳаракат белгисини ифодалаган: *Абгор бўлиб етолмайсан мурода, // Не кўриб кечирдинг фоний дунёда* (155); *Ҳолинг кетиб сендай шунқор йиқилди // Билмайман, жон болам, ҳолинг не бўлди?* (159);

б) дoston тилида қандай? сўроқ олмоши предмет ёки ҳаракатнинг белгисига нисбатан сўроқни билдирса (бу сўзнинг - қандайин, - қай шакли ҳам қипчоқ шеvasида кенг қўлланади), қайси? сўроқ олмоши дoston сюжетидаги предметнинг тартибга ёки эпик ўринга кўра белгисини аниқлаш учун қўлланганлигини кузатамиз: *Хабар боргин қай шаҳарга борасан // Ёлғон айтма, сен бадбахт, ўласан* (22); *Мерганлар айтди: – Авазжон, бора турган жойинг яқинми? Ўзинг биласанми, неча кунда борасан, қайси шаҳарга борасан* (37); *Қайси элдан, қайси юртдан келасан // Қандай сипоҳнинг, қандай бекнинг ўғлисан?* (52).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида неча? (не+ча) олмоши не ўзаги билан боғлиқ бўлиб, предметнинг миқдорига нисбатан сўроқни ифодалайди. Достон матнида ҳам ана шундай лисоний ҳолат кузатилади: предметнинг миқдорига нисбатан қўлланганда миқдорнинг ортиқлигини ифодалаш учун кучли интонация билан айтилади, нописандлик маъноси англашилади: *Бир келар мўлжалинг бизлар сўрайик, // Неча кунгачайин, беклар, турайик? (81); Ўзинг биласанми, неча кунда борасан, қайси шаҳарга борасан (31).*

Бундан ташқари, нега (не(нима)+га) сўроқ олмоши достондаги бирор воқеа-ҳаракатнинг содир бўлишига сабаб, мақсадни аниқлаш учун ҳам бериладиган сўроқни билдириб келган. Аслида, у равиш характериға эгаб бўлиб, бўлишли феъллар олдида қўлланган: *Юришимни сен кўнглингга олсан // Негга ҳалак бўлдинг, деб изза берасан (153); Бу Соқибулбул бир нимага келаётир экан (7).*

4. Ўзлик олмоши. Ўзбек тилидаги олмошнинг бу тури бир сўз – ўз сўзидан иборат. Унинг достон матнида қўлланишини қуйидаги ҳолатларда кузатамиз: а) ўз олмоши отлар олдида келиб айириб, таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланади ва шу предметни аниқлаб, эпик қаҳрамонлардан бирига хос эканлигини кўрсатади: *Отингга мингаштир демасак, жон харжи бер демасак, ўз отимиз, ўз харжимиз (19);* б) ўз олмоши матн таркибида ҳамма гап бўлаги вазифасида ёки турли келишик шаклида кела олиш имкониятига эга: *Гўрўғли Малика билан овора бўлиб қолар; шунда юртни ўз қўлимизга олсак(16); Бу ҳам ўзини Аваз қилиб ётир (24);* в) ўз олмоши бош келишик формасидаги эгалик турланиб, ҳар учала шахс, бирлик ва кўпликдаги кишилик олмошлари ўрнида ишлатилиб, кўпинча шахсни кўрсатади. Бундай ҳолларда турли хилдаги модал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилиши мумкин, баъзан пайт ёки ўринга нисбатан аниқликни таъкидлаш учун ҳам қўлланади: *Кеча келаётган ерда бизларга от ушлатиб ўзинг кетдинг, бизларга девни юбориб юрагимизни ёрдинг (46); Кўнглим сўрар ҳам Шозаргар // Ўзимда йўқдир ихтиёр (171).*

5. Белгилаш олмошлари: бари, ҳамма, ҳар қайси, ҳар тури,

ҳар ким ва бошқалар. Бундай олмошлар дoston сюжети ва эпик қаҳрамонлар фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, бирор предметларнинг йиғиндисини, тўдасини билдиради ёки уларни айириб, таъкидлаб кўрсатишга хизмат қилади. Биз дostonнинг матн таркибида энг фаол қўлланган шаклларига қисқача тўхталиб ўтиш билан чегараланамиз.

Бари олмоши. Бу олмош «кўпинча от характерида қўлланиб, предмет ва шахсларнинг йиғиндисини ифодалайди. Бу олмош аслида бор (мавжуд) маъноси билан боғланган бўлиб, кейинги – *и* товуши эгалик аффиксидир»⁴⁰. Дostonда қўлланган *бари* олмоши отларга хос эгалик, келишик қўшимчаларини олади ва гапларда отларга хос бир қанча синтактик вазифаларни бажаради: *Кўрган сулув бари офарин дейишди // Қойил бўлиб Авазхоннинг ишига (206); Абзаллаб чақлади Соқидай ўғлон // Абзалининг бари ола қайишдан (14); Келмас бўлсанг мен борарман // Барингни бошдан оларман (165); Маст бўлиб боради амалдор беклар // Барининг сардори Шоҳиқаландар (192).*

Ҳамма олмоши. Дostonда бу олмошнинг предмет ва эпик қаҳрамонлар номлари ўрнида қўлланиб от вазифасида, предмет белгисини кўрсатиб сифат вазифасида келиш ҳолатлари кузатилади ва бундай ҳол кўпроқ учрайди. Ҳамма сўзи предмет ёки эпик қаҳрамонлар тўдасини, шунингдек, уларнинг бирор белгисини ифодалашга хизмат қилган. Масалан, от вазифасида қўлланганда эгалик, кўплик ва келишик қўшимчаларини олади: *Ҳаммалари отларидан тушиб, кўнғиллари хуш бўлиб, отларнинг айил-пушталарини бўшатиб қўйдилар (194); Узоқ йўлни яқин қилиб боради // Ҳаммасидан Маликаси саради(р) (192); Бир тилсимот дуо ўқиб дунёнинг ҳаммасини олов бўлиб ёниб оламан (77).* Баъзи ҳолларда, ҳамма олмоши дostonдаги предметлар белгисини ёки эпик қаҳрамонлар фаолиятининг бирор белгисини йиғиндисини кўрсатиб, сифат вазифасида қўлланади: *То-мошага келар ҳамма парилар, // Саф-саф бўлиб халойиқлар йиғилар (90); Ҳамма кўриб, ҳайрон қолар // Жоним бобо бирга юринг (99).*

⁴⁰ Ўзбек тили грамматикаси (Морфология). 1-том. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.354.

Илмий адабиётларда қайд этилишича, “белгилаш олмошларига ҳар сўзи ва шу сўзнинг айрим сўроқ олмошлари, шунингдек, *бир, нарса каби* сўзлар билан қўшилишдан ҳосил бўлган сўзлар киради. Булар бир қанча шахс ёки предметдан исталганини айтириб. таъкидлаб кўрсатиш учун қўлланади”⁴¹. Айни мулоҳаза бўйича тадқиқ қилинган дoston матнига эътибор қилинса, қуйидаги лисоний ҳолатларни кузатамиз: а) *Ҳар сўзи сўроқ олмошларидан ким сўзи билан бирга келиб «ҳамма», «ҳар қандай одам» деган маънони ифодалайди. Бу сўз отлар ўрнида қўллангани учун ҳам эгалик ёки келишик қўшимчаларини қабул қилади: ...Тиллақиз ҳар ким билан қимор ўйнаса, Тиллақиз ютиб олар экан», – деди (112); Ҳар кимни биров чақирса, борган яхши, бу ерга борсак, вақтимиз хуш бўладиганга ўхшайди (184); Эркак десанг, ҳар жойлардан топилар, // Ҳар кимга дуч келмас буларнинг изи (188); б) ҳар сўзи қайси олмош билан бирга келганда, бу олмош эгалик қўшимчасини олиб келади ва от вазифасида қўлланади, маъноси жиҳатдан ҳар бир олмошига ўхшайди. Айнан шу ҳолат дostonда кўплаб қўлланган: Шунда беклар, маликалар, қизлар - ҳар қайсилари ўз жойларида шу оқшом ётди, эрта билан тонг отди (190); Ҳар қайсиларимиз ўз юртларимизга, ўз элатларимизга кетадиган йўлга келдик, отдан тушинглар, – деди (191).*

б. Бўлишсизлик олмошлари. Дostonда бундай олмошлардан ҳеч нарса, ҳеч ким, ҳеч қандай каби шакллари учрайди, лекин улар жуда ҳам камчилик миқдорни ташкил қилади: ...Боймоқ девнинг маконидаги ҳамма кўшқу айвонларни, неча хилдаги ичкима-ички жойларни, хазинахоналарни ахтариб кўрди, ҳеч нарсадан хабар топмади, жонзоддан кўрмади (154); Бунинг сиридан ҳеч ким воқиф эмас эди (204).

Хулоса қилиб айтганда, ишора билдирувчи сўзлар ўз табиатига мувофиқ биз ўрганган дoston матнида сюжет билан бевосита алоқадор эпик қаҳрамон, нарса-ҳодиса ва шу кабиларнинг номларини алмаштириб келади, уларни кўрсатишга, уларга ишора қилишга хизмат қилади, айни

⁴¹ Ўзбек тили грамматикаси (Морфология). 1-том. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.355.

вақтда, номинатив-тавсифий ва бадий-услубий вазифани бажаради.

VII. Ундов ва тақлидий сўзлар. Бундай сўзлар дostonда жуда кам даражада қўлланган, улар озчилик миқдорни ташкил қилади. Масалан, *оҳ, оҳ-вой, дод, эй, ҳа, ур, бор, сур* каби ундов сўзлар; *ғуввилаб, ишқириб, дириллаб, патир-путир, шарқиллаб, чирқиллаб, чува, пуш-пуш* каби тақлид сўзлар шу гуруҳга киради. Биз қуйида уларнинг дoston матнида энг кўп қўлланганларига эътибор бердик, матн таркибида келиши ҳамда англатган маъноларига қисқача тўхталишни маъқул кўрдик.

Энг аввало таъкидлаш ўринлики, дostonда қўлланган ундов сўзлар сюжет воқеалари билан бевосита боғлиқ эпик қаҳрамонларнинг ташқи олам ёки бирор фавқулодда ҳодисага бўлган муносабатлари натижасида юзага келган турли хил кечинмаларини ва ҳис-туйғуларини эмоция ва руҳий ҳолатларини, хоҳиш-истаги, қувонч ва қайғуси, азоб ва нафрати, талаб ва буйруғи сингари руҳий ҳолатларини билдириб келишга хизмат қилган. Бундай ундов сўзлар дoston матнида сюжет ситиуацияси ва интонация билан бевосита боғлиқ равишда қуйидаги маъноларни ифодалаган:

1. Ачиниш, эътироз, норозилик, афсусланиш маъносини ифодалайди: *Оҳ урганда кўздан оққан ёш энди // Омон бўлса, налар кўрар бош энди (16); Оҳ урганда хаста кўнглим хушладим, // Ҳар ерда гапимнинг сирин фошладим (56-57); Ғамли кунда тортар эди оҳ-вой // Шиқирлатиб, қўлга олди парли ёй (16).*

2. Зорланиш, айни пайтда, бирор мақсадни амалга ошириш маъносини ифодалайди: *Оҳ уриб тўкарман кўздан ёшимни // Турибман Худога солиб ишимни (153); Кўрса, унинг ҳам эшиги очик, «оҳ-воҳ» деб ичкари кирди (162); Дод айласа, эшитмагин сўзини // Зулм билан ўйинг икки кўзини (37).* Баъзи ҳолларда дод сўзи дostonда такрор ва жуфт ҳолларда қўлланганлигини кузатамиз: *Мен йиғлайман яратганга доду дод, // Бандам, деб раҳм айлар Қозиюл-Ҳожат (106); Кеча-кундуз доду фиғон этарман, // Қиличимга қирмиз қонлар қотарман (80); Бизларнинг сиз кетган сўнг кунимиз қандай кечади, - деб дод-фарёд қилиб йиғлаб, Тиллақизга қараб, бир сўз деди (119).*

3. Мурожаат ва бирор мақсад-режани ифодалайди: *Ар-зимни эшитгин эй пари-пайкар // Чехраси хандоним, қайдан бўласан? (8); Гўрўғлининг Аҳмад тоғаси йигитларни йиғиб айтди: - Эй йигитлар, Гўрўғли туркманларнинг беклигини ўхшатолмайди шекилли; мени гиламга солинглар, бардор-бардор қилиб, Гўрўғлининг тахтига миндирунглар, Туркман элининг дов-жанжалини сўрайин, Гўрўғлидан келган бало бўлса кўрайин (10); Эй отажон, дуода бўлинг, омон-эсон бориб, соғ-саломат келайин, деди (16).*

Баъзи ҳолларда, мурожаат билан бирга маълум бир хулоса чиқариш, ахборот бериш ва фикрни яқунлаш маъносини ифодалайди: *Авазхон учови чинорнинг олдида кўп сўзларни гаплашиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб: - Эй болам, гапдан нима чиқади, йўл юрмоқ аёлороқ. Энди йўл юрайик, - деди (66); - Эй, Аваз ўғлон - болам, эндиги маслаҳат шул: Торкистон шаҳар, бир бўлса, шу тоғнинг остида, ё ичида бўлар. Сизлар энди шу ерда ўтирунглар, мен бориб бу тоғнинг у ёқ-бу ёғини кўриб, мўлжаллаб келайин (72).*

Баъзан эпик қаҳрамонлар нутқида кўрқиш, танбех, кучли мурожаат, ундаш, огоҳлантириш ва ажабланишни ҳам ифодалайди: *Сўзимни сўрасанг, эй ёш ўғлон, // Ўзбаклар юртига бермасман омон (23); Армон билан ўлар бўлдинг, эй душман, Нор кесар олмосни қўлга оламан (25); Шунда Япроқ дев айтди: - Эй, девлар, шошманглар, ҳовлиқманглар. Мен гапнинг ростини сўрайин, қўрқманглар (37).*

Юқорида қайд этилганидек, дostonда тақлид сўзлар ниҳоятда кам қўлланган. Бундай сўзлар эпик қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ, шунингдек, жонли ва жонсиз предметлар чиқарган ҳар қил товушлар тавсифини ифодалашга хизмат қилган: *Дубулға бошда дингкиллаб, // Карк қубба қолқон қарқиллаб // Тилла поянак урулган // Узангиларда ширқиллаб (16-17); Ҳақнинг яшинидай оқади тулпор // Ишқириб дамига тортди аждаҳор (82); Не ярадор девлар ётир // Айиқдай бўп чинқириб (151); Дуриллаб қочади девлар / Кўп девларнинг ақлин олиб (140); Чарқиллаб учади кўлларнинг ғози // Чўлларда кўп бўлар улоғман қўзи (23).*

VIII. Кўмакчилар ва боғловчи вазифасини бажарувчи сўзлар. «Ўзбек тили грамматикаси»нинг илмий академик нашрида “кўмакчилар восита, мақсад, сабаб, вақт, макон ва шу каби бошқа муносабатларни билдириш учун қўлланадиган сўз туркуми эканлиги, ҳозирги замон ўзбек тилида уларнинг икки хили учраши (мустақил маъносини тамоман йўқотган сўзлар ва мустақил сўзлардан, масалан, от, сифат, равиш ва феъллардан кўмакчиликка ўтган сўзлар)” алоҳида таъкидланади⁴².

Мана шу кейинги фикрлар асосида, яъни мустақил маъносини тамоман йўқотган сўзлардан бири – *билан* кўмакчисининг⁴³ дoston матнида қўлланишини қисқача кўздан кечирайлик.

Дoston матнида *билан* ўзининг асосий кўмакчилик вазифасидан ташқари, бириктирувчи боғловчи вазифасида қўлланган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бу кўмакчи боғловчи вазифасида келганда бошқа бириктирувчи боғловчилар сингари гапнинг уюшган бўлакларини боғлайди. Шу билан бирга, у уюшган бўлакларнинг зич муносабатини ва айни вақтда биргалик муносабатини ҳам ифодалайди: *Ана энди бир кунлари Чамбилда даврон суриб, қирқ йигити билан, Ҳасан, Авази билан, қанча амалдори билан суҳбат қуриб ўтириб, Соқи деган хизматкорини чақириб: – Соқижон, Ғиркўк отни абзаллаб, чоқлаб олиб кел, – деди (6); Ғирот жонивор Авазнинг ярадор бўлганини билиб, йиқилиб қолмасин, йиқилиб қолса менга кўп ёмон таъна ишлар бўлади, деб кейинга кетайин деса, қўйруғи билан суяб, илгари кетайин деса, ёли билан суяб, Авазхонни авайлаб, аста-аста суяб олиб Хулкар тоғининг юқори баланд чўққисига олиб чиқди (31).*

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тадқиқ этилган дostonда *билан* кўмакчисининг қисқарган шакли – *ман* варианты фаол қўлланган, айни чоғда, бу шакл ўзи билан келган сўз билан биргаликда қўйидаги маъноларни билдириб келган: 1. Биргалик ва ҳамкорлик маъносини ифодалайди: *Баҳорда очилган*

⁴² Ўзбек тили грамматикаси (Морфология). 1-том. – Тошкент, Фан. 1975. – Б.541.

⁴³ Пардаев А.Б. Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчиларнинг функционал-стилистик хусусиятлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2005. – 25 б.

боғнинг гулиман // Юнусман Мисқолнинг жону дилиман (38); Бош бўлиб жўнай берди шу замон // Нима дерин билмай Асадман Шодмон (46). 2. Ҳаракат воситаси бўлган предмет маъносини ифодалайди: Бедовман йўллар тортсам керак-да // Кунма-кундан зўрға етсак керак-да (46); Шундай беклар уруш қилди // Етганин найзаман санчиб (146). 3. Ҳаракат содир бўлган предмет номи, умуман, ҳаракат номлари билан бирга келиб, бир ҳаракат кетидан иккинчисининг тез бошланиши маъносини ифодалайди: Сизларни Чамбилга ҳайдаб боради, // Юнусман Мисқолга сўйлаб боради (54); Ушбу кунда ўлар бўлдиқ // Улман қизимизни кўрмай (145). 4. Бирор иш-ҳаракатнинг тугаши билан баробар, тенг содир бўлганлик маъносини ифодалайди: Бошдан тожди, қўлдан бериб давлатди // Бир одамман қурдинг сен ҳам суҳбатди (54); Қаландарман Авазхонга етишдик // Омон бўлсак буларман энди топишдик (128). 5. Мақсад ва ҳолат маъносини ифодалайди: Маст бўлиб боради икки Қаландар // Қистаганман етолмайди бедовлар (66); Заргар сизман бирга-бирга бўлайик // Ўғлонларнинг бориб ҳолин сўрайик (68).

Билан кўмакчисининг қисқарган ман шакли ҳозирги ўзбек адабий тили учун меъёр ҳисобланмайди, лекин юқоридаги мисолларда бириктирувчи боғловчи вазифаларида қўлланган ва ўзи билан келган сўз маъноларини англатишга хизмат қилган. “Айнан шу ҳолатни кипчоқ шевасига хос лисоний хусусият”⁴⁴ сифатида, шу шевада куйланган «Малика айёр» достони тилининг ўзига хос жиҳатини кўрсатувчи белгиси сифатида қайд этиш лозим.

Кузатишларимиз шуни тасдиқлайдики, боғловчи вазифасини бажарувчи сўзлар, жумладан, феъл сўз туркумига мансуб (демоқ феъли) сўзи тадқиқ этилган дostonда боғловчи вазифасида фаол қўлланган: Бунда турсак ўлармиз, деб // Беҳад нобуд бўлармиз деб // Энди қочсак қутулармиз, деб // Қоча берди қолган девлар (167); Бизларга аввалдан нимага

⁴⁴ Эгамов В. Ўзбек шеваларида сўнг кўмакчили сўз бирикмаларининг семантик-грамматик муносабатлари // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва стилистикаси масалалари. Илмий тўплам. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1996. Б. – 58.

хабар бермадинг? Авазжон қаёқда? Кўрайик, танийик, Юнус, Мисқол опамизни, Гўрўғли езнамизни сўрайик – деб девлар ури-ниб, ҳовлиқиб, лоловлашиб, ҳар нимани бир нима деб, Авазни бундан илгари кўриб юргандай, соғиниб қолгандай бўлиб, уял-гандан ҳар нимани бир нима деб, Авазни келди, деб отини эши-тиб, қўрқиб, у ёққа-бу ёққа /кўзини/ юбортиб, Авазни сўраган киши бўлиб турибди (56).

Достонда деб сўзининг – деди, десанг, десангиз каби шак-ллари ҳам боғловчи вазифасида фаол қўлланган: Худо деди яратганга жилади // Талабини бир оллодан тилади (109); Гард-кам, деди, уч ошиқни тайлади // Яллокал яксар, дучор айлади (115); Ҳарна десанг, айтганига кўндирган // Сенсан паризодни менга эндирган (195); От учун, яроқ-асбоб, пўлат ханжар учун хафа бўлманг, ҳар нима десангиз, Тилла қизингиздан топила-ди, – деди (119).

Боғловчи вазифасидаги деб буйруқ ва истак феъллари-дан сўнг мақсад маъносини англатади. Бундай ҳолларда деб боғловчиси матн таркибида кетма-кет тартибда келади: Қандай ўғлон, борайин деб // Бориб ҳолин сўрайин деб // Худа-яй менга насиб қилса // Бориб ўйнаб-кулайин деб // Жўнади пари, жўнади. (51); Келсин, деб чорлади Малика айёр // Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулсин, деб // Келиб бизнинг тилла шерни кўрсин, деб // У ҳам келиб шер ясатиб олсин, деб // Тилла шерга жонни ато қилади (105).

Хуллас, тадқиқ қилинган «Малика айёр» достони матни-да қўлланган тил бирликлари кўпчилик миқдорни ташкил этади. Булар: нарса ва ҳодисалар номлари, ҳаракат-ҳолатни англатувчи сўзлар, достон воқеаларида иштирок этган эпик қаҳрамонлар, улар фаолиятидаги воқеа ва ҳодисаларнинг белгиси, миқдори, ҳолати ва ҳаракати кабилар тасвири би-лан бевосита узвий боғлиқ лексик бирликлар ҳисобланади. Айни вақтда, уларнинг ҳаммаси мазкур достон лексика-сининг мавзуй-таркибий жиҳатлари ва лексик-семантик гуруҳларини ҳам ташкил этади, уларга асос бўла олади.

2.2. Достондаги ижтимоий-сиёсий лексиканинг функционал-семантик таҳлили

Ижтимоий-сиёсий соҳанинг кўпгина қирраларига оид лексемалар ўзига хос тарихий тараққиёт босқичига эга, улар ўзбек тилшунослигида Х.Дадабоев ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ этилган⁴⁵. Халқ достонлари тилига бағишланган монографик тадқиқотларда⁴⁶ мансаб-мартаба маъносини билдирувчи сўзлар ҳақида йўл-йўлакай фикрлар билдирилган бўлса-да, лекин Фозил шоир куйлаган “Малика айёр” достони тили мисолида бу масала бўйича бирор мақола ёки илмий ахборотни ҳанузгача учратмадик. Айтиш ҳоли ҳисобга олиб, ишимизнинг ушбу фаслида ижтимоий-сиёсий лексикани семантик гуруҳларга бўлиб ўрганишни лозим топдик.

1. Мансаб-мартаба маъносини ифодаловчи лексемалар. Функционал-семантик жиҳатларни акс эттирувчи мавзуй гуруҳларидан бири мансаб-мартаба маъносини ифодаловчи лексемаларни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги семантик гуруҳларга ажратдик:

а) энг юқори лавозим, олий мансаб номини билдирувчи семантик гуруҳдаги сўзлар. Подшо, султон, хон каби лексемалар “Малика айёр” достони тилида фаол қўлланганлиги аниқланди. Қуйида бундай сўзларнинг тарихий-этимологик жиҳатдан қайси тилга мансублиги ва маъносини изоҳлашга, тегишли мисоллар билан қисқача далиллашга ҳаракат қиламиз.

Под(и)шоҳ, подшо: туркий тилга форсча-тожикчадан ўзлашган под(и)шоҳ⁴⁷ лексемаси “Баъзи Шарқ мамлакатларида: мутлоқ ҳокимлик қилувчи ҳукмрон унвони ва шундай номга эга бўлган шахс, шоҳ” (ЎТИЛ, 3, 282) маъносини ифодалайди.

⁴⁵ Дадабоев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Т., 1991. С. 42-59; яна шу муаллиф: Тарихий ҳарбий терминлар лугати. – Т.:2008.; яна шу муаллиф: Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Т., 2007. Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси, Тошкент: Фан, 2016. – Б.94-105.

⁴⁶ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – Б.28-36.

⁴⁷ Древнетюркский словарь. – Л., 1969. – С.396.

*Пошио (аслида подшоҳ) – Усмонли турк империясида фуқаро ва ҳарбий амалдорларга берилган фахрий унвон маъносини ҳам ифодалаган*⁴⁸. Халқ достонлари тилида бу атама *подшоҳ, пошио, подшо* каби фонетик вариантларда эскирган сўзларнинг энг фаол намунаси сифатида қўлланилган: *Мен бўламан Торкистоннинг подшоҳи, // Қосимшоҳ дер, эшит айтган отимни (92); Бу сўзимни ҳазил билма, подшоҳим // Ўйлаб қил-да, бундан кейин ишингни (93); Хизматкорлар бориб подшога хабар берди (95); Бу икки подшога овқат, дастурхон, ҳар хил таомлардан олиб келиб берди (154) каби.*

Хон, султон: “туркий ва мўғул халқлари унвони” маъносидаги хон (ЎТИЛ, 4, 410) истилоҳи халқ достонлари матнида юқори унвонли ва мансабдор, муайян эпик макон (юрт)нинг ҳукмдори сифатида тасвирланган: *Қаландар деб, болам, ғофил қолмагин // Аслимни сўрасанг, Чин-Мочин хони (55); Ҳар қайсингиз бир мамлакатнинг хони // Ер остида экан ёрнинг макони (78); Ажойиб юртларни кўргин, Авазжон // Неча вақтлар бўлдинг Чамбилнинг хони (85); Сени туққанларнинг борми армони // Тарзингга қарайман, бир юртнинг хони (155); Бу ерларда ҳарна бўлсак бўламиз, // Бизлар мерган, хон амрини қиламиз (200); Беклар қилди ғайратди // Хон Гўрўғли яқин етди (203); Юртни сўраб турган Юсуф маҳрам бор // Югуриб-елиб хонга қилди хизматлар (204).*

Арабча ўзлашма султон атамаси “олий ҳукмдор, подшо (ЎТИЛ, 2, 584) маъносида халқ достонлари тилида хон сўзи ўрнида унинг синоними сифатида қўлланилган, муайян эпик юртнинг ҳукмдори маъносини ифодалаган. Масалан: *Шунда қошида турган амалдорлар айтди: – Эй подшоҳи олам, султони бокарам! (88); Бу сўзларни айтар Гўрўғли султон // Қайга борсанг, омон бўлгин, Авазжон (15); Сизни билганидай қилган // Олиб келган Заргар султон (129); Садағанг бўлайин султони Аброр // Бу жафони солди айёру жодугар (176).*

Тадқиқ қилинган достон тилида эпик мамлакатларнинг ҳукмдорлари баъзан султон, баъзан бек, айрим ҳолларда шоҳ, кўпчилик ўринларда *подшо*, хон атамалари жуфт ҳолда, мам-

⁴⁸ Турсунова О. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланилган ҳукукий терминларнинг лисоний тадқиқи. НД. – Т., 2007 – 33-б.

лакатларнинг ягона бошлиғи, саркардаси, ҳукмдори, юрт-бошиси маъносида қўлланган. Биз тўплаган маълумотларда бундай атамаларнинг қўлланилиш частотасида *шоҳ, подшо, хон* атамаларининг қўлланиш даражаси юқорилигини, ҳукмдорлар унвонлари сифатидаги бек ва султон атамалари эса анча паст даражада қўлланилганлигини тасдиқлади;

б) *муайян вазифа учун масъул шахс тушунчасини билдирувчи семантик гуруҳдаги сўзлар*. (Вазир, амир, қозикалон, қози, нойиб, тўра, қўрғонбеги, закотчи, миршаб, шабгир, ҳудайчи, бек, қўрбоши, даҳабоши каби)

Амир: араб тилидан ўзлашган ва тарихий сўз ҳисобланган амир лексемаси “Бухорода ва бошқа мусулмон мамлакатларида: хонлик, подшолик унвони ҳамда шу унвон эгаси” (ЎТИЛ, 1, 78) маъносида истеъмолда бўлганлиги аниқланган. Биз ўрганаётган дoston матнида бу истилоҳ “ҳоким, ҳукмдор; бошлиқ” маъноларида қўлланган: *Амир Ҳамза бул ойда сафар қилди // Уҳуд тоғида шаҳид бўлди (6)*. *Элчи* лексемаси дoston матнида бир неча маъноларда қўлланган: а) эпик макон раҳбари (шоҳи) ёки муайян ҳукмдор томонидан бирор топшириқ билан юборилган киши: *Келсин, деб чорлайди бувишим сизни // Элчи қилиб юборди биздай канизни (183); Эндиги гапни бу ёқдаги шоҳнинг элчиларидан эшитинг (131)*. б) Уришаётган томонларнинг ўзаро музокара олиб бориш учун юборган вакили: *Оқдев шоҳнинг учиб юрадиган элчилари осмонда учиб юриб, ердаги одамзодни кўриб, Малика пари билан Тиллақизни бу уч ўғлон билан ҳамроҳ, кўриб, қайтиб бориб кўрган ишларини Оқдевшоҳга билдириб, элчи девлар бир сўз деб турибди (131)* каби.

Қози лексемаси араб тилидан ўзлашган ва тарихий сўз сифатида ижрочи, амалга оширувчи; ҳукм чиқарувчи маъносида қўлланади. Қози мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шарият асосида суд вазифасини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси вазифасини бажарган (ЎТИЛ, 5, 322). Биз ўрганган дoston лексикасида бу истилоҳ анча фаол учраган ва “ҳукм чиқарувчи, хурмати баланд амалдор” маъносида қўлланилганлиги кузатилди: *Қозининг олдиди шабгир нойиби, // Йигитга панд берар отнинг*

майиби (22); Бек Гўрўғли берди катта сарпойни // Олиб келиб бу майдон катта қозини (206) каби.

Нуфузли луғатлардаги маълумотларнинг тасдиқлашича, XV–XVI асрларда манғит ва ўзбек улусларининг ҳар бир қабиласи жуда майда бўлинмалардан ташкил топган бўлиб, улар ўз қариндошлари ва яқинлари орасидан *бий* ва *бекларни* тайинлашган. Бир неча беклар устидан *бекларбеги* тайинланган, улар *улуғ бек* ёки *буюк бек* деб юритилган. *Бекларбеги* катта қўшинга қўмондонлик қилиб, хон кенгашида қатнашган⁴⁹. Ўзбек тилига турк тилидан ўзлашган *бек* лексемаси “хонликлар даврида давлат арбобларига, шаҳар ёки вилоят ҳукмдорларига берилган унвон” (ЎТИЛ, 1, 21) маъносини ифодалаган, “Малика айёр” достони тилида юқори унвонли ва мансабдор шахслар номи сифатида талқин этилган: *Сардор беклар қилди элда маслаҳат*, // *Қўлингдан кетмасин Чамбилдай элат* (10); *Беклар ҳоли забун бўлди, билади* // *Раббим, деди, девга қилич солади* (178); *Бир кун бордик бизлар Чамбил элига* // *Қайта бошдан бек Гўрўғли буюрди* (200) каби. Достонда *бек* лексемасининг *бекдан*, *бекдир*, *бекка*, *беклар*, *бекларга*, *беклари*, *бекларини*, *бекларни*, *беклигим*, *беклигимда*, *беклигини*, *бекман*, *бекнинг* каби қатор шаклдошлари қўлланганлиги кузатилди. Шунингдек, *бек* (фарзандга) нисбатан *беквачча*, *бекзода*, *бекзоди* каби шаклдошлар ҳам матнда учраган.

Достонда *бек* атамасига *тўра*, *қўчқор* атамалари синоним маънодош сифатида қўлланилган: *Чамбил элда мен ҳам бекман*, *тўраман* // *Қилич ўрсам дарров бошинг оламан* // *Чамбил элтиб сени лойга соламан* // *Чамбилнинг қўчқори ўзим бўламан* (38). Матнда бахшининг ижодий услубига хос бир лисоний ҳолат учрайдики, бу “*қўчқор*” сўзининг қўлланишида кўзга ташланади. Бинобарин, халқ тилида элнинг корига ярайдиган, мард, иймони бутун ва халқпарвар йигитларнинг энг сарасини “*қўчқор*” деб аташ азалдан урф бор. “Малика айёр” достонидаги “*Чамбилнинг қўчқори*” ифодасида муайян эпик макон – *юртнинг беги* (бошлиғи), *тўраси* (раҳбари), хони, *подшоиси* маъноларини ифодалаб келганлигини ку-

⁴⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик. 1-том. – М.: Рус тили, 1980. – 97 б.

затамиз. Аниқроғи, “Мисқолман Юнуснинг жони-дили”, “Тўрўғлининг ули” саналган ботир Авазнинг қирқ девнинг энг каттаси Япроқ девга қилган мурожаат нутқида “кўчқор” сўзи ўринли қўлланган;

в) муайян хизматни бажарувчи шахс тушунчасини ифодаловчи семантик гуруҳдаги сўзлар (жиғадор, туғдор, сўфи, канизак, қаландар, сардор каби). Тарихий лексема сифатида “жиғадор: 1. жиға таққан, жиғали, 2. тар. Ўрта Осиё хонликларида: жиғаларни сақловчи киши (ЎТИЛ, 2, 96-97) жиға – бош кийимига тақиладиган, укпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнат буюми” (ЎТИЛ, 2, 96) маъноларини ифодалайди: *Жиғадор бўлди, найлайин // Келиб кишининг юртига (59). Туғдор эскирган лексема сифатида дoston матнида “байроқ кўтарган киши; байроқдор” ёки “аскарий қисм, давлат ва шу кабининг байроқини сақловчи лавозимли киши; байроқдор” маъноларида қўлланганлиги кузатилди: Ҳайда лашкарингни, байроқ-туғдорлар, // Энди майдон бўлсин, қонлар тўкишинг (132); Йиғилишган катта-кичикларини // Асабадор, туғдор, ясавуллари (204).*

Араб тилидан ўзлашган сўфи лексемаси “масжидда азон айтувчи киши; муаззин”, шунингдек, кўчма маънода содда, гўл, художўй одам” маъноларида (ЎТИЛ, 3, 620) қўлланганлиги аниқланган. Биз ўрганган дoston матнида бу лексема *дарвеш* истилоҳи билан бирга қўлланган. Форсча-тожикча тилдан ўзлашган *дарвеш* лексемаси “таркидунё қилган, гўшанишинликка берилган одам; сўфий”, кўчма маънода “ҳеч нарсаси йўқ, қашшоқ, гадо”, “ҳеч нарса билан иши йўқ, ўтакетган содда ва сипо одам” маъноларини ифодалаши ЎТЛИда (1, 560) қайд этилган. “Малика айёр” дostonида бу лексемалар (сўфи-дарвеш) жуда содда, художўй эпик қаҳрамон маъносида қўлланган: *Шу кунларда сўфи-дарвеш бўлибман, // Ғайридиннинг воллоҳ юзин кўрмай, деб (32);*

Форс тилидан ўзлашган каниз лексемаси “чўри; хизматчи, оқсоч хотин” маъноларини ифодалаши тилшуносликда аниқланган: Биз ўрганган дoston матнида бу истилоҳ “тутқин аёл, чўри, хизматчи аёл” маъноларида қўлланганлиги аниқланди: *Биз бўламиз Маликанинг канизи,*

// Келсин деб чорлайди бувишим сизни (98); Маҳтал қилманг канизларни, // Қўймай об кетамиз сизни (98). Достон матнида бу лексема “хон, амир ва бошқа амалдорлар ёки маликалар саройидаги хизматчи аёл” (ЎТИЛ, 3, 314) маъноларини ҳам ифодалаган: Малика шердан тушиб, қаландарлардан ҳол-аҳвол сўраб, ўзининг кўшига чиқиб кетмоқчи бўлиб, шунда канизларидан Хадича деган канизига буюрди: «Бориб менинг дўстим – Тиллақизни айтиб кел, ўз қизлари билан бирга келсин (104); Хадича каниз «хўп» деб Маликадан жавоб олиб, Тиллақизга қараб жўнаб кетди (104) каби. Достон матнида каниз сўзининг маънодоши (синоними) сифатида араб тилидан ўзлашган канизак лексемаси фаол қўлланган ва “ёш чўри, ёш оқсоч” (ЎТИЛ, 3, 314) маъноларида қўлланганлиги кузатилди: Гулзамондан Гулқиз ойим бу сўзни эшитиб, ўрнидан тургани малол келиб, канизакларига қараб, бир сўз деб турибди (49); Қани бизни мазах қилиб, // Канизакка кулганингиз (129) каби.

Араб тилидан ўзлашган қаландар лексемаси “дунё ташвишларидан кечиб, дайдиб юрувчи дарвиш” (ЎТИЛ, 5, 225) маъноларини ифодалаши тилшуносликда аниқланган. “Малика айёр” достонида бу лексема қуйидаги маъноларда қўлланган: а) “мусулмон динини тарғиб қилиб дарбадар кезувчи, таркидунё қилган, сўфий” маъносида: Қаландар уйқудан туриб, паризоднинг жағиға бир уриб олма қилиб, телпагининг таркига солиб, кади-мудбақ сўталарини олиб, Оллоҳ, билоллоҳ деб йўлга кириб жўнай берди (60); Бу сўзни қаландар Авазга айтиб туриб эди, яна бир қаландар «Олло бир, Оллоҳ», деб дарвозанинг эшигидан кириб кела берди (62); б) қаландар кўчма маъносида: – “дунёдан воз кечган, таркидунё қилган киши; зоҳид” маъносида: Авазжон қаландарнинг қадди-қоматига шундай қараса, бошдан-оёғи бирдай қаландар, ҳар яғрини қирдай қаландар, бошида кулоҳ, қўлида сўта (62); Қаландар парининг тиззасига бошини қўйиб, жамолига тамоша қилиб, ухлаб қолди. У паризод Қаландарнинг бошини ерга олиб қўйди (60) каби.

Форс тилидан ўзлашган сардор лексемаси “бош қўмондон, саркарда” (ЎТИЛ, 3, 448) маъноларида қўлланилиши

аниқланган. “Малика айёр” достонида бу лексема “умуман, қўмондон, бошлиқ” маъносида қўлланган: *Гулқизой париға мақтаб, қизларнинг катта сардори Гулзамон Гулқизга қараб, бир сўз деди (189); Аваз жўнагандан сўнг, Аҳмад сардор, йигитларини йиғиб, маслаҳат қилиб айтди... (16). Сардор лексемаси “йўл-йўриқ кўрсатувчи; маслаҳатгўй” (ЎТИЛ, 3, 448) маъноларини ҳам ифодалаган: Сардор беклар қилди элда маслаҳат, // Қўлингдан кетмасин Чамбилдай элат (11); Соқининг сардори эр Саъди Воққос, // Отингдан айланай ё Ғовси Ғиёс, // Ҳақнинг хазначиси Хизир Илёс (71); Арза обкеб берди парийи сардор, // Арзанинг сўзидан бўлдинг гуноҳкор (87) каби.*

Хуллас, мансаб-мартаба билдирувчи сўзлар қадимий туркий халқлар луғат бойлигидан муносиб ўрин эгаллаган, уларнинг муайян қисми даврлар ўтиши билан аста-секинлик тарзида туркийлардан ўзбек хонликлариға ўтган ва луғат бойлигига сингиб борган. Бундай сўзларнинг баъзилари дастлабки вақтларда, муайян хизматлар учун берилган имтиёз-ваколатлар сифатида пайдо бўлган, кейинчалик уларнинг қўлланилиш доираси бирмунча кенгайиб борган.

2. Касб-ҳунар номларини ифодаловчи сўзлар. Ўзбек тилшунослигида “Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси”, Самарқанд вилояти касб-ҳунарлари материаллари асосида тайёрланган “Соҳавий лексиканинг систем таҳлили”га бағишланган докторлик диссертациялар, шунингдек, металлсозлик, амалий санъат, кейим-кечак, зардўзлик, кулинария, дорбозлик, заргарлик каби касб-ҳунар соҳалариға оид сўз-терминлар тадқиқиға бағишланган номзодлик диссертациялар ёзилган⁵⁰. Лекин бадиий асарларда касб-ҳунар номларини ифодаловчи сўзлар тизими ва бадиий қўлланилиши масаласи ҳанузгача ёритилмаган. Айни мулоҳазани халқ оғзаки ижоди асарлари, хусусан, халқ достонлари лексикасига қарата ҳам айтиш мумкин. Биз қуйида таҳлилға тор-

⁵⁰ Қаранг: Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-ҳунар номлари материаллари асосида). ДДА.-Т., 2005.-55 б; Шу муаллиф: Саҳовий лексиканинг систем таҳлили. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004, - 262 б.

тилган “Малика айёр” достони матнида қўлланган касб-хунарни ифодаловчи *сайис*, *жаллод*, *уста* каби сўзларнинг лисоний, этимологик, функционал ва семантик табиати ҳақида қисқача сўз юритамиз.

Араб тилидан ўзлашган *жаллод* лексемаси “ўлим жазосини ижро этувчи” маъносини билдиради. Ўрта Осиё хонликларида: ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг бошини олувчи, ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмни ижро этувчи одам (ЎТИЛ, 2, 67). Биз ўрганган достон матнида ҳам айни маънода қўлланган. *Жаллод чарлаб торттирарман гўшингни, // Кестирай танингдан азиз бошингни* (87); *Хукмушга, шоҳим, уни буюрди, // Гирдини олиб турди жаллодлар* (89). Достонда бу лексема каллакесар, қотил, шавқатсиз, жаҳлдор каби қатор маъноларда қўлланганлиги кузатилди: *Қаландарлар ўз тилидан гуноҳкор, // Келинг энди мунда мирғазаб жаллодлар* (89); *Ҳарна қисмат ёзилганин ўйлади, // Жаллод келиб қаландарни ҳайдади* (89); *Келинг энди мунда, мирғазаб жаллодлар. // Кесинг энди қаландарлар бошини, // Бошин кесиб, дорга осинг лошини // Гуноҳкорни дорга ҳайдаб боринглар, // Кўрмаган кунларни унга солинглар, // Ҳарна деб амр этсам, ани қилинглар* (89).

Форсча-тожикча тилдан ўзлашган *уста* лексемаси “ўргатувчи, муаллим” (ЎТИЛ, 4, 300) маъносини ифодалайди. Бу истилоҳ достон матнида фаол қўлланган ва қуйидаги лексик-семантик маъноларни ифодалаб келган: а) муайян касб ёки хунарни эгаллашга ўргатувчи шахс; раҳбар, устоз: «Бу турган қаландарлар жуда уста экан. Булардан бир нарсани олган олиб қолади, қолган булардан ҳеч нимани ололмайди», – дейишиб... (98); *Шунда Тиллақиз хизматкор қизларига буюрди: – Тўқсон уста дев олиб келинглар, қути ясаб берсин, юзукни қутига солиб маҳкамлаб қўяйин, – деди* (112); б) муайян шахсларни билдирувчи сўзларга, масалан, эпик қаҳрамон (уста) исмига қўшиб ишлатилган: *Ғамдан озод бўлинг, энди қаландар, // Юринг, шер ясаган устаи Заргар* (98); *Кўрмакчи сиздайин уста Заргарни, // Югуришиб нечовлари хезлаган* (98); *// Журинг энди, уста Заргар, // Ҳамроҳ бўлинг Шоқаландар* (98); в) бирор иш, соҳанинг машҳур, моҳир билағони (ЎТИЛ, 4, 300) ёки бирор касб-хунар билан шуғулланувчи малакали

мутахассис маъносида: *Мард бўлганлар кўрар экан дурбини, // Усталар ишлатар пўлат қирғини (13); // Муллалар ўқийди зеру забарни, // Усталар чопади теша-табарни (14); «Шерни шер суратли қилиб усталик билан ясабди (97); г) қадрли, эъзозли, эътиборга лойиқ маъносида: Тилла шер қошида ажойиб қизлар, // Усталарга бўлиб турур хизматкор. // Бизнинг элга иш кўрсатган усталар, // Келсин, деб чорлаган Малика айёр (105); Ғиркўк от урушга устади, бошқа отлар қастади», – деб отланиб, яқинлаб бора берди. Буларни девлар кўриб, Оқдевишох ғазабланиб қаландарларга гапиради (138).*

Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашиб кирган *сайис* лексемаси “отбоқар, ҳайвонларга қаровчи; умуман, отбоқар” (ЎТИЛ, 3, 422) маъноларини ифодалайди. Биз ўрганган дoston матнида *сайис* лексемаси отларни парвариш қиладиган хизматкор маъносида қўлланган: *Чамбил элида Гўрўғли зўрабор, қирқ олти сардор, тўрт ярим лак бедовсувор, чилтонларнинг бири Соқибулбул деган сайиси бор (6); Бу бекларнинг бедов отларини, тулпорларини таблаҳоналарга боғлаб, айил-пуштанларини бўшатиб, сайислар терисини қашлаб, ўхшатиб, созлаб, боқиб қола берди (185) каби.*

Илм масканлари ва унга алоқадор тушунча номларини ифодаловчи сўзлар ичида *мулла* лексемаси дoston матнида қўлланганлиги кузатилди. Ўзбек тилига арабчадан ўзлашган ва арабий қатламга хос *мулла* лексемаси “дин арбоби, уламо, шунингдек, маълумотли, ўқимишли киши” (ЎТИЛ, 2, 634) маъноларида таҳлил этилган дoston тилида учрайди: *Муллалар ўқийди зеру забарни // Усталар чопади теша-табарни (14).*

3. Дoston лексикасида ҳарбий атамалар ва уларнинг семантик гуруҳлари. Ўзбек тилшунослигида ёзма асарлар мисолида ҳарбий лексика махсус ўрганилган⁵¹. Лекин халқ дostonлари тили мисолида ҳарбий атамалар ва унинг семантик гуруҳлари мутлақо ўрганилмаган. Айни ҳолни ҳисобга олиб, “Малика айёр” дostonи матнида қўлланилган ҳарбий атамаларни қуйидаги семантик гуруҳларга ажратдик:

⁵¹ Дадабоев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке. – Автореф, дисс.... канд. филол. наук, -Ташкент, 1981; Дадабоев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка, -Ташкент: Фан, 1990.

а) ҳарбий ҳаракатларда иштирок этувчи эпик қаҳрамон (шахс) тушунчасини ифодаловчи атамалар (сипоҳ, аскар, аскар-лашкар, душман, ёв, отлиқ, пиёда, яёв, мерган каби). Бундай атамалардан айримларининг лексик-семантик хусусиятларини кўздан кечирамиз. Форсча-тожикча сипоҳ лексемаси “аскар, қўшин, лашкар” маъносида эски ўзбек тилида кенг қўлланганлиги аниқланган⁵². Биз ўрганган дoston матнида ушбу лексема “подшоҳ, хон, амир саройида узоқ хизмат қилган лавозимли киши, амалдор” маъносида қўлланган: *Чамбилнинг эл-юрти Авазжоннинг отланиб бораётганини кўриб, пўш-пўшлаб, Чамбил амалдорлари, сипоҳилари, беклари Авазжонни жўнатмоқчи бўлибди (16); Қайси элдан, қайси юртдан келасан // Қандай сипоҳнинг, қандай бекнинг ўғлисан (52)*. Дostonда бу лексеманинг “жангчи, аскар” (ЎТИЛ, 3, 519), шунингдек, “ғайратли, тезкор жангчи, қуролланган аскар” каби маънолари жуда фаол қўлланганлиги кузатилди: *Тоша келар Авазжоннинг ғайрати // Шундай бўлар сипоҳининг одати (20); Белимда ярқиллар кескир пўлатим // Шундан бўлар сипоҳилик одатим (36); Қон деганинг селдай бўлиб // Тоғ аскарин чалди туман (29)* каби. Шунингдек, дostonда сипоҳилик лексемаси тарихий сўз сифатида “амалдорлик, иш бошилиқ” (ЎТИЛ, 3, 519) маъносида ҳам қўлланганлиги аниқланди: *Ўзининг тамом шоҳлик, сипоҳилик асбобларини ўзига бойлади. Бир хилини кийиб олди. Ҳеч бир еридан камсиз бўлди (158)*.

Форсча-тожикча лашкар лексемаси “қўшин, армия” маъносини ифодалагани маълум ҳодиса. Биз ўрганган дoston матнида муайян эпик давлатнинг ёки душмanning қуролли кучлари, унинг бирор қисми маъносида қўлланган: *Иккови бирга-бирга тоғнинг бошига чиқиб қараса, тоғнинг у тарафида душмanning кўп лашкари бор. Буни булар кўрди (33)*. Шунингдек, дostonда лашкар келмоқ бирикмаси “қўшин билан ҳужумга келмоқ” маъносида қўлланган: *Тоғнинг нарёғига лашкар келибди // Кун туман, илғовли кунлар бўлибди (32)*. Дoston матнида лашкар истилоҳи англатган маъносига дахлдор бўлган лашкарбоши лексемаси “қўшин ёки унинг бирор

⁵² Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б. 100.

қисмининг қўмондони, ҳарбий бошлиқ, саркарда” маъносида қўлланганлиги аниқланди: *Келаётган лашкарбошлар ҳам Авазни кўрди. Ораси яқин қолган экан, бири-бирига ўраб турди. Аваз: «Бу лашкар қандай лашкар экан», деди. Бу лашкарлар Арботиндан келаётган эди (27) Лашкарбошилари айтди: «Гўрўғли битта ё иккита бўлиб юрар эмиш, деб эшитар эдик. Бу – тайин Гўрўғлига ўхшайди, – деб лашкар туриб қолди, «келаётган одам Гўрўғли бўлмаса, фил минган полвондан бу ёққа омон ўтмас эди... (27).*

Форсча-тожикча “ёв, мухолиф, бадҳоҳ” маъноларини ифодаловчи *душман* лексемаси дoston лексикасида анчайин фаол қўлланган. Бу истилоҳ “хатти-ҳаракати бир-бирига душман бўлган, ўзаро ғаним, рақиб сифатидаги томонларнинг ҳар бири” маъносида қўлланган: *Атрофимни олди жодугар душман // Чувиллашиб йиғлашади бу замон (177); Душман кўрсак, жазосини берамиз // Шунинг учун бизлар кўзлаб турамиз (200).* Шунингдек, dostonда *душман* лексемаси “бири иккинчисига мутлоқ қарши, бир-бирига қарши уруш эълон қилган ёки бир-бирига қарши турувчи томонлардан ҳар бири, ёв” маъноларида ҳам қўлланганлиги аниқланди: *Ўлиб кетди неча душман // Пари олган бол Авазжон (180); Доим еган Гўрўғлининг тузини // Ўлгудай душман бўб Аваз қўзига (707); Дўстлар шод, душманлар ғамли бўлиб, Асад, Шодмон уялиб қолди (207).* Ўзбек тилида *душман* лексемасининг синоними сифатида қўлланадиган *ёв* истилоҳи doston матнида “қарама-қарши мақсаддаги киши, душман, рақиб” (ЎТИЛ, 2,22) маъносида фаол қўлланган: *Мендайин ўғлоннинг кўнглин бўласан // Синамаган ёвда нима қиласан (33) ва бошқалар.*

Мўғул тилидан ўзлашган *мерган* лексемаси dostonда “ўқ отиш бўйича ғолиб, ўқни аниқ отувчи” эпик қахрамон номи билан бирга тилга олинади. *Асад, Шодмон деган ботирлар бор эди. Шодмони найманнинг ботири эди. Асади қипчоқнинг ботири эди. Асад мерган парли ёй тортар эди. Шодмон мерган ашрафи милтиқ отар эди. Бу иккови ҳам Чамбилда дафтари мерган эди, улар қушининг кўзидан отар эди (16); Бу сўзни Асад мергандан эшитиб, Шодмон мерган Асад мерганга қараб, бир сўз деди (32); Doston матнида мерган истилоҳи “ўқни аниқ*

отувчи, ўқчи аскар, жангчи” (ЎТИЛ, 2, 580) маъносида фаол қўлланган: *Чамбилдан чиқиб, уч кеча-кундуз йўл юриб, Полопониға етди. Тоғнинг белини мерганлар кўрди. Авазнинг ҳали бу ердан ўтгани йўқ экан. Мерганлар қараса, Авазхон ирғалиб келаетир. Авазни кўриб, Шодмон мерганга Асад мерган қараб, бир сўз деб турибди (17); Шулдир мерганлар санаши // Бош кесар майдон ичинда (34); Эшитингиз мерганларнинг сўзини // Қамсаб кетди душманларнинг ўзини, // Ногаҳондан бораётиб мерганлар // Йўлда кўрди Ғиркўк отнинг изини (34) каби;*

б) қурол-яроқ тушунчасини ифодаловчи лексемалар (пичоқ, қалқон, қилич, найза, сипар, совут, милтиқ, ёв-яроқ, ханжар, каби). Эски ўзбекча лексемаси саналган *совут* “қаттиқ қобиқ – кўкрак қафасини ўқ, найза ва қилич зарбидан сақлаш учун кийиладиган, мустаҳкам пўлат симдан тўқилган ўрта аср ҳарбий кийими” (ЎТИЛ, 3, 540) маъносини ифодалайди. Достон тилида айнан шу маъно ҳам ифодаланганлигини кузатамиз: *Авазхон совут, қалқонини жомилиб, отига миниб урушга тайёр бўлиб, лашкарга қараб, бу сўзни айтиб, юзланиб бора берди ... (28); Оқ, кировка, олтин совут // Киймаганлар номард бўлсин (30) каби.*

Сипар сўзи *совут* сўзининг синоними сифатида айрим достонлар тилида қўлланган ва юқорида таъкидланган маънони англатган. Ўзбек тилига форс тилидан ўзлашган тарихий лексема сифатидаги *сипар* “қалқон, совут, ўқ, найза, қилич ва ш.к. қуроллар зарбидан сақланиш учун қўлланган доира ва ёки бирор бошқа шаклдаги қадимий аслаҳа; қалқон” (ЎТИЛ, 3, 518) маъносини ифодалайди. Достонда *сипар* лексемаси уруш-жанг қуроллари ва унга дахлдор тушунчаларни ифодалашини кузатилмади, лекин эпик қахрамонлардан бирининг номини ҳам ифодалаб кела олган: *Энамнинг отидир парийи Сипар // Отамнинг отини Қосимхон дерлар (9) каби.*

Достон лексикасида ўз қатламга тегишли ўткир тегли қурол номини билдирувчи “пичоқ, ханжар” маъносида *пичоқ* лексемаси қўлланилган: *Шунда сен улай-булай де, ўзимни ўлдираман, деб жўрттага бир пичоқни олиб қорнингга урмоқчи бўл (76); Шунда бу бола қўлига бир пичоқни олди: – Сизлардан кунда мундай таъна, зулм кўриб юргандан, бу кун*

ўзимни ўлдирайин, бир бошга ҳамма вақт бир ўлим-да, – деди (76).

Араб тилидан ўзлашган ханжар лексемаси “икки томонлама тигли қурол, дудама” (ЎТИЛ, 4, 383) ёки “кескир пўлат қурол” маъносида қўлланганлиги аниқланди: Ана энди, қаландарлардан эшитинг. Қаландарлар шунда, уруш асбобларини, кескир ханжарларини олиб, Авазжонга айтди: – Эй болам, бизлар яна бир ерга борамиз, шунда борганда, уруш бўлиб қолса ҳам ажаб эмас (137); Мен кўрдим, пастки таблада девларнинг от-анжоми, кескир пўлат ханжарлари турган экан, шулардан бировини сайлаб, яхши тулпордан миниб ол (157). Достон матнида дастага ўрнатилган ясси ва узун тигли қуроллар сифатида пўлат ханжар, олмос ханжар номлари ҳам учраган: Эй Шозаргар, сиз кетар бўлсангиз, мен ҳам кетаман, сиздан айрилмайман. От учун, яроқ-асбоб, пўлат ханжар учун хафа бўлманг, ҳар нима десангиз, Тиллақизингиздан топилади, – деди (119); Шундай қараса, Боймоқ девнинг хази-нахонасида бир олмос ханжар турибди, жуда ўхшатган, ёмон кунда керак бўлар деган, йиғиб қўйган ханжари, уни ҳам олиб, ўзининг белига маҳкам осиб олди (158). Ханжар истилоҳининг достон матнида “ёрдан узоқлик, айрилиқ, соғинчлик” каби кўчма маъноларда қўлланганлигини кузатамиз: Ёр ханжари ўртаб менинг бағримни, // Беи юз йиллик йўлдан пою пиёда (65); Жафо тиғи бу кун жондан ўтади, // Айролиқ ханжари бағрин йиртади (96) каби.

Достон лексикасида “жангчининг танасини қилич, найза ва шу каби тигли қуроллар зарбидан ҳимоя қилувчи мослама” маъносидаги (ЎТИЛ, 3, 82) қалқон лексемаси ҳам қўлланган: Олмос пўлат белда, эгнимда қалқон, // Арзимни эшитгин, эй пари-пайкар(8); Менинг умид билан тўққиз қават қарқ терисидан қилган қалқоним бор, шуни бошимга жомилиб турайин. Аваз: – Хайр, жомилиб туринг, – деди(26). Достон матнида “бир тигли, ғилоф (қин) билан ёнга осиладиган, чопиш, санчиш билан ёвга шикаст етказадиган қурол” маъносидаги (ЎТИЛ, 5, 290) лексемаси ҳам фаол қўлланган: Авазхон Бекдан подшолик сарпайларни кийиб, Исфаҳонда ишланган қилич, қиличнинг ишлови етган, теккан омон қолмасин деб заҳарни

ялатган, илон тилли олмос пўлатни белига бойлаб, отнинг белига минди (14); Буви Ҳилол гўрда туққан, // Қиличин қон билан ювган (33); Қиличин ўйнатиб икки аждаҳор, // Ким ёндашса, икки бўлиб ўтади (134).

Достонда қурол-яроғ тушунчасини ифодаловчи *найза*, *милтиқ*, *ёй*, *довул* каби лексемалар ҳам фаол қўлланганлиги кузатилди. Форс-тожикча *найза* лексемаси достонда “қўл билан отиш ёки уриб санчиш учун мўлжалланган, учи ўткир қурол” маъносида, *милтиқ* истилоҳи “ўқ отадиган қўл қуроли” маъносида қўлланган: *От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси // Ботирни ингратар найза яраси* (12); *Юрган йўлинг адир эмас, жўнағар, // Найза тегса оқ бадандан қон оқар* (21); «*Аваз биздан кейин*», деб бир арчанинг панасига отларини бойлаб ташлаб, бўғоридан қолгудай, ўзлари пана бўлгудай ерни ковлаб, ашрафи милтиқни ўқлаб, парли ёйни қўлига олиб, *Авазнинг йўлини тўсиб ётди* (17); *Ярашиққа тикиб чотир, // Фаранг милтиқ натир-натир* (28). Тилимиздаги эскирган довул лексемаси “овчилар, тўпчи қоровуллар ёки ҳарбийлар учун мўлжалланган, теридан ёки пўлатдан ясалган махсус ноғора” (ЎТИЛ, 1, 633) маъносида достон лексикасида учраган: *Соқижон, Ғиркўк отни абзаллаб, чоқлаб олиб кел, – деди. Ғиротни минсам, Шакаркўлига борсам, довул туйиб, кўлга қушимни солсам, Шакаркўлидан сўна-суқсурни олсам, сўна-суқсурни олиб келиб қирқ йигитга чулан берсам, – деди* (6); *Майдонли кун пўлат довул // Туймаганлар номард бўлсин* (141) каби;

в) ҳарбий иншоотлар номини билдирувчи лексемалар (зиндон, қалъа, дарбанд, қудук, бандаргоҳ, қўрғон-қалъа каби). “Ер остидаги зах ва қоронғу қамоқхона” маъносидаги (ЎТИЛ, 1, 306) *зиндон* лексемаси форсча-тожикчадан ўзлашган бўлиб, эски туркий тилда истеъмолда бўлганлиги аниқланган (ДТС, 639). Мазкур лексема Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасида қўлланганлиги ҳам кузатилган⁵³. Таҳлил этилаётган достон матнида ҳам *зиндон* лексемаси қўлланган: *Хиноли қўллари бўябсан қона, // Юсуф каби мени солма зиндона*

⁵³ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б. 102.

(8); Ёқуб ўғли ҳазрати Юсуф, // Анга зиндон доғи тушиди (160). “Душман ҳужумига қарши мустаҳкам девор ва ҳандак билан ўралган, мудофаа воситалари, истехкомлар билан таъминланган шаҳар” (ЎТИЛ, 5, 231) маъносидаги арабча қалъа атамаси ҳам дoston матнида учраган: Излаб энди шахзодасин, // Кўрди-ку кўрғон-қалъасин(151) “Ўрта асрларда қалин ва баланд мудофаа девори билан ўраб қурилган, асосан, бир дарвозали шаҳар қалъа” ҳамда “қалъа, шаҳар ва шу кабиларни мудофаа қилиш учун қурилган мустаҳкам девор” маъносини ифодаловчи туркийча кўрғон (ЎТИЛ, 4, 416) атамаси дoston матнида муайян эпик макон – “кўрғон, қалъа” маъносида қўлланган: Чамбилнинг кўрғони бошқадан қилди, // Ғиркўк отни отам миниб чоп, деди (38); Қараса, Боймоқ девнинг макони - кўрғони кўриниб турибди. Шоқаландар Шозаргар билан яна отига миниб, ғайрат қилиб, йўлга тушиб бораётган эди, бу тоғнинг у ёғи ҳам ўликка тўлиб қолган экан (152).

Форс-тожикча дарбанд атамаси эски ўзбек адабий тилида “истехком, қалъа” маъносида қўлланилгани кузатилган⁵⁴. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасида ҳам бу истилоҳ мавжудлиги аниқланган. Таҳлил этилаётган дoston матнида бу лексема айни маънода қўлланмаса-да, ҳарбий иншоотлар номи билан боғлиқ Дарбанд тоғи тилга олинган: Авазни сўраса, Авазхонни қайси бир девлар еб қўйгандир, бизларнинг хабаримиз йўқ деймиз», деб иккови шу маслаҳатни қилиб, неча манзил йўл юриб, ҳориб-чарчаб, Дарбанд тоғига келиб, «оқсоқнинг охирига боқ» деган экан, деб шу Дарбанд тоғида бирови қўлига ашрафи милтиқ олиб, бирови парли ёйни олиб, Авазхоннинг йўлини тўсиб, тоғнинг белида, йўлнинг ёқасида онғиб ётиб эди (198).

Форс-тожикча бандаргоҳ лексемаси “чўл, дашт ёки тоғли ерларда йўллар кесишган, савдогарлар, умуман кишилар қўниб ўтадиган гавжум жой; карвонсарой” (ЎТИЛ, 1, 158) маъносида дoston лексикасида қўлланган: Шу тулпорни минган киши Маликани олиб кетади, агар бошқа киши, бошқа мол, от-бедав ё бошқа нарсалардан минган киши бўлса,

⁵⁴ Дадабоев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. -Ташкент: Фан. 1990.-С.65.

бандаргоҳда қирқ минг аждарҳо буни кўрса пишқиради, бўлак мол минган киши аждаҳорнинг дамида йўқ бўлиб кириб кетади (77); *Ҳеч ким келолмайди Чамбил элидан, // Қандай ўтар бу бандаргоҳ йўлидан* (106).

Алишер Навоий тарихий асарлари матнида қудуқ лексемаси “чуқур, тубсиз, чуқурлик” маъносида қўллангани кузатишга тўғри келди⁵⁵. Ушбу атама дoston матнида ҳарбий иншоотлар номини билдирувчи макон сифатида қўлланган: *Сичқон яна бир ағанаб юзук бўлиб қолди. Уни Тиллақиз кўриб айтди: – Эй сизлар, девлардан айтиб келинглар. Қирқ газ қудуқ қилиб, юзукни қудуққа ташлаб, устидан қудуқни ярим қилиб тош тўктириб, устидан қўрғошинни эритиб ташланглар, ер остида бу юзук чириб, йўқ бўлиб кетсин* (112); *Девлар қизнинг айтганидан ҳам зиёдроқ қилиб, маҳкамлаб, сошлаб, қудуқнинг оғзини қўрғошин билан маҳкам қилиб келди. Тиллақизга: – Маҳкам қилиб қўйиб келдик, – деди. Тиллақиз: – Яхши бўлипти, энди қудуқнинг ичида чириб йўқолиб кетади, дунёда менинг бундай душманам қолмади, – деди.* (112);

2) ҳарбий-ҳаракат усуллари ва улар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи атамалар (ҳарба, урмоқ, саваш, банди, аср қилмоқ, босмоқ, сипоҳ тортмоқ, юриш, уруш каби). Араб тилидан ўзлашган ҳарба лексемаси фольклор асарларида “найза, санчқи, қилич каби жанг қуроллари” (ЎТИЛ, 5, 508) маъносини англатади. Биз ўрганган дoston матнида ҳарба қилмоқ бирикмаси “ҳамла қилмоқ; бири иккинчисига ҳамла қилмоқ; олишмоқ, тортишмоқ” маъноларида қўлланган: *Шо-заргар бир юзук бўлиб отнинг изига кириб ётибди. Оқдевиш бунини кўрибди. Кўнглига келибди: «Маликага қаландар ҳарба қилибди, юзуги йўлда тушиб қолибди* (109); *Маликанинг боғда гули сўлибди, қаландарлар унга ҳарба қилибди, юзуги йўлда тушиб қолибди, ўйнаб-кулгин, деб сенга олиб келдим* (110); *Уйиб ташлаганди мурда лошди, // Ҳарба қилиб неча девлар етишди* (147).

Саваш (савашмоқ) истилоҳи “уруш, жанг ёки урушмоқ, жанг қилмоқ” каби ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ ту-

⁵⁵ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б. 102.

шунчаларни ифодалаб келган: *Эрам боғда девлар билан савашди, // Девларни исломнинг динига қўшди (13); Солайинми Алининг савашини, // Мақотил, кўр, Авазхоннинг ишини (24); Буни кўрган тоғнинг ақли шошади, // Икки полвон бирдай бўб савашади (133); Шунингдек, дoston матнида “савашли кун”, “танҳо саваш”, “марднинг савашини”, “тантисаваш” каби сўз бирикмалари ҳам юқоридаги маъноларда қўлланганлигини кузатиш мумкин: Аваз ўғлон бунда танҳо савашди, // Байдоқ-байдоқ яна лашкар етишди (30); Майдонда кесилар душманнинг боши, // Қиёматча бўлар марднинг савашини (32); Шоқаландар, Шозаргар // Қилди тантисавашди (135).*

Форс-тожикча банди лексемаси “асирга тушган одам, тутқун, асир” (ЎТИЛ, 1, 158) маъносида дoston матнида қўлланган: *Агар биз бир қадам босиб ўтсак, Боймоқ девнинг ўтин териб юрган, ов овлаб юрган девларидан биронтаси кўриб қолса, қўлимизни боғлаб, сийнамизни доғлаб, банди қилиб, арбанглатиб, ҳайдаб олиб кетиб қолади (59); Етти йилдан бери девларнинг қўлидан айрила олмай, банди бўлиб юрибман, – деди (75). Банди лексемаси кўчма маънода, яъни “боғланган, кишанланган, занжирбанд” (ЎТИЛ, 1, 158). маъносида ҳам қўлланганлигини кузатамиз: Болам Аваз, эшит менинг хасратим, қўл-оёғим банди, кимга айтайин дардим (7).*

Юриш лексемаси дoston матнида ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ тушунчани ифодалаш мақсадида “душманга, ёвга қарши қўшин тортиш, жангга отланиш” (ЎТИЛ, 5, 91) ёки “хужум қилмоқ, урушга кирмоқ, уруш бошламоқ” каби маъноларда ҳам қўлланган: *Хон Қаландар уруш қилди, // Девларга қараб юриш қилди (164); Ғиротиға қамчи уриб // Жилов тортиб юриш қилди (165); Жовлик девлар кел-ҳа, деди, // Уруш қилсанг кел-ҳа, деди, // Ажал етса ул-ҳа, деди, // Бизлар билан уруш бошлаб (138); Урушимни кўргин, девлар! // Хон Қаландар уруш қилди, // Девларга қараб юриш қилди, // Ғиротиға қамчи уриб (164) каби.*

2.3. Достондаги антропоним ва топонимлар

Тадқиқ қилинган достон лексикасида энг кўп учрайдиган номлардан бири эпик қахрамонлар номлари – антропонимлар. Бундай сўзлар (номлар) ўзбек антропоним лексикасидаги мавжуд мезонлар асосида қуйидагича таснифланди.

1. Антропонимларнинг генетик таснифи. Бу таснифда уларнинг қайси тил материали эканлиги асос қилиб олинди ва қуйидагича гуруҳланди:

1. Соф туркий номлар (Аваз, Япроқ, Оққиз, Бектош каби): Ана энди бир кунлари Чамбилда даврон суриб, қирқ йигити билан, Ҳасан, Авази билан, қанча амалдори билан суҳбат қуриб ўтириб, Соқи деган хизматкорини чақириб: – Соқижон, Ғиркўк отни абзаллаб, чоқлаб олиб кел, – деди (6); Чиқиб турган тутун арақ ичиб шағал маст бўлиб ўтирган девларнинг дами эди. Бу қирқ девнинг каттасини Япроқ дев дер эди (37); Ана шунда Тиллақиз канизи Оққиздан бу сўзни эшитиб тасалли берди (121); Қонга бўяб Зарчашманинг сувини // Йиқитди Бектошнинг беш минг тувини (27);

а) арабча сўзлардан ясалган туркийча номлар (Қосимхон каби): Шер хунига жавоб бергин, қаландар, /Сенга сўз айтар Қосимхон тождор (87).

б) форсча сўзлардан ясалган туркийча номлар (Гўрўғли, Тиллақиз, Оқдевшоҳ, Шоҳасан каби); Аваз ўлмаса, бир кунлар Маликани олиб келса, йўлда Авазни ўлдириб, маликани биз олиб келдик, деб Гўрўғлига айтайик (198); Оламанми Оқдевшоҳнинг қизини // Тиллақиздай гажакдорнинг ўзини (65); Оқдевшоҳ юзукни олди, Тиллақизга борди. Қизига айтди: – Ногаҳондан борар эдим, йўлимдан бу юзук чиқди (110); Шоҳасан дер, мен ҳам элга борарман // Элда қолган беклар билан юрарман (196).

2. Соф арабча номлар (Аҳмад, Мажнун, Ҳасан, Абубакир, Аброр, Акбар, Анвар, Асад, Али, Вали, Зулайхо, Карим, Маҳмуд, Муҳаммад, Мисқол, Муртозо, Расул, Усмон, Қосим, Ғиёс, Халил, Маждим, Хадича кабилар); Шайтондан имонни сақланг саломат // Мерганларнинг пири замчи Аҳмад (71); Сўз сўрасам мажнундайин бўласан // Бу элларда иш кўрсатиб борасан (92); Ёр учун бўлгансан Заргар // Сенинг отинг Ҳасан қайсар (182); Дилим бирён, кўзим гирён // Абубакиру Аҳмад, Усмон (160); Садағанг

бўлайин султони Аброр // Бу жафони солди айёру жодугар (176); Шоқаландар, омон бўл, олгин, олдирма, ушлаганинг олтин, тишлаганинг бол бўлсин, бор, болам, омин, Оллоҳу акбар! – деб фотиҳани бетига тортиди (195); Асад, Шодмон ва сизларни шу чашиманинг лабида қўйиб, Боймоқ девнинг манзилига бориб эдим (137); Шозаргарман Шоқаландар // Ё Муртозо, Али, деди (133); Зулайҳо нишоним, қайдан бўласан // Бошингга кийибсан мурраси тожи (8); Холиқсан, каримсан, қаҳрингдан қутқар // Гуноҳкор бандангни мақсудга еткар (177); Шаҳзода Маҳмуд ўзининг тулпорига минди, қаландар «энди ғурбат қолмади», – деб бекларнинг олдига тушиб, йўлни бошлаб кета берди (180); Ташиналарни сероб қилар кун бўлди // Садағанг бўлайин Расул – Муҳаммад (71); Баҳорда очилган боғнинг гулиман // Юнусман Мисқолнинг жону дилиман (38); Наъра тортиб Шоқаландар // Алию Муртозо, деди (33); Расулга домад Алига, Анга ғазо доғи тушиди (160); Абубакиру Аҳмад, Усмон // Аларга дин доғи тушиди (160); Кўп девларга зўрлигингни ўтқариб, // Олиб қайтдинг Қосимшоҳнинг қизини (168); Соқининг сардори эр Саъди Воққос, // Отингдан айланай ё Ғовси Ғиёс (71); Кийган тўни ҳарир-ҳалил // Ўғлин қурбон қилди Халил (160); Асад, Шодмон: – Бу хизмат биздан бўлсин, – деб иккови Гаждим, Маждим деган отларни миниб, ашрафи милтиқни осиниб, парли ёйни эгарнинг қошига солиб, Авазхон йўли билан кетди, бу икки мерган йўлнинг тўтасини олиб, Авазнинг олдини тўсиб, қистаб йўл тортиди (16); Хадича каниз «хўп» деб Маликадан жавоб олиб, Тиллақизга қараб жўнаб кетди (104); Ё мадад тилар ҳазрати Алидан // Умид қилдим Ғовсул Аъзам валидан (72).

3. Форсча-тожикча номлар (Орзигул, Гулқиз, Сурхаил, Шодмонхон, Шозаргар кабилар) Зангор элдан олдинг Орзигул ёрни // Заррин элдан олдинг Машироқо ёрни (13); Гулқиз парини гала-гала қиз канизлар чалқараман қилиб, чандирдай чўзиб ўртага олиб уқалаб, юмалатиб, юмалатиб-жумалатиб, ходими қилиб ётиб эди (49); Бу аломатни Гўрўғли кўриб, ҳайрон бўлиб туриб эди, осмондан бир кўк каптар қуюлиб келиб, бир оғнаб туриб, бир сурхаил гардон, офатихон, писта даҳан бир ажаб нозанин пари бўлиб турди (7); Барқарор қиб сўзлаб кетгин, Авазжон, Сендан савол сўрар, билсанг, Шодмонхон (81); Шоқаландар Аваз билан Шозаргарга айтди: – Бу кўринган кўшк Маликанинг кўшки-да (86)!

4. Араб ва форс-тожикча сўзлардан ясалган номлар (Соқибулбул каби): Шундай қилиб Соқибулбул Ғиркўк отни абзаллаб, чоқлаб, созлаб Авазхоннинг олдига олиб бориб кўндаланг қилиб турибди (14).

5. Форс-тожикча ва арабча сўзлардан ясалган номлар (Гулзамон); Гулзамон кеб таъриф қилиб турибди, // Бориб кўринг, қандай меҳмон келибди (50).

6. Қадимий яҳудий тилидан кириб келган номлар (Юнус, Иброҳим, Илёс, Исмоил, Нух, Сулаймон, Юсуф, Юсуфбар кабилар) Баҳорда очилган боғнинг гулиман // Юнус ҳам Мисқолнинг жону дилиман (53); Иброҳим, Исмоил, Макка муаззам // Динларнинг чироғи Имоми Аъзам (71); Отингдан айланай ё Ғовси Ғиёс // Ҳақнинг хазначиси Хизир Илёс (71); Ўғлин қурбон қилди Халил // Исмоилга жон доғи тушди (160); Жафолар кўрди ҳазрати Нух // Анга тўфон доғи тушди (160); Шоқаландар буларга қарамай, сўйламай, қўлидаги сўтасини Сулаймон пайғамбар нафаси деб мешга урди (168); Хиноли қўлларинг бўябсан қона // Юсуф каби мени солма зиндона (8); Маликанинг энаси Юсуфбар // Атрофида қанча пари хизматкор (91).

7. Юнон тилидан кириб келган номлар (Искандар каби): Қараса, Юсуф талъатли, Искандар савлатли, Рустам жасадли, ажаб суратли йигит қозоннинг бошида, хаёли қочиб, ҳеч қаёққа қарамай, ёнбошлаб ётибди (48).

8. Қадимги ҳинд (пахлавий) тилидан кириб келган номлар (Рустам каби): Бошида бор экан жиға давлати // Урушли кун Рустамча бор ғайрати (139).

II. Антропонимларнинг лексик-семантик таснифи. Бу тасниф қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

а) тарихий шахслар билан боғлиқ номлар (Искандар, Маҳмуд каби) Қараса, Юсуф талъатли, Искандар савлатли, Рустам жасадли, ажаб суратли йигит қозоннинг бошида, хаёли қочиб, ҳеч қаёққа қарамай, ёнбошлаб ётибди (48); Ана шунда Шоқаландар, Шозаргар, Авазжон, шахзода Маҳмуд – тўртови шосупада ўтириб қолди (169);

б) пайғамбарлар, авлиё ва анбиёлар номлари (Абубакир, Али, Иброҳим, Исмоил, Муҳаммад, Нух, Расул, Сулаймон, Юсуф кабилар): Абубакиру Аҳмад, Усмон //Аларга дин доғи

тушди (160); Икки дунёда раҳбарим, // Марди майдоним, ё Али (172); Иброҳим, Исмоил, Макка муаззам, // Динларнинг чироғи Имоми Аъзам (171); Ўғлин қурбон қилди Халил // Исмоилга жон доғи тушди (160); Ҳақнинг дўстидир Муҳаммад // Маҳшарда айлар шафоат (160); Жафолар кўрди ҳазрати Нух // Анга туфон доғи тушди (160); Каримсан, Самадсан, расулинг барҳақ // Ташиналарни сероб айлар кун бўлди (71); Шоқаландар сўтасини қўлига олиб, «Сулаймон пайғамбарнинг нафаси», – деб сиёсат билан бақирса, ҳар қандай жонли жонивор қўрқиб, ҳушидан кетиб, беҳуш бўлиб қолар эди (108); Юртни сўраб турган Юсуф маҳрам бор // Югуриб-елиб хонга қилди хизматлар (204);

в) Фаол учрайдиган анъанавий эпик қаҳрамонлар номлари (Аваз, Орзигул, Оққиз, Юнус, Ҳасан, Рустам, Гўрўғли, Зулайҳо, Искандар, Маҳмуд, Соқибулбул, Юсуф, Қосим ва бошқалар): Шундай қилиб Авазхон билан бирга юриб келаётган эди (204); Зангор элдан олдинг Орзигул ёрни // Заррин элдан олдинг Машириқо ёрни (13); Ана шунда Тиллақиз канизи Оққиздан бу сўзни эшитиб тасалли берди (121); Чамбил элидан бўлсангиз, Юнус, Мисқолнинг жонидили бўлсангиз, Гўрўғлининг ўғли бўлсангиз, менинг туғишгангина аммамнинг ўғли бўласиз экан (53); Ҳасан бобо хизматиға бораман, // Шоҳнинг юз бешга кирган қизини (24); Рустамдай бўйиш кўрсатиб кўради, // Ким рўпара бўлса, тайин ўлади (139); Зулайҳо нишоним, қайдан бўласан // Бошингга кийибсан мурраси тожи (8); Қараса, Юсуф талъатли, Искандар савлатли, Рустам жасадли, ажаб суратли йигит қозоннинг бошида, хаёли қочиб, ҳеч қайёққа қарамай, ёнбошлаб ётибди (48); Бошқалар дим индамай турди, лекин шаҳзода Маҳмуд Маликанинг сўзини эшитиб, кўнглига неча гаплар келиб, ўз шафънига бир неча сўзларни айтди (171); Бу сўзни Гўрўғлидан Соқибулбул эшитиб, Гўрўғлининг аччиғи келганини билиб, тош таблага қараб бурилиб, Ғиротга жўнаб кетди (6); Юсуф султон отга қамчи солганда // Иромондан Хиромонни олганда (27); Излаб чиқдим Қосим шоҳнинг қизини // Малика айёр деган сарвинозини (53).

Ўзбек тилшунослигида топонимлар муайян даражада тадқиқ этилган: қатор диссертациялар ҳимоя қилинган, монографик тадқиқотлар ва луғатлар нашр этилган, юзлаб мақолалар ёзилган. Халқ дostonлар тилида учрай-

диган топонимлар эндигина ўрганила бошланди⁵⁶. Биз айна ҳолни ҳисобга олиб, дoston лексикасидаги топонимларни ўрганишда уларнинг ҳажмий хусусиятлари ва тарихий-этимологик таснифига эътиборни қаратдик. Улар қуйидагилардан иборат бўлди:

1. Микротопонимлар: Дoston тилида ҳажман катта ҳудудни ифодаловчи қуйидаги топонимлар қўлланганлиги кузатилди:

а) тарихий ва афсонавий мамлакат номлари (Ўзбекистон, Торкистон, Яман, Ясар, Кўйиқоф, Хитой-Хўтанни, Рум (Рим), Чамбил, Хурум, Исфaxon кабилар) *Ўзбекистон элга кетгандир хабар // Катта-кичик йиғилгандир ўзбеклар (205); Келдингми, тўрам деб қулочин ёр // Торкистон шаҳрида Малика тайёр (9); Жияним, бизлар Ямандан Ясарни, Хитой-Хўтанни, барча жаҳонни, Шаҳри Бежонни қолмай учамиз, ҳалигачайин бундай парини, бундай шаҳарни ҳеч ердан эшитганимиз йўқ, янгитдан сиздан эшитиб турибмиз (42); Сайил этиб тоғларда овлаб юрганман // Кўйиқоф устида туриб кўрганман (54); Рум элидан ўзим ошиб келаман // Бу йўлларда сарсон бўлиб юраман (65); Излаб топсанг Чамбилдайин шаҳарни, // Албатта, отама бергин хабарни (81); Тақдирим тортибди Хурум элига // Дучор бўлдим Заргарбекнинг қўлига (122); Чамбил элида Гўрўғли зўрабор, қирқ олти сардор, тўрт ярим лак чу Гўрўғлининг зўр деб таърифи кетган, зарбаси тошдан ўтган, ол Гўрўғли келди, деса йиғлаб ётган боласини юпатган, Исфaxonда ишлатган (6).*

б) тарихий ва афсонавий шаҳар номлари: (Бағдод, Макка, Самарқанд, Тошкент, Истамбул, Шоҳимардон, Қўқон, Ҳазорасп, Дархон, Зарчашма кабилар) *Кўрса, шундай қўрғон: Кунгираси пўлатдан, дарвозаси зумратдан, бўсағаси Бағдоддан (7); Иброҳим, Исмоил, Макка муаззам, // Динларнинг чироғи Имоми Аззам (71) Самарқанднинг чорбоғи дерлар... (72); Тошкентнинг элида эр бобо Зангги, // Ташналарни сероб айлар кун бўлди (71); Яна баҳор бўлса, очилар гуллар, // Истанбулда бир дўстим бор Зулфизар (9); Қайга борсанг, Шоҳимардон ёр*

⁵⁶ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). – ДД., Т., 2017.- Б.27-28.

бўлсин, // Ўн икки имом, чилтан жиловдор бўлсин (15); Қўқонга юбординг мўйи муборак, // Зиёрат айлади насиб қилган халқ (71); Баракалла, мерганлар, тила мақсадларингни, – деса, Ҳазорасп шаҳрини тилаб олайик, – деди (35); Бир тоғим Полопон, бир тоғим Болқон, // Чор ҳоким шаҳримдир, беклигим дархон (15); Қонга бўяб Зарчашманинг сувини, // Йиқитди Бектошнинг беш минг тувини (27).

II. **Макротопонимлар:** Бу гуруҳга табиий ва сунъий юзга келган кичик майда объект номлари киради. Макротопонимлар ўз табиати жиҳатидан турдош отларга яқин туради⁵⁷. Достон лексикасидаги макротопонимлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1. **Географик ҳудуд (объект)ларга оид номлар.** Бу гуруҳдаги номлар достон матнида қуйидаги ўринларда учради:

а) аронимлар. Достонда бундай номлар тоғ, чўққи, тепа, қир, жар, чўл номларини ифодалаб келган (*Асқар тоғи, Дарбанд тоғи, Қўкламтоғ, Олатоғ, Бадбахт чўли, Қизилқум, Зебит чўли*). Масалан, табиий ҳолда мавжуд бўлган географик объект тушунчасини ифодаловчи сўзлар. “Ер юзасининг теваарак-атрофидаги текислик, тепалик ёки бошқа баландликка нисбатан яқка ёки қатор ҳолда баланд кўтарилган, одатда, турли тош, қаттиқ жисмлардан иборат қисми” маъносидаги соф туркийча *тау* сўзи қадимги туркий тилда ҳам, эски ўзбек тилида ҳам шу маънода фаол қўлланишда бўлганлиги аниқланган (ДТС, 526). Ушбу сўзнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланадиган *тоғ (тов)* шаклдоши достон матнида ҳам учраган: *Фирқўк отини ўйнатиб, // Чиққанди тоғнинг устига (151); Қўкламтоғига келиб қараса, Қўкламтоғининг у ёғи, бу ёғи ҳамма дараси ўликка тўлиб кетибди. Қўкламтоғида жон ўлмай қолмабди (161)*. Шунингдек, форс-тожикча дашт, туркийча адир, чўққи, чўл, биёбон, газа (*тоғ чўққиси, қир-адир, баландлик*) каби табиий ҳолда мавжуд бўлган объект тушунчалари номлари ҳам достон матнида учраган: *Той қилиб дашту даласин, // Кўринг Чамбилнинг тўрасин (203); Худонинг қудрати, пирнинг каромати, шундай*

⁵⁷ Никонв В.А Введение в топонимику. – М., 1965. –С. 47; Бегматов Э., Орипов У. Микротопоним тушунчаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. -№3. -Б.26.

чўлда бир қўрғон азим пайдо бўлди (7); Юрган йўлинг адир эмас, жўнағар, // Найза тегса оқ бадандан қон оқар (21); Авазхонни авайлаб, аста-аста суяб олиб Хулкар тоғининг юқори баланд чўққисига олиб чиқди (31); Авазхон: «бу кўринган қандай қора бунга, бориб келай, қандай жой экан, кўриб келай, ониғини билиб кетай», - деб ўйлаб бораётди эди, олдидан бир газадан лоп этиб бир одам чиқиб қолди (21); Ўлмасанг, дунёда узоқ, яшарсан, // Уч юз олтмиш Асқар тоғдан ошарсан (9); Қирқ кеча-кундуз йўл тортди, ҳориб мерганларнинг мазаси кетди, беш юз тоғнинг тўқиниши Очгаза Дарбанд тоғига етди (20); Кўкламтоғни сўта билан уради, // Кўкламтоғи қоқ ёрилиб боради (80); Эл кўчириб Олатоғдан оширди, // Сирин айтмай душманлардан яширди (14); Бадбахт чўлда душман бўлса унинг билан бўлайин (21); Узоқ йўлдир Қизилқумнинг ораси, // Маст бўлгандир Чин-Мочиннинг тўраси (66); Ўзимнинг ҳолимни ўзим билайин, // Зебит чўлга, Шакарқўлга борайин (7);

б) гидронимлар. Бундай номларга дoston матнида учраган хилма-хил сув объектлари, дарё, кўл, сой, булок, қудуқлар номлари киради. Ҳозирги ўзбек адабий тилида “водород билан кислороднинг кимёвий бирикмасидан иборат рангсиз, ҳидсиз шаффоф суюлик” бош маъносини ифодаловчи *сув* сўзининг ўн маънони ифодалаши аниқланган (ЎТИЛ, 3, 576). Бу маънолар орасида “сой, кўл, дарё ва шу кабининг сувли сатҳи” семаси ҳам мавжуд. Соф туркийча сув сўзи 1) “сув, суюқлик”; 2) “дарё”; 3) “ичимлик”; 4) “шарбат”; 5) “уммон” маъноларида кенг ишлатилган (ДТС, 515). Ушбу сўз англатган семалар орасида бевосита сув объектларини англатувчи маънолар ҳам дostonда хилма-хил вариантларда қўлланган: Димоқлари чоқ, бўлишиб барининг // Югуришиб келишиб бу сувдан ичди (71); Ҳовдак кўлда мен қуш солиб юрганман, // Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулганман (75); Ташна беклар заҳар сувга етади, // Мавж урган дарёни беклар кўради (70).

“Ер остидан отилиб, қайнаб чиқувчи сув ва шундай сув чиқиб турувчи жой, чашма” маъносидаги *bulэу* (ЎТИЛ, 1, 370) сўзи ўз қатламга тегишли бўлиб, қадимги туркий тилда *bulay* 1) “чашма”; 2) “канал, ариқ” (ДТС, 121) маъноларида ишлатилганлиги аниқланган. Навоий асарларида бу сўз *bulay* //

buloq каби фонетик шаклларда қўлланган. Биз ўрганган достон матнида ҳам ушбу лексема бевосита сув объекти номини ифодалаган: Ана шунда Шоқаландарнинг мурожаатини қабул қилиб, сўтасининг остидан бир чашма-булоқ пайдо бўлиб, беклар, қаландарлар, бедовлар ичиб, ҳаммаси сувга тўйиб, сероб бўлиб, димоғи чоғ бўлишиб, маслаҳат қилиб ўтирганда... (71); Чашмадан сувлаб, чечиниб, шамоллаб ўтирди (137); Нечовлари эмаклаб, // Сойга қочиб боради (136). Шунингдек, достон матнида ҳовуз лексемаси гидронимлар бирикиб, бевосита сув объекти номини ифодалаган: Гулҳовуз бўйига келишиб, // Қумри булбуллар сайраб турди (103); Бундан ўтди, бир сарҳовузга етди, суви лабба-лаб бўлиб турибди (47); Ана шунда Шоқаландарнинг мурожатини қабул қилиб, сўтасининг остидан бир чашма-булоқ пайдо бўлиб, беклар, қаландарлар, бедовлар ичиб, ҳаммаси сувга тўйиб, сероб бўлиб, димоғи чоғ бўлишиб, маслаҳат қилиб ўтирганда (71); Ҳовдак кўлида қуш солиб, ов овлаб юрган вақтимда бир Малика деган қиз менга йўлиқди, менга ваъда берди, шу ерни кўрсатди Ғиротни минсам, Шакаркўлига борсам, довул туйиб, кўлга қушимни солсам, Шакаркўлидан сўна-суқсурни олсам, сўна-суқсурни олиб келиб қирқ йигитга чулан берсам, – деди (6); Торкистоннинг бўсағасини кўради. Унинг остидан бир катта лавҳи дарё чиқиб оқади (77); Шунда Шозаргар ўн саккиз кеча-кундуз каламуш бўлиб кемириб, аста-аста қудуқнинг ичидан қудуқнинг бошига чиқди. Қудуқнинг бошига илон бўлиб, бир тошнинг устида ўралиб ётди (112); Нечовлари эмаклаб, // Сойга қочиб боради (136); Ҳавода бор ёруғ юлдуз, // Дарёда ўйнайди қундуз (17) каби;

в) ойконимлар. Достон матнида муайян кичик эпик маконлар, масалан, шаҳар, қишлоқ, гузар номлари киради. Масалан, Боғот, Дархон, Бежон кабилар: Бу бир боққа ўхшайди, мен бориб бу боғотни кўриб келайин, қандай жой экан, билиб келайин (46); Бир тоғим Полопон, бир тоғим Болқон, // Чор ҳоким шаҳримдир, беклигим дархон (15); Шаҳри Бежонни қолмай учамиз, ҳалигачайин бундай парини, бундай шаҳарни ҳеч ердан эшитганимиз йўқ, янгитдан сиздан эшитиб турибмиз (42) каби.

2. Шахс томонидан бунёд этилган объект номларини ифодаловчи микротопонимлар:

а) минора ва қўрғон номи (Ҳазорасп, Боғот) Асад мерган айтди: – Эй Шодмон ака, тила деганда Ҳазорасп шаҳрини тилаб ўтирма, Болқиён шаҳрини ҳам қўшиб тила! Бола-чақанг ризқи-да, бир шаҳар бизларга нима бўлади (35); Авазхон боғотга етиб, эшикни очиб ичкарига кирди (47);

б) қаср ва мақбара номи (Шоҳизинда, Шоҳимардон) Самарқанднинг чорбоғи дерлар // Шоҳизинда, эр Дониёл пайғамбар (72); Йигит пири Шоҳимардон, // Мадад беринг шерри яздон (27);

в) драмонимлар (йўл номи). Масалан, Арна каби. Арна келса ирғитди // Шуйтиб заргар йўл тортди (126).

2.4. Маъмурий ҳудудий бўлиниш ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни ифодаловчи лексемалар.

Араб тилидан ўзлашган мамлакат лексемаси дoston матнида “муайян чегараларга эга бўлган ҳудуд” (ЎТИЛ, 2, 534) маъносида қўлланган: Аваз бунинг қадди-қоматини кўриб, таваккал қилиб, йўл четга чиқиб турди: «Кел-е, бундан бир савол сўрайин, қайси мамлакатга бораётган экан, билайин», – деб сўз деди (20); Пастки кўшикка етиб, Авазжоннинг қадди-қоматини кўриб ошиқи беқарор бўлиб, «Марднинг боши ерда қолмасин», Авазжоннинг бошини тиззасига олиб «Қайси мамлакатдан келдинг?» – деб сўраб, бир сўз деди (51); Ўз чегарамизгачайин қувиб келдик, бизга шу давлат бўлди. Кўп ғайратларни қилдик. Булардан Маликани, Тиллақизни ажратиб оламузми деган умидимиз бор эди, бўлмади (179). Мамлакат лексемасининг катта кўламдаги эпик маконни ифодалаши унинг бахши ижросида “юрт”, “жой” маъносида қўлланишига имкон яратган: Буни Ёўрўғли султон кўриб, ошиқи беқарор бўлиб, ул паризодга қараб: – Асли жойинг, мамлакатинг қаерда? – деб сўраб турибди (8); Менга хабар бергин мамлакатингни, // Нима дейди сенинг исми, зотингни (155); Отларини мингандан сўнг Гулқизойим: – Энди бу юртимдан, униб-ўсган мамлакатимдан кетадиган бўлдим, – деб кўнгли бузилиб, юрак-бағри

эзилиб, бирга юрган канизларини кўзи қиймай, ота-энасини бу ерда кўра олмай, улардан розичилик сўрай олмай, хафа бўлиб, бир сўз айтаётибди (190). Шунингдек, дoston матнида “му-айян географик ҳудуд” маъносида ҳам қўлланганлиги кузатилди: *Шунда Авазхон Қаландардан бу сўзни эшитди: Мунинг подшолигини билди. «Мунинг бирови Рум мамлакати подшоси экан, бирови Чин-Мочин элининг подшоси экан», – деди (65); Шоқаландар айтди: – Мен Чин-Мочиннинг шаҳрида қуръа ташлатиб кўрар эдим. Торкистон шаҳри кенг мамлакат... (84). Ҳозирги ўзбек адабий тили ва дoston матнида мамлакат кўп маъноли сўз бўлиб, у ифодаляётган маънолар орасида “давлат, ўлка, вилоят” семалари учрамади.*

Соф туркийча *юрт* лексемаси дoston матнида “маълум халқ, аҳоли яшаб турган жой, ўлка, мамлакат, ватан” (ЎТИЛ, 5, 93) маъноларида қўлланган: *Оша юртга ёр ахтариб бораман, // Омон бўлинг, то кўргунча, хўш энди (16); Бўлак юртга бўлсин сенинг сафаринг, // Ёлғон айтма, ростин сўзла, шунқорим (42). Юрт лексемаси дoston матнида “бирор мамлакат” ёки ўлкада яшовчи халқ; эл; аҳоли (ЎТИЛ, 5, 93) маъноларида ҳам қўлланганлиги кузатилди: Чамбилнинг эл-юрти Авазжоннинг отланиб бораётганини кўриб, пўш-пўшлаб, Чамбил амалдорлари, сипоҳилари, беклари Авазхонни жўнатмоқчи бўлибди (16). Шунингдек, юрт лексемаси дoston матнида “юртга келмоқ”, “юртга бормоқ”, “юртини вайрон қилмоқ” (ЎТИЛ, 5, 93) маъноларини ҳам ифодалаб келган: Чамбилнинг юртини вайрон қиламан // Гўрўғлининг тандан бошин юламан (22); Қайси элдан, қайси юртдан келасан, // Қандай сипоҳнинг, қандай бекнинг ўғлисан? (52).*

Араб тилидан ўзлашган *давлат* лексемаси дoston матнида “мамлакат, ўз элига, халқига эга бўлган подшо, хон” (ЎТИЛ, 1, 537) маъносида қўлланилган: *Бу давлатни менга берганди раҳмон, // Ул мени буюрган Гўрўғли султон (37); Бу сўзга, давлатли хоним, қулоқ, сол, // Магар душман келса, бўлади поймол (48); Шундайин давлатли хон бунда келибди, // Билмам сизга ё харидор бўлибди (49). Давлат лексемаси арабча “бойлик” маъносида, хусусан, “мол-дунё, мол-мулк” маъноларида фаол қўлланганлиги ҳам кузатилди: Ушбу дамнинг дамларини дам*

дема, // Шукур қилгин, давлатингни кам дема (36); Бир мулку давлатли қиларман, // Етмиш йил гўлоҳда ётдим (112). Баъзи ҳолларда дoston матнидаги маъноларнинг мутлоқ тескариси, яъни “катта бойлик, мол-мўлк”ни йўқотмоқ маъносида ҳам қўлланган: Бошдан тожи, қўлдан бериб давлатди, // Бир одамман қурдинг сен ҳам суҳбатди (54); Тойрилди бошингдан тожу давлатинг, // Ажал етди, балки тўлди муҳлатинг (55) каби. Дostonда матнида аркони давлат бирикмаси “давлатнинг улуғлари, давлатнинг таянчлари” (ЎТИЛ, 1, 537) маъносида қўлланганлиги кузатилди: Икковинг ҳам бир ёр учун йўлларда кўп сарсон бўлиб, шунча подшоҳлик шавкатидан, аркони давлатдан кечиб, яёв мундай қаландар бўлиб юрмоқ не даркор (65); Давлат қўнса, гар чибиннинг бошига, // Семурғ қушлар салом берар қошига (66); Шунда икки қаландар Боймоқ девнинг манзилини, аркон-давлатини, қўшқу айвонларини, ҳамма қулфли жойларини ахтариб кўрди (152); Ана шундай қилиб, Гўрўғли шоду хуррам бўлиб пойтахтга чиқиб, аркони давлат билан ўйнаб-кулиб, дунёда яшаб юра берди (207). Давлат лексемаси дostonда “катта миқдордаги бойлик, бахт, омад” каби кўчма маъноларда ҳам қўлланилганлиги аниқланди: Жияним, нимага индамай қолдингиз? Боймоқ дев деганга номи пастроқ учрадимиз? Боймоқ дев тоғангизнинг давлати катта; Боймоқ девнинг етмиш минг кўкқашқа девдан жилловдори бор (58); Бошдан тожи, қўлдан бермай давлатни, // Қирқ кун берсин яна бизга овқатни (94); Бошида бор экан жиға давлати, // Урушли кун Рустамча бор ғайрати (139); Маликани олиб давлатли беклар, // Қаватида Авазбекдай зўрабор (203). Булардан ташқари, дoston лексикасида давлатли шунқор бирикмаси ҳам фаол қўлланилганлиги кузатилди: Неча сўз айтарман мендай гажакдор, // Кўнглингни бўлмагин, давлатли шунқор (188); Ғиротни ўйнатиб давлатли шунқор, // Бекларнинг олдида бўлгандир сардор (193); Бу сўзларни айтиб давлатли шунқор, // Чилтон берган бунда айёр либосин (201) каби.

Араб тилидан ўзлашган манзил лексемаси дoston матнида “маскан, турар жой, уй, хонадон” (ЎТИЛ, 2, 537) каби маъноларда қўлланган: Ана шунда Паризод Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, ўсган элини, соғу сўлини, шағн-шавкати, манзил-жойини Гўрўғлига баён бериб, бир сўз деб турибди (8); Парвоз

қилдинг қайси манзил – хонадан // Баланд парвоз хоним, қайдан бўласан (52); Буларнинг келганини кўриб, югуриб чиқиб бекларнинг отининг жоловини ушлаб, кўнглини хушлаб, манзил жойига йўл бошлаб, ичкарига олиб кириб, остига яхши тўшаклардан ташлаб, бекларнинг вақтини хушлаб турди (58) Обод қилиб манзил-жойин // Томошани кўриб заргар (117); Мунаққашли кўшк, айвон, хуш энди, // Шунда турган манзил жойлар хуш энди (122); Энди бориб тахт-бахтимизни кўрайин. Бесоқол боламизнинг ҳоли қандай бўлди, – деб ўзининг манзили-маконига борди (162). Достонда бу лексема эпик қаҳрамоннинг “сафарда, йўлда тўхтаб ўтиладиган, кўниб туриладиган ёки етиб боришга мўлжалланган жой” маъносида ҳам қўлланганлиги кузатилади: Авазхон қапгирдан таёқ еб таадди еб, бу қандай манзил экан деб турди. Бу жой Гулқиз деган парининг макони эди (48); Бир манзилга етгандай бўб қаради, // Қороғи ғуборда кетиб боради (82). Шунингдек, бу лексема “йўлнинг бир тўхташ жойидан иккинчи бир тўхташ жойигача бўлган масофа” (ЎТИЛ, 2, 537) маъносида ҳам қўлланганлиги аниқланди: Шу юрганларича йўл юриб, неча манзил мўл юриб, қистаб эла-юрта аста-аста, кела-кела йигирма тўрт шаҳарга кетадиган чорраҳа йўлга етдилар (194); Ана шунда ҳаммалари: – Ўзларимизнинг юртларимизга юрадиган йўлга етдик. Манзиллар яқин қолди (194); Авазни сўраса, Авазхонни қайси бир девлар еб қўйгандир, бизларнинг хабаримиз йўқ деймиз» деб иккови шу маслаҳатни қилиб, неча манзил йўл юриб, ҳориб-чарчаб, Дарбанд тоғига келиб, «оқсоқнинг охирига боқ» деган экан, деб шу Дарбанд тоғида бирови қўлига ашрафи милтиқ олиб, бирови парли ёйни олиб, Авазхоннинг йўлини тўсиб, тоғнинг белида, йўлнинг ёқасида онғиб ётиб эди (198); Достонда манзил лексемаси эпик қаҳрамонларнинг муайян яшайдиган жойи, “турар жойи, истиқоматгоҳи” (ЎТИЛ, 2, 537) маъноларини ҳам ифодалаган. Бу манзиллар пари - дилбарнинг жойи, // Сизга сўз айтади Чин-Мочин шойи (85); Шунда икки қаландар Боймоқ девнинг манзилини, аркон-давлатини, кўшуку айвонларини, ҳамма қулфли жойларини ахтариб кўрди (152).

Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган маслаҳат лексемаси достон тилида хилма-хил лексик-семантик маъноларда қўлланганлиги кузатилди: а) эпик қаҳрамонларнинг “бирор

ишни қандай қилиши ёки умуман нима қилиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ тарзидаги фикр, мулоҳазаси” (ЎТИЛ, 2, 551) каби маъноларида: Мана бу Қизилқумни, омон бўлсак бориб кўрамиз, – деб икки қаландар, Авазхон учови чинорнинг олдида кўп сўзларни гаплашиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб: – Эй болам, гапдан нима чиқади, йўл юрмоқ аълороқ. Энди йўл юрайик, – деди (66); Энди бу қизлар билан бирга борайик, ҳар нима бўлса, кўрайик; бизларнинг ишимиз Малика билан бўлади», – деб икковлари бир-бирлари билан маслаҳатлашиб ўринларидан туриб, қирқин қизлар билан бирга жўнай бердилар (100); б) “тавсия, таклиф тарзидаги гап” (ЎТИЛ, 2, 550) маъносига: Эндиги маслаҳат: дори-дармон қилайик, Авазни тузатиб олайик. Аваз ўзи учун хизмат қилиб Торкистонга борар, Малика парини олар, бизлар шаҳарларни томоша қилайик кўрганимиз қолади (35); в) “кенгаш фикр алмашиш” маъносига: Жаҳонни, ажойиб-ғаройибларни кўрдик», – деди. Энди йўл юрмоқчи бўлиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб, Авазхон, Шодмон мерган, Асад мерган учови отланиб, икки қаландар яёв, телпаги қаққайиб бу икки жобоқлик одам бўлиб, Қизилқумга тушиб жўнай бердилар (66); г) “маслаҳат қилмоқ, маслаҳатни бир жойга қўймоқ” каби маъноларда: Аваз жўнагандан сўнг, Аҳмад сардор, йигитларини йиғиб, маслаҳат қилиб айтди: – Гўрўғли отини Авазга берди: остига мингандир Ғиротни, ҳар ерга борса топади муродни. Шу баччағарнинг бор ғайрати; бир кунлари Маликани олиб келар, кейин номи бекликка уят бўлар (16); д) шунингдек, “ўзаро ёки бирор киши билан маслаҳат қилмоқ, кенгашмоқ” маъноларида ҳам қўлланганлиги кузатилди: Бир хилини кийиб олди. Ҳеч бир еридан камсиз бўлди: «Энди маслаҳат Шоқаландарда, мин деса, минамиз, тур деса турамиз, ҳар нима буюрса қиламиз», – деб турибди (158) каби.

Форс тилидан ўзбек тилига кириб келган фармон лексемаси дoston матнида “амр, ҳукм; кўрсатма, қатъий қарор” (ЎТИЛ, 4, 331) маъноларида қўлланган: Шундай бўлди менга энди фармонлар, // Қолмас юрагимда черу армонлар (122); Неча шаҳар эрди ҳукми фармоним, // Шу ғурбатга солди бир гўзал золим (156). Дostonда ҳақнинг фармони, яратганининг фармони каби иборалар “Оллоҳ томонидан берилган

кўрсатма, фармон” маъносида ҳам фаол қўлланганлиги кузатилди: *Шундай бўлди менга Ҳақдан фармонлар, // Чамбилбелда бирга юрган мерганлар (18); Шундай бўлди менга Ҳақнинг фармони, // Сизни туққанларнинг борми армони (52); Бандага қўп яратганнинг фармони, // Сени туққанларнинг борми армони (155); Шундай бўлди менга Ҳақдан фармонлар, // Юрагимда бордир ғаму армонлар (191);*

2.5. Зоонимларнинг этимологик, функционал ва семантик тадқиқи

ЎТИЛда зооним – (зоо...+юн. *опута*-ном, исм) ҳайвон номлари билан боғлиқ сўзлар (2. 159), деб шарҳланган. Бундай сўзлар тадқиқи Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон”идан бошланган, унда 400 га яқин зоонимлар, шу жумладан, 100 га яқин қуш номлари изоҳланганлиги тилшуносликдан маълум. Туркий халқларда зоонимларнинг лисоний тадқиқига бағишланган бир қатор диссертация ва монографик ишлар эълон қилинган. Хусусан, А.М.Шербакнинг тадқиқотида⁵⁸ уй ва ёввойи ҳайвонлар жинсига, ёшига кўра номларининг этимологик ва семантик таҳлили берилган бўлса, Э.Айдоғмушнинг диссертациясида⁵⁹ турк ва қирғиз тилларидаги зоонимларнинг номлари таснифланган, зооним компонентли иборалар таҳлил қилинган, хонаки ва ёввойи ҳайвон номларининг ясалиши ўрганилган, зоолексикасининг тарихий қатламлари аниқланган.

Ўзбек тилшунослигида зоонимлар, зооним компонентли матнларнинг лисоний хусусиятларига бағишланган ўндан ортиқ диссертациялар ёзилган⁶⁰, қатор монографик тадқиқотлар ва изоҳли луғатлар чоп этилган⁶¹. Уларда тур-

⁵⁸ Шербак А.М. Названия домашних и диких животных в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. –М., Акад. СССР, 1961. -С.82-150.

⁵⁹ Айдоғмуш Э. Турк жана кыргыз тилиндеги зоонимдер: Дисс. ... канд. филол. Наук. – Бишкек, 2004. – 198 с.

⁶⁰ Қаранг: Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2017, Б.12.

⁶¹ Холмонова З., Тошева Д. Зооним компонентли паремаларнинг изоҳли луғати (ўзбек, инглиз ва рус тили материаллари асосида). Луғат. –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016.-260 б.

кий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар, зоологик атама-ларнинг шаклланиш босқичлари, зоонимларнинг маъно кўчимлари, бадий санъат турларини ҳосил қилишдаги, инсон характери ифодалашдаги аҳамияти, “хайвон” архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили, шахс тавсифида хайвон номларидан фойдаланиш, ўзбек болалар фольклори тилида зоонимлар, зооним компонентли фразеологик бирликларнинг структуровий ва семантик хусусиятлари, зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари сингари масалалар таҳлил қилинган⁶².

Халқ оғзаки ижоди асарлари, хусусан, дostonлар тилидаги метафорик қўлланиш натижасида эмоционал-экспрессив маъно ҳосил қилувчи зооним ва зоофорфизмларнинг лингвопоэтик табиати ҳақида Г.Жуманазарованинг докторлик диссертациясида⁶³ муайян фикр-мулоҳазалар билдирилган. Аммо биз тадқиқ қилган “Малика айёр” дostonи тилидаги зоонимларнинг лисоний табиати ҳанузгача ўрганилмаган. Айни ҳолни инобатга олиб, ишимизнинг ушбу фаслида зоонимларнинг этимологик, функционал ва семантик тадқиқига қисқача тўхталдик. Унда дoston лексикасида қўлланган зоонимларни семантик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўргандик:

1. Уй хайвонлари номи: туя, қўй, кучук, кўчқор, мол, от, той, пишак кабилар. Туя-туясимонлар оиласи, қадоқ оёқлилар туркумига мансуб жуфт туёқли сут эмизувчи хайвон⁶⁴; бир ёки икки ўркачли, жуфт туёқли, асосан, юк ташиш учун хизмат қиладиган, сувсизликка чидамли сут эмизувчи иш хайвони (ЎТИЛ, 4, 222). Туя лексемаси Ўрхун-Энасой ёдгорликларида *teba* // *teva*, эски ўзбек тили обидаларида, Алишер Навоий асарлари лексикасида *teva* шаклида учраганлиги

⁶² Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2017, Б.12.

⁶³ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). – ДД., Т., 2017.- Б.260.

⁶⁴ Холмонова З., Тошева Д. Зооним компонентли паремаларнинг изохли луғати (ўзбек, инглиз ва рус тили материаллари асосида). Луғат. –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016.-260 б.

аниқланган⁶⁵. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *туя*, шеваларда *teva* шакллари истеъмолда эканлиги маълум. Биз ўрганган дoston лексикасида бу истилоҳнинг айнан ўзи қўлланмаган, лекин унга *-дай* қўшимчаси қўшилиб, биргина ўринда *туядай* шаклда учраган, матнда “туя сингари, туяга ўхшаш, катта, улкан” (ЎТИЛ, 4, 223) маъносини ифодалаган: *Шундай қарасалар, Шоқаландар маст туядай бўлиб гуркираб, у ёқ-бу ёққа қараб эниб, талпиниб турибди. Шоқаландарни кўриб: ўлмайин омон-эсон бир-бировимизни кўрдик», деб ҳаммалари отларидан тушиб, Шоқаландар билан кўришиб, топишиб, ҳолаҳвол сўрашиб димоғлари чоғ бўлди (179) каби.*

ЎТИЛда қўй лексемаси “гўшт, жун, сут ва тери олиш учун боқиладиган жуфт туёқли, кавш қайтарувчи сутэмизувчи уй ҳайвони” (5, 398) маъноси билан изоҳланган. “Малика айёр” дostonида ҳам бу истилоҳ қўлланган ва “гўшт ёки егулик, овқат” маъносини ифодалаган: *Унда Авазхон айтди: – Бир туюрни олиб, «Дев гўштимикин», деб оғзига солди, қўй гўшти эканлигини билиб емай қолди (42);* Дoston лексикасининг баъзи ўринларида “қўйдай” истилоҳи “сўймоқ, шафқатсизларча, бераҳмлиқ билан қўй ёки одамнинг бошини танасидан жудо қилмоқ” маъноларини ифодалаган: *Бир қўйни сўйиб, шўрвасига тўйиб, гўштини пишириб, корсонга солиб, буларнинг олдига олиб келиб қўйди (41); Кўп девларни Шоқаландар // Қўйдай қилиб изиллатди (146).*

Форс тилидан ўзлашган кучук лексемаси “кичкина; майда; кичик ёшли” маъноларини (ЎТИЛ, 5, 442) ифодалаши аниқланган. Бу лексема дoston матнида “итнинг боласи; етилмаган ёш ит, умуман ит ёки итга нисбатан ҳақоратни билдириш” маъноларини ифодалаган: *Элингнинг расими шундай бўларми, // Ҳеч замонда кучукка хун оларми, // Бу кунингдан ўлсанг бўларми, Қосимшоҳ, // Қизларинг кучукман базм қиларми?! // Ҳар шаҳарда юрган гадо, Қаландар, // Кучукни ўлдириб, бўлдиқ гуноҳкор, // Сўраганинг бўлса кучукнинг хуни, // Сенга мунча шаъну шавкат на даркор (88) каби.* Дoston матнида мазкур лексеманинг маънодоши кучукбачча (итвачча) истилоҳи қўлланмаган.

⁶⁵ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – Б. 116.

Қўчқор лексемаси “совлуқларни уруғлантиришда фойдаланиладиган, бичилмаган эркак қўй” (ЎТИЛ, 5, 417) маъносида қўлланиши аниқланган. Зооним сифатида дostonда бу истилоҳ қўчма маънода: “эпик қахрамонга нисбат берилган: зўр, ботир, пахловон” маъносида қўлланган: *Чамбил элтиб сени лойга соламан, // Чамбилнинг қўчқори ўзим бўламан* (38); *Тилларинг суғуриб, ўй кўзингни, // Танидингни бу қўчқор Авазингни* (26); *Аваз ўғлон кетсин бу ердан омон. // Омон-эсон олиб борсин ёрини, // Бориб обод қилсин кирдикорини, // Ўлдирмагин Чамбилнинг қўчқорини, // Бориб кўрсин элда қадрдон бекларини* (199) каби.

Араб тилидан ўзлашган мол лексемасининг “бойлик, мулк; пул жамғармаси” маънолари (ЎТИЛ, 5, 610) мавжудлиги аниқланган. Дoston лексикасида бу истилоҳ қуйидаги маъноларда қўлланганлиги кузатилди: а) “сут эмизувчилар оиласига мансуб уй ҳайвони (миниладиган от)” маъносида: *Шу тулпорни минган киши Маликани олиб кетади, агар бошқа киши, бошқа мол, от-бедов ё бошқа нарсалардан минган киши бўлса, бандаргоҳда қирқ минг аждарҳо бунни кўрса пишқиради, бўлак мол минган киши аждарҳонинг дамида йўқ бўлиб кириб кетади* (77); *Жоним Ғирот, молим Ғирот, // Сени минган топар мурод* (9); б) “бисотидаги буюм; мол-дунё, бойлик” маъносида: *Гўрўғлибек чиқиб қирди барини, // Ўлжа қилиб олдиқ молу зарини* (27); *// Кокилларим эшилгандир тол-тол, // Ҳар толига берса етмас дунё мол* (48) каби.

От лексемасининг “якка туёқлиларга мансуб ўтхўр, сут эмизувчи йирик иш-улов ҳайвони” (ЎТИЛ, 3, 150) маъноси мавжудлиги аниқланган. Кўп маъноликка эга бўлган бу истилоҳ дoston матнида “ўргатилган ёки миниладиган ҳайвонларнинг номи; лақаби” маъносида қўлланган: *Ғиркўк отни абзаллаб, чоқлаб олиб кел, – деди. Ғиротни минсам, Шакарқўлига борсам, довул туйиб, кўлга қушимни солсам* (6); *// Ғиротнинг жиловини Соқибулбул ушлаб, Ғиротни эгарлаб, чоқлаб, олиб келиб Гўрўғлига тўғри қилди. Гўрўғли Ғиркўк отнинг белига миниб, бўз тарлон қушини қўлига олиб, Соқига қараб айтди* (7) каби. Дostonда бу истилоҳ билан бириккан сўз бирикмалари қуйидаги маъноларда қўлланганлиги ку-

затилди: а) *отга миндирмоқ*: – “от совға қилмоқ, от билан мукофотламоқ” маъносида: *Сўзимизга Маликани кўндирсак, // Қўлга келса, Маликадай дилбарни, // Бояги ул тулпор отга миндирсак, // Ажойиб шаҳарни кўргин, Авазжон (86)*; б) *от солмоқ ёки от қўймоқ*: “минган отини бирор томонга (душманга) йўналтириб ҳужум қилмоқ” маъносида: *Атрофини олиб душман, // Девлар от солиб ул замон (173); Комил пирларни ёд этиб, // От қўйди душман устига (28); Гўрўғлининг отини тутиб: «Мана мен урушга кетдим, Гўрўғли бўламан, қажққа қочиб қутуласизлар», – деб отларига дам бериб, икки мерган бирдан душманнынг устига қараб от қўйди (34)*; в) ушбу бирикманинг айрим вариантлари (*от қўйинг, от қўйинглар*) дoston матнида “душманга ҳужум қилишга буйруқ бериш” маъносида ҳам қўлланганлиги кузатилди: *Бу девлардан асло қўрқманг, ёронлар, // Жавоб бердим от қўйинг, Шоқаландар, // Девларни аяманг, ўлдирунг, Заргар, // Боринг энди уруш бўлди, туриш йўқ, // От қўйинглар, энди жавоб, Оллоҳу акбар (133)* каби.

“Отнинг бир ёшдан икки ёшгача бўлган боласи” (ЎТИЛ, 4, 134) маъносини ифодаладиган *той* лексемаси биз ўрганган дoston матнида ҳам учраган: *Остингга минибсан кўк ола тойди, // Ола тойинг менга таътил бўлмайди (22); Той қилиб дашту даласин, // Кўринг Чамбилнинг тўрасин (203)* каби.

Форс тилидан ўзлашган мушук лексемаси ўзбек тилининг баъзи шеваларида, хусусан, қипчоқ шевасида *пишак* номи билан юритилиши маълум ҳодиса. Ушбу истилоҳ биз ўрганган дoston матнида зооним номи сифатида қўлланган: *Индин чиқиб пишак билан ҳазиллар, // Магар ажал қамсаб келса сичқонга (80)* каби.

2. Ёввойи ҳайвон номлари шер, тулки, айиқ, йўлбарс, қулон, кийик, фил, қашқир кабилар. Форс тилидан ўзлашган шер лексемаси “арслон; ботир, жасур; асат” (ЎТИЛ, 4, 563) маъноларини ифодалаши аниқланган. Дoston лексикасида бу истилоҳ “мушуксимонлар оиласига мансуб, калта ва сарғиш юнгли йирик сутэмизувчи йиртқич ҳайвон; арслон” маъносини ифодалаган: *Бу сўзни Шоқаландар эшитиб, Қосимшоҳга қараб: – Шер хунига жавоб шу, – деб турибди (88)*.

Достон лексикасининг баъзи ўринларида бу лексема кўча маънода “эпик қаҳрамонни шерга нисбатлаб атаганликни (“азамат”, “ботир”, “полвон” маъносида)” кузатилди: *Сен эшитгин Авазхоннинг сўзини, // Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини, // Излаб чиқдим Қосимшоҳнинг қизини (42); Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини, // Олсам Маликадай сарвинозини (53)*. Ушбу лексеманинг маънодоши (синоними) форс тилидан ўзлашган *шербачча* истилоҳи “шер боласи” маъносида (ЎТИЛ, 4, 564) қўлланилиши аниқланган. Бу лексема достон матнида “қўрқмас, бақувват йигит; азамат; шоввоз” маъноларини ифодаланганлиги кузатилди: *Бандаргоҳда ётган қирқ минг шербачча, // Шер устига етиб борди қаландар // Ул шерлар чобиниб йўлни олади, // Шоқаландар, Аваз, Заргар елади, // Неча шерни сўта билан солади, // Кўп шерларни ерга яксон қилади (83)* каби.

“Бўрисимонлар оиласига мансуб, тумшуғи узун, думи майин, узун жунли, ўта сезгир ва айёр йиртқич сутэмизувчи ҳайвон” (ЎТИЛ, 4, 186) хисобланган *тулки* номи зооним сифатида достон матнида фаол қўлланган. Хусусан: *Беклигимда суриб қилдим миннатим, // Бир тулкини қувиб келиб инлатдим (56); Оёғимдан аста тортгин, Авазжон, // Бу тулкимнинг қуйруқлари узилар // Мендайин мардларнинг кўнглин бўлмагин, // Тулкимнинг терисин нобуд қилмагин (57)* каби. Ушбу истилоҳ маъносида достоннинг баъзи матнларида ўз маъносида ҳам, кўча маънода ҳам, яъни “ўтакетган айёр, чиройли ва маккор” ҳайвон зооним номини ифодалашга хизмат қилган: *Шодмон мерганни индан суғуриб олибди. – Қани инлатган тулкинг? – деб турибди. Шодмон мерган айтди: – О, мен инлатган тулки, бир тулки эди. Қуйруғи узилмасин, териси бузилмасин деб авайлаб туриб эдим, сени одам бўлган десам, бачча кундаги хабалоқлаганинг қолган йўқ экан (57);*

Айиқ – пахмоқ юнгли, бесўнақай, катта, сутэмизувчи йиртқич ҳайвон (ЎТИЛ, 1, 53) номи достон матнида зооним сифатида қўлланган: *Авазга дори топмоқ учун тоққа чиқиб кетди. Ногаҳон олдидан бир айиқ чиқди (35)*. Бу лексемадай ўхшатиш қўшимчаси билан биргаликда қўлланганда

“қўрқинчли овоз чиқармоқ, даҳшатга солувчи ҳаракатлар қилмоқ” маъносини ифодалаб келган: *Қилич теккан вақтда девлар // Айиқдай бўлиб ақирди (149); Не ярадор девлар ётир, // Айиқдай бўп чинқириб (151);*

Кулон – “отдан кичикроқ, эшакдан каттароқ, отдан кўра кўпроқ эшакка ўхшаб кетадиган ёввойи ҳайвон” (ЎТИЛ, 5, 370), шунингдек, *кийик* – “қувуш шоҳли сутэмизувчилар оиласининг оху, буғу ва ҳоказолар каби катта бир гуруҳининг умумий номи” (ЎТИЛ, 5, 364) зоонимларнинг бир тури сифатида дostonда қўлланган: *Кулон-кийик овлаб юрган // Зебит деган чўллар қолди (45).*

Араб тилидан форс тилига ўзлашган ва тилимизга кириб келган *фил* лексемаси “Африка ва Осиёда яшайдиган, сутэмизувчилар синфига мансуб, сиртга чиққан иккита узун, курак тишли ва бақувват хартумли, ўсимликлар билан овқатланувчи улкан жуссали ҳайвон” (ЎТИЛ, 4, 345) номи дoston матнида зооним сифатида тилга олинган: *Қаради: бир филни минган, икки оёғи чим ерни омочдай тилган, соқол мурти ўсиб кетган, аймашиб келиб, оғзи-бурнини босиб кетган (21). Филни минмоқ бирикмаси дostonда “бақувват, қудратли, катта имкониятларга эга душман” маъносида ҳам қўлланган: Фил минган армани, қайда борасан?! // Остимда бедовим ўйнар юз алвон, // Сўзимни эшитгин /фил минган/ душман (21) каби.*

“Сутэмизувчиларнинг итсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон” (ЎТИЛ, 1, 416) зоонимларидан бири *қашқир* лексемаси дoston матнида қўлланган: *Яна бир қашқирни отиб олиб, картинаи олди... (35).*

3. Судралиб юрувчи жонзод номлари: илон, тошбақа, касратки каби. *Илон* – “судралиб юрувчи, оёқсиз, танаси ингичка узун, кўзлари шаффоф қовоқлар билан қопланган жонивор” (ЎТИЛ, 2, 198) эканлиги аниқланган. Бу истилоҳ дoston матнида *касратки* (калтакесак) зооними билан биргаликда қўлланган: *Хазон бўлса ғозлар қўнар гулшанга, // Ажалли касратки тегар илонга (80).* Дoston матнида “илон бўлиб чиқмоқ”, “илон бўлиб ётмоқ” бирикмалари “зарар етказадиган ёки зарар қилмайдиган” маъноларини ифодалаган: *Ўн саккиз кун*

тош кемириб Шозаргар, // Йилон бўлиб чиқди чоҳнинг бошига (112); Шунда Шозаргар ўйлаб айтди: «Энди йўл устида илон бўлиб ётмайман (112) каби. Тошбақа лексемаси “танаси косасимон қаттиқ, суяк-муғиз қобик билан ўралган судралувчи ҳайвон” (ЎТИЛ, 4, 160) маъносини ифодалайди. Бу истилоҳ ҳам дoston матнида зооним сифатида қўлланган: Яна бир қашқирни олиб олиб, картинани олди, тошбақанинг моягини олиб, учовини бирга қўшиб аралаштириб, юмurtқа малҳам қилиб, Авазнинг ярала-рига тортди (35).

4. Кичик кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон, ҳашарот, чигиртка ва қумурсқа номлари. Сичқон – “ер юзида кенг тарқалган, хавфли касалликлар тарқатадиган кичик кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон” (ЎТИЛ, 3, 528) номи зоонимлардан бири сифатида дoston матнида учрайди: Бир сичқон келиб, тўқсон қутини тешиб, қулоғи қамишдай бўлиб чиқди (112); Сичқон яна бир ағанаб юзук бўлиб қолди (112); Магар ажал қамсаб келса сичқонга: “қочишга жой топа олмай қолинган пайтда айтиладиган ибора” маъносида қўлланган: Индин чиқиб пишак билан ҳазиллар, // Магар ажал қамсаб келса сичқонга (80) каби. Чивин – “икки қанотли, узун мўйловли, қон сўрувчи майда ҳашарот” (ЎТИЛ, 4, 178) номи дoston матнида зооним сифатида қўлланган. Бу лексема “жуда кичкина, майда, лекин тирик ҳашарот ёки менсимаслик” маъносини ифодалаган ва эпик қаҳрамоннинг муайян қиёфаси ҳақида таъриф берилган: Бизнинг подшоларимиз: «Ўзбакнинг чивиндайи ҳам дўқчил бўлади, дўқидан қўрқма», – деб эди (21); Той устинда чивиндай бўп жалпайиб, // Гўрўғлининг отини Худой урдими (24); Бунинг билан баробар бўлмай, // Девларни чивинча кўрмай (145) каби. Қумурсқа – “майда чумоли; умуман, ҳар қандай чумоли” (ЎТИЛ, 5, 377) номи ҳам зооним тури сифатида дostonда қўлланган. Бу лексема “кичкина, майда, чумолидек кичик” маъносини ифодалаган ва эпик қаҳрамоннинг ташқи қиёфасига нисбатан айтилган: Қумурсқадай сенинг бир жасадинг бор, // Тур йўқол, йўлингга бориш энағар (22). Чигиртка – “тўғри қанотлилар туркумига мансуб ҳашарот” (ЎТИЛ, 4, 479) номи ҳам дostonда учраган ва “озғин, кичкина” маъносини ифодалаган, асосан, эпик қаҳрамоннинг оти

ҳақида сўз юритилган: *Мендан савол сўраб ишларинг қанча?! // Миниб юрган чигирткадай отинг бор (22)* каби.

5. Қуш номлари (булбул, қарға-қузғун, лайлак, мусича, жинқарча, муроталибача, майна, тўти, ғоз, шунқор, сўна-суксур кабилар). Булбул – форс тилидан ўзлашган бу лексема “чумчуқсимонлар туркумининг қораялоқлар оиласига мансуб сайроқи қуш” (ЎТИЛ, 1, 369) маъносини ифодалайди ва дoston матнида зооним сифатида қўлланган: *Ичкари кирса, олмалар пишиб ётар, тагига тушиб ётар; гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чақ-чақ учириб ўтирибди (7); Булбулнинг маскани боғлар, // Айрилиққа бағрим доғлар (59)*. Дostonда бу лексема зооним сифатида ўз маъносидан ташқари, кўчма маънода: “ошиқ, хуштор” маъносида ҳам қўлланганлиги кузатилди: *Яна баҳор бўлса, очилар гуллар, // Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбуллар (8); Соқибулбулни чақириб: – Боғда очилган гулим, чаманда булбулим, Авазхон улим Торкистон шаҳрига – Малика париға бормоқ бўлди (12)* каби. Лекин бу истилоҳнинг яна бир кўчма маънодаги: “хушовоз хонанда; моҳир нотик” маъноси дoston матнида қўлланилмаганлиги аниқланди.

“Патлари тим қора (қора қарға) ёки қора билан кулранг аралаш (ола қарға) кўчманчи қуш” (ЎТИЛ, 5, 265), шунингдек, “Қарғасимонлар оиласига мансуб, ҳар қандай нарсани ҳам еяверадиган, ўлимтиххўр ўтироқ қуш (ЎТИЛ, 5, 365)” номи билан аталувчи қарға-қузғун бирикмаси ҳам зооним сифатида дostonда қўлланган: *Қарға-қузғун бунда ейди гўшингни! // Ажал ҳайдаб энди бунда келасан (199)* каби. Дoston матнида зооним сифатида мусича (каптарсимонлар оиласи ғуррақлар уруғига мансуб, одамга яқин яшайдиган, беозор, ювош қуш, ЎТИЛ, 5, 648), форс-араб тилидан ўзлашган лайлак “узун оёқли қушлар туркумига мансуб, тумшуғи ва оёғи узун, парлари ола (оқ ва қора аралаш) катта қуш” (ЎТИЛ, 5, 484), шунингдек, “кичкина, чаққон, сайроқи қуш” номи (ЎТИЛ, 4, 496) билан аталувчи жинқарча (шевада: *читтак*) каби қуш номларини ифодаловчи зоонимлар ҳам дoston матнида қўлланган: *Уч кўшк, ичкима-ички, зинапоя, зертанг-забартанг, жойлар тузалган, яхиши тўшақлар тўшалган, ша-*

роб, антахурлар тўкилган, сувлар сепилган, намоёнига чини гужумлар тикилган, гужумнинг соясига жинқарча, мусича, муроталибача – жаъми қушлар йиғилиб, ўртада бир лайлакни созанда қилиб, айттириб ўтирибди (7);

Булардан ташқари, “тропик ўрмонларда яшайдиган, кўпчиликтуричиройли, ранг-барангпатлиқуш” (ЎТИЛ, 4, 248) номи билан юритиладиган *тўти*, *майна* (чумчуқсимонлар оиласига мансуб сайроқи қуш, ЎТИЛ, 5, 529), булбул каби қуш номлари билан боғлиқ зоонимлар ҳам учраган: *Катта чинорнинг шохлари ҳарёққа шохлаб кетган, шохларида тўти, майна, булбуллар бола очиб, сайраб ётган* (60); “Ёввойи ёки хонакилаштирилган, бўйни узун, сувда сузувчи йирик қуш” (ЎТИЛ, 5, 452) номи билан аталувчи *ғоз* лексемаси ҳам биз дoston матнида учрайди: *Чарқиллаб учади қўлларнинг ғози, // Қўлларда кўп бўлар улоғман қўзи* (23). Ўзбек тилида шунқор лексемаси “лочинсимонлар оиласига мансуб кучли йиртқич қуш” (ЎТИЛ, 5, 9) маъносини ифодалаши аниқланган. Достонда бу истилоҳ кўчма маънода, яъни мард, жасоратли, ботир эпик қаҳрамонга нисбатан қўлланганлиги кузатилди: *Кўкламтоғда қолди Ғиркўкдай тулпор, // Кўнглингни бўлмагин, Аваздай шунқор* (85); *Ундай деб очма сен ғайри оғзингни, // Танидингми бўл шунқор Авазингни* (26). Достон матнида бу лексеманинг “бой-бадавлат, катта мулкли эпик қаҳрамон” маъносида ҳам қўлланганлиги кузатилди: *Кўнгил қилсанг, келгин, давлатли шунқор, // Ўйнаб-кулиб тарқат кўнгилдан ғубор* (48); “Ёввойи ёки хонаки эркак ўрдак” (ЎТИЛ, 3, 615) номи билан аталувчи *сўна*, *суқсур* “ўрдаксимонлар оиласига мансуб, патлари узун ва ингичка қуш” (ЎТИЛ, 3, 604) каби лексемалар биргаликда – *сўна-суқсур* шаклида дoston матнида қўлланган: *Сўна-суқсур отиб юрган Шакар деган қўллар қолди* (45) каби.

Хулоса қилиб айтганда, зоонимлар тилимизнинг луғат бойлигида ҳам, халқ дostonлари тилида ҳам мавжуд бўлиб, улар табиат, жамият ҳақидаги хулосаларни, эпик қаҳрамон (инсон) феъл-атвори, ҳаракатига хос ижобий ва салбий вазиятларни намоён этишга, таъсирчанликка хизмат қилади. Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида зооним ва зооним компонентли матн

тахлилига бағишланган тадқиқотлар тарихий, лексик-семантик, функционал-услубий характерга эга бўлиб, уларда ҳайвон номларининг семантик хусусиятлари ёритилган.

2.6. Мавҳум маъноли лексик бирликлар

Фақат инсон тафаккуригина орқали идрок қилинадиган тушунчалар мавҳум маъноли лексик бирликлар саналадики, улар биз ўрганган дoston матнида анча фаол қўлланган. Бундай лексемаларни маъно хусусиятига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб тасниф қилдик:

1. *Эпик қаҳрамон (шахс) руҳияти билан боғлиқ лексик бирликлар* (кўнгил, дил, ихтиёр ва бошқалар). Форс-тожикча *дил* лексемаси *кўнгил* лексемасининг маънодош (синоними) сифатида “юрak, қалб, кўнгил” маъносини (ЎТИЛ, 1, 613) ифодалаши тилшуносликда аниқланган. Биз ўрганган дostonда бу истилоҳ *жон* лексемаси билан биргаликда қўлланганида “энг севимли, энг яхши кўрадиган киши” (ЎТИЛ, 2, 105) ёки “фарзанд” маъносини ифодалаши аниқланди: *Баҳорда очилган боғнинг гулиман, // Юнус ҳам Мисқолнинг жону дилиман* (53); *Гулқиз Авазхондан бу сўзни эшитиб, айтди: – Чамбил элидан бўлсангиз, Юнус, Мисқолнинг жони-дили бўлсангиз, Гўрўғлининг ўғли бўлсангиз, менинг туғишгангина аммамнинг ўғли бўласиз экан* (53); *Баҳорда очилган гулим, // Сенсан менинг жону дилим* (68) каби.

Форс тилидан ўзлашган *дилбар* лексемаси “дилни тортувчи, жалб этувчи, ёқимли” маъноларини (ЎТИЛ, 1, 614) ифодалаши аниқланган. Дoston лексикасида бу истилоҳ икки хил маънода қўлланган: а) “дилни мафтун этадиган, ўзига тортадиган, ёқимли, дилрабо” маъносида: *Мен биламан Торкистонда ёринг бор, // Тиллақизнинг ўзи дилбар, гажакдор* (79); б) “гўзал ёр, маъшуқа, маҳбуба” маъносида: *Баҳорда очилган боғнинг гулисан, Сен ҳам бир дилбарнинг жони-дилисан* (ЎТИЛ, 1, 614); в) “кўркемлиги, одоби ва назокати билан эҳшушни оладиган, чиройли” маъносида: *Сўзимизга Маликани кўндирсак, // Қўлга келса, Маликадай дилбарни* (85); *Кўнглингни бузмагин, энди, Авазжон, // Бу ишлар билгайсан дилбарнинг нози* (90) каби.

Араб тилидан ўзлашган *ихтиёр* лексемасини биз ўрганган дoston лексикасида қуйидаги маъноларда қўлланганлиги аниқланди: а) *ихтиёр қилмоқ* – “*хоҳламоқ*” маъносида: Гулзамон ўйлади: «Бунга бир сўз айтиб кўрайин, агар *ихтиёр* қилса, бувишим ҳам билмай қолсин, мунинг билан бир ағнашиб олайин, ўйнаб-қулиб бир шекилли бўлайин». Авазга қараб, сўз қотиб деди (48); Маликани излаб келгандир беклар, // Бормоқни *ихтиёр* қилди қаландар (78); б) “*хоҳиш-истак эрки*” маъносида: Унда мерганлар қўрқиб, қўрқса ҳам бошқа кетмакнинг иложини тополмай: – Эндиги *ихтиёр* сизда, йўл бошланг, сиз билан бирга борамиз, – деди (57); Ҳарна бўлса ўзингдадир *ихтиёр*, // Самарқанднинг чорбоғи дерлар (72); в) “*фойдаланиш эрки*, идора қилиш ҳуқуқидан маҳрумлик” маъносида: Қолмайин сабру қарорим, // Қўлдан кетди *ихтиёрим* (159); г) “*муайян хулоса эрки*, *хоҳиш-ихтиёрийликка боғлиқлик*” маъносида: Кетмоқни қилайик *ихтиёр*, // Уч Қаландар икков бўлди, парвардигор (96); Инжилмайин қила қўйгин *ихтиёр*, // Кўнгилига оғир солса бу беклар (189) каби.

2. Эпик қаҳрамон (*шахс*) характер-хусусияти билан боғлиқ мавҳум маънодаги лексик бирликлар (*баҳодирлик*, *мардлик*, *марди майдон*, *донолик* кабилар). Тилимизда “*жасурлик*, *мардлик*, *мардоналик*” маъноларини (ЎТИЛ, 1, 194) ифодалашга хизмат қилган *баҳодирлик* лексемаси биз ўрганган дoston матнида қуйидаги маъно хусусиятлари орқали намоён бўлган: а) “*ҳеч нарсадан қайтмайдиган, довюррак, ботир*” маъносида: Илгарига ўтди икки мерганлар, // Авазнинг *баҳодирлик* номи бор (20); Чамбил элда *баҳодирлик* қиласан, // Гўрўғлидан оту анжом оласан (32); Аваз ўғлон Чамбилдан *баҳодирлик* номини қилиб, бу Торкистон шаҳрига бормоққа бел боғлаб, *баҳодирман* деган Аваз, бугунги кунда қаландарларнинг қўлида олма бўлиб, бедов отлари тўрғай бўлиб жулбираб қола берди... (69); б) “*қудратли, азамат, паҳлавон*” маъносида: *Баҳодирлик* даъво қилиб юрибсан, // Бек отангнинг тулпорини минибсан (78); *Баҳодирлик* таъма қилиб юраман, // Назар топиб бу ерларга келаман (176); *Баҳодирлик* даъво қилиб, // Ҳар қайсингиз шердай бўлиб (181) каби.

Тилимизда “*билувчи, билимдон, донишманд*” маъноси-ни ифодаловчи ва форс тилидан ўзлашган *доно* лексемасига -*лик* қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинган *донолик*

истилоҳи биз ўрганган дoston матнида “ақл-заковатли, донишманд, оқил” маъносида қўлланганлиги кузатилди: *Хон Гўрўғли Чамбил элнинг тўраси, // Кўринади ботирларнинг донаси (33) каби.*

Форс тилидан ўзлашган *мард* лексемаси “одам, эркак, ботир, жасур” (ЎТИЛ, 3, 542) маъноларида қўлланиши аниқланган. “Малика айёр” дostonида бу истилоҳ “қўрқишни билмайдиган; қўрқмас, ботир, жасур” маъносида қўлланган: *Бу сўзни Соқи айтди, кўринг Гўрўғли мардди, ғайрати ғайратга етди, аччиғи чиллал қишдай муртига чаппа қайтди (6); Кўринг Гўрўғли мардди, минди бедов отди, қистаб йўл тортди (7);* Шунингдек, бу лексема “эр кишига хос ижобий фазилатларга эга, танти, ботир, жасур” маъносида ҳам қўлланганлиги кузатилди: *Шу саваида юриб эди Авазхон, // От ёлини ушлаб бу мард йиқилди (31) каби.* Айрим ҳолларда, “жанг қаҳрамони ёки кураш қаҳрамони” маъносида марди майдон бирикмаси қўлланган: *Икки дунёда ҳамроҳим, // Марди майдоним, ё Али (27); Икки дунёда раҳбарим, // Марди майдоним, ё Али (172); Тоғларни отиб юборган, // Марди майдоним, ё Али (173) каби.*

3. Эпик қаҳрамон (шахс)нинг ҳолати, ташқи кўриниши билан боғлиқ белги-хусусиятни ифодаловчи лексик бирликлар (гўзал, жамол, хусн каби). Араб тилидан ўзлашган *жамол* лексемаси “гўзаллик, сулувлук; жозибадорлик” (ЎТИЛ, 5, 69) маъноларини ифодалаши тилшуносликда аниқланган. Биз ўрганган дoston матнида ҳам бу лексема қуйидаги маъноларда қўлланганлиги кузатилди: а) “хусн, жамол, кўрк, чирой” маъносида: *Жамоллари ойу кундан зиёда, // Хуснин кўрса шоҳлар юрар пиёда, // Жон олгувчи жонон кўрдим, бувишим. // Мен билмайман қай шаҳардан келибди, // Жамоллари, воллоҳ, сиздан ғолибди (49);* б) “чиройли юз, чехра” маъносида: *Бу парининг жамолига Гўрўғлибек қаради: ирқи олмайдай пишган, қора зулфи оч белига тушган, кўрганнинг ақли шошган, жамолига ою кунлар талашган ажаб бир паризод (8);* *Ҳозирликда жамолингизни кўриб, // Сўзламакка қуввати йўқ турибди (188).* Дostonдан олинган юқоридаги матнларда эпик қаҳрамонларнинг чиройли юзи, чехраси мадҳ этилганини кузатамиз. Баъзи ҳолларда эса Малика айёр билан

Тиллоқизнинг шаҳзода Маҳмуднинг жамоли ҳақидаги таърифига (189) дуч келамиз.

Араб тилидан ўзлашган ҳусн лексемаси тилимизда “кўрк, чирой; гўзаллик, латофат; яхши сифат, хислат” маъноларини англатиши тилшуносликда аниқланган. Биз тадқиқ қилган достон матнида бу истилоҳ қуйидаги маъноларда қўлланганлиги кузатилди: а) “ёқимли, ўзига тортувчи тус, кўриниш; чирой, кўрк” (ЎТИЛ, 5, 565) ёки достондаги эпик қаҳрамон юз тузилиши, ифодаси, ранги ва шу кабиларга нисбатан маъносида: *Хуснин кўрсанг, шоҳлардан қизда, // Жамоллари ойу кундан зиёда* (24); *Маликанинг хуснин кўрган // Неча қушлар маст бўп қолиб* (103; 6) бу лексема кўчма маънода, яъни “ёқимли кўриниш; чирой” (ЎТИЛ, 5, 565) маъносида қўлланганлиги кузатилди: *Бир тилсимот ўқиб, Аваз билан мерганларни, ҳам отларни аслидаги хуснига келтирди. Шоқаландар айтди: – Эй Авазжон, энди йўл яқин қолди, ҳангамалашиб борайик, – деб сени аввалдаги хуснингга келтирдик. Энди бирга-бирга йўл юрайик* (69) каби.

Тилимиздаги туркий қатламга мансуб гўзал лексемасининг маънолари хилма-хил (ЎТИЛ, 1, 530) эканлиги тилшунослигимизда аниқланган. Биз ўрганган достон матнида бу лексеманинг фақат салбий ва кўчма маъноларда қўлланганлиги кузатилди: “эпик қаҳрамон қалбини ғамга тўлдирадиган, хафа қиладиган” салбий маънода: *Неча шаҳар эрди ҳукми фармоним, // Шу ғурбатга солди бир гўзал золим* (156); *Малика деб ўлган неча гўзаллар, // Сен ҳам бўбсан Маликага харидор* (75) каби. Баъзи ҳолларда бу лексема кўчма маънода ҳам қўлланган: *Не гўзаллар отни солиб, // Ҳар замон улоқни олиб* (205) каби.

4. Дунё ва уни яратувчи ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ лексик бирликлар (дунё, фано, фалак, қиёмат, тақдир, тангри, ҳақ, худой, парвардигор, холиқ каби). Араб тилидан ўзлашган дунё лексемаси “жаҳон, олам” маъносини англатса-да, унинг лексик-семантик маънолари хилма-хил эканлиги тилшуносликда аниқланган (ЎТИЛ, 1, 662-664). Достонда бу лексема “бутун борлиқ, олам” маъносида қўлланган: *Бир тилсимот дуо ўқиб дунёнинг ҳаммасини олов бўлиб ёниб оламан* (77). Баъзи ҳолларда бу лексема билан биргаликда қўлланадиган

фоний истилоҳи тилимизда “кўҳна, эски, кекса; ўткинчи, муваққат, омонат” (ЎТИЛ, 4, 356) маъноларида қўлланади. “Малика айёр” достонида *фоний дунё* бирикмаси “тез ўтиб кетадиган; тезда барҳам топувчи; ўткинчи, омонат” маъноларида қўлланганлиги кузатилди: *Қийғир деган қуш ўтирар қияда, // Не кўриб, кечириб фоний дунёда* (85).

Тилимизда “осмон, осмон гумбази” (ЎТИЛ, 4, 321) маъноларини ифодаладиган арабча *фалак* лексемаси достонда қуйидаги маъноларида қўлланганлиги аниқланди: а) “ердан юқорига қараганда гумбаз, қубба шаклида бўлиб кўринадиган фазо бўшлиғи, осмон гумбази; осмон, кўк” каби маъноларда: *Бу сўзни Малика Гўрўғлига айтиб, бир ағанаб туриб, каптар либосини кийиб фалакка парвоз қилиб, учиб жўнай берди. Кўшк-айвонлари ҳам фалакка равоқ-қўрғонлари билан кўчиб жўнай берди* (9); *Сен булардан хабардор бўл, Шозаргар, // Фалакда учади, жодугар девлар* (162); *Қаландар бу суякларни оралаб дар ҳайрон бўлиб юриб эди, фалакдан бир дев учиб қуюлиб келаётир, етмиш минг кўкқашқа девдан жилвдор бор, тиззаларида бир бинойи – яхши бесоқол баччаси ҳам бор* (72); б) кўчма маънода, яъни “тақдир, қисмат, кўргулик” маъносида: *Хазон бўлиб боғда гуллар сўлади, // Шум фалак бошига савдо солади* (20); *Фалак уриб қолди бизди, // Кўролмаймиз улу қизди* (45); в) хафа фалак: “тақдир ва қисматдан зорланиш, афсусланиш” маъносида: *Илоҳим раҳм айласин қонли ёшимга, // Хафа фалак оғу қўшди ошима* (68); *Хафа фалак солди зулм, // Обод бўлгай ўсган элим* (9); *Фалак титрар Авазнинг нолишига, // Кўзлар ғубор бўлар оққан ёшига* (31) каби. Тилимиздаги “бахтсизлик, мусибат; бало, офат” маъноларини ифодаладиган арабча *шум* лексемаси фалак истилоҳи билан бирикканда, яъни шумфалак истилоҳи “бахтсизликка ёки ҳалокат келтирувчи, бахтсизликка дучор қилувчи” маъносида қўлланганлиги кузатилди: *Шум фалак бошига савдо солибди, // Отнинг изи қизил қонга тўлибди, // Ё ярадор ёки Аваз ўлибди* (34); *Хазон бўлиб боғда гуллар сўлади, // Шум фалак бошига савдо солади* (20) каби.

Араб тилидан ўзлашган қиёмат лексемаси диний эътиқодга кўра, инсонларнинг қайта тирилиш кун; тик ту-

риш; қўзғолон, ғавго, тўполон (ЎТИЛ, 5, 274) маъноларини ифодалаши аниқланган. “Малика айёр” достонида бу лексема “охират куни, рўзи маҳшар вақти” маъносида қўлланган: *Ўзи ўлса ҳам сўзи қолди жаҳонга, // Қиёматга давр бунӣ ёд этар* (206); *Бандадан умиддир, Худодан раҳмат, // Балки рўзи маҳшар бўлди қиёмат* (90). Бу лексема дoston матнида кўчма маънода – “қий-чув, тўполон, ур-йиқит; жанжал” маъноларида ҳам қўлланганлиги кузатилди: *Шоқаландар қилар ғайратди, // Бу девларга қиёматди(р)* (145); *Кўп девларнинг бошин олган, // Девларга қиёмат қилган* (146); *Қиёматча бўлар марднинг савашӣ, // Бу майдондан қочган номарднинг иши* (32). *Қиёмат* лексемаси дoston матнида “ўткинчи вақт қиёмати, жуда ҳам оғир қийналмоқ” маъносида ҳам қўлланган: *Ўтар дунё қиёматни ўйладинг, // Қиёмат, деб сен жонингни қийнадинг* (201). Тилимизга араб тилидан ўзлашган *ваҳм, ваҳима* лексемалари қиёмат истилоҳи билан бирикиб, дostonда “ҳис-туйғу ва кайфиятнинг бузилиши; қўрқув босиш, руҳий безовталиқ” маъноларида қўлланган: *Ҳар кун бўлар эрди ваҳми қиёмат, // Алҳамдилллоҳ кўрдим сизни саломат* (157) каби.

Араб тилидан ўзлашган *тақдир* лексемаси “ҳисоблаб чиқариш, ҳажмини белгилаш, эътироф этиш; фараз, эҳтимол; баҳолаш, қиймат” маъноларини ифодалаши тилшуносликда аниқланган (ЎТИЛ, 4, 35). Бу лексема биз ўрганган дoston матнида қуйидаги маъноларда қўлланганлиги кузатилди: 1) “олдиндан белгилаб қўйилган, пешонага битилган кўргилиқ, қисмат” маъносида: *Қаландарлар унга ҳамроҳ бўлади, // Ҳарна бўлса тақдиридан кўради* (69); *Тақдири илоҳи шул экан. Мен сизларни норози қилолмадим, тегмайман десам, сизлар хафа бўладиган бўлдинглар* (195); 2) тақдир бўлиб: “тақдир юз бериб, насиб этиб, пешонада ёзилгани бўлиб” маъносида: *Кир, нима тақдир бўлса кўрайик, – деб Авазжонни шернинг ичига киргизиб, мурватларни ҳам маҳкамлаб, беркитиб, созлаб, шерни тезлаб, мухтасар қилиб қўйди* (95); 3) “насиб қилмоқ, насиб этмоқ, буюрмоқ” маъносида: «*Худо тақдир қилса бир кун, // Биз қиламиз бунинг тўйин*» (117); 4) “ўз қисматиға, кўргуликларига худонинг иродаси, хоҳиши

деб, рози бўлмоқ”: Худонинг тақдирига тан бердим, - деб шул оқишоми билан сўзлашиб, ўйнашиб, кулишиб, сўрашиб, бошдан ўтганларни гаплашибгина ётди. Эрта-мертан тонг отди, қирқин қизлар йиғилиб етди (117); 5) “умуман кўникмоқ; чидамоқ” маъносида: Тақдирим тортибди Хурум элига, // Дучор бўлдим Заргарбекнинг қўлига (122); Тақдири давронлар ўтди, // Мендай ойим Чамбил кетди (170) каби.

Тилимиздаги *тангри* (мўғулча *тэнгэр*) лексемаси “Оллоҳ, Худо, Парвардигор” маъноларида қўлланиши тилшуносликда аниқланган (ЎТИЛ, 3, 662). Бу истилоҳ дoston матнида ҳам таъкидланган маънода қўлланган: *Семурғ қушлар салом берар қошига, // Банда кўнар тангри қилган ишига* (66); *Кўзлар ғубор бўлиб оққан ёшига, // Яхши одам кўнар тангри ишига* (178). Араб тилидан ўзлашган ҳақ лексемаси “тўғри, рост, чин, ҳаққоний; адолат; маъжозий худо” маънолари (ЎТИЛ, 5, 518) мавжудлиги қайд этилган. Биз ўрганган дoston матнида ҳам мазкур лексеманинг “Худо, Оллоҳ, Тангри, Парвардигор (худонинг сифатларидан бири)” маъноси мавжудлиги аниқланди: *Ҳақ таоло борди омон, // Кетди биздан қайғу, туман* (180); *Шундай бўлди менга Ҳақдан фармонлар, // Юрагимда бордир ғаму армонлар* (191). Тилимиздаги *илоҳ, худо, хукмдор, хўжайин* сўзларига дахлдор форсча *худо, худой* истилоҳи диний тушунчага, хусусан ислом динига кўра, бутун мавжудодни, бутун олами яратган ва уни бошқарувчи олий илоҳий куч; (ЎТИЛ, 4, 420) ҳар қандай диннинг эътиқод қилиши асоси, масалан, мусулмонларда; “Оллоҳ” сўзининг синоними маъносида дoston матнида қўлланган: *Менинг ўзим Худойимдан, // Кенг карамли подшойимдан* (112); *Отни суриб ҳар тарафга, // Еткарсин Худой талабга* (173). Дoston матнида *худой урдими?* бирикмаси “бўлмаган гап, наҳотки шундай бўлса?” маъносида ҳам қўлланганлигини кузатамиз: *Сен ўзингни Авазжонга менгзама, // Чамбилнинг Авазин Худой урдими Той устинда чивиндай бўп жалпайиб, // Гўрўғлининг отини Худой урдими* (24). Дoston матнида *худой* лексемаси эпик қахрамон томонидан айтилган “айбига иқрорлик, изн сўраш” маъноларни ҳам ифодалаган: *Белимга бойлаган заррин пўтамди(р), // Худойим кечиргай қилган хатомди* (89). До-

стон лексикасида худога солдим бирикмаси “жазосини худо берсин” маъносида қўлланган: *Оҳ урсам, тўкарман кўздан ёшимни, // Ёлбориб Худога солдим ишимни (122); Худога шукур бирикмаси “бирор нарсага эришиш, мамнунлик, шукроналик” маъносини ифодалаган: Қоратулпор ҳам шу ерда – чашманинг лабида бойлоғли турибди. Буни узоқдан кўриб, Худога шукур қилди (128) Достондаги худо берди бирикмаси “бахтли, давлатли бўлиш” ёки “нима истаса, шунга эришиш” маъноларини ифодалаган: Шу беклар битта-битта олди, бизлар энди икковимиз бу сизларни отга сиққанича мингаштирсак ҳам бўлади, бизга бу қизларни Худо берди, – деб шаҳзодага шўхлик қилиб айтди (182). Форс тилидан ўзлашган парвардигор лексемасининг “яратувчи, ҳаллох; риск берувчи; худо” (ЎТИЛ, 3, 219) каби маъноларини англатиши тилшуносликда аниқланган. Биз ўрганган достон матнида бу истилоҳ “борлиқни яратувчи; Оллох, худо” маъноларида қўлланган: Ё парими, ё девмикан, жодугар, // Бу жойга бошқарди Ҳақ-парвардигор (48); Кетмоқни қилайик ихтиёр, // Уч Қаландар икков бўлди, парвардигор (96). Тилимиздаги “яратувчи, ижодкор” маъноларини ифодаладиган араб тилидан ўзлашган холиқ лексемаси достонда “Яратувчи (оллоҳнинг сифатларидан бири)” маъносида қўлланган: Холиқсан, каримсан, қаҳрингдан қутқар, // Гуноҳкор бандаман, мақсудга еткар (72) каби.*

5. Эпик қаҳрамон (шахс) нинг орзу-ўйлари билан боғлиқ тасаввурларини ифодаловчи лексик бирликлар (ҳавас, хаёл, гумон, шукур, каби). Араб тилидан ўзлашган ҳавас лексемаси “ақлни йўқотиш; эҳтирос; майл, иштиёқ; бирор нарсага ғоят берилганлик, кучли истак” (ЎТИЛ, 5, 467) маъноларини ифодалаши тилшуносликда аниқланган. Тадқиқ қилинган достонда бу истилоҳ “урушиш, жанг қилишга интилиш, истак, майл” маъносида қўлланганлиги кузатилди: Урушмоққа кўп ҳавасда, // От қўйди девнинг устига (173) каби.

Тилимиздаги фаол қўлланадиган арабий қатламга мансуб хаёл лексемаси “ўйлаш, тасаввур қилиш; орзу, ғаройиб истак; арвоҳ” (ЎТИЛ, 4, 379) маъноларини ифодалайди. Бу истилоҳнинг достон лексикасида қуйидаги маъноларда

қўлланганлиги аниқланди: а) *хаёл бўлмагин бирикмаси*: “ўйлаш, фикрлаш жараёни; ўй, фикр” маъносида: *Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин, // Бизларни, Авазхон, душман билмагин* (19); *Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин, // Қирқ тоғамнинг барин нобуд қилмагин* (41); б) *хаёли қочиби бирикмаси*: “Эсидан чиқмоқ, хотирадан кўтарилмоқ” маъносида: *Қараса, Юсуф талғатли, Искандар савлатли, Рустам жасадли, ажаб сурадли йигит қозоннинг бошида, хаёли қочиби, ҳеч қаёққа қарамай, ёнбошлаб ётибди* (48); *Қўрқиб отининг жиловини тортиб, нашоғи учиб, хаёли қочиби турди* (36); *Бекларнинг мерганлар учун жуда хаёллари қочган эди* (131); в) *хаёлга бормоқ*: - “муайян нарсадан ташвишланмоқ, ҳавотир олмоқ” маъносида қўлланган: *Бир хаёлга бориб бўлди гуноҳкор, // Гуноҳидан ўтинг давлатли шунқор* (202); г) *хаёлингга неча гаплар келмоқ*, - “шубҳаланмоқ, ёмон фикрга бормоқ” ёки уларнинг мутлоқ акси маъносида: *Нега ҳам бир шунгўт бўлдинг, жувонмарг, // Хаёлингга неча гаплар келарми* (111); *Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасин, // Хаёлингга бошқа гаплар келмасин* (38); д) “маълум бир муддат бирор нарса тўғрисида ўйламасликка, фикрламасликка даъват қилиш” ёки “чуқур ўйланиш ҳолатидан чиқариш, далда бериш” маъноларида: *Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин, // Сен канизлар, менга озор бермагин* (112); *Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин, // Хаёлингни ҳар тарафга бўлмагин* (163) каби.

Тилимизга форс тилидан ўзлашган гумон лексемаси “фикр, фараз; шубҳа” маъноларини англатади (ЎТИЛ, 1, 524). Достон лексикасида бу истилоҳ “бирор нарсанинг ҳаққонийлигига, тўғрилигига ишонмаслик; шубҳа” маъносини ифодалаган: *Армон билан ўлар бўлдим бу замон, // Қўтилмағим бўлди менга гумон* (90); *Тенгу тушим қайтиб кўрмагим гумон, // Мени бунда олиб кетар Заргархон* (122); Шунингдек, ушбу лексема “шубҳа қилмоқ, шубҳаланмоқ” маъноларида ҳам қўлланганлиги аниқланди: *Мен, сен ҳаяллаб кетганда, сени улар еб ётган экан, деб гумон қилиб турган эдим* (40); *Сенга дучор бўлган одам ўлади, // Халойиқлар сендан гумон қилади* (92); *Сиру ҳолинг хабар бергин, қаландар, // Сендан гумон қилар барча одамлар* (92) Булардан ташқари, достонда гумон лексемаси “шубҳаланмоқ, тахмин қилмоқ” маъно-

ларини ҳам ифодалаган: *Гўрўғли ўғлиман, отим Авазхон, // Чангалимдан қутулмоғинг кўп гумон (25); Кетмади бошимдан бир зарра туман, // Қайтиб элни кўрмак бизларга гумон (44);* Достон лексикасида гумон истилоҳига дахлдор айрим лисоний ҳолатлар қуйидагича ифодаланганлиги аниқланди: а) предмет, белги кабилар ҳақида ноаниқ тасаввур англатувчи, уларга тахминли ишора қилувчи гумон олмошлари орқали: *Хафадир Чамбилнинг шоҳи, // Нимадир бунинг гуноҳи (51);* б) иш-ҳаракатнинг бўлишини гумон-тусмол йўли билан англатадиган феъллар орқали: *Соғ-саломат яна элга борарман, // Ҳар замон ёдга олиб дуо қиларман (195); Келмас бўлсанг мен борарман, // Барингни бошдан оларман (165)* каби.

Араб тилидан ўзлашган “мақтов, миннатдорлик, ташақкур” маъноларини ифодаладиган *шукр, шукур* истилоҳи достон лексикасида “мамнунлик, қаноатда бўлмоқ, қаноат хиссини билдирмоқ” маъноларини ифодалаган: *Буни узоқдан кўриб, Худога шукур қилди (128); Бу бекваччани ҳам қуруқ юбормайман, – деб катталиқ қилган эди, Худой мени ўтирикчи қилмади, деб шукурлар қилиб, шаҳзода Маҳмуд билан Гулқизойимга қуллук бўлсин, деб ўтиришди (190)* каби.

Бу борадаги кузатиш ва таҳлиллардан қуйидагича хулосаларга келамиз:

1. Халқ оғзаки ижодига йирик эпик асарлар, хусусан, муайян достоннинг мавзуий йўналиши унинг баён услубини ҳам белгилаб беради ва достон куйловчи – халқ бахчисини муайян қолипда сақлаб туриши мумкин бўлади. Қолаверса, ҳар бир бахши-шоирнинг ўз достон айтиш услуби мавжуд бўлгани каби, унинг халқ тилидан фойдаланишда ҳам ўзига хос услубий йўли мавжуддир.

2. “Малика айёр” достони лексикасидаги сўзлар қўлланиш даражасига кўра, бир неча мавзуий гуруҳларга бўлинади. Улар: нарса-ходисаларни ифодаловчи сўзлар; ҳаракат-ходисани ифодаловчи сўзлар; белги-хусусиятни англатувчи сўзлар; иш-ҳаракат ва ҳолат белгисини ифодаловчи сўзлар; миқдор ва санок тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, ишора билдирувчи сўзлар; ундов ва тақлидий сўзлар; кўмакчи ва боғловчи вазифасини билдирувчи сўзлар шулар жумласидандир.

3. Мансаб-мартаба билдирувчи сўзлар қадимий туркий халқлар луғат бойлигидан муносиб ўрин эгаллаган, уларнинг муайян қисми даврлар ўтиши билан аста-секинлик тарзида туркийлардан ўзбек хонликларига ўтган ва луғат бойлигига сингиб борган.

4. Достон лексикасида учрайдиган номлардан бири эпик қаҳрамонлар номлари – антропонимларни икки хил: генетик ва лексик-семантик жиҳатидан тасниф қилиш мумкин. Топонимларни эса уларнинг ҳажми хусусиятлари ва тарихий-этимологик таснифига кўра микропонимлар ва макратопонимларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

5. Достон тилида зооним қатнашган матнларда ифодаланган прагматик маъно қирралари метофора, метонимия, синекдоха каби лисоний усуллари асосида амалга оширилган. Матндаги маъно кўчишлари услубий бўёқдорликнинг ортиши, эмоционал-экспрессив таъсир доирасининг кучайиши, ахборотнинг таъсирчан етказилишига хизмат қилган.

6. Достон матнида мавҳум маъноли лексик бирликлар яъни инсон тафаккуригина орқали идрок қилинадиган тушунчалар ҳам анча фаол қўлланган.

III БОБ. ДОСТОН ЛЕКСИКАСИНИНГ СЕМАНТИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Достонда қўлланган кўп маъноли сўзларнинг семантик, лексик-грамматик ва генеалогик тадқиқи.

Аввало таъкидлаш лозимки, кўп маънолилик ҳар қандай тилда салмоқли ўрин тутати. Тил бойлиги фақат сўзлар, иборалар билангина эмас, сўзларнинг лексик маънолари билан ҳам ўлчанади. Сўзларнинг кўп маънолилиги – полисемия ҳодисаси тил бойлигида ўз ўрнига эга⁶⁶. Кўп маъноли сўзнинг алоҳида олинган семалари қанчалар ранг-баранг бўлмасин, улар ҳар доим ягона маъновий асос теварагида гуруҳлашади. Иккиламчи маънолар дастлабки маънонинг кейинги тараққиёти тарзда эътироф этилади⁶⁷. Кўп маънолилик сўзнинг семантик қурилишига оид лисоний ҳодисалардандир. Бирдан ортиқ маънога эгалик (полисемия) деярли барча сўз туркумларида учрайди⁶⁸. Айни тамойилларга асосланиб “Малика айёр” достони матнида қўлланган кўп маъноли сўзларни семантик, лексик-грамматик ва генеалогик нуқтаи назардан ўрганишга ҳаракат қилдик.

3.1.1. Иш-ҳаракат ва ҳолат маъносидаги сўзларда кўп маънолилик. Изланишларимиз кўп маънолиликнинг феъл категориясига оид сўзларда фаоллигини кўрсатди. Достон матнида эликдан ортиқ соф туркийча кўп маъноли феъллар учради. Қуйида ушбу феълларнинг айримларига тўхталамиз. Бу ўринда, энг аввало, тилшуносликдаги бирламчи маънодан ташқари иккиламчи маъноларнинг миқдори жиҳатидан полисемантик сўзларни икки ва ундан ортиқ маънога эга лексик birlikларга тақсимлаб ўрганиш тамойилига эътиборни қаратдик, бу усул муайян даражада ўзини оқлайди, деб ҳисобладик.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида “Бирор нарса ичига ёки устига жойламоқ, қўймоқ, ташламоқ” (ЎТИЛ, 3, 548) каби бош маънони

⁶⁶ Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан. 1975. – Б. 3.

⁶⁷ Будагов Р.А. Введение в науку о языке. – М.: Учпедгиз, 1958.-С 39-50.

⁶⁸ Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан, 1981.-Б.209.

ифодалайдиган *солмоқ* феъли ўн саккиз маънони ифодалаши қайд этилган. Эски туркий тилда ҳам фаол қўлланган ушбу феълнинг Навоий асарлари тилида ўн икки маънода қўлланганлиги эътироф этилган. (АНАТИЛ, III, 101-102). Алишер Навоий тарихий асарлари лексикасида *солмоқ* феълининг ўндан ортиқ маъноларда қўлланганлиги ҳақида маълумот берилган⁶⁹. Биз ўрганган дostonда ушбу истилоҳнинг қуйидаги маъноларда ишлатилганлигини кузатдик: 1. *Бермоқ, ташламоқ* (молга бериладиган овқат ҳақида) маъноси: *Отга солиб арпа билан иерди, // Қор ёққанда карвон солар чийирди* (22). 2. “Бирор нарса ёки кимсага йўналтирмоқ, қўймоқ” маъноси: *Душманларни тўплаб олиб, // Етганига қилич солиб* (34); *Мерганларни қувиб солиб олди, Изғор чўлда қувиб кетиб боради* (20) 3. “Бирор ҳолатга туширмоқ ёки бирор ҳолатни юзага келтирмоқ, пайдо қилмоқ” маъносида: *Хазон бўлиб боғда гули сўлибди, // Шум фалак бошига савдо солибди* (34). 4. “Розилик, хоҳиш ёки истак” маъносида: *Қўл солиб ўйнасанг қордай тўшима, // Борайинми, тўрам, сенинг қошинга?* (49). 5. “Бирор ишга, ҳаракатга туширмоқ, йўлламоқ, ташламоқ” маъносида: *Қўлга бориб довул туйиб қушни солиб, шундай қаради, Худонинг қудрати, пирнинг каромати, шундай чўлда бир қўрғон азим пайдо бўлди*(7); *Зебит чўлга, Шакарқўлга борайин, // Довул туйиб қўлга қушим солайин*(7). 6. “Ўрнатмоқ, қўймоқ” маъносида: *Парли ёйни эгарнинг қошига солиб, Авазхон йўли билан кетди*(16). 7. “Бирор иш-ҳаракатни қилишга ундамоқ” маъносида: *Агар билсанг, мени бугун йўлга сол, // Тарадум айлабон йўл бошла, дилбар.*(53). 8. “Қарамоқ, боқмоқ” маъносида: *Паризодга бориб назар солибди, // Ўйнаб турган шери буни кўрибди* (91). 9. “Ҳозирланмоқ, тайёрланмоқ; қўрмоқ” маъносида: *Хизматкорлари Гулчорбоққа бориб, Бўзтулпорга эгар, анжом солиб, олиб келди.* (119). 10. “Мурожаат қилмоқ, эътиборни тортмоқ” маъносида: *Қулоқ солинг мендай ойим тилига, // Мен минарман Бўзтулпорнинг белига,* (122) каби.

Дostonда фаол ишлатилган *ўтмоқ* феъли ҳам бир неча маънони ифодалаши билан диққатимизни тортди. Ҳозирги ўзбек тилида бу сўзнинг йигирма беш маъноси аниқланган (ЎТИЛ, 5,

⁶⁹ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлар лексикаси, – Тошкент: Фан. 2016, Б. 149.

181-183). Ушбу феълнинг эски туркий тилда фаол қўлланганлиги (ДТС, 391), Навоий асарлари тилида ўн маънода ишлатилганлиги (АНАТИЛ, II, 614-615), хусусан, шоир тарихий асарлари лексикасида саккиз маънода қўлланганлиги⁷⁰ аниқланган. Биз ўрганган дoston тилида ушбу феъл лексеманинг қуйидаги маъноларда қўллангани кўзга ташланди: 1. Маълум жой, сатҳ ва шу каби оралиғида (бирор томонга қараб) ҳаракатланмоқ, шундай ҳаракат билан уни орқада қолдириб, ундан кейинги жойда мавжуд бўлмоқ: *Ўзимнинг тегишимни ғингқиллатиб ютмасам, – деб шиқирлатиб сари ёйни тортди, ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб оқиб кетди, тош таблани тешиб ўтди*(7). 2. “Эғалик, тасаррув ўрни ўзгармоқ” маъносида: *Етмиш йил гўлоҳда ётдим, // Қиморбозга пир бўп ўтдим* (112). 3. “Кейинда қолмоқ; кечирмоқ (гуноҳ ҳақида)” маъносида: *Остида ўйнайди тулпор Ғироти, // Гуноҳидан ўтди Гўрўғли номдор* (202); *Гўрўғли султондан Авазхон йўлда сўраб тилаб олди. Шунинг учун буларнинг гуноҳини ўтди* (207). 4. “Бир хил йўналишдаги ҳаракатда (юриш ва б.) ортда қолдирмоқ, ундан узоқлашиб кетмоқ” маъносида: *Кеча-кундуз йўл тортди, // Чамбил элга яқин етди // Полопон тоғидан ўтди* (203). 5. “Юз бермоқ, бўлиб ўтмоқ” (жабрланиш) маъносида: *Тиллари танглайга борди-да, қотди, // Сувсизликдан оша жабрлар ўтди* (67). 6. Эпик қаҳрамон (шахс)нинг шу феъл боғланган сўз англатган рақамдаги муддати бошланиши, шу муддатга қадам қўйиши маъносини билдиради: *Мунда келган сўнг лашкарларимнинг барисини шу девлар еб қўйди, лекин мени ўлдиргани кўзи қиймади, орадан етти йил ўтди* (75). 7. Бошидан ўтмоқ – “ҳаётда кечирмоқ” маъносида: *Авазхон бу сўзни эшитиб, қаландар бобосига қараб, Авазхон ҳам бошидан ўтган ишларни бир-бир айтиб, жавоб бериб, бир сўз деб тургани* (63). 8. Жондан ўтмоқ – “азоб берадиган даражада қаттиқ таъсир қилмоқ” маъносида: *Жафо тиғи бу кун жондан ўтади, // Айролиқ ханжари бағрин йиртади* (96). 9. Кун ўтмоқ – “муайян муддат” (вақт) маъносида: *Орадан ҳафта-ўн кун ўтди* (10). Таъкидлаш лозимки, “Қадимги туркий луғатида” қайд этилишича, ўтмоқ сўзининг қадимги ва эски туркий тил ёзма ёдгорликларида икки маъноси, яъни

⁷⁰ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлар лексикаси. – Тошкент: Фан. 2016, Б. 149-150.

“ичига кирмоқ, суқилиб кирмоқ” ва “адо бўлмоқ, тугамоқ” маъноларида қўлланилган (391). Биз ўрганган дoston матнида ушбу феъл лексеманинг 56 ўринда тўққиз маъноси қўлланилганини кўрсатди.

“Бирор еридан ушлаб, тутиб, ўзига томон сурмоқ ёки суришга ҳаракат қилмоқ” маъносидаги *тортмоқ* истилоҳининг ҳозирги ўзбек адабий тилида йигирма бир маънода қўлланганлиги тилшуносликда аниқланган (ЎТИЛ, 4, 154-156). Ушбу феъл лексеманинг кўп маънолилиқ табиати қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам мавжудлиги маълум (ДТС, 538). Навоий тарихий асарлари лексикасида ўн уч маънода ишлатилганлиги ҳам аниқланган⁷¹. Биз ўрганган дoston матни ҳам ушбу лексеманинг матн таркибидаги маънолари хилма-хил эканлиги маълум бўлди. 1. “Муайян ҳаракатни тезлаштирмоқ, тезлик билан йўл юрмоқ ёки йўл юрмоқ, йўлда давом этмоқ” маъносида: *Кўринг Гўрўғли мардди, минди бедов отди, қистаб йўл тортди*(7); *Авазнинг олдини тўсиб, қистаб йўл тортди* (16). *Мерганлар қилди ғайратни, // Йўл тортди уч кеча-кундуз* (17). 2. “Бирор еридан ушлаб ўзига томон сурмоқ ёки суришга ҳаракат қилмоқ” маъносида: *Шу замон англади Аваз зўрабор, // Отнинг тизгинини тортди, муқаррар* (20); *Беклар Гулшан чорбоғига йўл юриб етди, отнинг жиловини тортди, бедовларни тўхтатди* (46). 3. “Овозни баландламоқ, юқори кўтармоқ ёки кучли овоз чиқармоқ” маъносида: *Маликанинг кетаётганини кўриб, Шоқаландар бир наъра тортди* (108). 4. “Гапиришдан тўхтамоқ” маъносида: *Шоқаландар олайиб қарагандан кейин, Қаландарнинг авзойини ёмон кўриб, гапираётган тилини тортди* (172); *Ана энди Шоқаландар шаҳзодага кўзини олайтириб эди, шаҳзода оғзини тортди* (172). 5. “Қатор турмоқ ёки кетма-кет жойлашмоқ” маъносида: *Девларнинг ғубори оламни тутди, // Қўкламтоғ устида девлар саф тортди* (132). 6. “Суртмоқ ёки қўймоқ” маъносида: *...Юмurtқа малҳам қилиб, Авазнинг яраларига тортди* (35). 7. *Дорга тортмоқ* – “дорга осмоқ” маъносида: *Бошин кесиb уни дорга тортади, // Ҳар ким борса томоша қиб қайтади* (90). 8. *Лашкар тортмоқ* – “Қўшин билан юриш қилмоқ, босиб бормоқ” маъносида: *От ўйнатиб, лашкар тортиб борайик, //*

⁷¹ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, Б. 150.

Кўрмаган кунларни анга солайик (131) каби. Келтирилган ми-соллар *тортмоқ* сўзининг нафақат мустақил, балки бошқа лексик бирликлар билан синтагматик муносабатга киришиб, ёрдамчи феъл вазифасини ўтаганини ҳам тасдиқлайди. “Малика айёр” достони матнида бу сўз ўттиздан ортиқ ўринда юқорида келтирилган саккиз маънода қўлланган.

“Кўриш қобилиятига эга бўлмоқ” бош маъносининг ўзида мужассамлаштирган соф туркийча кўрмоқ феъли ҳозирги ўзбек адабий тилида ўн олти маънони ифодалайди (ЎТИЛ, 5, 469-470). “Қадимги туркий луғат”да бу феълнинг олти маънода истеъмолда бўлганлиги эътироф этилган (317). Алишер Навоий асарлари тилида шу феъл лексеманинг ўн маънода қўлланганлиги (АНАТИЛ, II, 153), шунингдек, шо-ирнинг тарихий асарлари лексикасида ушбу истилоҳ ет-миш олти ўринда тўрт хил маънода ишлатилганлиги ҳам аниқланган⁷². Биз ўрганган дoston матнида кўрмоқ феъл лексемаси қуйидаги маъноларда ишлатилганлиги маълум бўлди: 1. “Дуч келмоқ, учратмоқ” маъносида: *Ногаҳондан бо-раётиб мерганлар, // Йўлда кўрди Ғиркўк отнинг изини (34); Сен эшитгин тоғаларинг сўзини, // Бизлар кўрдик бек езнам-нинг ўзини (38)*. 2. “Бошдан кечирмоқ” маъносида: *Авазхон кўнглида: «Ажаб шаҳарларни, ажаб сирларни бу баҳона би-лан кўрдим, ажаб жаҳонгашта бўлдим. Жаҳонни, ажойиб-ғаройибларни кўрдик», – деди (66); Ёр ишқида жабр кўрдим, қон йиғлаб. // Келдим мунда Малика деб сўроғлаб (80)*. 3. “Пайқаб олмоқ, илғамок, туймоқ” маъносида: *Мени кўкда олиб юрган-дир душман, // Кўкда юриб, бобо, сени кўрдим мен (75); Шун-ча хизмат қилиб Торкистон шаҳрини кўрдингми, билдингми? – деб қаландар сўради (75)*. 4. “Бирор нарсани таъкидлаш ва унга диққат-эътиборни жалб этиш” маъносида: *Малика айтди: – Эй санам қизларим! Мен шернинг юришини кўрмоқчи эдим. Кўрдим, бўлар (104); Бул Аваздай баҳодир, // Кўп қизиқни кўради. // «Кўрдингми?» – деб Авазга // Булар шовқин беради (137)*. 5. “Томоша қилмоқ, томошабин сифатида кузатмоқ” маъносида: *Илгари кўрганман бунинг ишини, // Баланд ерда туриб кўрдим савашини (143)*. 6. “Бирор кимса ёки нарсага

⁷² Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, Б. 151.

эга бўлмоқ, эришмоқ, етишмоқ” маъноларида: *Излаб энди шаҳзодасин, // Кўрди-ку қўрғон-қалъасин (151); Шоқаландарни кўриб: ўлмайин омон-эсон бир-бировимизни кўрдик», деб ҳаммалари отларидан тушиб, Шоқаландар билан кўришиб, топишиб, ҳол-аҳвол сўрашиб димоғлари чоғ бўлди (179). 7. “Танишиб, билиш, аниқлаш ва шу каби мақсадда кўздан, назардан кечирмоқ; назар солиб текширмоқ; қарамоқ” маъноларида: Боймоқ девнинг маконидаги ҳамма кўшқу айвонларни, неча хилдаги ичкима-ички жойларни, хазинахоналарни ахтариб кўрди, ҳеч нарсадан хабар топмади, жонзоддан кўрмади. Табладаги тулпор отларни кўрди (154); Ҳар тарафни сўраб, назар қилдингми, // Девларнинг ҳам манзилини кўрддингми (129). 8. “Ҳол-аҳвол сўраб йўқламоқ” ёки “сўраш орқали вазиятни билмоқлик” маъноларида: Соғ-саломат сизни кўрдим, бобожон, // Юрагимдан кетди менинг юз армон (157); Девлар жодусидан асар кўрддингми, // Ё бўлмаса бирор нарса кўрддингми? (159). 9. “Юз берган воқеага бошқа киши ёки нарсани сабаб қилиб кўрсатмоқ” маъносида: Жамоллар ойу кундан ғолибди, // Кўрганларнинг бежой ақлин олибди, // Мен билмайман қай шаҳардан келибди, // Жон олгувчи жонон кўрдим, бувишим (49). 10. “Тақдиридан кўрмоқ” маъносида: Қаландарлар унга ҳамроҳ бўлади, // Ҳарна бўлса тақдиридан кўради (69). 11. “Кўз билан кўрмоқ, кўз востасида аниқ фарқламоқ, сезмоқ, билмоқ” маъносида: Кўкламтоғ ёрилиб Шоқаландарга йўл беради. Торкистоннинг бўсағасини кўради (77); Душман келса, жабру жафо кўради, // Ғариби ғўристон бўлиб ўлади (106); Шозаргар шундай бурилиб қаради, // Келаетган Оқ девшоҳни кўради (109). 12. Иш кўрсатмоқ – “Муайян вазифа (жанг қилмоқ) бажармоқ” маъносида: Рустамдай бўб иш кўрсатиб кўради, // Ким рўпара бўлса, тайин ўлади (139); Ўлиб кетди неча девлар, // Иш кўрсатиб бунда беклар (170). 13. Кўрмоқ феъл лексемаси кўмакчи феъл вазифасида “муайян ҳаракатнинг синаш учун бажарилиш натижасини, хоҳиш-истагини ёки бажарилмаслик ҳақидаги огоҳлантириш, умидсизлик” маъносини билдиради: Бадбахт девни мен ҳам синаб кўрганман (156); Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин, // Бу дилбарни сен қўлингдан бермагин (163); Мендай ойим Чамбил кетди, // Яна қайтиб кўрмак йўқдир (170) каби.*

Хуллас, “Малика айёр” достони матнида қўлланган кўп маъноли сўзларнинг 35 %ини феъл лексемалар ташкил этади ва уларнинг ҳаммаси туркий қатламга мансубдир. Шундай феъллар қаторига яна қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин: *тузмоқ, солмоқ, бошламоқ, бузмоқ, демоқ, етмоқ, кесмоқ, кетмоқ, тегмоқ, тушмоқ, урмоқ, чекмоқ, чиқмоқ, қилмоқ, қолмоқ, ёқмоқ* ва бошқалар. Биз тадқиқотнинг ҳажми имкониятидан келиб чиқиб, юқорида фақатгина *солмоқ, ўтмоқ, тортмоқ, кўрмоқ* каби феъл лексемаларининг матндаги маъно қирраларини кўриб чиқиш билан чекландик.

3.1.2. Нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи сўзларда кўп маънолилик. Бу борадаги изланишларимиз кўп маънолиликнинг от сўз туркуми доирасида энг фаол эканлигини кўрсатди. Тадқиқот объектидаги дoston матнида қўлланган кўп маъноли сўзларнинг деярлик 52 % дан ортиғи от сўз туркумига мансублиги аниқланди. Мазкур отлар тарихий-этимологик нуқтаи назардан қуйидаги кўринишларга эга:

а) *туркий қатламга тегишли сўзларда кўп маънолилик.* “Қуёшдан кейинги учинчи планета” (ЎТИЛ, 2, 14) бош семадини англатувчи *ер* астрономи қадимги ёзма ёдгорликларда тўрт маънода қўлланган (ДТС, 257). Навоий асарлари тилида ушбу от лексема олти маънода ишлатилган (АНАТИЛ, I, 524-525). Шоирнинг тарихий асарлари лексикасида бу истилоҳ бир юзи ўн саккиз ўринда тўрт маънони ифодалаш учун хизмат қилганлиги эътироф этилган⁷³. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *ер* лексемасининг ўн бир маънода воқеаланганлиги аниқланган (ЎТИЛ, 2, 14). Биз тадқиқ қилган дostonда ҳам мазкур лексеманинг қўлланилиш фаолияти анча юқори ва асосан қуйидаги маъноларни ифодалаган: 1. “Нарсалар турган, тирик организмлар ҳаёт кечираётган юза, сатҳ (шахс ёки бошқа нарсаларга нисбатан)” маъносида: *Мен келганман одамзоднинг қасдидан, // Изласанг, топмайсан ернинг устидан (8); Бу сўзларни сенга айтди Авазхон. // Борар еринг айтгин менга, сен душман (22).* 2. “Ер сатҳининг муайян бир қисми; жой, ҳудуд” маъно-

⁷³ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, Б. 153.

сида: Гўрўғли отини Авазга берди: остига мингандир Ғиротни, ҳар ерга борса топади муродни (16); Энди таваккал, овлоқ ерда бунга маълум қилайин бир”, – деб Авазхон ўзини маълум қилиб, бир сўз қилиб турибди (23). 3. “Бирор нарса банд қилиб турган, эгаллаган ўрин, жой; макон” маъносида: Бу феълимга тавба қилибман, – деб Ғиротини Соқига бериб, қирқ эшикли чиллаҳонасига кириб, кўкрагини нам ерга бериб хафа бўлиб ётди (10); Қаради: бир филни минган, икки оёғи чим ерни омочдай тилган, соқол мурти ўсиб кетган, аймашиб келиб, оғзи-бурнини босиб кетган (21). 4. “Муайян вазифани (отни эгарлаш) бажаришга киришдан олдинги қисқа муддат, вақт” маъносида: Соқидан бу сўзни Ғиркўк от эшитиб, анча кўтарилиб қолди. Соқи отни яланғочлаб, қашлаб, эгарлаб берайин деб турган ери (13). 5. “Муайян мамлакат ёки давлатга қарашли ҳудуд, жой” маъносида: Бу сўзни эшитиб: – Бу мендан борар еримни қайта сўрай берди, энди айтиб кетайин, қайсар экан, – деб бир сўз айтиб тургани (22); «Бу ерда қулайга туширолмадик, бирор ерда қулайга туширсак, ўзи билан бирга бўлсак деб: – Авазхон, борадиган еринг яқинми, узоқми? Биз ҳам бирга бориб келсак, – деди (19). 6. “Бирор нарсанинг ёки аъзонинг айрим қисми, ўрни, нуқтаси, жойи” маъносида: Авазхон кўнглини хушлаб, димоғи чоқ бўлиб, у еридан, бу еридан ушлаб, Гулқиз ойимнинг кўнглини хушлаб, ҳузур қилиб, икковининг димоғи чоқ бўлиб, ўтираберди (54); Мен энди ўладиган еримга етдим, қандай қилса Маликани олади? Менга бир дуо айтсанглар, менинг армоним юрагимда қолмас эди, – деди (76). 7. Ерга урмоқ – “қадрини камситмоқ, таҳқирламоқ” маъносида: Асад мерганни кўрди, бир сув ювиб кетган жирандада ўзини ҳар бир ерга уриб яширина олмай юрибди (56); Холдар маҳрам ўн йигитман қувониб, // Ерга уриб қўшади ҳар бир сўзига (207). 8. Ер остида (остига) – “Қаерда (га) бўлса ҳам” маъносида: Ҳар киши олгани билан қарисин, // Ер остида душман тани чирисин (110); Кунма-кундан зўрға етсак керак-да, // Ер остига тушиб кетсак керак-да (46). 9. Ер юзи – “Бутун дунё, олам” маъносида: Қизил дев айтди: – Ўжияним! Бизлар кун ботиш билан кун чиқарни, ер юзини қолмай учамиз (58); Ер юзинда жумла ўтган валилар, // Бу сўзларни айтар Шоҳиқаландар (72). 10. Ерга қўймоқ – “Ҳамманинг гапи, маслаҳати бир хил бўлиб чиқмоқ”

маъносида: *Авазхон учови чинорнинг олдида кўп сўзларни гаплашиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб: – Эй болам, гапдан нима чиқади, йўл юрмоқ аълороқ. Энди йўл юрайик, – деди (66). 11. Ерда қолмоқ – “Бошини ерда қолдирмаслик ёки бегона қилмаслик”* маъносида: *Пастки кўшикка етиб, Авазжоннинг қадди-қоматини кўриб ошиқи беқарор бўлиб, «Марднинг боши ерда қолмасин», Авазжоннинг бошини тиззасига олиб «Қайси мамлакатдан келдинг?» – деб сўраб, бир сўз деди (51). 12. Ер лексемаси дoston матнида жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш, қаратқич келишиги шаклида кўмакчи вазифасини бажарганда пайт, ўрин, сабаб каби муносабатларни билдиради: *Девлар бу ерда йўқ эди (54); Манзили шу ердан етмиш йиллик йўл келади, бир Боймоқ дев деган тоғангиз бор, шу билмаса бизлар билмадик (58); Шунда Хадича Тиллақиздан бу сўзни эшитиб, ердан темиртак топган қулдай бўлиб, чопиб орқасига қайта берди (108) каби.**

Ана шундай кўп маънолилиқ лексемалардан яна бири “организмнинг юрак ва қон томирлардан иборат ёпиқ система ичида тўхтовсиз ҳаракатланиб турувчи суюқ тўқимаси” маъносини англатувчи қон лексемаси ҳам дoston матнида фаол қўлланган. Навоий асарлари тилида бу истилоҳнинг икки маънода қўлланганлиги (АНАТИЛ, IV, 63), шунингдек, шоирнинг тарихий асарлари лексикасида “қон”, “хун, қон қасоси” маъноларида⁷⁴ ишлатилганлиги тилшунослиқда эътироф этилган. 1. “Ранг-туси ўчган” маъносида: *Девлар ҳам Асаддан қўрқди. «Қони суюқ, рангида қони йўқ, кўзи олайган ёмон йигит экан», деб девлар қўрқиб турибди (42). 2. “Қаттиқ, эзилиб-куйиб йиғламоқ, қаттиқ азобли ҳолатда йиғламоқ”* маъносида: *Қон йиғлатиб бу манзилда // Сен кетарсан бизни ташлаб // Айролиқ ўтига доғлаб, // Биз қоламиз қонлар йиғлаб (120); Кўп юрганман ҳар шаҳарни сўроғлаб, // Бу дилбарнинг фироқида қон йиғлаб (111). 3. “Қурбон бериладиган уриш, жанг қилмоқ; шу йўл билан киши(лар)ни қурбон қилмоқ”* маъносида: *Ғайрат билан қон тўкишмоқ лозимди(р), // Англаб билгин менинг айтган сўзимди (131); От қўйиб душман устига // Қарамай баланд-пастига, // Қон тўкилиб шу замонда, // Кўкламтоғининг устига (141). 4. “Қаттиқ қайғу-азобда*

⁷⁴ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, Б. 153.

қолмоқ; бағри қон бўлмоқ” маъносида: Ёдимизга сизни олсак, // Биз йиғлармиз қон ютиб (120). 5. “Ранги ўчмоқ, қизиллиги йўқолмоқ” маъносида: Бу девларни кўриб, мерганларнинг ранги-туси учиб, қони қочиб, кўзи олайиб, бўғини қалтираб, мазаси кетиб қолди(41) каби.

Ўз товуш қобиғига, мустақил луғавий маънога эга бўлган нутқ бирлиги (ЎТИЛ, 3, 608) сўз лексемаси ҳам дostonда фаол қўлланган ва қуйидаги маъноларни ифодалаган: 1. “Гап, гап-сўз, нутқ” маъносида: Ота, эшит менинг айтган сўзимни, // Он кеп берай кўрган сарвинозингни (12); Бу хизматга бел боғлама, Авазжон, // Айтган сўзим ол энди бўзўғлон (12). 2. “Муайян маълумотни айтиб бериш, ҳикоя қилиш” маъносида: Ана шунда Паризод Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, ўсган элини, соғу сўлини, шаън-шавкати, манзил-жойини Гўрўғлига баён бериб, бир сўз деб турибди...(8); Шунда Гўрўғли Ғиротнинг бошини буриб, Чамбилга қараб йўлга кириб, кўзини ёшлаб, ўзини отнинг ёлига ташлаб, бу сўзни айтиб бора берди...(9). 3. “Ўзаро суҳбатлашиш ёки маслаҳатлашиш, муносабат билдириш” маъносида: Шунда Гўрўғлибек Авазхондан бу сўзни эшитиб: – Аваз ўғлим, бу сўзни бежой айтдинг. Бу айтган сўзинг кўп ёмон бўлди, энди ҳар нима бўлса, борма-санг бўлмайди (12); Гўрўғлибек Авазхондан ўн олти ой деган сўзни эшитиб, вақти зиёда хуш бўлиб, Авазхонга қараб бир сўз деди (15). 4. Сўз бермоқ – “Гапиришга имкон бериш ёки бермаслик” маъносида: Сўз бергандир мерганларга жодугар, // Сўз бермаса, мерганларда нима бор (202); Сенга сўз бердим Малика айёр, // Қай шаҳардан мунда келдинг, қаландар (91). 5. Сўз қотмоқ – “Бирор гап, сўз айтишлик ёки айтмаслик; гапирмоқлик ёки гапирмаслик” маъносида: Диққат бўлиб ётган Авазжон Гулзамонга сўйламади ҳам, қарамади ҳам, сўз қотмади ҳам (49); Шунда Қосимшоҳ қаландарларга қараб: – Қайси шаҳардан келдинглар? – деб сўраб, сўз қотиб, бир сўз деди: (91); Шоҳнинг фикрда қолганини билиб: «Менга энди навбат келди, бунга бир нарса деб сўз қотайин», – деб Шозаргар қаландар ўрнидан туриб, Қосимшоҳга қараб, бир сўз деди: (93). 6. Мақол, ҳикматли сўз; ибора намунаси сифатида: Эгаси ушлаб бизларни гаранг қилиб юрмасин. «Пиёда қўноқ – яхши

қўноқ», деган сўз бор (84); *Ҳар кимни биров чақирса, борган яхиши...* «Эр тилаган ерда азиз», деган сўз бор (184) каби. Сўз лексемаси қадимги туркий тилда бир маънони ифодалаганлиги таъкидланган (ДТС, 511), Навоий асарларида эса тўрт маънони ифодалаш учун хизмат қилган (АНАТИЛ, III, 137). Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз лексемасининг саккиз сема-ни ифодалаш учун қўлланилаётганлиги аниқланган (ЎТИЛ, 3, 608). Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, тадқиқ қилинган дoston матнида мазкур истилоҳ олти сема-ни ифодалаш учун хизмат қилган.

б) арабча ўзлашмаларда кўп маънолилиқ. “Малика айёр” дostonи матнида от сўз туркумига кирувчи араб тилидан ўзлашган қирқдан ортиқ лексема ўзининг кўп маънолилиқ хусусиятларини намоён қилганлиги аниқланди.

Тилимизга араб тилидан ўзлашган *вақт* лексемаси замон, вақт муддати; он; мавсум каби маъноларни, шунингдек, “юз бериб турувчи воқеа-ҳодиса, нарсаларнинг асрлар, йиллар, соатлар, минутлар ва ш. к. билан ўлчанадиган давомийлиги, шундай ўлчов белгисига эга бўлган объектив ҳодиса” маъноларини ифодалаши тилшуносликда эътироф этилган (ЎТИЛ, 1, 448). Мазкур лексема ҳозирги кунда беш маънода (ЎТИЛ, 1, 448) қўлланишда бўлса, қадимги туркий тилда фақатгина биргина маънода ишлатилганлиги нуфузли луғатларда (ДТС, 632) эътироф этилган. Алишер Навоий асарлари тилида олти маънода (АНАТИЛ, 1, 367), тарихий асарлари лексикасида эса уч маънода⁷⁵ қўлланганлиги аниқланган. Биз ўрганган дoston матнида мазкур лексеманинг қуйидаги маънолари мавжудлигини кузатдик: 1. “Кўтаринки кайфиятли ҳолат; яхши кайфиятли, хурсанд ҳолатни кечирмоқ ёки хурсандчилик қилмоқ” маъносида: *Ҳаммаси вақти хуш бўлиб // Гулқизойим иш бошқарган (185); Вақти хуш бўб Шоқаландар, // Жилва қилиб ақлин олиб (186); Қиз-санамларнинг вақти хуш бўлиб, ўйин-томоша қилиб ўтира бердилар (190);* 2. “Вақтнинг бирор нарсаси, иш-машғулоти учун белгиланган ажратилган бўлаги; муддат” маъносида: *Худойим кечиргай қилган хатомни, // Жўнар вақтда мен кўрмайин отамни (191);* 3. “Соат, кун, ой, йил ва

⁷⁵ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, Б. 154.

ш. к. нинг узликсиз изчил алмашувида бирор мақсад учун белгиланган ёки бирор мақсад учун файдаланилиши муддат оралиғи; фурсат” маъносида: *Неча вақт мен ҳам қолдим хор-зор, // Етти йил девларга бўлдим хизматкор (194); Неча вақт ёр деб жафо кўрибман, // Яқин қолди, элга бу кун келибман (196); 4. “Кўтаринки кайфиятли ҳолат, вақтичоғлик, хурсандчилик” маъносида: Икковининг вақтини чоқлаб, ўзлари омон-эсон Малика айёрни Чамбилга олиб келиб, Малика айёрни Авазхонга қирқ кун тўй-тамоша қилиб, никоҳлаб берди (207); 5. “Айни вақтда, ҳозир(да), ҳозирнинг ўзида” маъносида: Хазон бўлиб боғда гуллар сўлади, // Шум фалак бошига савдо солади, // Шу вақтда чоқласак қандай бўлади?.. // Кўзидан тўкайик селоб ёшини (20); 6. “Объектив тарзда кечувчи даврнинг, киши ҳаётининг маълум, аниқ бир бўлаги, нуқтаси, оралиғи” маъносида: Шунда кўрдим ғариб бўлиб қаландар, // Шу вақтида топишганмиз муқаррар, // Ваъдасига келган жоним Қаландар (157); Мен шу вақтгача юз олтмиш дарани қараб ахтардим (131); 7. “Ҳозирнинг ўзида, шу билан бирга” маъносида: Девлар келар вақтин топиб ёнашиб, // Албатта, буларнинг ақли шошиб, // Шу вақтда сен тургин дарёдай ошиб, // Шундай қиб сен бўлгин булардан хабардор (163); 8. “Ўйламаган, хаёлга келмаган, билмаган бир вақтда” маъносида: Қоратулпор яшиндай бўлиб оқиб кетди, бир вақт ёруғ дунёга, чашманинг лабига етди (109); Заргарбек ҳайрон қолиб келаётиб эди, бир вақти Бўзтулпорнинг кўзи Қоратулпорга тушиб, гулдираб кишнаб юборди (128) каби.*

“Қадимги туркий луғат”да ва ҳозирги ўзбек адабий тилида *вафо* лексемаси “ёрга, дўстга, яқин кишиларга садоқат; ўз аҳд-паймонини муқаддас тутиш; сўзда, ваъдада қатъий туриш” маъноларини ифодалаши аниқланган (ДТС, 632; ЎТИЛ, 1, 445). Алишер Навоийнинг тарихий асарлари лексикасида ушбу лексема уч маънода қўлланганлиги эътироф этилган⁷⁶. Биз ўрганган дoston матнида мазкур лексема қуйидаги маъноларда қўлланган: 1. “Яқин кишиларга садоқатли” маъносида: *Хизмат қилган меҳрибонлар, хўш энди, // Вафоли канизлар, қолинг, хўш энди (122); 2. “Ёрга аҳд-вафосини муқаддас ту-*

⁷⁶ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, Б. 154.

тиш, берган ваъдасида қатъий туриш” маъносида: *Аҳду вафо этган менга зўрабор, // Ваъдасига келган жоним Қаландар (157) каби.*

“Фикр, тафаккур; ғоя; ҳаёл” маъноларини ифодаладиган, аслида араб тилидан тилимизга ўзлашган *хотира* лексемаси дoston матнида биргина ўринда қўлланган. Бу истилоҳ “бирор кимса ёки нарса ҳақидаги ёдда, эсда сақланган таассурот” (ЎТИЛ, 4, 416) маъносини ифодалаб келган: *Малайик суратли, гулюзли дилбар, // Хотирамдан кетмас бу соҳиб беклар (118) каби.* Худди шундай лисоний ҳолат: *маъни* ва *ҳикмат* лексемалари ҳам дoston матнида бир мартадан қўлланган. *Ҳикмат* истилоҳи Навоийнинг тарихий асарлари лексикасида икки маънода (“донолик” ва “илм, маърифат”) ишлатилганлиги эътироф этилган⁷⁷. Тадқиқ қилинган дostonда бу лексема биринчи маънода (донолик) қўлланганлигини кузатдик: *Шоқаландар бу сўзни эшитиб, бекларига қараб: – Борсак борайик, Худонинг ҳикматин кўрайик беклар (184).* Араб тилидан тилимизга ўзлашган *маъни* лексемаси “маъно, мазмун” (ЎТИЛ, 2, 565) ни ифодалайди. Лекин унинг инкор (бўлишсизлик) шакли *бемаъни*, *маънисиз* лексемаларининг мазмуни юқоридаги тушунчанинг мутлоқ тескарисини ифодалайди. Дostonда қўлланган *бемаъни* лексемаси “ақл-хушсиз, тайинсиз ёки бетайин” маъноларида қўлланганлигини кузатамиз: *Эр изласанг, мамлакатдан топилар, // Бемаънига мингашиб бизга нима бор (188) каби;*

в) форсча-тожикча ўзлашмаларда кўп маънолилиқ. Тадқиқот қилинган дoston матнида от сўз туркумига кирувчи форс тилидан ўзлашган кўпмаъноли лексемалар жуда оз миқдорни ташкил этади. Қуйида от лексемаларнинг айримларини кўриб ўтамиз. Тилимиздаги “бошланиш; биринчи” маъноларини ифодаловчи арабча *аввал* лексемаси дoston матнида анчайин фаол қўлланган. Уларнинг маънолари қуйидаги кўринишларга эга эканлиги аниқланди: 1. “Муайян ҳаракатнинг бошланишида; бошида” маъносида: *Боймоқ дев аввалги урушнинг қўрқинчлигидан қўрқиб, Шоқаландарнинг урушига тоқат қилолмай бир ёққа қочиб кетган эди (161);*

⁷⁷ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, Б. 155.

Аввал Оллоҳ, дуом бўлса Наби ёр, // Бизни ҳайдаб келди Ҳақ-парвардигор (113); 2. “Биринчи навбатда, биринчи бўлиб; дастлаб” маъноларида: Мақотил айтди: – Менга навбат бериб нима қиласан, бир урсам ўлиб қоласан, аввал сен ур (26); Мискин умидвордир Алидай шердан, // Аввали Оллоҳдан, дуоми пирдан (72); 3. Равиш вазифасида: “ўтган вақтларда, ҳозирга қадар; илгариги” маъносида: Ўз чегарамиздан ўтсак, бизлардан катта девларнинг подшолари, аввалги ўтган подшоларга, кейинги келадиган подшоларга бизлар кулги бўламиз, бизларга таъна қилади (180); Далолатни қилган Малика айёрди(р), // Аввалдан ўзининг ҳам кўнгли бор эди (189). 4. Кўмакчи вазифасида: “бирор воқеа, ҳодиса ёки ҳаракатнинг бошқасидан ёки шу ҳақда сўз бораётган вақтдан олдин бўлганлигини билдиради”: Шоқаландар айтди: – Эй Авазжон, энди йўл яқин қолди, ҳангамалашиб борайик, – деб сени аввалдаги ҳуснингга келтирдик (69); Ана энди Қизилқумнинг ичидаги Қалайи қўрғон, аввалги ёлғиз чинорнинг олдига етиб, сарҳовузнинг олдига келиб қўнди (169). Таъкидлаш лозимки, пайт маъносини ифодаловчи равиш туркумига кирувчи аввал лексемаси ҳозирги ўзбек адабий тилида беш маънода (ЎТИЛ, 1, 29-30), Навоий асарларида уч маънода (АНАТИЛ, I, 27) ва шунингдек, шоирнинг тарихий асарлари лексикасида уч маънода қўлланганлиги аниқланган⁷⁸. Биз ўрганган дostonда ушбу истилоҳнинг тўрт маънода ишлатилгани маълум бўлди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида “бинонинг, уйнинг томини кўтариб турувчи ёки тик кўтарилган қисми” бош семемасини ифодаловчи *девор* лексемаси тўрт маънода (ЎТИЛ, 1, 588), Навоийнинг тарихий асарлари лексикасида икки маънода (“чегара”, “девор, том”) қўлланганлиги аниқланган⁷⁹. Тадқиқ қилинган дostonда бу лексема фақатгина бир ўринда: “Бирор ерни (хусусан, қўрғонни), ҳудудни ўраб олган муайян ғов, тўсиқ” маъносида қўлланган: ... *Жуда катта чинор. Унинг ён ёғини қўрғон қилиб, девор қилиб қўйибди. Қўрғоннинг девори қалайидан (59-60) каби.*

Арабча “ҳақиқий билим, қатъий ишонч” маъноларини

⁷⁸ Абдувалиева Д, Кўрсатилган манба, Б. 155.

⁷⁹ Абдувалиева Д, Кўрсатилган манба, Б. 155.

(ЎТИЛ, 5, 129) ифодаловчи *яқин* лексемасининг бирламчи маъноси “оралиқ масофа учун катта бўлмаган, узоқ эмас” (ЎТИЛ, 5, 129) дан иборат. Туркийча *яқин* сўзининг қадимги туркий тилда қўлланилгани аниқланган (ДТС, 237). Навоий асарларида бу сўз икки маънода ишлатилганлиги (АНАТИЛ, 1, 574), шунингдек, шоирнинг тарихий асарлари лексикасида уч маънода намоён бўлганлиги эътироф қилинган⁸⁰. Биз ўрганган дoston матнида бу лексема қуйидаги маъноларни ифодалаб келганлигини кузатдик: 1. “Оралиқ масофа унча катта бўлмаган, узоқ эмас” маъносида: *Келаётган лашкар-бошлар ҳам Авазни кўрди. Ораси яқин қолган экан, бири-бирига ўраб турди (27); Ўлар вақтинг яқин келгандир, девлар, // Излаб келган қайсар Аваз зўрабор (55); 2. “Нутқ сўзланаётган пайтдан вақт оралиғи унча катта бўлмаган” маъносида: Қаландарнинг уйғонадиган фурсати яқин бўлди (60); ...димоғи чоғ бўлиб айтди: – Энди мазгил яқин қолди. Булар ҳам дами-ни олгандир (69); 3. “Бирор ҳодиса ёки воқеа юз беришига оз фурсат қолганда, маълум бир вақт келиши олдидан” маъносида: Халойиқлар йиғилгандир устига, // Яқинлаб қолди-ку дорнинг остига (90); Шоқаландар айтди: – Эй Авазжон, энди йўл яқин қолди, ҳангамалашиб борайик, – деб сени аввалдаги ҳуснингга келтирдик (69); 4. “Тахминан, қарийб...” маъносида: Мерганлар айтди: – Авазжон, бора турган жойинг яқинми? Ўзинг биласанми, неча кунда борасан, қайси шаҳарга борасан (37); Кўз жубортиб ҳар тарафга қаради, // Торкистон шаҳрини яқин кўради (84); 5. “Шу ердан узоқ бўлмаган жойда, шу атрофда” маъносида: Шунда Гулқизойим бу бекларнинг омон-эсон қайтиб келганини... яқиндаги паризод қизларга хабарни юборди (185) каби.*

3.1.3. Белги-хусусиятни ифода этувчи сўзларда кўп маънолилик. Бу борадаги изланишларимиз дoston матнида қўлланган кўп маъноли сўзларнинг қарийб 12 % ини сифат сўз туркумига мансуб лексемалар ташкил қилишини кўрсатди.

“Эгаллаган ўрни, ҳажми ғоят йирик; жуда катта, улкан, буюк” каби (ЎТИЛ, 4, 280) маъноларни ифодалаган улў лексемаси дoston матнида қуйидаги маъноларда қўлланганлиги

⁸⁰ Абдувалиева Д. Кўрсатилган манба, Б. 156.

аниқланди: 1. “Салмоғи, кўлами, сони кўп бўлган аҳоли” маъносида: *Улуғ-кичик томошага қолдилар, // Келиб дор тегинда қараб турдилар (90); Салом айтган меҳрибоним тоғамга, // Катта-кичик улуғ - шоҳу оғага (123);* 2. “Ўз хизматлари билан ҳурмат-эътибор қозонган; буюк” маъносида: *Улуғроғин сайлаб олиб, // Ажабдайин ишлаётир (165);* 3. “Қадр-қиймати, куч-қудрати, имконияти жиҳатдан юқори даражали; буюк” маъносида: *Эркасан-да, улуғсан-да, Яллокал, // Аввал навбат сеникидир, қўлинг ол (13).*

Тилимизга араб тилидан ўзлашган ва “улуғ, буюк, катта” маъноларини (ЎТИЛ, 1, 49) ифодалайдиган *азим* лексемаси ҳам дoston матнида учрайди. Бу истилоҳ “кўриниш, тузилиш эътибори билан ғоят катта, улкан” маъносида (ЎТИЛ, 1, 49) қўлланганлиги аниқланди: *Худонинг қудрати, пирнинг каромати, шундай чўлда бир қўрғон азим пайдо бўлди (7); Қирқ зинапоя настга тушиб кетди, бир катта – мисли шаҳри азимдай ерга борди (72).*

3.2. Паремиологик бирликлар ва уларнинг услубий хусусиятлари

Дostonдаги эпик қаҳрамонлар нутқининг таъсирчанлигини оширувчи лисоний омиллардан бири матндаги мавжуд *паремиологик бирлик* (фразеологизм, мақол, матал, ҳикматли сўз) лар саналади. Дostonдаги эпик воқеликнинг қизиқарли тарзда ифодаланишини, қаҳрамон руҳияти ва феъл-атворини табиий, халқона ҳолда изоҳлашда, бадииятдаги образлилиқни юзага чиқаришда ибораларнинг ўрни жуда катта. Тилшунослигимизда сўнгги пайтларда фразеологизм, фразеологик бирлик, фразема терминлари битта сўз билан, яъни ибора номи билан атаб келинмоқда⁸¹. Ибора – сўз бирикмаси, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутққа тайёр ҳолда кири-тиладиған луғавий бирликдир⁸². “Малика айёр” дostonида

⁸¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент, 1965; Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент, 1978; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1992.-Б.55-107.

⁸² Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2002. – Б.124.

қўлланган ибораларнинг кўчма маънога асосланиши, образлилиги унинг эпик тасвир имкониятларини кенгайтирилганлигини ҳисобга олсак, дoston тилидаги ибора (бадий) тасвир воситаси сифатида муайян даражада хизмат қилган, дейиш мумкин. Дoston тилидаги ибораларни мавзу моҳияти жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўргандик:

а) руҳий ҳолатни ифодаловчи иборалар Ўз қатламга мансуб кўнгил (шевада кўнгли) лексемасининг маъно хусусиятлари хилма-хил эканлиги тилшуносликда аниқланган. Хусусан, ҳозирги адабий тилимизда бу лексеманинг “Кишиларнинг ҳис-туйғуси ва кечинмалари манбаи; “юрак, қалб, дил” (ЎТИЛ, 2, 457); қадимги туркий луғатида 1. “юрак, қалб”; 2. “хоҳиш”; 3. “ҳис”; 4. “тафаккур”; (ДТС, 351), шунингдек, Алишер Навоий асарларида “қалб, дил, кўнгил” (АНАТИЛ, II, 151) маъноларида фаол қўлланган. Биз ўрганган дoston лексикасида кўнгил (кўнгли) лексемаси бир қанча сўзлар билан алоқага киришиб, руҳий ҳолатнинг турли хил кўринишларини ифодаловчи ибораларни ҳосил қилганлигини кузатдик. Улар: 1) кўнгил бермоқ – “кўнгил қўймоқ, яқинлашмоқ” маъносида: *Пари билан неча ваъда қилибди, // Ул сабабдан шунга кўнгил берибди* (63); 2) кўнгил хушламоқ – “хурсандчилик” маъносида: *Заргарбек этагин ушлаб, // Сен кетарсан кўнгил хушлаб* (120); 3) кўнгил қилмоқ – “розилик” маъносида: *Вақти хуш бўб шоду хуррам бўлади, // Ичмакка Авазхон кўнгил қилади* (70); *Кўнгил қилсанг, келгин, давлатли шунқор, // Ўйнаб-кулиб тарқат кўнгилдан ғубор* (48); 4) кўнгилни бўлмоқ – “кўнглига ғам тушмоқ” маъносида: *Мени кетди дебон кўнгил бўласан, // Сизлар ҳам бировман ўйнаб-куласан* (122); 5) кўнгил истамоқ – “хоҳиш, истак” маъносида: *Қилич келар алаб-ялаб, // истар кўнгил қилар талаб* (29); 6) кўнгилни бўлмагин, кўнгил қилмагин - “хавотир олмасликка даъват” маъносида: *Ичарман деб, Аваз, кўнгил қилмагин, // Ғариб бўлиб бу ерларда ўлмагин* (70); *Кўнгилни бўлмагин Чамбилнинг хони, Ажал ўтмай, чиқмас чибиннинг жони* (90); 7) кўнгли бузилмоқ – “кайфияти бузилмоқ; қаттиқ хафа бўлмоқ, қайғуга чўнмоқ; дили оғримоқ, дили ғаш тортмоқ” маъносида: *Мерганларнинг хаста кўнгли бузилди, // Кўздан ёши қатра-қатра тизилди* (35);

Жонивор тулпор отим, сен ҳам мендай бўлиб турибсанми, деб кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, тулпор отини кўриб, ўсган юрти, шону шавкати эсига тушиб, аҳволи кўп вайрон бўлиб кетди (157); Кўнгли бузилиб, Шозаргарга қараб, икки оғиз ўз айтиб турибди (159); 8) Кўнгли тинмоқ – “бирор иш, ният ва шу кабини амалга ошириб хотиржам бўлмоқ” маъносида: Булар овқатлардан еб, қорни тўйиб, қовзаниб олди, сувдан ичди. Қаландарларнинг кўнгли тинди (154) каби;

б) муайян ҳаракат жараёни билан боғлиқ иборалар.

Бу йўналишдаги иборалар дoston матнида оз миқдорни ташкил этади. Биз қуйида уларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталамиз. Қўлга тушмоқ ибораси икки маънода қўлланганлиги кузатилди: а) “муайян айби, қилган иши ошкор бўлиб тутилмоқ” маъносида: Қўлга тушган катта девни // Силтаб ҳавога отди(146); Қирган билан адо бўлмайди, // Қўлга тушиб бораётир (150); б) “муайян айб қилишдан ёки фириб ейишдан огоҳлантириш” маъносида: Албатта хабардор бўлгин, Шозаргар // Қўлга тушса, Аваз ўғлон ўлади (163); Ўзингга бохабар бўлгин, Шозаргар, // Қўлга тушсанг, ўлдиради бу девлар (164); Қўл солиб – “муайян ҳаракатни бажарувчи аъзо (восита) сифатида”: Қўл солиб ўйнасанг қордай тўшима, // Борайинми, тўрам, сенинг қошинга? (48); кўзи тушмоқ – “кўрмоқ, кўриб қолмоқ ёки кўриб қолишдан чўчимок” маъносида: Агар кўзи тушса, подшоҳ отамнинг, // Қандай бўлса бир хўшлашиб кетармиз (122); Бунга қора кўрсатмаклик не даркор, // Кўзи тушса тайин бизни ўлдирар (193) каби.

“Малика айёр” достони лексикасида кўз, бош, юрак, қон, ақл лексемалари билан боғлиқ иборалар фаол қўлланганлиги аниқланди. Биз қуйида “қон” узвли ибораларининг семантик маъноларига эътиборни қаратамиз. Қон ютмоқ – “иложсизликдан қайғуда, имконсизликдан азобда қолмоқ” маъносида: Айрилиқ бағримни йиртиб, // Кеча-кундуз шабгир тортиб, // Малика, деб қонлар ютиб, // Гул юзим сўлди, найлайин (59). Қон тўкмоқ ибораси “қурбон бериладиган уруш, жанг қилмоқ; шу йўл билан киши(лар)ни қурбон қилмоқ” (ЎТИЛ, 5, 329) ёки жонли тилда “уруш-жанжал қилмоқ” маъноларини англатади. Бу

ибора ҳам тадқиқ қилинган достон матнида “қон тўкилмоқ” ибораси билан синоним бўлиб келган, бадиий тасвирда эпик қаҳрамон нутқида ёки халқ бахшисининг сюжет баёнида семантик маъноларни ҳосил қилган. Улар: а) “уруш-жанг қилмоқ, шу йўл билан кишиларни қурбон қилмоқ” (ЎТИЛ, 5, 329), уруш-жангни ишташ маъноларида: *Шул сабабдан бек Авазхон // Қон тўқар майдон ичинда (29); Шулдир Авазнинг саваши, // Қон тўқар майдон ичинда (29);* б) “одамларни ўлдириш истаги” маъносида: *Ғайрат билан қон тўкишмоқ лозимди(р), // Англаб билгин менинг айтган сўзимди (131); Ҳар қайсимиз гуруллашган аждаҳор, // Одамзодман қон тўкишмоқ даркор (131);* в) “уруш-жангда одамлар аёвсиз равишда ўлдирилганлик, беҳисоб қонларни оқизганликнинг таъкиди” маъносида: *Қон тўкишидик Кўкламтоғнинг белида, // Қон тўкишган меҳрибоним, ҳўш энди (196).*

“Қаттиқ эзилиб куйиб йиғламоқ, қаттиқ азобли ҳолатда бўлмоқ” (ЎТИЛ, 5, 329) маъносини ифодаладиган қон йиғламоқ ибораси ҳам достон матнида бадиий тасвирдаги эпик қаҳрамонлар нутқида ёки халқ бахшисининг сюжет баёнида қатор семантик маъноларни ҳосил қилган: а) эзилмоқ, азобли ҳолатда бўлмоқликни таъкидлаш: *Ҳеч бир киши бўлолмайди баробар, // Қон йиғлашиб қолар бунда канизлар (106);* б) азобли ҳолатни, йиғламоқликни истамасликни таъкидлаш: *Хафа бўлиб нодон кўнглинг бўлмагин, // Мен кетгандан қонлар йиғлаб юрмагин (120); Мен кетган сўнг лодон кўнглин бўлмасин, // Фарзандим, деб қонлар йиғлаб юрмасин (123);* в) азобда қолганликка иқрор бўлиш ва эзилганликни таъкидлаш: *Сенинг зарбингдан мен ҳам қон йиғлаб, // Оллоҳ, Шоқаландар, сендан куйдим-да (168).*

Қонга бўямоқ ибораси достонда уч ўринда қўлланганлиги кузатилди ва улар қуйидаги маъноларни ифодалаган: а) қонга ўхшаш қизил рангни таъкидламоқ: *Зарафшон зулфингга урибсан шона, // Хиоли қўлларинг бўябсан қона (8);* б) сўйилган туялар қонини сувга оқизмаслик: *Қонга бўяб Зарчашиманинг сувини, // Йиқитди Бектошининг беш минг тувини (27).*

Қонли ёш, қонли жола иборалари достон матнида “шахсга хос ҳиссиёт, ҳис-туйғуга дахлдор муайян ҳолатни, йиғлашдан

ҳосил бўлган кўз ёши” маъносини ифодалайди: *Ота, эшит менинг айтган ноламни, // Тўкарман кўзимдан қонли жоламни (15); Кўзингдан тўкарман қонли ёшингни, // Қилич уриб кесай тандин бошингни (18); Қон билан ювмоқ ибораси дoston матнида “қайғули азобда қолмоқ, бағри қон бўлмоқ” маъносини ифодалаган: Қиличин қон билан ювган // Чамбилдан Гўрўғли келди (33).*

Қон кечмоқ ибораси дoston матнида аёвсиз урушдаги сон-саноксиз қурбонлар бериш эвазида ҳосил бўлган қонлардаги муайян ҳаракатни ифодалайди: *Икки тулпор шу тоғда // Чачасидан қон кечди (135); Ғиркўк от оғзин очди, // Тиззасидан қон кечди (166); Остидаги минган оти // Чачасидан қонни кечиб (147) каби.*

Кўрамизки, қон узвли ибораларнинг дoston матнидаги семантик маънолари хилма-хил. Ш.Раҳматуллаевнинг таъкидлашича, *юраги қон бўлди* ибораси ўзбек тилида *юрагини сиқмоқ – юраги сиқилди, юрагини эзмоқ – юраги эзилди* иборалари билан синонимик қаторни ҳосил қилиш имкониятига эга (ЎТИФЛ, 276-277). Г.Жуманазарованинг маълумот беришича, *қон тўкмоқ* иборасининг қўлланилиш миқдори биз текширган дostonда қон узвли ибораларининг бошқаларига қараганда жуда юқори, *қонга бўямоқ* ибораси жуда кам миқдорда ишлатилган⁸³.

“*Марднинг боши ерда қолмас*” паремаси ҳам дoston матнида қўлланган. Бу пареманинг айрим вариантлари (масалан, *марднинг ҳар ерда манзили бор*) халқ орасида учрайди (ЎТПЛ, 139; ЎХМИЛ, 245). Мазкур парема дoston матнида “мардлик кўрсатган, мардлик билан донг чиқазган одамни ҳамма танийдилар, ҳурмат эҳтиром билан қабул қиладилар. Мард қаерга борса, бир манзил топади, кўчада қолиб кетмайди”, - деган маънони ифодалайди. “Малика айёр” дostonида Гулқиз парининг Авазхонни хурсандчилик билан кутиб олиб, унга қарата айтган нутқида ҳам айни ҳолни кузатамиз: “*Пастки кўшткига етиб, Авазхоннинг қадди-қоматини кўриб, ошиқи беқарор бўлиб, “Марднинг боши ерда қолмасин”,*

⁸³ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012, – Б.61-65.

Авазжоннинг бошини тиззасига олиб, “Қайси мамлакатдан келдинг?” деб сўраб, бир сўз деди...”(51) каби.

«Чақирмаса борув йўқ, чақирган ердан қолув йўқ» паремаси ҳам шаклан дoston тилида учрайдиган, лекин, мантиқан ҳозирги паремиологик бирликларга тенг келадиган лисоний бирликлар намунасига киради, қўлланиши жиҳатидан қадимий даврларга бориб тақалади. Буни махсус луғат⁸⁴ ва тўпламларда ўрин олганлигининг ўзи ҳам тўла тасдиқлайди (ЎТПЛ, 223; ЎХМ, II, 139). Мазкур паремиологик бирликнинг жонли тилимизда фаол қўлланадиган вариантлари халқ орасида кўплаб учрайди. ЎТПЛда *“Чақирган ернинг узоғи йўқ”, “Чақирган ер узоқ бўлса ҳам, эринма, чақирмаган ерга борма, кўринма!”*, *“Чақирган ернинг узоғи йўқ, Узоқ бўлса ҳам тузоғи йўқ”, “Чақирмаган ерга борма, чақирган ердан қолма!”*, *“Чақирмаса – борув йўқ, чақирилса – қолув йўқ”* каби намуналар қайд этилган (223-224). ЎХМда ҳам таъкидланаётган паремиологик бирликнинг ўн иккита хилма-хил вариантлари берилган (13). ЎХМИЛ муаллифлари ҳам мақолларни изоҳлаш жараёнида юқоридагиларга ўхшаш: *“Айтган ерга эринма, айтмаган ерга кўринма”, “Чақиргандан қолма, ўзинг босиб борма”* каби бошқа вариантлар ҳам борлигини таъкидлайдилар (16-б).

Кўрамизки, изоҳланаётган паремаларнинг қўлланиш даражаси халқ орасида кенг қамровли. Бу эса шоирга дoston ижроси жараёнида жуда қўл келган. Бу ўринда биргина мисол келтириш билан чегараланамиз: “Малика айёр” дostonидаги Гулқизойимнинг канизлари Шоқаландар бошлиқ бекларни хуш кайфият билан кутиб олишининг эпик тасвирида, аниқроғи, Шоқаландарнинг бекларга қарата айтган мурожаатида *“Чақирмаса – борув йўқ, чақирган ердан қолув йўқ”* паремаси ўринли қўлланилган: *“Шоқаландар бу сўзни эшитиб, бекларга қараб: – Борсак борайлик, ҳар кимни биров чақирса, борган яхши. “Эр тилаган ерда азиз”, деган сўз бор. “Чақирмаса – борув йўқ, чақирган ердан қолув йўқ”, деган экан, юринглар! – деб отнинг бошини буриб, беклар билан бирга-бирга”* Гулшанбоққа қараб кела бердилар (184) каби.

⁸⁴ Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. -15-19-б.

Достон матнида ўттиздан ортиқ ҳикматли сўзлар ва афористик бирликлар ҳам учрайди: *Мард киши номард қўлида ўлами, // Худодан беамр ишлар бўлами (90); Банда кўнар тангри қилган ишига (66); «Йўли бўлган йигитнинг янгаси олдидан чиқади» (182); Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини (42); Яхшилиқ кўр, ёмонликни кўрмагин (163); Шукур қилгин, давлатингни кам дема (36) каби.*

Хулоса қилиб айтганда, достон тилида паремиологик бирликларнинг икки хил номи учраган: Адабий тил доирасида ва шеваларда фаол қўлланадиган намуналар. Ҳар иккала намуна достон тилининг лингвопоэтик имкониятлари ва услубий хусусиятларини очиб беришда муҳим манба саналади. Умуман, ўзбек халқ достонлари тилидаги паремиологик бирликларни қўлланилган матнлар билан тўплаш, уларнинг маъноларини изоҳлаш, матндаги контекстуал ва ситуатив услубий хусусиятларни таҳлил қилиб берувчи қатор илмий-назарий тадқиқотлар яратиш, уларнинг ҳар хил вариантларини, синоним ва антонимларини кўрсатувчи, диахроник ва синхроник йўналишдаги маъноларини изоҳлаб берувчи махсус луғатлар тузиш, уларни нашр қилиш ишларини амалга ошириш⁸⁵ ҳозирги тилшунослигимиз олдида турган энг долзарб вазифалар саналмоғи лозим.

⁸⁵ Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, – 2012. Б.169.

ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот объектига жалб этилган “Малика айёр” достони лексикасида халқимизнинг муайян турмуш тарзи, унинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий даражаси хилма-хил расм-русумлар ва урф-одатлари ўз ифодасини топган.

Достон матнида қўлланилган барча сўзларни тарихий-этимологик жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш бизга қуйидаги гуруҳларга ажратиш имконини берди: ўз ва туркий қатламдаги сўзлар; форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлар; араб тилидан ўзлашган сўзлар.

Достон сюжетида бевосита алоқадор эпик воқеа-ҳодисалар, предметлар, нарсалар ва эпик қаҳрамонлар номлари, ҳаракат-ҳолатларни ва уларнинг бирор белги-хусусиятларини, шунингдек, миқдор ва ҳажм тушунчаларини, уларни кўрсатишга, ишора қилишга хизмат қиладиган лексик бирликлар бир қатор номинатив-тавсифий ва бадиий-услубий вазифаларни ҳам бажариб келган.

Давлат бошқарувига оид муайян унвон, мансабни ифодаловчи сўзлар тизими тарихий-кундалик ҳаётдаги каби тадқиқ қилинган достон тилида ҳам муайян даражада ўз ифодасини топган.

Достон лексикасида ҳарбий атамалар ҳам анчагина учрайди. Уларни семантик жиҳатдан бир неча гуруҳга бўлиб ўрганилди. Улар: ҳарбий ҳаракатларда иштирок этувчи эпик қаҳрамон (шахс) тушунчасини ифодаловчи атамалар; қурол-яроғ тушунчасини ифодаловчи лексемалар; ҳарбий иншоатлар номини ифодаловчи атамалар; ҳарбий ҳаракат усуллари ва улар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи атамалар.

Достон лексикасида антропонимлар ва топонимлар, шунингдек, маъмурий-ҳудудий бўлиниш ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни ифодаловчи лексемалар ҳам фаол қўлланган. Улар достон лексикасининг муайян гуруҳларга бўлинишида ашёвий далил сифатида хизмат қилган.

Зоонимлар тилимизнинг луғат бойлигида ҳам, халқ достонлари тилида ҳам мавжуд бўлиб, улар табиат, жамият

ҳақидаги хулосаларни, эпик қаҳрамон (инсон) феъл-атвори, ҳаракатига хос ижобий ва салбий вазиятларни намоён этишга, таъсирчанликка хизмат қилади. Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида зооним ва зооним компонентли матн таҳлилига бағишланган тадқиқотлар тарихий, лексик-семантик, функционал-услубий ҳарактерга эга бўлиб, уларда ҳайвон номларининг семантик хусусиятлари ёритилган.

Достон лексикасида мавҳум маъноли лексик бирликлар ҳам анча фаол қўлланган. Эпик қаҳрамон (шахс) руҳияти, характер-хусусияти, орзу-ўйлари, муайян ҳолати, ташқи кўриниши билан белги-хусусиятларни ифодаловчи лексемалар, шунингдек, дунё ва уни яратувчи ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ лексик бирликлар шулар жумласидандир.

Кўп маънолилиқ ҳодисаси сўзнинг семантик қурилишига оид лисоний хусусиятлар саналади. “Малика айёр” достони матнида қўлланган бирдан ортиқ маънога эгалик (полисемия) деярли барча сўз туркумларида учрайди. Айни тамойилларга асосланиб кўп маъноли сўзларни семантик, лексик-грамматик ва генеалогик нуқтаи назардан ўрганиш бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан биридир.

“Малика айёр” достонида қўлланган ибораларнинг кўчма маънога асосланиши ва образлилиги унинг эпик тасвир имкониятларини кенгайтиришга, қолаверса, (бадий) тасвир воситаси сифатида муайян даражада хизмат қилган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1964.
2. Абдурахмонов Д. Бектемиров Х. Ўзбек халқ достонлари ономастикаси // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 186-191.
3. Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи масалаларига доир // Ўзбек тили грамматикасидан материаллар.-Т., 1949, №1.–Б. 89-93.
4. Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 2016. – 82-84.б.
5. Абдужабборов Ф. “Кутадғу билиг”да шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика: Филолог. фанлари номз. дисс. автореф. – Т., 2011.
6. Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-хунар номлари материаллари асосида). ДДА.-Т., 2005. – 55 б;
7. Абдиев М. Саҳовий лексиканинг систем таҳлили. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004, – 262 б.
8. Abbosali Vafioiy, Sherali Avezmetov. O‘zbek tiliga o‘zlashgan forsha so‘zlar. –Tehron-Toshkent: “Al Xudo” xalqaro nashriyat, Movaroounnahr nashriyati, 2005.- B.216-217.
9. Айдогмуш Э. Турк жана кыргыз тилиндеги зоонимдер: Дисс. ... канд. филол. наук. – Бишкек, 2004.-198 с.
10. Боровков А. К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков // Ученые записки ин-та Востоковедения.-М.:1952.
11. Бафоев Б.Алишер Навоий лирикасида “сар” сўзи орқали ясалган қўшма отлар // Адабий мерос. №1.-Тошкент: Фан, 1968.-184.
12. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Тошкент, 1985.-200.б.
13. Будагов Р.А. Введение в наука о языке. – М.: Учпедгиз, 1958.-С 39-50.

14. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 15-19-б.
15. Гулямов Х. Узбекиско-таджикские языковые связи. – Ташкент: Фан, 1983. – С.9-80-125.
16. Дониёров Х. Қипчоқ шеваларини ўрганишда халқ достонларининг роли // Ўзбек халқ ижоди. – Т.: Фан, 1967. – Б.162-166.
17. Дадабоев Х. “Бобурнома”даги ахлоқ-атвор лексикаси хусусида // Филология. №6. Самарқанд, 2004. – Б.3-7
18. Дадабоев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIVвв. – Т., 1991. С. 42-59.
19. Дадабоев Х. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. – Т.:2008.
20. Дадабоев Х. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Т.: 2007.
21. Дадабаев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке, Автореф. дисс.... канд. филол. наук, – Ташкент, 1981.
22. Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Ташкент: Фан. 1990.-С.65.
23. Древнетюркский словарь. – Л., 1969. – С.396.
24. Жуманиёзова М.Х. Хоразм халқ қўшиқлари лексикаси: филол. фан. номз. ...дисс. Автореф. – Тошкент 1999.- 24 б.
25. Жуманазарова Г.У. “Ширин билан Шакар” достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008.
26. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлар тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Филол. фан. д-ри ...дисс. – Тошкент, 2017.
27. Жуманазарова Г. Халқ достонларидаги ўхшатишнинг лингвопоэтик имкониятлари. – Тошкент: Тафаккур нашриёти, 2011.
28. Жуманазарова Г.У. Ўзбек халқ достонлари матнининг лингвостатистик таҳлили. – Тошкент: Тафаккур нашриёти, 2011.

29. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Филол. фан. д-ри ...дисс. – Тошкент, 2017.- Б.27-28.
30. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. Б.20.
31. Жуманазарова Г.У. «Ширин билан Шакар» дostonининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианти асосида). : Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2008. – 229 б.
32. Жуманазарова Г.У. “Баҳром ва Гуландом” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2010. - 307 б.
33. Жуманазарова Г.У. “Балогардон” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). –Жиззах: Сангзор, 2010. - 329 б.
34. Жуманазарова Г.У. “Зевархон” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2010. - 296 б.
35. Жуманазарова Г.У. “Лайли ва Мажнун” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2011. - 254 б.
36. Жуманазарова Г.У. “Малика айёр” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2009. - 491 б.
37. Жуманазарова Г.У. “Нурали” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). –Жиззах: Сангзор, 2011. - 275 б.
38. Жуманазарова Г.У. “Рустамхон” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). –Жиззах: Сангзор, 2009. - 327 б.
39. Жуманазарова Г.У. “Ширин билан Шакар” дostonининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2009.-337 б.

40. Жуманазарова Г.У. “Фарҳод ва Ширин” достонининг лексикографик манбалари (тадқиқот-луғат). – Жиззах: Сангзор, 2011. – 263 б.
41. Ишаев А. Халқ достонлари лексикасидан // Ўзбек халқ ижоди. Т.: Фан, 1967.-Б.167-177.
42. Ишаев А. Достонлар тилининг баъзи бир хусусиятлари // Эргаш шоир ва унинг достончиликда ўрни. – Т.: 1971.-Б. 173-179.
43. Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари. – Т.: Фан, 1966. – 150 б.
44. Yo‘ldoshev B., O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlarining chastotali izohli fraziologik lug‘ati. – Toshkent; O‘ME, 2008. 98 b.
45. Камолов Ф. Ўзбек тили лексикаси.-Тошкент-1953.
46. Қучқартаев И. Семантика глагололов речи в узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ...канд.филолог. наук. – Т., 1978.
47. Маҳмудов Н. Ўзбекнинг ўлмас сўзи // Тилимизнинг тилла сандиғи – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 88-96-б.
48. Маҳмудов Н. “Алпомиш” достони лингвопоэтикасига чизгилар // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари, №4.-Т.: 2010, 12-18-бетлар.
49. Муҳаммедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол.фан. д-ри... дисс. автореф. – Т., 2007.
50. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан. 1975. – Б. 3.
51. Неъматов Х., Ғуломов А., Маҳмудов Н., Қодиров Н., Абдураимова М. Она тили // Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси. 1-махсус сон. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.62.
52. Никонв В.А. Введение в топонимику. – М., 1965. – С. 47; Бегматов Э., Орипов У. Микротопоним тушунчаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000.-№3.-Б.26.
53. Покровская Л.А. Термины родства тюрских языках // Историческое развитие тюрских языков. – М., 1961. С.

54. Пардаев А.Б. Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчиларнинг функционал-стилистик хусусиятлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2005. – 25 б.
55. Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане «Алпамыш»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук... – Ташкент, 1981. – 23 с.
56. Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. – Т., 2005.
57. Раҳимов А.С. Ўзбек халқ достонлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002.
58. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (Арабча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2003.
59. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент, 1965.
60. Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985.
61. Суюнов Ҳ. “Алпомиш” достонини ўрганишда компьютер технологиясидан фойдаланиш. – Адабий таълим ва ёшлар тарбияси, 3-китоб.-Т., 50-52- бетлар.
62. Содиқова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (семантик аспектда): Филолог. фанлари д-ри... дисс. автореф...-Т., 1991.
63. Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990.
64. Тўйчибоев Б. “Алпомиш” ва халқ тили.-Т.: Адабиёт ва санъат, 2001.-160 б.
65. Тожибоева М. Алишер Навоийнинг “Илк девон”идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011.
66. Турсунова О. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланилган ҳуқуқий терминларнинг лисоний тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2007 – 33-б.

67. Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларнинг лингво-культурологик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. Тошкент, 2017, Б.12.
68. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1992.-Б.55-107.
69. Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форс ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. Туркча (ўзбекча) форсча (тожикча) тил алоқалари.- Тошкент: Фан, 1968.- 78 Б.
70. Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. Тошкент, 2000.
71. Холмонова З. «Шайбонийхон» дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. Т., 1998.
72. Холманова З. Бобурнома лексикаси. – Т.: Фан, 2007. – Б.76.
73. Холмонова З., Тошева Д. Зооним компонентли паремаларнинг изоҳли луғати (ўзбек, инглиз ва рус тили материаллари асосида). Луғат. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016. - 260 б.
74. Хаитова Ф.Б. Никоҳ тўйи қўшиқларининг лисоний талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998.-24 б.
75. Хожимусаева Н. “Орзигул” дostonида ўхшатишлар // Стилистика ва прагматика. 2-қисм. – Самарқанд, 2010.- 137-140-бетлар.
76. Хожимусаева Н. “Орзигул” дostonи тилининг луғати (сўзлик, алфавитли луғат, частотали луғат, терс луғат). – Т.: Фан ва технологиялар, 2012. – 387-б.
77. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2002. – Б.124.
78. Ҳасанова Д. Арабча луғавий ўзлашмаларнинг ўзбек тили номинатив ва дериватив тизимдаги ўрни. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. - Тошкент, 2011.

79. Ҳолиқов А.А. “Гўрўғлининг туғилиши” достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009.
80. Шоабдурахманов Ш. О художественных средствах языка поэмы «Равшан»: Автореф. дис. ...канд. филол. наук.- Ташкент, 1949.
81. Шералиев Э. Лексика узбекских говоров северо-восточного Таджикистана: АКД - ., 1974. – 19 с.
82. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б.113-115.
83. Щербак А.М. Названия домашних и диких животных в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. –М., Акад. СССР, 1961.-С.82-150.
84. Эшмуродов А. “Холдорхон” достони матнида товуш тушиш ҳодисаси. // Стилистика ва прагматика. – 2- қисм. – Самарқанд, 2010. 101-103-бетлар.
85. Эшмуродов А. “Холдорхон” достонида стилистик формулаларнинг қўлланилиши // Иқтидор.№.- Т.: Фан. 2012. – 58-61-бетлар.
86. Эгамов В. Ўзбек шеваларида сўнг кўмакчили сўз бирик-маларининг семантик-грамматик муносабатлари // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва стилистикаси масалалари. Илмий тўплам. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1996. Б. – 58.
87. Ўраева Д. “Авазхон” достонининг лексик қатламини ўрганиш // Адабий таълим ва ёшлар тарбияси, 3-китоб. – Т., 2010. – 45-46-бетлар.
88. Ўринова О. Равшанова Г. “Алпомиш” достонида ўхшатиш конструкциялари // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари, №. – Т.: 2010, 73-76-бетлар.
89. Ўринова О. Ш.Чориева. “Алпомиш” достонида эпитетлик конструкциялар. Юқоридаги тўплам. – 76-77- бетлар.
90. Ўзбек тили грамматикаси (Морфология). 1-том. Тошкент: Фан. 1975. – Б.124.
91. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томлик. 1-том. – М.: Рус тили, 1980. – 97 б.

92. O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlari tilining chastatali lug‘ati. – Toshkent, 2006. – 244 b.
93. O‘rinboyeva D., Umurzoqov U. O‘zbek xalq dostonlari tilining alfavit-chastotali lug‘ati. – Toshkent, 2006. – 395 b.
94. Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан, 1981.-Б.209.
95. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент, 1978.
96. Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири.-Т., 1974.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
-------------	---

I БОБ. ДОСТОН ЛЕКСИКАСИДАГИ ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

1.1. Достон лексикасида туркий қатламнинг қўлланилиши	9
1.2. Форсча-тожикча ўзлашмаларнинг достонда қўлланилиши	16
1.3. Достонда арабча ўзлашмаларнинг қўлланилиши	26

II БОБ. ДОСТОН ЛЕКСИКАСИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

2.1 Достондаги сўзларнинг мавзуий гуруҳлари ва уларнинг лексик-семантик табиати	32
2.2. Достондаги ижтимоий-сиёсий лексиканинг функционал-семантик таҳлили.....	76
2.3 Достондаги антропонимлар ва топонимлар.....	93
2.4 Маъмурий ҳудудий бўлиниш ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни ифодаловчи лексемалар	101
2.5 Зоонимларнинг этимологик, функционал ва семантик тадқиқи.....	106
2.6. Мавҳум маъноли лексик бирликлар	116

III БОБ. ДОСТОН ЛЕКСИКАСИНИНГ СЕМАНТИК- СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Достонда қўлланган кўп маъноли сўзларнинг семантик, лексик-грамматик ва генеалогик тадқиқи.....	127
3.2 Паремиологик бирликлар ва уларнинг услубий хусусиятлари	142
ХУЛОСАЛАР	149
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	151

Адабий-илмий нашр

ИЛҲОМЖОН УМАРОВ

**“МАЛИКА АЙЁР”
ДОСТОНИ ЛЕКСИКАСИ**

Муҳаррир:

Раъно Муллаҳўжаева

Техник муҳаррир:

Акбаршоҳ Иноятов

Мусахҳиҳ:

Дилноза Рустамова

Бадиий муҳаррир:

Василий Бурцев

“Muharrir nashriyoti”

Лицензия: АИ № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2019 йил 20 мартда берилди.

Босишга 2019 йил 12 апрелда рухсат этилди.

Бичими: 60x84 1/16 «PT Serif» гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.

10 шарт. б.т. 9,3 ҳисоб нашр. таб.

Адади 300 нусха. 35-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru